

81.633.1

Ў16

253

**ЎЗБЕК
ТИЛШУНОСЛИГИ
МУАММОЛАРИ**

TOSHDOTAU



0000002727

81.633.1

81235-8805

516

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ



S

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ
МУАММОЛАРИ

(илмий мақолалар тўплами)

Nizomiy nomi
T D U
kutubxonasi

нов
Филм

011157

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
Toshkent DDU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ - 2003

Мақолалар тўплами ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларига бағишланади. Тўпладан тил назарияси ва тилшуносликнинг деярли барча соҳаларига – йўналишларига оид мақолалар ўрин олган.

Асар талабалар, тадқиқотчилар, тилшунослар учун мўлжалланган.

Профессор Б.Г.Қодировнинг
умумий таҳрири остида

Таҳрир ҳайъати:

Ф.ф.д., проф. Р.Расулов – масъул муҳаррир
Ф.ф.н., доц. И.Йулдошев – аъзо
Ф.ф.н., доц. М.Йулдошев – аъзо
Катта ўқит. Д.Жумашев – масъул котиб

Проф. Ҳамид Неъматов.
Гулноз Неъматова БухДУ

Она тилининг онгли вербал, индуктив-
когнитив-прагматик таълимида ўқитувчи
масъулияти

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида» ги Қонуллари, Президентимизнинг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида» ги фармонлари таълим, жумладан, умумий ўрта таълимнинг таянч бугини (V-IX синфлар) олдида алоҳида –ўқувчиларда мустақил ва эркин фикрлай олиш кўникмаларини шакллантириш вазифасини қўяди. Президентимиз Ислон Каримов ўз маърузаларида бунга алоҳида ургу бердилар: «Демократик жамиятда болалар эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар». [1, 9]

Маълумки, шўро педагогикаси ва дидактикаси билимдон ижрочи (яъни мутеъ ва фармонбардор) шахсни тарбиялашга қаратилган эди. Давр эса билимдон ва шу билан бирга тезкор, ижодий фикрловчи, тадбиркор шахсни етиштиришни талаб этади. Бу, ўз навбатида, таълимни бихевиористик ёндашувдан онгли вербал-когнитив асосларга ўтказишни талаб қилади[4, 84].гарб ва Америка педагогикасида бу соҳада изланишлар ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ авж олган эди[3, 8;]. Миллий истиқдол шарофати билан Ўзбекистонимизда умумий ўрта таълим изчиллик билан ижодкор шахсни етиштиришга хизмат қилувчи онгли вербал-когнитив асосларга ўтказилмоқда.

Ўқувчиларда ижодий тафаккурни шакллантиришда она тили таълими технологияси (мақсади, воситалари, мазмуни.Ўқув материали, бу дарсда ўқувчи ва ўқитувчи муносабатлари, дарсни ташкил этиш тамойиллари в.х.к). Мактабда ўқитиладиган фанлар силсиласида алоҳида мавқе ва аҳамиятга моликдир. Чунки, тил нафақат тафаккур кўзгуси, балки уни шакллантирувчи, ривожлантирувчи, озиқлантирувчи муҳим воситадир.

Тилнинг, жумладан, она тилининг инсон тафаккури, дунё-борлиқни қабул қилиши, хулқ-атворининг, дунёқарашининг шаклланиши ва ривожлантиришдаги ўрни Низомиддин Махмудовнинг «Тил» рисоласида батафсил шарҳланган [6;]. Шунинг учун мактабда она тили таълими олдида алоҳида ўқувчида умумий ижодий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш вазифаси туради. Афсуски, узоқ муддатлар давомида она тили таълими олдида саводхонликни таъминлаш ва тилшунослик илми асосларини ўргатиш каби вазифа қўйиб келинди. Саводхонликни таъминлаш, шубҳасиз, бошлангич таълим бугинида она тилини ўқитиш олдида турган энг муҳим вазифадир. Лекин умумий ўрта таълимнинг таянч бугинида (V-IX синфларда) она тили таълимини грамматика илми асослари билан чеклаш ўқувчиларда ижодий тафаккурни бугиш, уларда, айниқса, 10-12 ёшда барк отиб очиладиган ижодий тафаккур куртакларини сундиришдан бошқа нарса эмас эди. Тўғри, кейинчалик (70-йилларда) таълимнинг бу бугинида она тилини ўқитиш олдида янги-нутқни ривожлантириш вазифаси қўйилди. Лекин ижодий тафаккурсиз нутқни ривожлантириш уругсиз ўсимлик ўстириб, ҳосилга умид боғлаш каби ҳаёлдир, холос.

Нутқ ижодий тафаккур шакланган ҳолдагина ривожланган бўлади, ижодий тафаккур соҳибигина имловий, талаффузий ва услубий саводхонликка ички эҳтиёж сезади.

Ҳозирги кунда она тили таълимининг технологияси тубдан янгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 390-қарори (1999 й.) билан тасдиқланиб, умумий ўрта таълим тизимига жорий этилган ДТСлари ва шу стандартлар асосида тузилган V-X синф «Она тили» дастурида бу ўқув фанининг мақсади янгича белгиланган: «Она тили таълими болаларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр махсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилиши лозим» [2, 56-57]. Шу билан бирга ўқувчи таълим (ўрганиш) жараёнининг субъекти мавқеига кўтарилиб, унинг мустақил фаолятига кенг ўрин берилди, таълим усули, мазмуни ва воситалари, ўқув материали табиати шу мақсад билан уйғунлаштирилди. Дастур ва шу

дастур асосидаги «Она тили» дарсликлари шундай тузилганки, ҳар бир мавзунини ўзлаштириш жараёнида ўқувчи қуйидаги турдаги мустақил ақлий фаолият билан шугулланади: 1) тузатиш, 2) излаш ва топиш, 3) алоқидаликларни шарҳлаш, 4) қиёслаш, 5) ўхшашликларни топиш, 6) фарқларни аниқлаш, 7) тасвирлаш, 8) умумлашма чиқариш, 9) алоқадорликларни аниқлаш, 10) қўллаш, [5]. Дарслик топириқ ва йўлланмалар асосида ўқитувчи рақобатлигида ҳар бир мавзу устида ўқувчи мана шундай мустақил ақлий фаолиятни бажармаса, она тили таълими ўз мақсадига эришган деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Ҳозирги кунда она тили машгулотларида ўқувчиларнинг шу турдаги ақлий фаолият билан шугулланишлари, унинг натижасида ҳам ўз умумий, ижодий тафаккурларини ривожлантириш, ҳамда она тилининг чексиз имкониятларини ўзларига сингдириб, бу имкониятлардан самарали равишда амалий фойдалана олиш кўникмаларини шакллантиришлари учун зарур бўлган моддий ва илмий-методик замин етарлими? Афсуски, йўқ. Бундай асос яқин йилларда яратилиши ва оммалаштирилиши лозим. Шунинг учун она тили таълимининг онгли вербал, индуктив-когнитив-прагматик таълим усулининг муваффақиятли ва самарали тадбири ниямаларга муҳтож эканлигини, яъни олдимизда турган муҳим вазибаларни бир-бир санаб ўтамиз.

Масала, энг аввало, ўқитувчига бориб тақалади. Муҳтарам Президентимиз : «Замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак [1, 7, 3], »-деб бежиз айтмаганлар. Ҳозирги кунда ўқитувчиларимизнинг асосий кўпчилиги болаларга когнитивлик (яъни боланинг маълум мавзу бўйича изланишини бошқариш-йўналтириш ва хулосалаш, қўллаш) асосида таълим бериш малакаларига эга эмас. Улар дарслик доирасида, унинг материаллари асосида ишлашга одатланишган. Ҳозирги дарсликлар эса ўқувчи ва ўқитувчига ўқув материалларини топиш, саралаш в.ҳ.к. бўйича фақат намуна ва йўлланма беради, холос. Олдин ўқувчининг билими дарслик материаллари билан чекланарди. Энди эса, тамоман акси-дарслик материаллари фақат намунагина, холос. Олдин ўқитувчи ўқувчига бирор топириқ ёки савол берганда ўқувчининг қандай жавоб бериши ўқитувчига маълум эди. Энди эса бундай эмас. Айрим масалаларда ўқитувчи ўқувчининг ундан илгарилар

кетганлигини тан олмоғи лозим. Табиёки, масалан, ит (ёки қовун, узум в.х.) турларини атовчи сўзларни топиб келиш ва маъноларини изоҳлаш топширигини олган синфдаги 25-30 ўқувчи катгаларга мутахассисларга мурожат қилиб, ҳар бири камида 10 тадан сўз топиб келса, 200-300 сўз устида ишлайди. Албатта, бу сўзларнинг барчаси ўқувчига таниш эмас. Ўқитувчи бунини тан олиши, ўқувчи изланиши ва кашфиётини рағбатлантириши лозим. Ҳозир эса, кўп ҳолларда, аксинча. Шунинг учун ўқитувчининг ўзи ҳар бир машғулотга пухта тайёрланиши, дарслик ўқувчи учун мавзу устида ишлашга берадиган йўлланмалар устида атрофлича ўйлаши лозим.

Амалдаги дарсликлар билан амалётчи ўқитувчиларимизнинг бевосита синфларда ишлашларини кузатиш ва таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, жуда кўп ҳолларда берилган машқларни муҳтарам ўқитувчиларимиз ўз савия ва дидларига мослари билан алмаштириб, дастуур ва дарслик мақсадини буздилар, когнитив таълимни ретроскопик билим олиш билан алмаштирадилар.

2000-01 ўқув йилида бир мактабда 5-синф дарслиги, унинг яроқсизлиги масаласи кўтарилди. Ишга нафақат ўқитувчилар, балки болаларнинг ота-оналари ҳам аралашдилар. Танишдик, таҳлил этдик. Масала бундай бўлган экан:

5-синф дарслигини 203-машқда шундай топшириқ берилган «Сўз жуфтлари берилган қаторларни ўқиш а, и, у, ў унлиларининг талаффузига эътибор беринг» ва тўрт қаторга ажратилиб, 15 жуфт сўз берилган.

Ўқитувчи нима қилиши керак эди ва нима қилганки, мактабда ва оилаларда дарсликка нисбатан «қўзғолон» кўтарилган?

Муҳтарам устоз дарсга тайёрланмай келганлар ва одатларига (сўзлар рўйхатини кўргач): «Бу сўзларни қўллаб, биттадан гап тузинг!» амрини берганлар Ўқувчилар бир соат вақтини сарфлаб, 10-15 сўзни қўллаб гаплар тузганлар ва қолган сўзлар устида «иш»ни уй вазифаси сифатида олиб тарқалишган. Лекин уйда кир, кул, тўл каби омоним (Шаклдош) сўзлар устида иш жараёнида ота-оналарга мурожат қилишган. Улар эса бунақа аҳмоқона топшириқдан газабланишган ва норозилик билдиришган. Муҳтарам ўқитувчи айбни янги дарслик ва унинг муаллифига тўнкаб, уларни гиж-гижлаган. Натижада каттагина жанжалга сабаб бўлган.

Ўқитувчи нима қилиши керак эди?

У тўрт қатордан ҳар бирини синфдаги тўрт «Зукколар гуруҳи» га бўлиб бориши, ҳодисаларни кузатиб, х, г ва к, г товушлари унлилар талаффузига қандай таъсир этишни аниқлашлари, яна икки-уч шундай мисол топишлари лозимлигини ўқитиб, уларга 3-5 дақиқа вақт бериши керак эди. Кейин гуруҳлар бўйича натижани аниқлаб, ўқувчилар ҳукмларини «зарбдор» гуруҳ орқали хулосалашни лозим эди. Бунга ҳаммаси бўлиб, 8-10 дақиқа вақт кетади, холос.

Муҳтарам ўқитувчи дарсга пухта тайёрланмаганлиги, балки билишни ҳам хоҳламаганлиги сабабли болаларни боши берк кўчага солиб қўйган.

Шунинг учун олдимизда турган биринчи даражали вазифа ўқитувчиларимизни янгича ишлашга ўргатишдир.

Ҳавола этилган адабиётлар:

1. Баркамол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Т. «Ўзбекистон»1997 йил.
2. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. тили. Адабиёт... «Таълим тараққиёти» 1999 йил 1-махсус сон Т, «Шарқ» 1999 йил
3. Ausubel D.R., Educational Psychology. Acognitive view. N.Y.1968.
4. Жабборов А, Неъматова Г.Она тили таълимида когнитив психология, вербал таълим ва ижодкор шахс масаласи. Журн. «Тил ва адабиёт таълими». 2001. № 684-88 бетлар.
5. Ижодий тафаккурни ривожлантириш технологияси ва ўқувчининг мустақил фаолияти. (она тили ўқитувчилари учун методик тавсиялар). ЎТДА VI йигини муҳокамаси учун.Т., РТИ, 2001.
6. Маҳмудов Н. Тил. Т., «Ёзувчи» 1998.
7. Неъматова Г., Она тили таълимининг янги технологияси ва ўқувчининг фаолият турлари. Журн. «Тил ва адабиёт таълими». 1999. 5-6-сон, 35-38-бетлар.
8. Renold A.Y., Flagg P.W, Cognitive Psychology. Cambr. 1977.
1. Буларнинг бир қисми она тили дастурида кўрсатилган. (2-59 бет)

Тил – тараққиёт мезони.

Тил ва жамият тараққиёти диалектик муносабатдаги умуминсоний қудратга эга бўлган қонуният нимадан иборат?

Жамият тараққиётидаги ҳар бир ўзгариш, ҳар бир ривожланиш, ҳар бир янгилиниш-ижтимоий тараққиёт лисон, яъни тил деб аталмиш қудратли қуролда-алоқа-аралашув воситасида-маънавият белгисида, ҳаёт кўзгусида акс этишидан, кузатилишидан иборат.

Тил шундай буюк, қудратли қуролки, у жамият ҳаёти билан баробар қадам ташлайди, ижтимоий тараққиётнинг мезони, барометри бўлиб хизмат қилади, тараққиёт натижасида яратилган, юз берган предмет ва ҳодисаларни кўзгу каби акс эттириб туради, умумлаштиради, уларнинг мавжудлигини, ҳаётийлигини таъминлайди.

Бинобарин, тилнинг тараққиёти жамиятнинг тараққиёти билан боғлиқ экан, жамиятнинг мавжудлиги тилнинг мавжудлигини, тилнинг мавжудлиги эса жамиятнинг мавжудлигини курсатади. Жамиятни, ижтимоий тараққиётни тилсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, жамият тараққиёти-ундаги ўзгаришлар даставвал сўзда-тил ва нутқ бирлигида-тил таркибининг, тил бойлигининг энг асосий, энг мукамал ва энг ҳаракатчан қисми бўлган сўзларда қайд этилади, кузатилади.

Шу нуқтаи назардан истиқлол даврига, яъни сиёсатимизнинг, иқтисодиётимизнинг, маърифатимизнинг, маънавиятимизнинг мустақиллик гоёси ва мафқураси билан сугорилган даврига, бунёдкорлик тушунчаси, бунёдкорлик жараёни асосий гоёмиз, асосий йўналишимиз бўлиб қолган ҳозирги даврга назар ташласак, она тилимизнинг - ўзбек тилининг луғат таркибида-лексик қатламида, нутқ одобида-муомала маданияти ва мурожаат шаклларида мустақиллик даврига, истиқлол талабларига мос ва хос, кўп-ва хўб ўзгаришларни, янгиликларни-тилимиз ижтимоий вазифасининг кенгайганлигини-тилимизнинг дунёга чиққанлигини яққол кўрамыз ва кузатамыз.

Тилининг ҳаёти, унинг фаолияти нутқ орқали, нутқ кўринишида, нутқ шаклида, аниқроғи, сўз орқали, сўз туфайли, сўзга кўра амалга ошар экан, ҳар бир сўз эса узига хос лисоний, тарихий, маданий, маърифий ҳужжат экан, у ўзида жамият тараққиётини бевосита акс эттирар экан, истиқлол даврида ҳаётимизга-тилимизнинг лугат таркибига кириб, ўзлашиб, турли соҳа ва йўналишларда фаол хизмат қилаётган, тилимиз қудратини, унинг тасвирий ифодаларга бойлигини намоён қилаётган, ўзбекона оҳанг ва ўзбекона жаранг учун ҳаракатда бўлган, аниқроғи, айнан мустақиллик даврида яратилган ёки фаолсизликдан фаолликка ўтган, имкониятдан воқеликка айланган сўзларга-тил ва нутқ бирликларига мурожаат қилиш, уларни қайд этиш, аниқлаш, шак-шубҳасиз, давр талабидир.

Шунингдек, сўзларнинг муайян семантик майдонини ҳосил қилувчи, ўзига хос алоҳида гуруҳ бўлган, бевосита фан тараққиёти билан, таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ бўлиб, тилимиз лугат таркибининг фаол қисмига айланиб қолган сўз-терминлар масаласига ҳам шу кунги тил сиёсатининг долзарб муомаларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирда мустақиллик даврининг энг муҳим, энг ҳаракатчан ва энг етакчи бош тушунчаларига қандай лисоний бирликлар, ифодалар, жумлалар киради?, деган энг саволга шундай аниқ жавоб берамиз. Яъни, булар: истиқлол, маънавият, гоя, мафкура, маърифат, комил инсон, миллатлараро тотвлик, тарихий алломаларимиз, буюк бобоколониимиз, юртимиз сардори, йўлбошчимиз, тарихий обидалар, динлараро бағрикенглик, давлат тили, ҳаётимиз қомуси, конституция, имон, эътиқод, Ватан овозлиги, юрт ободлиги, президент, маънавий юксалиш, сиёсий онг, буюк келажак, сабр-тоқат, мустақилликни мустаҳкамлаш, камолат ёшларнинг ижтимоий ҳаракати, виждон, оллоҳ, дунёга чиқиш, ўз уйингни ўзинг асра, ҳамкорлик, ўзаро дипломатик алоқалар ўрнатиш, қадрият, ҳотира, тадбиркорлик бозор иқтисодиёти, ҳушёрлик, огоҳлик, ёшлар келажгимиз, давлатимиз герби, мадҳия, давлатимиз байроғи, бунёдкорлик, қонун устиворлиги, ёшлар тарбияси, диний эътиқод, ҳуқуқий тарбий, миллий давлатчилик, Ўзбекистон-келажаги буюк давлат, Ватан-саждагоҳ каби муқаддас, шу азиз Ватан-барчамизники, обод маҳалла, овозлиқ, терроризмга қарши кураш, поклик,

ўзбек кураши каби унлаб, юзлаб лисоний бирликларни яна келтириш ва яна давом эттириш мумкин.

Қайд этилган лисоний бирликлар ҳозирда шу даражада фаолки, буларсиз жамиятимиз тараққиётини, унинг асосий йўналишларини, гоёларини, тараққиётимиз қандай жараёнлардан иборат эканлигини тасаввур қилиш қийин.

Таъкидлашимиз шарт, айти сўз ва сўз бирикмаларининг фаоллиги, мустақиллик майдонида жавлон уриши, лисоний тараққиётимизнинг энг ҳаракатчан бирликларига айланиши, кундалик мулоқотимизда асосий тушунчалар бўлиб хизмат қилиши, албатта, мустақиллигимиз туфайли, истиқлол туфайлидир. Бинобарин, истиқлол халқимизга ҳам, унинг азиз ва муътабар тилига ҳам эрк берди, озодлик берди, она тилимизнинг ўзбекона хусусиятларининг, имкониятларининг намоён бўлишига шарт-шароит яратди, куч-қувват берди, кенг йўл очди.

Давлатимиз сиёсатининг энг муҳим стратегик йўналишларидан бири ёшлар масаласи, етук, рақобатбардош кадрлар, ўринбосарлар тайёрлаш муамоси бўлиб, бу жараён билан бевосита боғлиқ таълим тўғрисидаги фармон ва қарорларнинг мавжудлиги ҳам давр талабидир.

Таълим тизимида ҳам мустақиллик туфайли ўта жиддий ва катта ўзгаришлар юз бердики, ушбу ўзгаришлар табиий ҳолда тилимизнинг лугат таркибидалугавий бирликларида бевосита акс этиб келмоқда.

Истиқлол даврида таълим-тарбия жараёнига юзлаб сўз-терминлар кириб келди. Буларсиз шу кунги таълим соҳасида олиб борилаётган ишларни тасаввур қилиш ҳам, унинг моҳиятига тушуниш ҳам мумкин эмас. Ушбу лисоний бирликлар таълим-тарбия жараёнининг дунё миқёсида олиб борилаётганлигини, дунё стандартлари талабларига жавоб бераётганлигини, келажагимиз бўлган ёшларнинг фикрлаш жараёнининг, тафаккур қамровининг кенгайиб бораётганлигини, уларнинг мустақилликни мустаҳкамлашда юксак маънавий савия ва юксак сиёсий онг билан астойдил хизмат қилаётганликларини кўрсатади, тасдиқлайди. Бу- айти ҳақиқат.

Айтилганларнинг исботи сифатида тилимиз лугат таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллаган, тилимиз бойлигига айланган қуйидаги лисоний бирликларни келтириш

мумкин: компьютер, бакалавр, компьютер техникаси, бакалавриатура, магистр, магистратура, илгор педагогик технологиялар, рейтинг, тест, бал, назорат, интернет, академик лицей, ҳуқуқий тарбия, касб-ҳунар коллежлари, ахборот, ахборот технологиялари, масофавий ўқитиш, ахборот маркази, информация, янги информацион технологиялар, интернет клуб, информацион маданият, электрон дарслик, грант, контракт, экологик тарбия, маркетинг, мониторинг, давлат таълим стандартлари ва бошқалар.

Таъкидлаймиз, таълим-тарбия жараёни билан бевосита боғлиқ юқорида қайд этилган сўз-терминлар-фан терминлари-илмий терминология ҳам истиқлол даврининг-мустақиллигимизнинг, ўзбек фанининг қўлга киритган жиддий ютуқларидан бири бўлиб ҳисобланмоғи лозим. Чунки илмий терминалогиясиз шу кунги таълим-тарбия жараёнини ҳам, фан тараққиётини ҳам мукамал деб айтиб бўлмайди. Айни терминлар Ўзбекистоннинг таълим соҳасида дунёга юз тугнлигининг амалий исботи, лисоний тасдиғи сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир. Шунингдек, бу терминларнинг аксарияти умумдунёвий аҳамиятга эга бўлиб, улар Ўзбекистон фанининг, ундаги таълим жараёнининг дунё фани, дунё таълим жараёни билан тенглашаётганини, улар билан баробар қадам ташлаётганлигини кўрсатади.

Ҳозирда лисоний маънавиятимизда, нутқий маъданиятимизда, нутқ одобида фаоллик кўрсатаётган, халқимиз уртасида тобора кенг қўлланиб бораётган, тилимиз бойлигининг ўзига хос кўриниши бўлган мурожат шакллари, мурожат ифодалари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир, диққат-эътиборга лойиқдир. Чунки бундай лисоний бирликлар ҳам, нутқий тасирчан воситалар, ифодалар ҳам аслида мустақиллик туфайли муомала маданияти, муомала маънавияти майдонига кириб келди ва тилимиз лугат таркибига мукамал ўрнашди. Қиёсланг: ҳурматли хонимлар ва жаноблар, ватандошлар, юртдошлар, азизлар, тадбиркорлар, қадирдонлар, муҳтарам дўстлар, азиз дўстлар, ҳурматли депутатлар, олий мажлис аъзолари, азиз юртдошларим, қадрли юртдошлар, муҳтарам жаноблар, азиз дўстларим, ватандошларим, муҳтарам биродарлар, қадирдонларим, муҳтарам уламолар, муҳтарам жамоат, қадрли дўстлар, ватандошлар, азиз биродарлар, қадрдон юртдошларим ва бошқалар.

Шу аниқ ва шак-шубҳа йўқки, қайд этилган мурожаат шакларининг, ифода воситаларининг аксариятининг амалиётчиси ва тарғиботчиси Президентимиз Исроом Абдуганиевич Каримовдир. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Нима учун? Шунинг учунки, аини мурожат бирликлари, нутқий воситалар мустақиллик шарофати билан лисоний жараёнда, узаро мулоқатда фаолликка эга бўлиб, муҳим ижтимоий вазифани бажариб келмоқда. Аниги, қайд этилган нутқ бирликлари, нутқий воситалар, даставвал, асосан, юртимиз сардори нутқларида, асарларида, радио ва телевидения орқали чиқишларида, маърузаларида, омма билан узаро мулоқотларида намоён бўлди, қўлланди, кучли таъсирчан воситага, муҳим мурожаат ифодасига айланди.

Ушбу мурожаат шакларининг ўзига хослиги, таъсирчанлиги, муҳим ва зарурлиги шундаки, улар мазмунан, моҳиятан истиқдол гоёси, мустақиллик мафкуриси билан «тулдирилган», «сугорилган» бўлиб, улар мазмунида-маъносида инсонга бўлган ҳурмат, муҳаббат, ҳаққа бўлган самимий, чин инсоний муносабат, халқни эъзозлаш, ардоқлаш, улуглаш, унинг куч-қудратига ишонич, қадр-қимматини юксалтириш, уларга алоҳида эътибор билан мурожаат қилиш каби юксак маънавий гоёлар ётадики, келтирилган мурожаат шакллари гоҳ якка сўз ҳолида: азизлар, ватандошлар, юртдошлар, биродарларим, дўстларим, қадирдонларим-номоён бўлса, гоҳ эса сўз бирикмаси ҳолида қўлланади: ҳурматли хонимлар ва жаноблар, азиз дўстларим, муҳтарам уламолар, ҳурматли ноиблар, қадрдон ҳамшаҳарларим.

Айниқса, сўз бирикмаси орқали ифодаланаётган мурожаат шакларида инсонга бўлган, халққа бўлган чексиз ҳурмат, эътибор, уларни ардоқлаш, кучли даражада бўладикки, булар нотиқнинг дастлабки нутқидан-чақиригидан, мурожаатидан яққол англашилиб туради. Қиёсланг: Азиз дўстларим, ватандошларим., Қадрдон юртдошларим, азиз биродарлар, муҳтарам уламо. Нима учун? Шунинг учунки, президентимиз томонидан қўлланиб келинаётган мурожаат шакллари-сўз ва сўз бирикмалари моҳиятан ижобий маънога, ижобий бўёққа, ижобий мазмунга эга бўлиб, улар, айниқса, такрор ҳолда қўлланганда, ҳурмат, яқинлик, муҳаббат, самимийлик каби руҳий «жараёнлар» янада кучаяди, натижада тингловчининг нотиққа бўлган ҳурмати, ишончи, унга

интилиши, диққат эътибор билан берилиш юзага келади. Шунга кўра нотик билан тингловчи ўртасида маънавий, марифий, лисоний «кўприк», узаро ички, руҳий алоқа, муносабат пайдо бўлади.

Эслатамиз, айти жароён, асосан нотикнинг маҳоратига, унинг қандай вазиятда қандай мурожаат шаклларида моҳирона фойдаланишига, тингловчи диққат-эътиборини, руҳиятини эгаллаш учун қандай таъсирчан усулларни қўллашга боғлиқ.

Айтишимиз шарт, қайд этилган мурожаат шаклларида айнан бир хил қўшимчаларнинг такрор келиши, қайтарилиши гализликни, суънийликни эмас, аксинча, табиийликни, нутқий «гўзаллик қонунига» монандликни, экспрессивликни, қатъийликни, юксақ ҳурмат ва муҳаббатни, эъзоз ва ардоқлашни юзага келтирадики, бу айти вақтда нутқ маънавиятининг юксақлигини, нутқ одобининг мукамаллигини, нутқ маданиятининг юқори савияда ва нутқ экологияси амалда эканлигини кўрсатади, қайд этади.

Хуллас, она тилимизнинг қадр-қимматининг, нуфузининг, имкониятларининг янада ошиб бориши, ижтимоий вазифаларининг янада кенгайиб бориши, тилимизнинг дунёга чиқиши-унинг Ватан равнақи, юртимиз тинчлиги, миллатимиз фаровонлиги учун фаол хизмат қилиши барча, барчаси истиқлол шарофати, мустақиллик шарофатидир.

Проф. Равшанхўжа Расулов ТДПУ.

Ижро ҳолати феълларининг маъно тузилиши.

Ижро ҳолати феъллари ижро натижаси бўлган ҳолатни ифодалайди. Ҳолат шахс ижросининг натижаси, ҳолати бўлиб кузатилади. Ижро ва ҳолат муносабатига ижро ҳолатнинг юзага келишида асос, ҳолат эса асосланувчи саналади. Ижро ҳолатнинг муҳим томонини ташкил қилади. Бинобарин, ижро ва ҳолат диалектик бирликда, боғлиқликда бўлади.

Ижро ҳолати феъллари асосан утимли феъллар сифатида бевосита муайян нарса – предметлар билан боғланади. Шунга кўра ижро ҳолати феъллари «утимли»

семасига ҳам эга бўлади. Қиёсланг: пойламоқ, паналамоқ, сақламоқ.

Ижро ҳолати феъллари маънолари: ўқталмоқ, пойламоқ, паналамоқ, салқинламоқ каби туб ва ясама феъллари орқали ифодаланади. Ясама феъллар сифат + ла шаклида бўлади. Ушбу ҳолат феъллари нутқда қуйидаги мантиқий ифодалари билан қатнашади: ўқталмоқ - I. «отишга тайёр», «ҳолатда», «булмоқ»: Буронбек тўппончасини ялонгочлаб, ота-болага ўқталди (Ҳ.Ғулом). Улар милтиқларини оламонга ўқталиб, ҳар дам отишга тайёр турардилар (М.Исмоилий). II «қўлини олдинга кескин чўзган», «ҳолатда», «булмоқ»: Бир гап гапирадиган бўлса, тўрт бармогини бирлаштириб, ўқталиб сўзлайди (Ш.Шомақсудов, С.Долимов).

Пойламоқ-«кутган, кузатган», «ҳолатда», «булмоқ»: Шунинг учун хилват бир жойга яшириниб, ўртоғини бозор йулида пойлади (М.Исмоилий). Лаъли бош огриги баҳонаси билан уйга кириб, чироқни учирди-да, чолнинг хуфтон намозига чиқиб кетишини пойлади (Ҳ.Ғулом). У кун бўйи амир Жондорнинг йўлини кўзи тўрт бўлиб пойлади (О.Ёқубов).

Паналамоқ-I. «яширинган», «ҳолатда», «булмоқ»: Сергей... дарвоза ёнидаги девор тагида паналаниб турди-да, кейин қовоқхона томон юриб... кетди (Ҳ.Ғулом). II. «тўсган», «ҳолатда», «булмоқ»: Қаландар дарахларни паналаб, олдинга юрди (О.Ёқубов). Кимнидир аҳтардим, аҳтардим узоқ, кўзимни паналаб баъзан қуёшдан (О.Матжон).

Салқинламоқ- «иссиқлик таъсирини камайтириб, салқинда дам олган», «ҳолатда», «булмоқ»: Кун иссиғида сада соясида салқинлашади (О.Юнусов). Биров сув олади, биров салқинлаб ўтиради (С.Юнусов). Унда фил ўз болаларини салқинлатиб, хотиржамгина сайр қилиб юрарди (Ҳ.Назир). Салқинламоқ кўпроқ ёзма нутққа хос.

Ижро ҳолати феъллари яна қуйидаги мантиқий ифодага ҳам эга:

а) «эҳтиётламоқ»: сақламоқ, асрамоқ, пойламоқ, қўриқламоқ. «Эҳтиётламоқ» фарқловчи семали ҳолат феъллари шахснинг кўпинча муайян предметга (баъзан шахсга) бўлган диққат - эътиборини, муносабатини белгилайди. Бундай ҳолларда муайян предмет шахс учун алоҳида аҳамиятга эга бўлади, доимо унинг диққат марказида туради. Демак, бу ҳолат феълларида шахс ва

предметнинг ўзаро зарурий алоқасидан юзага келган ҳолат айни феъллар маъносининг моддий ташқи асоси, ҳолат белгиси ҳисобланади.

Қайд этилган ҳолат феъллари туб феъллардан ташкил топиб, қуйидаги мантиқий ифодага эга бўлади: Сақламоқ- «асраган, эҳтиёт қилган», «ҳолатда», «булмақ»: Хатларни Дилшод ҳеч кимга кўрсатмас, идорасидаги стол галадониди сақлар (У.Назаров). Жангчиларга тамаки солиб юриш учун бериладиган халтачада мен қуруқ чой сақлардим (Ф.Мусаёнов). Бой ҳам отини эҳтиёт қилиб сақлайди (Ғ.Жоҳонгиров).

Асрамоқ - «эҳтиёт қилиб, сақлаган», «ҳолатда», «булмақ»: У бир қизни севиб, неча замонлар суратини кўкрагида асраган (О.Матжон). Кўз қадрига етган одам уни ҳар чоғ хас-чўпдан асрайди (М.Исмоилий). Худо бир асради (А.Мухтор).

Пойламоқ- «қўриқлаш», «ҳолатида», «булмақ»: ...қовунини ким пойлади? (С.Абдулла). Мингбошининг дарвозасини миршаб пойлаб турибди (М.Исмоилий).

Қўриқламоқ - «сақлаган, ҳимоя қилган», «ҳолатда», «булмақ». Юзбошининг мол-дунёси бениҳоят кўп, кечалари уйини ўн икки мерган қўриқлар эди (А.Қаҳҳор). Милтиқ кўтариб, идора эшигини ёмонлардан қўриқлади (О.Мухторов). утап ... дружинаси билан йўлларни саройларни, обжувоз - тегирмонларни қўриқлади (Ҳ.Ғулом). Сақламоқ, асрамоқ китобий, пойламоқ, қўриқламоқ умумнутққа хос.

Шундай қилиб, ижро ҳолати феълларида ифодаланган жараённинг бажарувчиси (эгаси) шахс бўлиб, унинг муайян кўринишда, вазиятда бўлиши ҳолат сифатида белгиланади.

Проф. Мирозиз Миртожиев. ЎЗМУ

Сўз шакли семантикаси валентлиги

Туркий тилларда, шу жумладан ўзбек тилида, сўз валентлиги семантикасидаги семалар асосидагина эмас, шакли семантикаси асосида ҳам бўлади.¹ Бундай

¹ Бу фикр дастлаб В.А.Каримжонов томонидан илгари суриди. Қаранг: Ўзбек тилида урин келишлики бирикмалар семантикаси. НДА. Тошкент, 1994, 76.

валентликни муаллифингиз шакл семантикаси валентлиги деб атаган эди.² Бу айниқса сўз кесим вазифасида қўлланганда кузатилади. У от кесим бўлиши ҳам, феъл кесим ҳам бўлиши мумкин кесимларда бу имконият анча торроқ. Улар шахс-сон шаклини олгандагина агенс валентлигига эга бўлади. Феъл кесимларда бу имоният анча кенг бўлиб, шахс-сон, замон, нисбат, бўлишсизлик категориялари шаклини олганда ҳам кўриш мумкин.

Кесим вазифасидаги от ёки феъл шахс-сон билан тусланса³, шу гапда унинг шахс-сонда мос актанти намоён этилади. Масалан, ўзбек тилидаги голибсан ёки куйладинг кесимлари II шахс бирлик шаклида қўлланган. Шунинг учун улар агенси II шахс бирликдаги кишилик олмоши билан ифодаланadi ва гапда эга вазифасида келади. Кесим вазифасида от ёки феъл бирликдаги ё I, ё II, ё III шахс шаклида берилса, шунга мос ҳолда кишилик олмошларидан бири агнес актанти сифатида сайланади. Улар куплигидан I ёки II шахс шаклини олса, биз ёки сиз кишилик олмошини талаб қилади. Кесим вазифасидаги сўз III шахс барликда бўлса, у III шахс бирликдаги олмошни ҳам, III шахс кўпликдаги олмошни ҳам актант ўрнида танлаши мумкин. Бу ўринда гап мантиқига қаралади.

Кесим вазифасидаги сўз агенс валентлигини намоён этган актанти гапда эга вазифасини утагани ҳолда, деярли кишилик олмошларида ёки улар ўрнидаги ўзлик олмошларида ифода топади. Агар кесим вазифасидаги сўз II шахс бирлик ёки купликда олинса, агенс актанти ундалма вазифасида намоён бўлиши ҳам мумкин. У III шахс бирлик ёки кўпликда берилса, агенс от, олмош ёки агентив семантикасига эга ҳар қандай сўздан танланаверади.

Айтилганидай, кесим вазифасидаги шахс-сон кўрсаткичига эга бўлиши ва шунга кўра агенс валентлиги намоён этилиши туркий, шу жумладан ўзбек, тилига ҳоқ қонуниятдир. Ҳинд-Европа тилларида деярли бундай эмас. Уларда кесим вазифасидаги отлар ҳам феъллар ҳам деярли шахс-сон қўшимчаси билан қўлланмайди. Шунча қарамай бу тилларда тузилган гапларда кесим вазифасидаги сўзнинг агенс валентлиги намоён бўлаверади. Бу кесим

² Қаранг.: Миртожиев М., Муҳаммедова С. Ўзбек тилида валентлик кўринишлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, 3-сон, 42-б.

³ А.Ғуломов. «Отлар кесим вазифасида қўлланса, шахс-сон билан тусланиши мумкин», деб курсатади. Қаранг.: гуломов А.Ғ. Содда гап. Т.: Фаи, 1955. 61-б.

вазифасидаги сўз мантиқидан келиб чиққан ҳолда намоён бўлади. Шунинг учун бу валентлик тилшуносликда мантиқий валентлик кўринишига киритилган¹. Узбек тилида ҳам унинг изи ўз аксини топган. Яъни кесим от бўлгани ҳолда ҳам, феъл бўлгани ҳолда ҳам, ҳеч қандай кўрсаткичсиз III шахс бирликни, гоҳо купликни билдирувчи агенсни намоён этади. Бу, албатта, кесим вазифасидаги сўз мантиқидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бироқ шахс-сон кўрсаткичлари тизимининг III шахс бирликнинг ноль кўрсаткичга эга бўлади,² деб қайд этилиши туркий тилларда агенс валентлигининг III шахс бирликда намоён бўлишини шакл семантикаси валентлиги сирасида кўрсатиш имконини беради.

Демак, кесим вазифасидаги феъл, от ёки отлашган сузга қўшилиб келадиган шахс-сон кўрсаткичи ўз семантик валентлигига эга ва у кишилик ёки ўзлик олмоши, баъзан агентив семантикага эга от ёки отлашган сузларда ифодаланган актанта намоён бўлади.

Кесим ҳамма вақт маълум замонни кўрсатиб келади. Бу от кесимларга ҳам, феъл кесимларга ҳам хос. От кесимлар ноль кўрсаткичда ё ҳозирги замонни, ё доимий замонни билдиради, қолган замонларни боғлама воситасида кўрсатади. Феъл кесимлар барча замон шаклини қабул қила олади. Шунга кўра кесим вазифасидаги сузлар темпоралис валентга эга бўлади.³ Улар ўз замон кўрсаткичига мованд пайт ҳоли вазифасидаги актанти қабул қилади. Масалан, голибсан от кесими ноль кўрсаткичли бўлгани учун, сен бугун голибсан гапида ҳозирги пайтни билдирувчи актонт билан, Сен ҳамма вақт голибсан гапида доимий пайтни билдирувчи актонт билан қўлланган. Куйлайди феъли келаси замонни билдиргани учун У эртага саҳнада куйлайди гапида бугундан кейинги кунни билдирувчи актонт билан намоён бўлган. От кесим боғлама билан қўлланар экан, боғлама кўрсатган замон билан темпоралис

¹ Қаранг.: Helbing Einleitung // Beitrage zur Valenztheorie. Halle (Saeale). 1971; Уша муллаф. Valenz, Semantik und Satzmodelle//Deutsch als Fremdsprache. 1976. S. 100—102; Степанов М.Д., Хельбинг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. М.: ВЛИ, 1978. С. 157; Bonzio W. Valenz, Bedeutung und Satzmodelle// Beitrage zur Valenzthorie. Halle (Salle). 1971. S.200.

² Қаранг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги узбек адабий тили. Т.: Уқитувчи. 1965. 73-б.; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Узбек тили. Т.: Уқитувчи, 1968. 146-б.; Ҳожиев А. Феъл. Т.: Фан, 1973. 162-б.; Асқаров М., Қосимова К., Жамолхонов Ҳ. Узбек тили Т.: Уқитувчи, 1976. 108-б.

³ Қаранг.: Каримжоновна В.А. Уша автореф. Уша бет

ALISHIER NAVOIY NOMIDAGI
Toshkent
AXBOROT-RBSURS MARKAZI

17

Nizomiy nomli
T D P N
kutubxonasi

актант билдирган пайт ўзаро монанд булиши шарт. Темпоралис валентлиги намоён булган актанта деярли пайт равишларида ёки вақт билдирувчи отларда ифода толади.

Демак, замон курсаткичи кесим вазифасидаги сўзларга темпоралис валентлигини илова қилади ва у пайт равиши, шунингдек пайт билдирувчи отларда ифодаланган актантларда намоён бўлади.

Феълнинг нисбат қўшимчалари семантикаси ҳам ўзига хос валентликни юзага келтириб чиқаради.¹ Бу кўпроқ субъект ифодали валентликлардан иборат. Бу ўринда орттирма нисбат шаклини эътиборга олиш керак. У феълларга қўшилган экан, бир субъект ифодаловчи валентлик ортади. Бу агенс валентлиги бўлади. Аммо шуни айтиш керакки, ҳар бир феълнинг ўз агенс валентлиги бўлади. Шундай булгач, орттирма нисбат шаклини олган феъл агенс валентлигини орттирди, дейиш мантиққа сиғишмайди. Шунинг учун А.Ғуломов: «Феъл орттирма даражага ўтиши билан аввалги фикр материали кенгайиб, орага бирор предмет ё шахс қўшилади,» дейди.² Масалан, бола ухлади-бола укасини ухлатди гапларнинг кейингисида феъл орттирма нисбатда ва гапда укасини булаги қўшилган, деб курсатилган. Яъни пациент орттирилганлиги фикри келиб чиқади. А.Ҳожиев бу фикрни яна ҳам аниқроқ тушунтиради: «Орттирма даража формаси ясалиши билан ҳаракат бажарувчиси, яъни грамматик субъект эмас, балки ҳаракат объекти ортади.³ А.Ғуломов ҳам, А.Ҳожиев ҳам юқоридаги фикрни билдиришар экан, гапнинг синтактик қолипини назарда тутишган. Бу жиҳатдан улар ҳақ, лекин бу ўринда нисбат шаклига кирган феъл кесимлигидаги гап бўлакларида утган семантик қайта тақсимланишга эътиборни қаратиш, яъни гапнинг семантик моҳияти ва семантик таркибига қараш лозим. Феъл орттирма нисбатда каузатувига айланади⁴. Яъни у каузалловчи субъект орттиради. Унинг мавжуд субъекти каузаланма мақеини олади. Каузалловчи субъект, валентлик нуқтаи назаридан, агенс

¹ Бу фикр бошқа бир мақоламизда ҳам тилга олинган эди. Қаранг.: Миртожиев М., Муҳамедова С. Ўзбек тилида валентликлар кўриниши. 45-б.

² Қаранг.: Ғуломов А.Ғ. Феъл. Т.: Фан. 1954. 53-б.

³ Қаранг.: Ҳожиев А. Феъл// Ҳозирги ўзбек адабий тили. III қисм.Т.: Уқитувчи. 1980. 393-б

⁴ Қаранг.: Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги сода гапларда семантик-синтактик асимметрия. Т.: Уқитувчи. 1984. 27-бет.; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор ва валентликлари. Т.: Фан. 1985. 120-121-б.

валентлигининг актанти бўлиб, каузаланма субъект пациент валентлигининг актанти ҳисобланади⁵. Яъни орттирма нисбат феълнинг агенс валентлиги унинг шакли семантикасига асосланган валентликдир¹. Шу нуқтаи назардан ёндошиладиган бўлса, А.Гуломов келтирган Бола ухлади, гапининг феъл кесимидан англашилган ҳолатни бажарувчи субъектни бола сўзи ифода этган. У келтирган Бола укасини ухлатди гапида феъл семантикасига кўра субъект бола сўзи семантикасида эмас, балки укасини сўзи семантикасида ифодаланган. Яъни аввалги гапнинг феъл кесими орттирма нисбат шаклига кириши билан тузиладиган гапга кейинги гап семантик таркибга кўра мос эмас. Бунинг Она боласини ухлатди деб гап тузиш тўғри бўларди. Шунда ухла феъли семантикаси субъекти сақланганлиги ва орттирма нисбат учун янги каузалловчи субъект орттирилганлиги кузатилади. Шу каузалловчи субъект орттирма нисбат феъл агенси ҳисобланади.

Биз юқорида ўтимли феълнинг орттирма нисбати ва унинг шакли семантикаси валентлиги ҳақида тўхтадик. Орттирма нисбат ўтимсиз феълдан ҳам ясалиши мумкин. У ҳаракат феълдан ясалган бўлса, юқоридаги каби ҳам пациент валентига эгалиги ҳолда, агенс шакл семантикаси валентлигига эга бўлаверади. Масалан, Вали итини келтирди гапида келтирди феълдан англашилган ҳаракатни бажарувчи пациент ит сўзида, орттирма нисбат шакли юзага келтирган каузалловчи субъект, яъни агенс Вали сўзида ифодаланган. Агар ўтимсиз феълдан англашилган ҳолат субъекти маълум ҳолатдаги нарса бўлса, у орттирма нисбат шаклини олганда фақат ўтимли феълга айланади. Яъни каузаланма субъект бўлувчи нарса пациент актантига эмас, объект актантига утади. Каузалловчи субъект орттирма нисбат шакли семантикаси талаби билан юзага келар экан, шунда ҳам агенс моҳиятига эга бўлиб, шакл семантикаси валентлиги ҳисобланади. Масалан, У деворни қулатдиқулатди гапида қулатди орттирма нисбат феълнинг агенс актанти III шахс бирликдаги кишилик олмоши бўлиб, у феълнинг орттирма нисбат шакли семантикасига асосан

⁵ Қаранг.: Золотова Г.Я. Очерк функционального синтаксиса русского языка. М.: Наука. 1973. С. 287; Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълларда нисбат категорияси. Т.: Фан. 1992. 62-б.

¹ Қаранг.: Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги сода гапларда семантик-синтактик асимметрия. Т.: Ўқитувчи. 1984. 27-б.; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг аблагатор ва лекнтликлари. Т.: Фан. 1985. 120-б.

валентликнинг намоён этилганидир. Феъл бош нисбатда кесим вазифасида келса, девор қулади бўлади ва девор агенсни билдирган сўз бўлади. Ортгирма нисбатда у олмошида ифодаланган янги агенс орттирилади ва феълнинг уз субъекти объект актанги мавқеини олади. Яъни феълларнинг ортгирма нисбат шакли семантикаси унга ҳамма вақт агенс мавқеидаги валентликни илова қилади.

Феълнинг биргалик нисбати қўшимчаси семантикаси ҳам узига хос валентликни юзага келтиради. У феълларга қўшилиб, унга контрагент валентлигини илова қилишни кузатилади. Масалан, Тутилган кунимда дадам бувим билан менга ном қидиришибди (Ғ.Расул) гапида қидиришибди, биргалик нисбатидаги феълнинг агенси дадам сўзида ифодаланган бўлиб, феълнинг биргалик нисбати шакли семантикасига кўра контрагент валентлиги юзага келган ва у бувим сўзида намоён булган. Контрагент актанги гапда деярли билан кўмакчиси билан қўлланади. У биргалашувчи шахсни ифода этади.

Биргалик нисбати феълларга қўшилиб, унга адресат валентлигини илова қилади¹. Масалан, Зайнаб ҳам кулимсираган ҳолда Кумушга яқинлашиб келди (А.Қодирий) гапида биргалик нисбатидаги яқинлашиб келди феълнинг агенси Зайнаб сўзида ифодаланган бўлиб, феълнинг биргалик нисбати шакли семантикасига кўра адресат валентлиги юзага келган ва у Кумуш сўзида намоён булган. Адресат актанги гапда деярли жўналиш келишиги билан қўлланади. У баъзан билан кўмакчиси воситасида ҳам қайд этилади. Масалан, Розиқ отаси билан учрашди гапида биргалик нисбатидаги учрашди феълнинг агенси Розиқ сўзида ифодаланган бўлиб, феълнинг биргалик нисбати шакли семантикасига кўра, адресат валентлиги юзага келган ва у отаси сўзида намоён булган.

Феъл биргалик нисбати шаклида адресат валентлигини юзага келтириши у фақат утимли булганида кузатилади. Утимли феъллар биргалик нисбати шаклида қўлланса ҳам, адресат валентлигини орттириш мумкин. Бунда воситали тўлдирувчи вазифасида адресат валентлиги намоён бўлиб, эга вазифасида агенс намоён этилади ва ўз ўрнида воситали тўлдирувчи агенс булган ҳолда, эга адресат ҳолатида келади². Масалан, Рузимат агенс бўлиб, у

¹ Қаранг.: Аъламова М. Узбек тилидаги феълларда нисбат категорияси. 57-б.

² Қаранг.: Уша асар. 56-б.

олмошида ифодаланган III шахс агентлиги ҳолда Рўзимат сўзи адресатликни утаган.

Проф.Ҳамидулла Дадабоев. ЎЗМУ

Кўҳна манбалар тилидаги жуфт сўзларнинг структур-семантик хусусияти

Сўз туркумларининг синтактик усул билан ясалиши, яъни асосан икки, баъзан уч содда сўзларнинг қўшилиши ўз семантик, морфологик ва фонетик тавсифига эга бўлган аниқ моделлар негизида амалга ошади. Сўзларнинг қўшилиши оқибатида тўлақонли лексик маъно касб этувчи, грамматик вазифаси нақтаи назардан содда сўзга тенг келувчи, Аини чоғда содда сўздан морфологик тузилиши ҳамда фонетик қурилиши билан фарқланувчи янги лугавий бирлик юзага келади.¹

Композициянинг турларидан бири ҳисобланмиш жуфт сўзлар муайян сўз туркумига оид сўзларнинг тенг боғланишида ҳосил бўлади ва аксарият ҳолларда бир умумий, жамловчи маъно ифодалаш учун хизмат қилади.²

Жуфт сўзлар қадимги туркий тил (VII-X), эски туркий тил (XI-XIV) ҳамда эски ўзбек адабий тили манбаларида ўта фаол қўлланишда бўлган ва улар маълум қолиплар асосида ҳосил қилинган.

Қиёсий таҳлил қўлёзма обидалар тилидаги грамматик жиҳатдан тенг боғланишли жуфт сўзларнинг, ясалиш моделлари ҳозирги туркий тиллар, жумладан, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги жуфт сўзларнинг ясалиш усулларида деярли фарқланмаслигини кўрсатади.

Кўҳна ёдгорликлар тилидаги жуфт сўзлар асосан қўйидагича ясалган:

1. Жуфт сўз, яъни композициянинг ҳар икки (баъзан уч) қисми мустақил лексик бирлик бўлиб, шу қисмлар маъно йиғиндиси жуфт сўзнинг маъносини белгилайди.

Тенг муносабатда бўлмиш жуфт сўзларнинг қисмлари гоҳ муштарак маъноларни, гоҳ ўзаро мос тушмайдиган маъноларни ифодалаш мумкин.

¹ қаранг: Кононов А.Н. Грамматика язука тюрских рунических памятников VII-IX вв. Л., 1980. с-99.

² Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент, 1978, 99-153 бетлар; Цинциус В.И., Летягина Н.И. К истории форм множественности в алтайских языках. Очерки сравнительной морфологии алтайских языков. М., 1978. с. 197-231.

Узаро муносабатда бўлган жуфт сўзларнинг лексик-семантик табиатига кура қуйидагича боғланишни кузатамиз. Синоним сўзларнинг бирикиши, антоним сўзларнинг бирикиши ва нисбатан яқин маъноли сўзларнинг бирикиши¹.

Ёдгорликлар матнида жуфт сўзларнинг турлари ёрдамида жамловчи, умумий маънонинг ифодаланиши, биринчи гада, инсон ва унинг фаолияти билан алоқадор турфа тушунчаларда яққол намоён бўлади. Хусусан, қариндошлик терминлари қаторида антоним сўзларнинг бирикиши туфайли юзага келган сўзлар диққатга лойиқ.

Бундай муносабатдаги жуфт сўзлар қисмлари жинс ва ёш нуқтаи назардан узаро зид маъноли содда лексик бириклардан иборат бўлади. Мазкур композициялар сирасига «ота-она», «эр-хотин», «ака-ука», «опа-сингил», «болалар, фарзандлар» каби маъноларни англаувчи жуфт сўзлар мансубдир.

Масалан тилда: а) ота-она ёки она-ота модели асосида ясалган «ота-она» тушунчаси ана ата (ҚБ, Сув)², ана баба (Т Т), ата ана (МК, Нав); б) утил-қиз ёки қиз-утил модели асосида ҳосил бўлган «болалар, фарзандлар» тушунчаси огул кўз (ҚБ.ТТ) кўз огул (КТ), оғлан кўз (ДТС); в) ката-кичик ёки кичик-катта модели асосида ҳосил қилинган «ака-ука» тушунчаси ақа ини (УН), ини эчи (КТ), аға ини (Нав, БН) жуфт сўзлари ёрдамида англашилган.

Зидлов усули билан ясалган жуфт сўзлардаги жамловчи, умумий маъно шунингдек бошқа мавзуй гуруҳларга оид ашёвий мисолларда ҳам кўзга ташланади. «Хизматкор» тушунчаси жория-қул, қул-жорий модели негизида вужудга келган кунг қул (ТТ), қул кунг (МЧ, ҚБ), «ташрифлар» тушунчаси келиш – бориш ёки бориш-келиш модели негизида ясалган кэлиш баруш (МК, ҚБ), баруш кэлиш (Нав), барур-кэлир (Нав), «туловлар, солиқлар» тушунчаси олиш-бериш ёки бериш-олиш модели асосида ясалган алум бэрим (МК, ҚБ), бэрим алум (УЮХ), «сутка» тушунчаси кеча-кундуз, тун-кун модели негизида ҳосил бўлган кэча кундуз (ДТС), тун кун (ХШ), «ер, олам, қитъа» тушунчаси ер-сув, ер-кўк моделлари асосида ясалган йэр сув (ДТС), йэр кок (Нав) «ҳарбийлар» ёки «Сарой аҳли» тушунчалари зодагонлар – авом модели

¹ Қаранг: Цинциус В.И. Алтайские термину родства и проблема их этимологии. Проблема обхности алтайских языков. Л., 1971. с. 132-133.

² Мисоллар транскрипцияда берилмоқда

асосида ҳосил бўлган йахшў йаман (БН, ШН, ШТ) ҳамда улуг кичик (БН, ШН) каби жуфт сўзлар билан ифодаланган.

Синоним сўзларнинг бирикишидан юзага чиққан жуфт сўзлар сон жиҳатдан кўп бўлиб, улар қадимги туркий тил, эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили лугат бойлигининг турли маъновий қатламларини қамраб олган. Умуман, композициянинг кўрилатган бу тури олтой гуруҳига кирувчи тилларда ўзининг сермахсуллиги билан ажралиб туради.¹

Синоним-жуфт сўзлар ифодаловчи жамловчи, умумий маънолар антонимлар бирикиши асосида ясалган жуфт сўзлар сингари асосан кишилар, ижтимоий табақалар, муассасалар тилида фаол ишлатилган синоним-жуфт сўзларнинг бир нечта яшаш моделларини қайд этишга ҳаракат қиламиз.

1. От-от модели негизда ҳосил бўлган жуфт сўзлар куйидаги маъно нозикларини ифодалаган:

1) Ижтимоий-сиёсий тушунчалар: онди тору «қонун-қоида» (ҚБ), эл бодун «халқ» (ҚБ), эл тоз «давлат» (МК), эл тору «ҳокимият» (КТ), эл улуш «давлат» (ТТ), кенд улуш «шаҳар ва қишлоқлар» (ДТС), орду қаршў «саройлар» (ҚБ, Сув) ва ҳ.к.

2) Инсон ва унинг фаолияти билан боғлиқ тушунчалар: ашчў идишчи «ошхона ходимлари», (ҚБ), навкар савдар «Сарой мулозимлари» (БН, ШН), йумушчи тапуғчў «хизматкорлар» (ҚБ) қул қарабаш «қароллар, хизматкорлар, қуллар» (ЮГ), гума гунчачў «жориялар, канизақлар» (БН), улуг-қарў «кексалар, қариялар» (БН) ва ҳ.к.

3) Ҳарбий тушунчалар: йэзак тутгақ «сочи қисм, дозор» (ҚБ), чэриг су «қўшин, лашкар» (ҚБ) су чэриг «лашкар, қўшин» (УЮХ), уруш тошуқ «жанг» (МК), урушгу тоқушгу «жанг» (УН) ва ҳ.к.

4) Иқтисодий-тижорий тушунчалар: арқўш тэркиш «савдо карвони» (КТ), агўлўқ санг «омборлар, хазиналар» (Сув), агўр учуз «нарх, баҳо» (ҚБ), гуҳар йинжу, «дурлар» (ҚБ), агў қазнақ «хазина» (ҚБ) ва ҳ.к.

5) Тиббий тушунчалар: иг агрўг «дард, касаллик» (ТТ), иг тога «касаллик, дард» (МК), эмгак толгақ «дард, огриқ»

¹ Қаранг: Цинциус В.И., Летягина Н.И.К.истории... С.212

(МК), отачу эмчи «табиб» (ДТС), отачу ҳаким «табиб» (ҚБ), от эм «дори-дармонлар» (ҚБ ва ҳ.к.

6) Мавҳум тушунчалар: йару басут «кўмаклар, ёрдамлар» (ҚБ), йазуқ мун «гуноҳлар, айблар» (ҚБ) ва ҳ.к.

7) Озиқ-овқат, ичимлик тушунчалари: йагу ашагу «овқатлар, таомлар» (Сув), аш татут «таомлар, овқатлар» (Сув) ва ҳ. К.

8) Ҳусимлик дунёси тушунчалари: у угач «усимлик» (сув), уруг тарут «экинлар» (ТТ) ва ҳ.к.

9) Қариндош-уруг тушунчалари: кок йулдуз «илдиз, насл» (ҚБ), уруг тарут «қариндошлар» (МК), уруг қадаш «қариндош-уруг» (ДТС), қап қадаш «қариндош» (ҚБ), эш туш «дўстлар, улфатлар» (ҚБ, ТТ), эчу апа «ажодлар» (КТ), уруг қайш «қавм-қариндош» (Нав, БН) ва ҳ.к.

10) Зоологик тушунчалар: ат айгур «отлар» (ҚБ), йилқу қара «қорамоллар» (ТТ) ва ҳ.к.

11) Маиший тушунчалар: идиш айақ «идиш-товоқлар» (ДТС), бадур айақ «коса, товоқлар» (ДТС), йогру чанақ «идиш-товоқлар» (МК), кэдим тон «кийим-кечак» (ДТС) ва ҳ.к.

12) Анатомик тушунчалар: коз қарақ «кўзлар» (ДТС), йуз корк «қиёфа. ҳусн» (ҚБ), мэнгиз йуз «чеҳра юз» (МК) ва ҳ.к.

II. От-от-от модели асосида ясалган жуфт сўзлар қуйидагича маъноларни билдирган:

1) қариндош-уруг тушунчалари: адаш қолдаш эрдаш «дўстлар, биродарлар» (ҚБ), қара ам бодун «Омма, авом» (ҚБ) ва ҳ.к.

2) сиёсий-ижтимоий тушунчалар: онгди тору қулук «қонун-қоидалар» (ҚБ), Эл кун бодун «Халқ, омма» (ҚБ) ва ҳ.к.

3) мавҳум тушунчалар: ку сав ат «шуҳрат, шон-шараф» (ҚБ), ва ҳ.к.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, уч сода сўзнинг бирикишидан ясалган жуфт сўзлар асосан эски туркий тилнинг илк даври (XI-XII) манбаларида қўлланишида бўлган.

IV. Сифат-сифат модели асосида ҳосил қилинган жуфт сўзлар асосан қуйидаги мавҳум тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қилган: эсан тукал «соғ-саломат» (ДТС), йабуз йаблақ «ёмон, ёвуз» (ДТС) асуғлуг тусуғлуг «фойдали, зарур» (ДТС), чун бутун «содуқ ростғуй» (ҚБ),

чун кони «тўгри, ҳақимқий» (ҚБ) арг пакиза «соф, тоза» (Таф).

V.Олмош-олмош модели асосида ясалган жуфт сўзлар: кэнду оз «ў, ўзини» (ТТ, Таф, НФ), оз кэнду «ўз, ўзини» (ТТ) ва ҳ.к.

VI.Равиш-равиш модели негизида ҳосил бўлган жуфт сўзлар: қайра йана « Яна, тагин» (НФ), йана эвра «тагин. қайта» (ҚБ) йана йандру «тагин, яна» (ҚБ), эруш укуш «кўп» (сув), коп қалўн, қалўн коп «кўп, беҳисоб» (ҚБ) ва ҳ.к.

VII.Юклама-юклама модели асосида ясалган сўзлар: бэк чоқ « ўта жуда» (ЎН) ва ҳ.к.

VIII.Тақлид сўз-тақлид сўз одели асосида ҳосил бўлган жуфт сўз: тирт пирт «Тит-пит» (БН) ва ҳ.к.

Эски ўзбек адабий тили обидаларида қайд этилган жуфт сўзларнинг ҳар икки мустақил маъноли қисмининг ўзаро синтактик бирикиши қадимги туркий тил ҳамда эски туркий тилдаги жуфт сўзлардан фарқли ўлароқ кўп ҳолларда -у, -ю боғловчиси ёрдамида рўёбга чиққанлигини эътироф этиш лозим бўлади. М: кэча-йу кундуз «кеча ва кундуз, сутка» (Нав), йа'жуж -у ма'жуж «яъжуж ва маъжуж» (Нав), ач -у аруқ «оч-ялангоч» (БН), хан -у манн «уй-жой» (БН), ҳарб -у зарб «жанг-жадал» (БН) ва ҳ.к.

Муайян жуфт сўзлар ўзаро зид ёки маънодош бўлмаган, аммо бир умумий мавзуйи тушунчанинг қисмлари ҳисобланган сўзлардан ёки нисбатан яқин маъно ифодаловчи лексик birlikларнинг бирикишидан ҳам ҳосил қилинади. Мисол тариқасида от-от модели асосида қилинган баъзи бир жуфт сўзларни келтириш билан кифояланамиз: бола («кулфат», бало)

Мэхнат («синов, имтиҳон») «балолар бахтсизликлар, кулфатлар» (ЮГ), бор («мусаллас, май») бэкти («пиво») «алкоголи ичимликлар» (ТТ) ва ҳ.к.

Тенг боғланишли жуфт сўзларга хос бўлган жиҳатлардан бири сифатида композиция қисмларининг умумий мазмун-маънога таъсир этмаган ҳолда ўзаро ўрин алмашинишини кўрсатиш мумкин. Бу ҳодиса аксар қадимги туркий тил ва эски туркий тилда содир бўлган. М, бэрим алум (УЮХ)-алум бэрим (МҚ) «тўловлар, қарзлар», ата анна (МК)-ана ата (ҚБ, Сув) «ота-она», чэриг су (ҚБ)-чэриг (ДТС) «қўшин, лашкар», а тку (КТ)-ку ат (ДТС) «шон-шухрат», эзук игид (Сув) -игид эзук (Сув) «янглиш, хатолар» ва ҳ.к.

2. Бир қисми (компоненти) гина мустақил маънога эга бўлган жуфт сўзлар курилайётган давр манбалари тилида оз бўлса-да учраб туради. Маълум даражада экспрессив бўёққа эга бўлган бундай жуфт сўз турларида асосан мустақил маъно ташувчи биринчи лексик бирлик англаётган нарса-предмет тушунилади¹. М; эм Сэм (с-эм) «дори-дармон» (МК) энг мэнг (м-энг) «улжа» (ИБ), уруш муруш (М-уруш) «жанг» (БН), партал мартал (п-м), «куч-кўлан» (БН), ат мат (м-ат) «улов» (БН) ва ҳ.к.

Хуллас, на фақат ўзбек тилшунослиги шунингдек умум туркийшуносликда ҳам тадқиқталаб масалалардан бири сифатида ўзининг узил-кесил ечимини кутаётган жуфт сўз ясалиш қолиплари ва улар англаётган маъно нозикликларини ойдинлаштириш муаммосига жиддий эътибор қаратиш лозим.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР:

- БН - Бобирнома. Тошкент. 1960.
ДТС - Древнетюркский словарь, Л., 1969.
ИБ - ирқ битиг. Древнетюркский словарь...
КТ - Култегин битик тоши. Малов С.Е. Памятники древнетюркский письменности. М-Л, 1950.
МК - Маҳмуд Қошгарий. Девону луготит турк. I-III, Тошкент, 1960-1963.
МЧ - Муюн чур битик тоши. Малов С.Е. Памятники древнетюркский письменности Монголии и Киргизии. М.-Л, 1959.
Нав - Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. I-IV Тошкент, 1983-1985.
НФ - Наҳжул-фародис. Фазулов. Староузбекский язук. Хорезмские памятники XIV века. I-II, Ташкент, 1966-1971.
Сув - Олтин ёруқ. Ғ. Абдураҳмонов, А. Рустамов. Қадимги туркий тил. Тошкент 1982.
ТТ - Турфон матнлари. Древнетюркский словарь...
ТАФ - Боровков А.К. Лексика среднеазиатского тefсира XII-XIII вв. М., 1963.
УЮҚ - Уйгур юридик ҳужжатлари. Древнетюркский словарь...
ХШ - Хусрав ва Ширин. Фазулов Э. Староузбекский язук....

¹ Қаранг: Кононов А.Н. Курсатилган асар. С.101.

ШН – Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Тошкент, 1961.
ШТ – Абулғозий. Шажараи турк. Токент, 1992.
ЮГ – Аҳмад Югнакий. Ҳибатул-ҳақойиқ.
Древнетюркский словарь...
УН – Угузнома. ҳербак А.М. Огуз-наме. Мухаббат-наме.
М., 1959.
ҚБ – Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва
ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи
Қ.Каримов. Т., 1971.

Проф. Муҳаббат Қурбонова, ЎЗМУ

ГАП ВА УНИНГ ЛИСОНИЙ ҚУРИЛИШИ

Гап категорияси тилшунослиқда турли хил нуқтаи назардан (мазмуний қурилиш, мантиқий бўлиниш жиҳатидан) турлича тадқиқ қилинган бўлиб, ҳар қайси аспектнинг муайян мақсади ва ўзига хос тушунчалари бор. Гапнинг мазмуний унсурлари ҳақида гап кетганда субъект предикат темпоралис (замон), инструменталис (восита) ва ҳоказо тушунчалар билан иш кўрилса, гапнинг актуал бўлинишида тема (маълум), рема (номаълум) каби тушунчалардан фойдаланилади.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида гап ҳақидаги қарашларда гапнинг лисоний қурилишига эътибор анча кучайди. Фанимизда формал-функционал тадқиқ усулининг шаклланиши билан узвий боғлиқ бўлган бу тадқиқ усулининг моҳиятини тил (лисон) ва нутқ фарқланиши ташкил этади ва гап назариясида лисоний гап ва нутқий гап, лисоний гап бўлаклари ва нутқий гап бўлаклари гапнинг лисоний қурилиши ва гапнинг нутқий воқеланиши каби тушунчалар изчил фарқланади.

Биз бу ахборотда формал-функционал тадқиқотлардаги ана шундай таянч тушунчалардан бири гапнинг лисоний қурилиши ва унинг унсурлари (ташкил этувчилари) хусусида тўхталамиз. Формал-функционал тадқиқотларда таъкидланганидек, гап тил босқичида кесимлик категорияси маънолари билан шаклланган атов бирлигидир. Бу лисоний бирлик гапнинг моҳияти рамзлар орқали [*W Pm*] (ёки ўзбекча [*Аб Кк*]) тарзида

ифодаланади.¹ Нутқ босқичида бу моҳият бирдан аниқроғи фақат кесимдан иборат ихчам гапга тўғри келади.

Ҳамшираман. Ҳамшира эдим. Ҳамшира бўлмоқчиман. Ҳамшира эмасман ва ҳ.

Гапнинг лисоний моҳияти – [W Pm] нинг таркибий қисмлари тилнинг қуйи сатҳларига мансуб.

1-таркибий қисм-лугавий асос лугавий сатҳ бирлиги бўлса 2-қисм-кесимлик кўрсаткичлари морфологик сатҳ бирликларидир. Юқори сатҳ бирлиги-гап қуйи сатҳ бирликларидан ҳосил бўлган. Бу ҳар иккала қисм лисоний бирлик сифатида субстанциал (зотий) табиатга эга бўлиб, уларда маълум бир имкониятлар яширинган. Кесимнинг лугавий асоси мавқеида уз субстанциал табиатига кўра уз маъновий хусусияти, маъновий қобилияти асосида кенгая олади бу қонуният фанимизда лугавий валентлик дейилади.

Ҳар бир сўз маълум бир сўзлар билангина бирика олади. МАСАЛАН: «ёзмоқ» феъли «ким» «нима» «қачон» «нима мақсадда» «қандай» ва. ҳ. сўроқларига жавоб берувчи сўзлар билан бирикиш имкониятига эга. «Ёзмоқ» феъли юқоридаги саволларга жавоб берувчи сўзлар билан бирика олиши билан бирга айни пайтда умумий сема (классемагина)га эга бўлган сўзлар билан бирика олади. Масалан: *нимани ёки қаерда* сўроғига жавоб берувчи сўзларнинг ҳаммаси билан ҳам берикавермайди. Бундан кўринадики, сўзлар ўзаро маълум бир маъновий имкониятлар асосида бирикади.

Гапнинг кесим мавқеидан келган сўз гап қурилишига мана шу хусусиятини олиб киради. Агар кесимнинг лугавий асоси «ёзмоқ» бўлса юқоридаги саволларга жавоб берувчи сўзларни, яъни уз актанталарини гапда воқелантира олади. Жумладан, 1. У ёзди-ким? 2. У кутубхонада ёзди-қаерда? 3. У бугун кутубхонада ёзди-қачон? ва ҳ.

Ҳосил қилинган гапларда киритилган сўзлар гапнинг қурилишига бевосита алоқадор эмас, балки кесим мавқеида келган «ёзмоқ» феълнинг хусусий кенгайтирувчиларидир. Гапнинг кесими вазифасида сўзнинг лугавий-маъновий валентлиги билан боғлиқ бундай кенгайтирувчи бўлақлар сўз кенгайтирувчилари

¹ Нигматов Х.Г. и др. Структура предложения и актуальн'е вопрос' синтаксиса тюркских яз'ков(тезис' формально-функционального исследования)// Сов. тюрк.-1984.-№5-С.3-10.

дейилади.¹ Сўз кенгайтирувчилари гапда маълум бир сўзнинг маъносини муайянлаштиришга хизмат қилади ва сўз бирикмаларини ҳосил қилади. Бу булаклар ўша сўз қаерда келса унга эргашиб ҳамроҳ бўлиб келади. Улар гап қурилиши таркибида яхлитлигича ёки ҳоким булакларига эргашиб киради. Теньер грамматикасида ҳам сўз бирикмалари, кенгайган ўрамлар билан ифодаланган булак бир бугин (узел) сифатида ажратилади.²

Кесимнинг 2-таркибий қисми. Кесимлик категорияси кўрсаткичи шахсга, замонга, модалликка, воқеликка ва ҳ.ларга муносабатни ифодаловчи муайян шакл, муайян бирликдир. Аффикс ёки боғлама кўринишидаги бу қисм формал-функционал тадқиқотларда кесимлик шакли дейилади.

Кесимлик шаклида мужассамлашган юқоридаги грамматик маънолар ўша аффикснинг валентлиги асосида кенгайиши ва гап таркибидаги муайян бирликларни олиб кириши мумкин.

Қиёсланг: *Тадбиркорман* гапидаги- ман кесимлик шаклида ифодаланган I-шахс, бирлик, ҳозирги замон, тасдиқ каби грамматик маънолар ўз валентликлари асосида гап таркибига қуйидаги бирликларни:

- 1) шахс/сон маъноси асосида-мен олмошини;
- 2) ҳозирги замон маъноси асосида-ҳозирги кунда, ҳозирда, бутун, бутунги кунда, айни пайтда каби бирликларни;
- 3) модаллик/майл, тасдиқ маъноси асосида-ҳа, тўғри, шубҳасиз, дарҳақиқат, албатта каби модал маъно ифодаловчи сўзларни олиб кириши мумкин. Бу «Тадбиркорман» гапининг кесимлик шаклида мужассамланган имконият бўлиб, бу имкониятнинг воқеланиши орқали қуйидаги нуқтий гаплар ҳосил бўлади.

1. Шакл/сон маъноси валентлиги асосида; мен тадбиркорман.
2. Замон маъноси валентлиги асосида:
 - 2.1. Мен ҳозир (да) тадбиркорман.
 - 2.2. Мен бугун тадбиркоман.
 - 2.3. Мен бугунги кунда тадбиркорман.
 - 2.4. Мен айни пайтда тадбиркорман ва. ҳ.

¹ Бу атама ҳақда батафсил қаранг: Акрамов Ш. узбек тили гап қурилишида тулдирувчи ва ҳол [W Pm]валентлиги аспектида, НДА, Т., 1997.

² Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. М.: Прогресс. 1998.

3. Модаллик, майл тасдиқ маънолари асосида

3.1. Мен, шубҳасиз, тадбиркорман.

3.2. Ҳа, мен тадбиркорман.

3.3. Тугри, мен тадбиркорман.

3.4. Албатта, мен тадбиркорман ва ҳ.

Ушбу ҳосил қилинган гаплар асосида.

Тугри, мен ҳозирда тадбиркорман.

Тугри, мен айна пайтда тадбиркорман кўринишда 30-40-та нутқий гаплар ҳосил қилиш мумкин.

Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган нутқий гаплар- ман кесимлик шаклида яширинган лисоний омил-грамматик шакл валентлиги асосида ҳосил бўлди. Бундан шундай хулосага келишимиз мумкинки, нутқий гапнинг қандай шаклларда, қандай бирликлар билан келиши кесим мавқеида келган сўзнинг ҳамда кесимлик шаклининг лисоний валентлиги асосида олдиндан белгиланган ёки шартланган бўлади. Гапнинг таркибида кесимнинг иккала қисмида яширинган лисоний қурилиши деганда тил босқичидаги мана шу омиллар лисоний имкониятлар тушунилади.

Шуни таъкидлаш керакки, юқорида «Тадбиркорман» ихчам гапи асосида ҳосил қилинган гаплар ҳамда моддий воқеланиш жиҳтидан ҳар қайси алоҳид гаплардир. Бу фарқланиш гапнинг бошқа аспекти учун (масалан: мазмуний қурилиши нуқтаи назардан ёки социолингвистик нуқтаи назардан) алоҳида аҳамиятга эга. Бироқ гапнинг лисоний қурилиши тадқиқотда бу белгилар нейтрал ҳисобланади ва эътиборга олинмайди.

Кесимнинг лугавий асоси- номинатив бирликнинг валентлик имконияти ҳам, кесимлик категорияси маъноларини ифодаловчи кесимлик шаклининг валентлиги ҳам лисони омил сифатида баҳоланади, лекин гапнинг лисоний қурилишида бу хил имконият бир хил мавқега эга эмас. Ҳуш, гапнинг лисоний қурилиши учун қайси қисмнинг валентлик актантлари муҳим?

Биз кесимнинг ласосида мужассамлашган кенгайиш имконияти лексеманинг лугавий валентлиги билан алоқадор эканлигини ва бу кенгайиш асосида номинатив бирлик- сўз бирикмаси ҳосил булишини кўриб ўтдик. Гап-эса коммуникатив бирликдир. Шу сабабдан бу қисмнинг кенгайиши лисоний тизимга ҳос

булса-да бевосита гапга хусусият эмас ва гапнинг лисоний қурилиши учун релевант белги бўлолмайди.

Кесимнинг 2-қисми-кесимлик категорияси маънолари, юқорида кўриб ўтганимиздек, бевосита шакллантиришга хизмат қилади. Кесимлик шакли ўз грамматик маънолари асосида кенгайишидан ҳар доим гап ҳосил бўлади. Шу сабабдан лингвистик тадқиқотларда кесимлик категориясини ташкил этувчи грамматик маънолар гапнинг грамматик аспекти сифатида қайд этилади.

Юқоридаги фикрлардан англашиладикки, гапнинг лисоний қурилиши учун 2-қисм кесимлик категорияси маънолари ва уларнинг кенгайиши асосий аҳамиятга эга. Гапнинг лисоний қурилиши кесим ва кесимлик шакли валентлиги билан алоқадор бўлақлар ҳозирги кунда формал-функционал тадқиқотларда гап кенгайтирувчилари, лисоний гап бўлақлари, гапнинг конструктив бўлақлар тушунчалари билан ифодалаяпти. Бундай кенгайтирувчилар нутқда воқеланган муайян гапга эмас, булки ўзбек лисоний сатҳи учун умумий бўлган гапга алоқадор бўлган кенгайтирувчилардир. Термин ва тушунчалардаги ҳар хилликдан қатъий назар, гапнинг лисоний моҳияти ва бу категорияга хос тил босқичидаги қонуниятлар эътироф этилаяпти.

Гап назариясида гапнинг лисоний қурилишини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки гапнинг бошқа жиҳатлардан тадқиқ қилиниши мумкин бўлган нутқий гаплар ушбу лисоний омиллар, лисоний имкониятларнинг воқеланишидир. Шунинг учун унутмаслигимиз керакки, гап тадқиқида муайян нақтай назардан муайян тушунчалар билан иш кўриш жуда муҳим. Гапнинг мазмуний тузилишини ўрганар эканмиз субъект, предикат, темпоралис, инструменталис тушунчалари билан иш кўрганимиздек, гапнинг лисоний қурилиши тадқиқида марказ (кесим), қуршов-кесимлик шаклининг валентлик актантилари бўлган гап кенгайтирувчилари (ёки лисоний гап бўлақлари) тушунчаларини фарқлашимиз ва бу тушунчаларни анъанавий гап бўлақлари ёки гапнинг мазмуний унсурлари билан қориштирмаслигимиз керак.

Компьютер тилшунослигида матнни автоматик
таҳрир қилиш учун яратиладиган дастурнинг баъзи
лисоний асослари

XX асрнинг буюк кашфиёти бўлган компьютер технологиялари тилшуносликка ҳам ўз таъсирини ўтказди. Математик лингвистика, аниқроғи, унинг аксиомтик назариялари замирида вужудга келган компьютер лингвистикаси фани тилшуносликни тобора аниқ фанларга яқинлаштириб, уни янгича йўналишлар билан бойитмоқда. Компьютер лингвистикасининг асослари математик ва муҳандис олимлар ҳам компьютер лингвистикаси билан шуғулланмоқда. Хусусан, «Microsoft» корпорациясида хизмат қилувчи ходимларнинг 35%ини тилшунослар ташкил қилади. Бу мутахассислар ўз изланишларини инглиз тилининг дунё миқёсида яна ҳам оммалашишига, уни ўрганиш ва ўргатишнинг осон, ихчам ва қўлай йўллари топишга йўналтиришган. Шу тариқа компьютер лингвистикаси гоёлари бутун дунёда назари ва амалий тилшуносликнинг ривожланишида ката аҳамият касб этмоқда. Формал грамматика назариясининг юзага келиши тил ва унинг алоҳида аспектилари моделини яратишга асос бўлди, шу тариқа компьютер лингвистикасининг турли йўналишлари вужудга келди. Демак, компьютер лингвистикаси тилшуносликнинг булими бўлиб, у матнга компьютер ёрдамида ишлов бериш билан боғлиқ вазифаларни бажаради. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат: машина таржимаси ва рефератлаш, автоматик таҳрир, коапьютер лугатларини яратиш ва комапьютердаги матнни ситактик тақилиш, компьютер ёрдамида бирон бир тилга ўргатиш, билимларни баҳолаш ва ҳоказо. Буларни компьютер лингвистикасининг ўзига хос йўналишлари дейиш мумкин. Дунё тилшунослигида лингвистиканинг мазкур йўналишлари буйича турлича тадқиқот олиб борилган ва олиб борилмоқда. Айниқса, бу соҳада ҳорижда амалга ошириляётган ишларнинг кўлами кенг. АҚШда компьютер лингвистикаси ассосацияси мавжуд бўлиб, бу уюшма «Компьютер лингвистикаси» («Computer Linguistics»)

журналини нашр қилдиришдан ташқари ҳар икки йилда бир марта COLING конференциясини ҳам ўтказди. Шунингдек, компьютер лингвистикасининг муаммоли масалалари сунъий интеллект (искусственной интеллект) бўйича ўтказиладиган турли конференцияларда ҳам куриб чиқилади.

МДҲга аъзо мамлакатларда ҳам компьютер лингвистикаси бўйича салмоқли изланишлар амалга оширилган. Айниқса, Москва ҳамда Санкт-Петербург олимлари олиб борган тадқиқотлар эътиборга молик. Рус компьютер лингвистикасида А.В.Анисимов, И.А. Баратчиков, Э.И.Королев, Р.Г.Котов, Ю.Н.Марчук, Л.Л.Нелюбин, Р.Р.Пиотровский каби олимларнинг изланишлари муҳим ўрин тутади¹. Мазкур олимлар асосан машина таржимаси билан шугулланишган. Рус тилшунослигида автоматик таржима йўналишидан ташқари автоматик тарзда тилга ўқитиш йўналиши бўйича ҳам анча ишлар амалга оширилган. Бу ишлар сирасига И.С.Панова-Яблошкинова², Г.И.Колос, Л.В.Смирнова, Л.А.Пурүгина, Г.А.Гринок³ ва бошқаларнинг ишларини киритиш мумкин. Кўринадики, рус тили материаллари бўйича машина таржимаси, автоматик тарзда тилга ўқитиш йўналишларида қилинган ишлар кўлами кенг. Рус тилшунослигида автоматик таҳрир йўналишларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида таҳрирлаш дастурлари яратилган бўлиб, улар бугунги кунда барча компьютерларда мавжуд, яъни биз рус тилидаги матнларни каомпьютер ёрдамида таҳрир қиилиш имкониятига эгамиз. Бу дастурнинг яратилишида И.А.Мельчек, Л.И.Беляева, В.А.Чижаковский, Г.Г.Белоногова, И.С.Дуганова, А.Б.Кузнецов каби олимларнинг ҳиссаси ката бўлган.⁴ Ушбу йўналишда

¹Анисимов А.В. Компьютерная лингвистика: мифу. Алгоритму. Язык.-Киев, Наука думка, 1991; братчиперевода.-М, 1991; Котов Р.Г. Оптимизация речевого воздействия.-М, 1990; Марчук Ю.Н. Основу терминографии.-М., 1992; Нелюбин Л.А.Компьютерная лингвистика и машинный перевод.-М, 1991; Пиотровский Р.Г.математическая лингвистика.-М, 1997.

²Панова-Яблошкинова И.С.Тероитечкие аспекту и практическая реализация компьютерного обучения иностраннум языкам. -М, 1989.

³Бу ҳақда қаранг: Автоматическая перероботка текста методами прикладной лингвистики. Материалу II Всесоюзной конференции. 1991, 6-7 октября.

⁴Мельчук И.А. Порядок слов при автоматическом синтезе русского текста// Научно-техническая информация. 1985, №12.-С. 36-41; Беляева Л.Н., Чижаковский В.А. Тезарус в системах автоматической перероботки текста. -Кишинев, 1993; Белоногова Г.Г., Дуганова И.С., Кузнецов А.Б. Экспериментальная система автоматизированного обнаружения и исправления ошибок в тексте// Научно-техническая информация. Сер. 2. 1994, №3.-С.20-22.

тадқиқот олиб боғанлар машина таржимаси билан шутуланган олимларнинг асарларига асосланишган, чунки машина таржимаси асосан икки босқичда амалга оширилади: биринчи босқичда бир тилдан иккинчи тилга ўтирилади, иккинчи босқичда, албатта, таржима қилинган матн автоматик таҳрир қилинади.

Қозогистонда ҳам компьютер лингвистикаси, хусусан статистик таҳлил соҳасида кўпгина салмоқли ишлар бажарилган⁵. Энг муҳими, Windows нинг қозоқча версияси ишлаб чиқилиб, компьютернинг қозоқ тилида ишлаши таъминланган.

Афсуски, ўзбек тилшунослигида компьютер лингвистикаси етарлича ривожланмаган деб айтиш мумкин. Чунки компьютер тилшунослиги бўйича ката тадқиқотлар ҳали амалга оширилмаган. Эълон қилинган ишлар статистик таҳлил йўналиши бўйичадир. С.Ризаев узининг «Кибернетика ва тилшунослик» асарларида тилшуносликда математик ва машина тилшунослигининг юзага келиш сабаблари, уларнинг мавжуд бўлишини таъминловчи илк ЭХМ (компьютерларнинг) яратилиш тарихи, дастур тузилишда сунъий тиллардан фойдаланиш ҳақида маълумот беради.¹ Олимнинг шу соҳага оид «Замонавий ўзбек тилидаги ҳарф ва фонемаларнинг частотаси» (1975) ва «Статическая структура лексики языка «Дивана Хамза Хақимзада Ниязи (частотный словарь и конкорданс)» (1989) асарлари компьютер лингвистикасининг статистик таҳлил йўналиши бўйича яратилган.

Ўзбек тилшунослигида шу соҳада тадқиқотлар олиб борган яна бир олим С.Муҳамедовдир. У.Г.Г.Пиотровский билан ҳамкорликда ёзган «Инженерная лингвистика и опыт системно- статистического исследования узбекских текстов» китобида лингвистик модел, моделлаштириш ва моделлаштиришнинг умумий тамойиллари ҳақида фикр юритиб, ўзбек матнларининг квантовив моделини келтирган². С.Муҳамедов ҳам асосан статистик таҳлил

⁵ Аскабаев А. Частотный словарь казахского подязыка публицистики. –Алма-ата, 1969; Аскабаев. Статистический анализ лексико-морфологической структуры языка казахской публицистики. Автореф.дисс.канд.филол.наук.-Москва, 1971. Джубанов Х.А. Статистическое исследование казахского текста с применением ЭВМ (на материале романа М.Авезова «Абай жолу»). –Алма-ата, 1973.

¹ Ризаев С.Кибернетика ва тилшунослик.-Тошкент, 1976.-16-б.

² Муҳамедов С., Пиотровский Г.Г. Инженерная лингвистика и опут системно-статистического исследования узбекских текстов. –Тошкент: Фан, 1986.

йўналиши бўйича изланишлар олиб борган бўлиб³, унинг асарлари, албатта, салмоқли илмий-амалий аҳамиятга эга.

Куринадики, компьютер лингвистикасининг автоматик таҳрир йўналишида ўзбек тили материаллари бўйича амалга оширилган ишлар йўқ даражада. Бунга фақат 2002 ва 2003 йилларда ЎзМУда ёқланган магистрлик диссертацияларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин⁴.

Бугунги кунда Давлат тили ҳақидаги Қонунга амал қилган ҳолда республикамизда матбуот, радио, телевидение, илм –фан ва бошқа соҳалардаги ишлар ўзбек тилида юритилмоқда. Шунинг учун ўзбек тилидаги матнларга мўлжалланган автоматик таҳрир дастурига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда, ammo ҳозиргача бундай дастурлар ишлаб чиқилган эмас. Бундай дастурларни яратиш тилшунослар зиммасидаги энг муҳим вазифа ҳисобланади, чунки компьютер ўзича ишламайди, бунинг учун дастур яратиш керак, дастур учун эса лингвистик таъминот зарур бўлади. Мазкур лингвистик таъминотни эса тилшунослар яратиб бериши лозим. Шунга кўра, ўзбек тилидаги барча сўз туркумлари базасида таҳрирлаш дастури учун лингвистик таъминот яратиш мумкин. Албатта, бу иш жуда катта ҳажмли, кўлами кенг бўлганлиги учун тадқиқотчи ўз иш доирасини чегаралаб олади. Масалан, ўзбек тилидаги барча феълларни бирданига моделлаштириш мумкин эмас. Шунинг учун, бизнингча, феълларни семантик майдонларга, аниқроғи, лексик-семантик гуруҳларга бўлган ҳолда моделлаштириш тадқиқотчига систем равишда ишлаш имконини беради. Феълнинг семантик майдони белгиланиб, унинг ички гуруҳлари ҳам аниқлаштирилганидан сўнг автоматик таҳрирлаш тизими яратилади. Бу жараён қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Тилшуносликнинг барча қонун-қоидаларини ўзида жамлаган лингвистик модель яратиш.
2. Модель асосида дастур алгоритмини тузиш.

³ Муҳамедов С. Ўзбек тили частотали дугатларида кумакчи феъл статистикаси//Тилшунослик масалалари.-Тошкент, 1978.-Б.110-115; муҳамедов С. Статистический анализ лексикоморфологической структуры узбекских газетных текстов.-Тошкент, 1980; Муҳамедов С. Ўзбек тилининг алфавитли- частотали дугати (газета текстлари асосида). -Тошкент, 1982.

⁴ Дусимова У.. Матндаги феълларни автоматик таҳрир қилувчи дастурнинг лингвистик таъмини (расмий-идоравий услубдаги матнлар асосида). Магистрлик дисс.-Тошкент, 2002-56 б. (от сўз туркуми мисолида). Магистрлик дисс.-Тошкент-60 б.

3. Алгоритмдан фойдаланган ҳолда компьютернинг сунъий тилларидан бирида дастур тузиш.

Мазкур ишлар муваффақиятли амалга оширилса, инсон тегишли буйруқ (команда) ёрдамида компьютердаги матнни, хусусан, ундаги феълларни жуда оз фурсат ичида таҳрир қила олади. Таъкидлаб кўрсатилганидек, автоматик таржима ва автоматик таржима ва автоматик таҳрир дастурини амалга оширишда лингвистик моделларнинг ўрни ката ва аҳамиятли. Лингвистик модель тузиш эса тилшуносдан тилнинг семантика ва грамматикасини чуқур ўрганишни, тил ва нутқ ҳодисаларининг кўплаб назарий ва амалий масалаларининг аниқ ечимини топишни тилшунослигида феъл тадқиқига бағишлаб яратилган назарий адабиётлар асос бўлади. Яъни, компьютер лингвистикасининг автоматик таҳрирлаш йўналиши ҳам (унинг бошқа йўналишларидагидек) назарий тилшунослик билан чамбарчас боғланган. Демак, автоматик таҳрир қилувчи дастурнинг лингвистик таъминотини яратиш учун феъл лексик-семантик гуруҳини белгилаш, унинг семантик ва грамматик хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади, аниқроғи, феълларнинг маъно тузилиши, грамматик (морфологик ва синтактик) хусусиятлари уларни моделлаштириш учун маълумотлар базаси бўлиб хизмат қилади. Компьютер лингвистикаси билан шугулланувчи ҳар бир мутахассис сўз туркумларининг муайян бир гуруҳи доирасида ишлашни чегаралаб олиши мақсадга мувофиқдир. Биз ушбу мақолада компьютер лингвистикасининг келиб чиқиши, ривожланиши, йўналишлари ва хусусан, автоматик таҳрир қилувчи дастурга лингвистик таъминот яратиш ҳақида фикр юритдик. Мазкур дастурни муайян феълларнинг семантик майдони (гуруҳи) мисолида кўрсатиб бериш эса алоҳида тадқиқотни талаб қилади, яъни бу бошқа мақолага мавзу бўлади.

Проф. Саидахбор Булатов ТДПУ

РАНГШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИ ҲАҚИДА

Дунё чексиз сир-синоатлардан иборат. Уларни ўрганиш учун чексиз инсон умри керак бўлади. Аждодларимиз Оллоҳ томонидан яратилган барча

неъматларнинг сирли оламини, сабабларини ўрганишга ҳаракат қилганлар ва улар шундай хулосага келганларки, дунёда ҳеч бир нарса бекорга яратилмаганлигига амин бўганлар. Чунончи, ранг термини тўртта ҳарфдан иборат бўлсада, унинг маъносига ва сирли оламини ўрганишга инсонларнинг умри етмайди.

Борлиқки кузатар эканмиз бизни қуршаб турган олам турли-туман ранглардан иборат эканлигини кўриб ҳайратга тушамиз. "Бу рангларда қанчалик маъно ётади?" – леб уйга толаман. Аждодларимиз табиатнинг шу сирли оламга ҳайратга тушиб, асрлар давомида уни ўрганиб келишмоқда. Муқаддас китобимиз "Қуръони Карим" да ҳам ранг муъжизалари ҳақида қуйдаги фалсафий фикрлар билдирилган: "Оллоҳдан ҳам гўзалроқ ранг берувчи борми?"² ёки "...ранглари турли булган меваларни чиқарганимизни кўрмадингизми?!", яна "...тоғларнинг оқ, қизил, ранг-баранг йўл-йўласи ҳам, тим қораси ҳам бордир"³, "Шунингдек, одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлари орасида ҳам турли ранглари бордир"⁴.

Ранг ҳақида аждодларимиз асрлар давомида муайян даражада илмий тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказганлар. Аждодларимиз Алишер Навоий, Абу Райҳон Бериуний, Абу Али Ибн Сино, Комолиддин Беҳзод, Фирдавсий, Заҳриддин Бобур каби жаҳонга машҳур олим, шоир, наққош, мусаввир ва бошқалар ранг турлари, номланиши, келиб чиқиши, рамзий маънолари, инсон соғлигига таъсири ва бошқалар ҳақида жуда кўп асарлар яратганлар, маълум доирада илмий тадқиқот ишлари қилганлар. Улар ранглар орқали сўзлашиш, ранглар орқали даволаш, турбиялаш, фалсафий фикр бериш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, иқтисодда, ранг терминлари келиб чиқиши каби қирраларини ёритиб берганлар. Лекин минг афсуски, аждодларимиз бизга қолдирган чексиз маънавият хазиналаридан Ўзбекистонда етарли фойдаланяпмиз. "Берлин шаҳридаги Баухауз рангшунослик институтидаги машҳур рангшунос олим И.Иттен талабаларга "колористика муаммолари" йўналишида таълим берган. Унинг бу борадаги тажриба ва хулосалари "Ранг санъати" китобида баён этилган"⁵.

² Қуръони Карим. Бақара сураси, 138 б.

³ Уша асар Фотир сураси, 27 оят.

⁴ Уша асар Фотир сураси, 28 оят.

⁵ Триқлик тимсоли. Д.Султонова, Тафаккур журнали, 2003.- № 2.- 87-88 бб.

Яна ривожланган мамлакатлардан бири Япониянинг Токио шаҳридаги дунёга машҳур ранг институтини таъкидлаш мумкин.

Ҳозирда Ўзбекистонда деярли рангнинг турли қирраларини урганадиган институт, илмий лаборатория, хаттоқий илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган илмий ходимлар йўқ деса бўлади. Бу эса катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқди.

Абу Райҳон Беруний узининг "Китоб ал жавоҳир фи маърифат ал жавоҳир" (Минералогия) асарида рангларнинг 200 дан ортиқ номлари. кўрсатилган Шарқда олим, шоирларимиз, мусаввиру наққош, хаттой ва бошқалар рангларнинг юздан ортиқ рангларни ажранга олганлар ҳамда уларни номини энг муҳими ҳар бир рангни рамзи ва унинг тилини билганлар. Афсуски йиллар, асрлар ўтиши билан ҳозирга келиб бунинг акси бўлиб, асат секин рангларнинг номи турлари ва рамзий маъноси ҳамда уларнинг тили йўқолиб кетиш арафасида турибди. Ҳозирда рангларни номини талабалардан нечта рангни санаб бери оласиз десангиз фақат 10га яқинини санаб номини айтиши мумкин. Бу эса юқорида айтиб ўтилган гапимизнинг далили бўлади.

Шарқда халқимиз қуйидаги рангларни ажрата олганлар ва уларнинг номини билганлар. Хаттоқи олимларимиз ҳар бир ранглар номини нима учун қўйилганлигини ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. Шу ранглар номи билан танишиб чиқамиз: алвон, аргувон, баргикарам, би нафша, бугдойранг, буз, гулгун, гунафша, жигарранг, зангори, заъфарон, зумрад, қаҳрабо, кулранг, кўк, ложувард, лоларанг, малла, мовий, мошранг, нофармон, ол, оқ, пистамағиз, пистаки, пушти, сариқ, сафсар, сомонранг, сур, фируза, ўчоқ, кесак, қизил, қирмизи, қора, қорамағиз, қорача, қўнғир, ҳаворанг, анордона, ақик, байзогул, баргранг, бақатўни ва бошқалар.

Халқ тилида ишлатиладиган ранг номларига эътибор беринг: анордона, ақик, байзогул, баргранг, бақатўни, бика, бурул, гулнор, гулоба, данифаранг, жигари, жийрон, жуша, зайнови, зар, зарча, заргалдоқ, зок, каптарбўйин, кранг, кўктемир, лилови, лимуранг, манайлик, минсви, новотранг, нилоби, нимтатир, нимпушти, норгул, оловранг, олматалқон, оқ упа суви, сабзиранг, саман, сариқ, кесак, сиё(х), сир, совот, сурмаранг, тилларанг, тўпори, тўриқ, тўтиёйи, хамирранг, шафтоли гули, шингоб, шинви.

шол, қизил кесак, қизгалдоқ, қовоқсарик, гиркүк, голия, ҳал, ҳафранг.

Бундан ташқари, Марказий Осиёлик мутафаккирлар ижодида қуйидаги ранг номларини тез-тез учратамиз: азрак, акхоб, ал-ас, асали, асфар, аргавони, ахзар, акроби, аҳмар, байзо, баҳроми, биржина, варди, гулфом, дамавий, еқутий, жигаргун, жимрий, зайтий, зулмони, кабидий, қофиргул, кўхлий, лаълфом, лолагун, маҳсар, мийно, музаффар, мушкин, наботий, нафтий, нилгун, нилий, норанжи, обгун, обранг, объёд, обсун, ойинагул, осмони, райҳони, ринд, рўмmoni сабзагун, сафод, савсан, самовий, сандалий сандарус, сафро, саҳаргул, сиймагун, силқий, сурмагун, тамрий, тибний, товусий, тўтагий, усфурий, утружний, уржвоний, фалфолий, хуний, шабгун, шамгун, шафақгун, шақоқий, шингарф, ширфом, қийиргун, холиқий.

Рангларни характерлашда, одатда, асосий ранг номи, олдидан қуйидаги сўзларнинг ишлатилиши кузатилади: дагал, жуда, зулмоний, илиқ, иссиқ, камсув, кир мунаввар, мусаффо нафис, ним, одми, очик, равшан, рангпар, сал, серсув, совуқ, сўниқ, тин, тиниқ, тоза, тўқ, хира чарогон, шабранг, шаффоф, энг ялтироқ, ўнган, ўчиқ ва ҳоказолар.

Қуйидаги холларда эса ранг номи икки марта такрорланиб кучайтирилади: кўк-мак, кўм-кўк, опшоқ, сап-сарик, қим-қизил, қоп-қора.

Устун ранг номи олдидан баъзи ранг номи ҳам кўшиб ишлатилади. Масалан: қизил жигарранг, кўк яшил.

Ранг номини ифодалашда махсус аффикслар ҳам бор:

-ваш: азрақваш, асфарваш, ахзарваш, аҳмарваш, сафсарваш, усфур;

-доқ: заргалдоқ, қизгалдоқ;

-илт: саргилт, қизгилт;

-и(мтир) ёки "р" ўрнида ("л"); кўкимтир - (л), оқимтир (л), қизгимтир (л), қорамтир (л), саргимтил;

-иш: кўкиш, оқиш, саргиш. қизгиш;

-пар: рангпар;

-фом: нилфом, норфом;

-ча: кўкча, қорача;

-чил: оқчил, номчил.

Шунингдек, ўзбек тилида ранг номига айлантирилаётган предмет номи мутлақо ўзгаришсиз қолиши ёки қуйидаги аффиксларидан бирини ўзига саингдириши мумкин:

- вий: дамавий;
- гун: гулгун, лолагун;
- и: асали, райҳони;
- ий: жимрий, зайтий, ёқутий;
- мон(и): нафармон, рўммони, баҳрамони, зулмони;
- оби: гулоби, нилоби;
- он: заъфарон;
- ранг: кулранг, ҳаворанг, жигарранг.

Ўзбек тилидаги ранг номларининг урнини ишораловчи ранг даврлари ва гуруҳларида баъзиларини айтиб ўтамиз.

Камалак таркибидаги рангларнинг тартиби : қизил, лола ранг, ақик, заргалдоқ, заъфарон, пил кўк, шинни ранг, бинафшасафсар, нофармон, қизил, ол, лаъл, шикгарф, гулгун, аргувоқ алвон.

Қирмизи: Далабгир (жанубий Эрон) ва Озорбайжонда ўсадиган қирмиш дарахтининг номидан келиб чиққан. Унинг япроқлари билан озиқланувчи ипак қуртига ўхшаш "Қирм" деб эталувчи куртлардан эса кўкишроқ қизил, тўгрироғи қирмизи рангдаги бўёқ олинган.

Шингарф: Рангнинг бу номи Алишер Навоийнинг бир газалида учратамиз:

Пардамнинг риштаси - эл жонидин,

Лаълию шингарфи улус қонидин.

Ўз замонаси кирдикорларида газабланган шоирнинг нима демоқчи эканлиги шу сатрларда ўз аксини топган. Аммо "шингарф" сўзининг "Шинний харф таржимаси - ёзув шиниси" тўғрисидаги "ёзув сиёҳи" бўлмиш эҳтимолдан холи эмас. Умумий шингарфлар қон тусини акс эттиради.

Зумрад: Арабча номи - зумрад. У қатор тилларда элсарағд, изумруд, зурмухти змури, зимрут шакларида талаффуз қилинади. Аслида қимматбаҳо тошнинг кўк туси кўпроққа, яъни кўкишга яшилга нисбатан кўп қўлланилади.

Фируза: Қимматбаҳо тошнинг номи бўлиб бу ном "галаба". Муваффақият монологини маънони англатувчи форсча "пируза", "пиройа" сўзоаридан келиб чиққан.

Зангори: Ўзбекча "ҳаво ранг" тошкентча "яшил" урнида ишлатилади. Тожик "синги горий" сўзларидан келиб чиққан бўлиб, горнинг тоши демакдир. Гапнинг Фируза тоши ҳақида кетаётганлиги аниқ, чунки Фирузанинг яшилдан тортиб, ҳаво рангга зарур бўлган бурлари бор.

Хулоса қилиб айтганда, рангшуносликка оид терминлар жуда кўп, уларни бир системага келтириб, илмий ўрганиш, баъзи чалкашликларга аниқлик киритиш ҳамда рангшуносликка оид ҳақиқий соф терминларни келажакка етказиш.

Ҳозирда Ўзбекистонимизда рангшуносликка оид терминларни чуқур илмий асосида ўрганилса, кейин таълим тизимида фойдаланилса, ўқувчиларга берилаётган билим янада чуқур ва атрофлига бўларди. Тайёрлаётган кадрларимиз комил инсон бўлиб етишида асосий замин бўларди.

Проф. Ёрмат Тожиев, ЎзМУ

Ўзбек тилида феъл ясалишига доир кузатишлар

Тилшуносликда сўз ясалиши, сўз ясаш усуллари, умуман, сўз ясаш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ўрганишга кенг эътибор берилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида феълларнинг аффиксация усулида ясалиши анча кенг ўрганилган. Бироқ янги феълларнинг ҳосил бўлиши шунчалик мураккабки, баъзан у ёки бу феълнинг қайси усулда, қайси аффикс ёрдамида ясалганлигини изоҳлаш мумкин бўлмайди. Бошқача айтганда, уларни фақат этимологик анализлар орқалигина изоҳлаш мумкин бўлади.

Маълумки, ўзбек тилида феъл туркумига оид сўзлардан аффиксация усули билан бошқа янги феъллар ҳосил қилинмайди. Бундан ташқари, кўпгина феъллар феъл шакллариининг лексикализацияси натижасида ҳам ҳосил бўлган.

Ўзбек тилида *сава-савла*, *қув-қувла*, *ишқа-ишқала*, *қаши-қашила* типидagi сўзларда феъллардан ҳаракатнинг характеристикасини ифодаловчи феъл шакллари ҳосил қилинганлигини, *теп-тепкила*, *турт-турткила* типидagi сўзларда, аввало, феъллардан от ҳосил қилинганлигини, сунгра отдан феъл ясалганлигини, *бурилиш*, *ўқитувчи*, *ўзгариш* типидagi сўзларда эса янги феъллар шу феъл шакллариининг лексикализацияси натижасида юзага келганлигини кўрсатилган олдинги мақолаларда қисман айтган эдик.

Фактлар таҳлили шуни кўрсатадики, феълларда айрим шакллар бир вақтнинг ўзида ҳам янги феъл ҳосил қилади, ҳам феълнинг даража шаклини ифодалайди.

Ўзбек тилида энг унумли ҳисобланган ва асосан феъл ясовчи деб баҳоланаётган **-ла** аффикси ҳам худди шундай вазифаларни бажаради: *уринла, қияла, эркала, илдамла, жадалла, илгарила* каби ясама феълларда **-ла** аффикси янги феъл ясаш билан бирга, даражани (иккита даражани), ҳамда ўтимли-ўтимсизликни ҳам ифодалайди. Тугри, бу ҳолат ўша сўзларнинг қайси маънода қўлланаётганлиги билан ҳам боғлиқ. Жумладан, эркала сўзи: а) «ўзинг бошқа одамга эркала» деган маънони ифодалайди ва бу ҳолатда, ўзлик нисбатни ҳамда ўтимсизликни ифодалаб келади; б) «Сен бошқа бировни эркала» маъносига қўлланади, бу ҳолатда унинг маъноси эркалат сўзининг маъносига тенг келиб, орттирма нисбатни ва ўтимлиликни билдиради. Бошқа сўзлар ҳам худди шундай хусусиятларга эга. Шунинг учун ҳам «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да эркаламоқ ва эркалатмоқ сўзларининг маънолари изоҳланар экан, улар ўртасида «айнан» деган изоҳ берилади.

Бундай ҳолатни **пишиқ-ла-пишиқтир** сўзларида ҳам кузатиш мумкин. Яъна, **-ла** аффикси янги феъл ясаш билан бирга, орттирма нисбатни ҳам ўтимлиликни ҳам билдиради.

Ўзбек тилида бараварла-бараварлаштир, пастла-пастлаштир, сушла-сушлаштир, ихчамла-ихчамлаштир, хойла-жойлаштир, жипсла-жипслаштир, жиҳозла-жиҳозлаштир, илдамла-илдамлаштир типидидагиларга феълларда ҳам **-ла** аффикси аниқланган маъно **-лаштир** аффикси аниқланган маънога тенгдир.

Тугри, бир ҳолатда у феъллар ўзлик нисбатдаги феъл шакли сифатида баҳоланса, иккинчи ҳолатда, орттирма нисбатдаги феъл шакли сифатида баҳоланади. Улар кейинги маъносига қўлланганда, **-ла** ва **-лаштир** аффикслари ўзаро синоним бўлиб келади.

Ҳозирги ўзбек тилида яна шундай феъл шакллари борки, уларда; биринчидан, янги феъл ҳосил бўлади, иккинчидан, феълнинг маълум бир нисбат шакли ҳосил қилинади. Бунда икки, бир-бирига ўхшамаган аффикс маъно жиҳатидан тенг келиб қолади ва ҳар иккаласи ҳам ўзлик нисбатни ифодалаб келади; **тунданмоқ-тундалашмоқ, гарибланмоқ-ғарибланишмоқ, қашшоқланмоқ-**

қашшоқлашмоқ, бақувватланмоқ-бақувватлашмоқ каби. Бу мисолларда янги феъллар асосан сифат туркумига оид сўзлардан **-лан** ва **-лаш** аффикслари воситасида ясалган.

Шу билан бирга, бу аффикслар узлик нисбатни ҳам ифодалаб келган. Бу жуфтликларда маъно жиҳатдан фарқ деярли сезилмайди. Фақат услубий жиҳатдан улар бир-биридан фарқ қилади: **тундланмоқ...** каби сўзлар китобий услубга хос бўлса, **тундалашмоқ...** типидagi сўзлар жонли сўзлашув услубига хослангандир. Шунинг учун ҳам «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да бу сўзлар изоҳланганида, улар ўртасида, «айнан» сўзи келтирилгандир.

Ҳозирги ўзбек тилида **гажи-гажила, қаши-қашила (қашла), қалқ-қалқи, ўкси-ўксин, алжи-алжира, алмаш-алмаштир, тўз-тўзи, тўзги, балқи, синг-синги, силки-силкиг, туз-туза, -тузат, тут-тутқаз, бит-битказ, беза-безат, очмоқ-очиқмоқ** каби кўплаб феълларда ҳам лексикализация содир бўлган. Шунингдек, бу нарса дифференцияланиш учун сабаб бўлган. Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тили учун аслида алмашмоқ феълнинг ортгирма нисбат шакли ҳисобланган алмаштирмоқ феъли меъёр ҳисобланади. Келтирилган жуфтликлардаги айрим сўзлар сифатида баҳоланиш керак: а) **план тузмоқ**; б) **уйни, дастурхонни тузamoқ**; в) **машинани, телевизорни тузатмоқ** каби. Аслида эса бу феъллар **тузмоқ (бузмоқнинг тескарииси)** феълнинг грамматик шакллари эди. Ана шу грамматик шакллар лексикализацияга учраган, сўнгра эса дифференциация топиб, алоҳида феълларга ажралиб кетган. Бошқа жуфтликларда ҳам шу ҳолат кузатилади. Жумладан, **беза** ва **безат** сўзлари алоҳида феъллар сифатида баҳоланиши мумкин бўлиб қолган: **дастурхонни беzamoқ, уйни безатмоқ, Шунингдек, тутқиз** ва **битказ** феъллари ҳам ҳозирги кунда шаклан шу икки феълнинг ортгирма нисбат шакллари сифатида баҳоланса ҳам, улар аслида алоҳида феъллардир. Улар таркибидаги **-газ (газ)** аффикси, ортгирма даража кўрсаткичи, бироқ бу ўринда, шу шаклдаги сўз лексикализация натижасида янги феълга айланиб қолган. **Қалқимоқ, ўксинмоқ, алжирамоқ, арчимоқ, балқимоқ, сингимоқ** каби феълларда ҳам ана шундай дифференциялашиш жараёни давом этяпти. Уларнинг **уз жуфтликларидаги** сўзларга нисбатан қўлланиш даражаси, ҳозирги ўзбек адабий тили меърига мослиги тобора яққол сезилиб боряпти. Бу ҳолатни **чўкмоқ- чўккаламоқ, чувамоқ-чуватмоқ, шишмоқ-**

шишинмоқ, чўқимоқ-чўқиламоқ, шиммоқ-шимилмоқ, шоштирмоқ-шошилтирмоқ, чай-чайқамоқ- чайқалмоқ, чимчимоқ, чимчиламоқ, чапла-чаплаштир, узатмоқ, узалмоқ, узанмоқ, тўзмоқ-тўзимоқ, тўзгимоқ, тўламқ, тўламоқ, тугамоқ-тугатмоқ-тугалламоқ, сўлмоқ-сўлимоқ, сўлмоқ-сўлжаймоқ, тез-тезла-тезлат (тезлаштир), тинмоқ-тинчимоқ, тегмоқ-тегишмоқ, тинчимоқ-тинчланмоқ, тиқмоқ-тиқиштирмоқ каби кўпгина феъл жуфтликларида ҳам кузатиш мумкин.

Бундан ташқари ўзбек тилшунослигида феълларнинг фонетик усулда ҳосил бўлиши (ясалиши) ҳам ўзига хосдир (кел-кет; йоп-топ; йой, йоз; йон-йот; кўч-чўк; тур-юр; юр-сур-суз- сиз; бос-ос; ол-от; -ол-ил; сол-ол; ош-тош каби феъл ўзакларига эътибор беринг). Бунда кўпинча зид маъноларни ифодаловчи феъллар ясалганлигини кўрамиз.

Хуллас: 1) ўзбек тилида бир аффикснинг сўз ясови ва шакл ясовчи сифатида (асосан нибат шаклида) қўлланиши ҳоллари учрайди;

2) ясовчи аффикс билан нисбат кўрсатувчи аффикслар бирлашиб, сингишиб кетади (аффикслар десемантизацияси содир бўлади) ва қўшма аффикс вужудга келади. Бу эса ҳам феъл ясалиши, ҳам нисбат ясалишига олиб келади. Бундай ҳолатда феъл ясовчи содда аффикс феъл ясовчи қўшма аффиксга синоним бўлиб қолади (алмаш-алмаштириш каби);

3) ўзбек тилида кўпгина феъллар феъл шакллариинг лексикализацияси натижасида (шу усул билан) ҳосил қилингандир: туз-туза-тузат; бит-битказ; бур- бура, бук-букла... ;

4) ўзбек тилшунослигида феълларнинг ана шу усул билан ҳосил булишини ўрганиш алоҳида эътиборни талаб қилади;

5) бу ҳолатлар ўзбек тилидаги айрим аффиксларнинг факультатив шаклга айланганлиги натижаси сифатида ҳам юзага келгандир.

Проф. Абдулҳамид Нурмонов. Андижон ДУ. Тил сатҳлари ва тилшунослик мундарижасида морфологиянинг ўрни

Истиқлол туфайли республикамиз қисқа муддат ичида моддий томондангина эмас, балки маданий ва маънавий жиҳатдан ҳам улкан муваффақиятларни қўлга

киритди. Бой маънавий меросимизни чуқур ва холисона ўрганиш имконияти тугилди. Бу халқнинг бебаҳо маънавий мулки бўлган тилга ва уни ўрганувчи тилшуносликка ҳам бевосита дахлдордир.

Бутунги кунда Совет даврида яратилган асарларимизга, шакланган қарашларимизга танқидий ёндашув, тилшунослигимизни тилимизга ёт, тил тузилишида аслида бўлмаган ҳодисаларни ўрганишга қаратилган айрим лингвистик тушунчалардан ва ҳатто айрим тилшунослик бўлимларидан тозалаш, уни тил онтологиясига жипс ҳолда яқинлаштириш зарурати тугилмоқда.

Ана шундай бўлимлардан бири, менинг назаримда, морфонология (фономорфология ёки морфофонология)дир.

Морфонология атамаси тилшуносликка биринчи мартаба Н.С.Трубецкой томонидан олиб кирилди.

У маълум бир тилнинг фонологик воситаларини морфологик нуқтаи назардан ўрганиш морфонологиянинг вазифаси эканлигини таъкидлайди. Н.С.Трубецкойнинг фикрича, морфонология назарияси қуйидаги уч қисмни ўз ичига олиши керак:

1. морфемалар фонологик тузилиши ҳақидаги маълумот.
2. морфемалар бирикуви натижасида уларнинг таркибида юз берадиган товушларнинг комбинатор ўзгаришлари ҳақидаги таълимот.

Морфологик функция бажарадиган товуш алмашинуви ҳақидаги маълумот. Морфологиянинг бирлиги сифатида морфонема атамаси тавсия этилди. Бу атема дастлаб поляк тилшуноси Г.Улашен томонидан қўлланилди.

У фонема билан морфемани заба сўзи мисолида фарқлашга ҳаракат қилади. Акустик-артикуляцион томондан майда бўлакка бўлиш мумкин бўлмаган энг кичик бирлик фонема ҳисобланади: з, б, а, Булардан заба фонемалар комплекси ҳосил бўлган.

Семасилогик – морфологик нуқтаи назардан бўлинган қисм морфонема саналади: заб\а. Заба – завка сўзларидан ундош бир морфонема, лекин икки хил фонема (б) – (п) дир.

Н.С.Трубецкойнинг фикрига кўра, рука ва ручной сўзларидаги рук ва руч фонетик бирикув бир

морфеманинг икки фонетик шаклидир. У бир морфема таркибида сўзнинг морфологик структураси талаби билан бири ўрнида иккинчиси алмашилиб келиши мумкин бўлган икки ва ундан ортиқ фонемаларнинг комплекс образи морфофонема ёки морфонема саналади. Масалан, рук – руч сузидаги (к) – (ч) алмашинувининг комплекс образи.

А.А.Реформатский морфонема тушунчасини бутунлай инкор қилади. У морфонологиянинг тил структурасининг «базисли» сатхи саналувчи фонология ва морфонологияни (морфемика)боглаб турувчи «базиси йўқ» оралиқ сатхи – «кўприк»эканлигини кўрсатади. Ҳудди шундай фикр С.Б.Бернштейн томонидан ҳам баён қилинади.

Шундай қилиб, тилшуносликка морфонология ва унинг бирлиги бўлган морфонема (морфофонема) тушунчалари киритилгандан буён турли баҳсларга сабабчи бўлиб келмоқда. Унинг тарафдорлари қанчалик кўпайиб бораётган бўлса, мухолифлари ҳам шунчалик кенгаймоқда.

Асримизнинг 80 – йилларидан бошлаб морфонология тушунчаси туркийшуносликка ҳам кириб келди. Бу масалага бағишланган бир қатор асарлар яратилди.¹

Шундай бўлишига қарамасдан, морфонология хали туркийшуносликда, хусусан ўзбек тилшунослигида сингиб кетганича йўқ. Бу эса морфонология предметининг, унинг ўрганиш объектининг аниқ – равшан эмаслиги, морфонология бирлигининг, яъни морфонема тушунчасининг нообъективлиги билан боғлиқдир.

С.Б.Бернштейн таъкидлаганидек, Н.С.Трубецкой томонидан амалда мавжуд бўлмаган морфонеманинг ажратилиши морфонология тарихида салбий рол уйнайди.

Ушбу мақола муаллифи ҳам юқоридаги қарашлар оғушида ўзбек морфонологияси юзасидан биринчиларидан бўлиб асар ёзган эди. Лекин бу асар ёзилгандан буён камина мазкур муаммо юзасидан узоқ йиллар ўйланиб, иккиланиб келди. Ниҳоят нутқий фаолият тил – нутқ

¹ Закиев М.З. О Тюркской морфонологии – Советская филология. 1984, N1. Сравнительно – историческая грамматика тюркских языков. Фонетика М.1984. Баскаков Н.А.Соди?ов А.С.Абдуазизов Умумий тилшунослик. Тошкент, 1984. 69 – 71 бетлар; Грамматика Современного ашкирскоголитературногоязыка. М.1981. 79– 87 бетлар; Нурмонов А.Н. Узбек тили фонологияси ва морфонологияси. Тошкент. Уқитувчи, 1990. Абдуазизов А.А.Узбек тили фонологияси ва морфонологияси. Тошкент, Уқитувчи, 1992.

диалектик алоқаси натижасида рўёбга чиқиши, бу ҳолатда умумийлик - хусусийлик, моҳият - ҳодиса, имконият воқелик диалектикасининг намоён бўлишини аниқлашда тадқиқ қилиш орқали тил антологиясида ва уни ўрганувчи тилшуносликнинг мундарижасида морфонология бўлимига ҳеч қандай ўрин йўқлигига имон келтирди.

Н.С.Трубецкой фонология билан морфология оралигида уларни боғлаб турувчи кўприк сифатида морфонология бўлиши лозимлигини тавсия этгандан буён бу бўлим нимани ўрғанади? деган саволга хилма - хил жавоб бериб келинмоқда. Унинг мундарижаси шу кунга қадар аниқ эмас.

Н.С.Трубецкой морфонология мундарижасига киритган уч қисм кейинчалик турли баҳсларнинг, тортишувларнинг тугилишига сабабчи бўлади. А.А.Реформатский Н.С.Трубецкой тавсия этган уч қисмдан фақат биринчисигина морфонологиянинг ўрганиш объекти бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Унинг ўзи сингорманизм ва умлаут ходисаларини ҳам морфонологиянинг ўрганиш объекти ҳисоблайди.

Б.Бернштейн машхур тилшунос Н.С.Трубецкойнинг морфология ҳақидаги асари унинг энг кучсиз, етарли асосланмаган асарлари қаторига киришини кўрсатган эди.

Дарҳақиқат Н.С.Трубецкой тавсия этган морфонологиянинг ўрганиш объектига эътибор берсак, С.Б.Бранштейннинг боҳоси нақадар адолатли эканлигига иқрор бўламіз.

Аввало, морфонологиянинг тугилишига тўртки бўлган тил сатҳлари ўртасидаги муносабат масаласига тўхталайлик.

Тил муайян ички тузилишга эга бўлган бутунлик (система) саналиб, унинг сатҳлари ўзаро узвий алоқададир: фонетика морфемика билан, морфемика морфология билан, морфология синтаксис билан муносабатдадир.

Тил тузилишининг кўп сатҳлиги шундан гувоҳлик берадики, ҳар қайси қуйи сатҳ бирликлари ўзидан бир даража юқори сатҳ бирлиги учун материал бўлиб хизмат қилади. Ўзининг ҳақиқий вазифасини юқори сатҳ бирлиги ичида топади. Қуйи сатҳ бирлиги билан юқори сатҳ бирлиги ўртасида бутун ва бўлак муносабати мавжуд бўлади. Қуйи

¹ Реформатский А.А. О соглашениях фонетики и грамматики (морфологии). - «Из истории отечественной фонологии» - туплами, М., 1970, 408-бет

сатҳ бирлиги элемент сифатида юқори сатҳ бирлиги таркибига киради. Юқори сатҳ бирлиги эса қуйи сатҳ birlikларидан ташкил топади. Қуйи сатҳ birlikлари юқори сатҳ бирлиги ичида синтагматик муносабатда бўлганда бутун таркибида маълум ўзгаришлар учрайди. Бундай вақтда умумийлик-хусусийлик деалектикаси намоён бўлади. Хар қандай умумийлик хусусийликлар орқали рўёбга чиқади. Хар бир хусусийлик умумийликнинг белгисини ифодалаш билан бирга, ўзига хос белгига ҳам эга бўлади. Хусусийликларда такрорланувчи умумий белги уларни маълум синфга хослигига ишора қилса, ўзига хос белгилар эса бир-биридан фарқлаш учун хизмат қилади. Масалан, фонема морфема ичида маълум вазифа бажаради ва артикуляцион-акустик хоссага эга бўлган конкрет birlik сифатида фонеманинг варианты ҳолида юзага чиқади. Морфема бутунлик сифатида фонема вариантларидан ташкил топади ва фонема вариантларига бўлинади. Шундай экан, фонологик сатҳ билан морфологик (морфемик) сатҳ ўртасида узвий алоқа мавжуд. Лекин бу алоқанинг мавжудлиги улар ўртасида алоҳида бўлим-морфонологиянинг ажратилишига ҳеч қандай ҳуяқуқ бермайди. Чунки бундай алоқа тилнинг бошқа сатҳлари учун ҳам хосдир.

Н.С.Трубецкой тавсия этган, А.А.Реформатский ва бошқа тилшунослар томонидан мақуланган биринчи қисм ҳақида гап кетганда ҳам морфонологиянинг ажратилишига эҳтиёж сезилмайди. Чунки хар бир тилда морфемаларнинг узларига хос фонологик тузилиши бўлганидек, сўзларнинг морфемик тузилиши ҳам мавжуд. Агар морфемаларнинг фонологик тузилиши (фонологик модели) фонология ва морфемикадан алоҳида бўлимда-морфонологияда ўрганилиши керак бўлса, сўз шаклининг морфемик тузилишини (морфемик моделини) ҳам морфемика билан морфология оралигида алоҳида бўлимда ўрганиш керак бўлади. Шунинг ўзиёқ тил тузилишида бундай билимлар ўрганадиган birlikнинг йўқлигини кўрсатади. Н.С.Трубецкой кўрсатган иккинчи қисм эса аслида нутқий фаолиятнинг тил ва нутқ муносабатини ўрганишга қаратилгандир. Чунки морфемаларнинг синтагматик муносабатга киришуви ижтимоий-руҳий, умумий birlikни-инвариантни реал талаффуз қилинувчи ва сезги органларимизга берилувчи вариантлар ҳолида

намоён бўлишни кўрсатади. Бу жиҳатдан фонема бевосита нутқий жараёнда, бутунлик таркибида жойлашган позицияси ва қуршовидаги фонемалар (тўтрироғи, аллофлонлар) таъсирида вариантлар ҳолида намоён бўлади. Шунингдек, морфемалар ҳам бевосита кузатишда ёндош алломорфларнинг фонетик тузилишига мослашган ҳолда бир неча вариантларга эга бўлади. Масалан, йўналиш келишигининг -га, -ка, -ча, -а сингари вариантларининг ҳар бирининг ўз қўлланиш шарт-шароити бор. Шунингдек, морфологик ва синтактик сатҳ бирликлари ҳам нутқий жараёнда вариантлар орқали намоён бўлиши бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Бу вариантларнинг ҳаммаси тилнинг система-функция муносабатида инвариант-вариант, умумийлик - хусусийлик, моҳият-ҳодиса деалектикасининг намоён бўлиши экан, у фақат фонетика билан морфология оралигидаги морфонология учунгина эмас, балки бутун тил системаси учун ҳам хос хусусиятдир.

Н.С. Трубецкой морфонологиянинг ўрганиш объекти сифатида ажратган иккинчи қисм ҳам аслида сўз шакли таркибидаги морфемалар (алломорфларнинг) синтагматик муносабатга киришуви жараёнида фонетик қўлайликка эришув тенденцияси асосида майдонга келган морфема вариантларини ўз ичига олади. Масалан, тилак-тилагим, чироқ-чирогим сўзларидаги бир морфеманинг тилак-тилағ, чироқ-чирог вариантлари орқали намоён бўлиши ҳам инвариант-вариант диалектикасининг кўринишидир.

Юқорида морфонология бўлими ва унинг ўрганиш объекти сифатида Н.С. Трубецкой ажратган йўналишларини бирма-бир куриб чиқиб шунга иқроп бўлиш мумкинки, биринчи қисмда назарда тутилган морфемаларгина ички тузилиш моделига (архитектоникасига) эга бўлмай, тилнинг ҳамма сатҳ бирликлари худди шундай структур схемаларига (моделларга) эга. Шунинг учун фақат морфемаларнинг структур схемаларини эътиборга олибгина морфонологияни ажратиш ўринли эмас. Қолган икки қисм ҳам нутқий фаолиятда умумийлик-хусусийлик, имконият-воқелик, моҳият-ҳодиса, инвариант-вариант диалектикасининг намоён бўлишини ўз ичига оладики, бу тилнинг ҳамма сатҳларида амал қиладиган умумий қонуниятдир.

Шундай экан тилнинг антологик тузилишида морфонема атамаси билан номланувчи бирликнинг ўзи йўқ, демак, тилшунослик мундарижасида тилда объектив мавжуд бўлмаган «морфонема»ларни ўрганувчи бўлимни ажратиш ортиқчадир.

Проф. Шоҳида Шаҳобиддинова. Андижон ДТПИ

«Бобурнома» нутқида нисбат категорияси

Тилнинг системавий- структур табиати энг яққол аён бўладиган сатҳ-морфология бўлса, морфологияда энг изчил шаклланган, шаклланганлик даражаси юқори бўлган ва бир вақтда бир неча сатҳларни система сифатида боғлаб туришга хизмат қиладиган категория нисбатдир.

Системанинг шаклланганлик даражаси қанча юқори бўлса, унинг моҳияти шу қадар серқирра бўлади. Гоҳида ушбу қирралар ҳар бири алоҳида-алоҳида ҳодисага ўхшайди. Аммо уларнинг ҳаммаси бир моҳиятнинг зоҳир бўлишидир.

Нисбатнинг ана шундай серқирра моҳияти унга жуда хилма-хил таърифлар берилишига олиб келди.

Нисбат ккатегориясини таърифлашда юзага келган қарашларни В.С.Храковский учга бўлади: семантик йўналиш тарафдорлари (Ф.Ф.Фортунатов, А.М.Пешковский, Р.О.Якобсон...) асосан нисбат шакллариинг маъно томонига эътибор бериб, улар ҳаракатнинг бажарувчига турлича йўналиш (А.В.Исаченко ва бошқалар) бу категория феълнинг эгага муносабатини кўрсатади, деган худоса билан фарқланади: семантик-синтактик йўналиш бўйича эга ва тўлдирувчига бўлган муносабатини кўрсатади (А.И.Моисеев).

Бунга қўшимча равишда айниқса, туркийшунослар орасида кенг тарқалган туртинчи бир йўналишни ҳам кўрсатиш мумкин. Афтидан бу йўналишга асос қарашнинг юзага келишида туркий тилларда нисбатнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги сабаб бўлган: ушбу қараш тарафдорлари нисбатни лугавий-грамматик ёки сўз ясовчи- шакл ясовчи категория деб баҳолайдилар.

Туркий феъл, дарҳақиқат, нисбат қўшимчаларини олиш билан анчагина узгаришга учрайди. Ҳатто баъзида

намоён бўлишини кўрсатади. Бу жиҳатдан фонема бевосита нутқий жараёнда, бутунлик таркибида жойлашган позицияси ва қуршовидаги фонемалар (тўтрироғи, аллофлонлар) таъсирида вариантлар ҳолида намоён бўлади. Шунингдек, морфемалар ҳам бевосита кузатишда ёндош алломорфларнинг фонетик тузилишига мослашган ҳолда бир неча вариантларга эга бўлади. Масалан, йўналиш келишигининг -га, -ка, -ча, -а сингари вариантларининг ҳар бирининг ўз қўлланиш шарт-шароити бор. Шунингдек, морфологик ва синтактик сатҳ бирликлари ҳам нутқий жараёнда вариантлар орқали намоён бўлиши бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Бу вариантларнинг ҳаммаси тилнинг система-функция муносабатида инвариант-вариант, умумийлик - хусусийлик, моҳият-ҳодиса диалектикасининг намоён бўлиши экан, у фақат фонетика билан морфология брелигидаги морфонология учунгина эмас, балки бутун тил системаси учун ҳам хос хусусиятдир.

Н.С. Трубецкой морфонологиянинг ўрганиш объекти сифатида ажратган иккинчи қисм ҳам аслида сўз шакли таркибидаги морфемалар (алломорфларнинг) синтагматик муносабатга киришуви жараёнида фонетик қулайликка эришув тенденцияси асосида майдонга келган морфема вариантларини ўз ичига олади. Масалан, тилак-тилагим, чироқ-чирогим сўзларидаги бир морфеманинг тилак-тилаг, чироқ-чирог вариантлари орқали намоён бўлиши ҳам инвариант-вариант диалектикасининг кўринишидир.

Юқорида морфонология бўлими ва унинг ўрганиш объекти сифатида Н.С. Трубецкой ажратган йўналишларини бирма-бир кўриб чиқиб шунга иқдор бўлиш мумкинки, биринчи қисмда назарда тутилган морфемаларгина ички тузилиш моделига (архитектоникасига) эга бўлмай, тилнинг ҳамма сатҳ бирликлари худди шундай структур схемаларига (моделларга) эга. Шунинг учун фақат морфемаларнинг структур схемаларини эътиборга олибгина морфонологияни ажратиш уринли эмас. Қолган икки қисм ҳам нутқий фаолиятда умумийлик-хусусийлик, имконият-воқелик, моҳият-ҳодиса, инвариант-вариант диалектикасининг намоён бўлишини ўз ичига оладими, бу тилнинг ҳамма сатҳларида амал қиладиган умумий қонуниятдир.

Шундай экан тилнинг антологик тузилишида морфонема атамаси билан номланувчи бирликнинг ўзи йўқ, демак, тилшунослик мундарижасида тилда объектив мавжуд бўлмаган «морфонема»ларни ўрганувчи булимни ажратиш ортиқчадир.

Проф. Шоҳида Шаҳобиддинова. Андижон ДТПИ

«Бобурнома» нутқида нисбат категорияси

Тилнинг системавий- структур табиати энг яққол аён бўладиган сатҳ-морфология бўлса, морфологияда энг изчил шакланган, шакланганлик даражаси юқори булган ва бир вақтда бир неча сатҳларни система сифатида боғлаб туришга хизмат қиладиган категория нисбатдир.

Системанинг шакланганлик даражаси қанча юқори бўлса, унинг моҳияти шу қадар серқирра бўлади. Гоҳида ушбу қирралар ҳар бири алоҳида-алоҳида ҳодисага ўхшайди. Аммо уларнинг ҳаммаси бир моҳиятнинг зоҳир бўлишидир.

Нисбатнинг ана шундай серқирра моҳияти унга жуда хилма-хил таърифлар берилишига олиб келди.

Нисбат катггориясини таърифлашда юзага келган қарашларни В.С.Храковский учга бўлади: семантик йўналиш тарафдорлари (Ф.Ф.Фортунатов, А.М.Пешковский, Р.О.Якобсон...) асосан нисбат шакллариининг маъно томонига эътибор бериб, улар ҳаракатнинг бажарувчига турлича йўналиш (А.В.Исаченко ва бошқалар) бу категория феълнинг эгага муносабатини кўрсатади, деган хулоса билан фарқланади: семантик-синтактик йўналиш бўйича эга ва тўлдирувчига бўлган муносабатини кўрсатади (А.И.Моисеев).

Бунга қўшимча равишда айниқса, туркийшунослар орасида кенг тарқалган тўртинчи бир йўналишни ҳам кўрсатиш мумкин. Афтидан бу йўналишга асос қарашнинг юзага келишида туркий тилларда нисбатнинг узига хос хусусиятларга эга эканлиги сабаб бўлган: ушбу қараш тарафдорлари нисбатни лугавий-грамматик ёки сўз ясовчи- шакл ясовчи категория деб баҳолайдилар.

Туркий феъл, дарҳақиқат, нисбат қўшимчаларини олиш билан анчагина узгаришга учрайди. Ҳатто баъзида

лугавий маъно бутунлай ўзгариб кетиши ҳам мумкин: келмоқ-келишмоқ, кермоқ-керилмоқ, оғримоқ-оғринмоқ...

Нисбат қўшимчаларининг лугавий маънога таъсир кучи бошқа грамматик кўрсаткичлардан анча устун. Аммо бу устунлик «янги сўз ҳосил бўлди» дейиш учун етарли эмас.

Нисбат маъносида лугавий жиҳатнинг мавжудлиги, тўтрироги, бошқа категорияларга нисбатан кучлилигини (яъни лугавий жиҳат бошқа грамматик- морфологик категорияларда ҳам шубҳасиз мавжуд) унинг ушбу жиҳатига алоҳида эътибор билан қараш лозимлигини кўрсатади.

«Бобурнома» нутқида феъл нисбатларининг қўлланишга ўзбек тилидан фарқ қилмаслигини кўрсатди. Албатта, муайян хонга бу вилоятларни ваъда қилмайдур (БН 2002-Б.63).

Шунингдек, худди ҳозирги ўзбек тилидаги каби сўз ясалишига яқинлашган ҳолатлар ҳам бор:

Тенгри рост келтурса, Самарқандни иликласа бўлур (БН 2002-Б.63).

Наридин тўрт-беш киши била мен Кўҳак суйининг оралигига кечиб, от ўстида- ўқ кўрушуб... (БН 2002-Б.55)

Аммо шакл ясалишига монанд ҳолатлар кўпроқ учрайди:

Султон Али мирзо била курушгондин сўнг чун қиш ёвуқ келиб эди... (БН2002-Б.55)

Проф. Боқижон Тўхлиев ТДПУ

Т и л в а маънавийат.

Афлотун ўз диалогларидан бирида («Федр») Суқрот тилидан ёзувнинг худо Тевт томонидан ихтиро қилинганлиги ҳақидаги афсонани келтиради. Ўз жасоратини мақтар экан Тевт шундай дейди:

«Бу фан, эй подшоҳ, мисрликларни ниҳоятда доно ва зеҳнли, ҳеч нарсани унутмайдиган қилади, чунки эндиликда хотира ва донишмандлик учун восита топилди».

Подшо унга жавоб беради:

«Муъжизакор Тевт, кимдир санъат асарларини яратишга, бошқа бировлар эса бундан фойдаланувчилар учун уларнинг қанчалик фойдали ёки зарарли эканликларини англашга қодирдир. Сен, ёзувнинг отаси,

уларни шунчалик яхши кўрасанки, ҳозир уларнинг аҳамияти, қадри ҳақида мулоҳаза юритиб туриб, ҳозир аксини айтгинг. Уларни ўтган кишилар руҳида паришонхотирлик, унутиш уруглари экилади, чунки улар хотирани машқ қилдиришдан жудо бўлишади: улар ёзувга ишониб, унга таяниб, ташқи, бегона белгиларга қарабгина эслай олишади, ички қувватга таяниб, ўз-ўзига эмас. Демак, сен хотира учун эмас, эслаш учун восита топгансан. Шундай қилиб, ўқувчиларга сен ҳақиқий донишмандликни эмас, балки донишмандлик кўринишигина берасан, чунки улар ҳақиқий доноликка қараб эмас, миш-мишларга қараб кўп нарсани билгандек бўлишади, ваҳоланки улар ҳеч нарсани ўзлаштирмай, кўп нарсани биладиганга ўхшаб туришади холос, кўпинча эса жаҳолатда қолишлари мумкин, улар мулоқотта ҳам ярамай қолишлари ҳеч гап эмас; шундай қилиб улар донишманд эмас, сохта донишманд бўлишади.»¹

Бу нарса тилдаги бир ўзига хосликни кўрсатиб турибди. Демак, нутқ айниқса, оғзаки нутқ жуда катта аҳамиятга эга экан. Боболаримиз, аждодларимиз нутққа шунинг учун ҳам алоҳида эътибор билан қарашган. Шунга қарамасдан аҳён- аҳёнда нутқдаги камчилик ва нуқсонлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Ҳатто айрим хато ва нуқсонлар «қонунийлашиб» тилимизда барқарор ўринга эга бўлиб қолиши ҳам мумкин. Тилшуносликда «асрий хатолар» деган тушунча бор. Бу аслида хато булса ҳам кўпчиликнинг унга урганиб қолиб, асл маъносига эътибор бермай қўлланишини англатади. Улардан бирини эслаб кўрайлик.

Танлаб- танлаб... кимга учрабди?

Халқимизда *танлаб-танлаб тозига учрабди* деган мақол бор. Мазкур мақолнинг бир неча хил кўринишлари оғзаки сўзлашувда мавжуд:

Танлаб-танлаб тозига учрабди.²

Танлаб-танлаб тозисини топибди.

Танлаб- танлаб тозисини тутибди.⁶

⁶ К.В. Чистов. Специфика фольклора в свете теоретических исследований по фольклору. Сб.ст. памяти В.Я. Троица (1895-1970). М.: Наука, 1995. с. 40.

² «Збек хал» маълумотлари. Тузувчилар Б.Саримса'ов, А. Муса'улов, М. Мадраимова. - Т.: Фан, 1981. 125- бет.

Този - ит турларидан бирини англатади. Унинг арабий тулпор деган маъноси ҳам бор. Аниқроқ айғиладиган бўлса, у овчи итлардан бирини билдиради. Ўзбекча-русча лугатда у «борзый» деб берилган.¹ Русча-ўзбекча лугатда «борзый» «илдам», чопқир;, бедов тулпор деб кўрсатилган.²

Матн мантиқига қараладиган бўлса, танлаб-танлаб яхшисига эмас, балки ёмонига учраши ақлга тўғри келадиган ечим бўлмоғи керак. Бу ҳолда илдам, чопқир ёки бедов, тулпор деган маънолар матн мантиқига сизмайди. Умумий тарзда олинадиган бўлса, охириги қисмда ижобий маъно ташийдиган сўз «сизмайди». Бу ерда иштрок этадиган сўз ҳар ҳолда салбий маънога йўғрилган бўлиши лозим,

Оғзаки нутқда «танлаб танлаб тозасига учрабди» деган вариант ҳам бор. «Тоза» деган сўз ҳам шу нуқтаи назардан олдинги сўзлар билан билан уйғунлик касб этмайди.

«Оғзаки сўзлашуда танлаб-танлаб таннозига учрабди» шаклидаги мақол ҳам бор. Бу ердаги иккинчи қисм ҳар ҳолда мақол кўзда тутаётган мантиққа алоқадорлиги билан кини эътиборини тартади.

Қирғизларда ҳам мазкур мақолнинг варианти мавжуд.

«Тандап тандап тазга жолугуштур».³

(Танлаб-танлаб калга йўлиқибди.)

Мазкур шакл Ўзбек халқ мақолларининг олдинги нашрларида ҳам қайд этилган:

Танлаб- танлаб тозга учрабди.⁴

¹ Ўзбекча-русча лугат. С. Ф. Ақобиров, З.М. Маъруфов, А.Т. Хужаонов таҳрири остида. М.: Хорижий ва миллий лугатлар нашриёти, 1959, 440- бет.

² Русча- ўзбекча лугат, Р.Абдурахмонов таҳрири остида. М.: Чет тили ва миллий тиллар давлат нашриёти, 1954. 53-бет.

³ С. Гапаров О специфике односоставных предложений в киргизских пословицах и поговорках.-// Тюркология-88. Тезисы докладов и сообщений Всесоюзной тюркологической конференции(7-9-сентября 1988 года) Фрунзе, «Илим», 1988, с.229.

⁴Ўзбек халқ мақоллари ... 125-бет.

⁵Ўзбек халқ мақоллари. Тупловчилар Т.Мирзаев, Б.Саримсақов, А.Мусақулов.-Т. Адабиёт ва Санъат нашриёти. 1989. 202-бет.

Назаримда мақолнинг қадим варианты мана шундай бўлиши керак. Чунки кал халқ орасида салбий маънога эга бўлган образ сифатида машҳур. Мақолнинг маъноси ҳам бунга уйғун келади. Демак, ўзбекча шаклдаги аён ҳолат «този» эмас, балки «тоз»дир. Шунда у «Танлаб-танлаб тозга йўлиқди» ёки «Танлаб-танлаб тозга учради» шаклини олади. «Тоз»нинг «кал» маъноси бошқа мақолларда ҳам учрайди:

Танлаганим тоз,
Тоз қилади ноз.⁵

Маҳмуд Қошғарий ўз она тилини севишнинг ҳақиқий амалий намунасини кўрсатган буюк шахс эди. У ўзи яшаётган замонда туркий тилнинг оёққа тура бошлаганини, унинг нуфузи ортиб бораётганини ҳис эта билди, кўра олди. Аммо бу жараённинг ўз-ўзича кечмаслигини, унга бепарво ва лоқайд муносабат салбий натижалар келтириши аниқлигини ҳам тасаввур эта олди. Мазкур жараёнга фаол аралашиб йўлларидан бири эса барчанинг: оддий халқнинг ҳам, олиму фузалоларнинг ҳам, тилшунос донишмандларнинг ҳам эътиборини она тилимиз муаммоларига қаратиш деб билди.

Маҳмуд Қошғарий ўз асарини араб тилида яратди. Бу ўша замон анъаналари силсиласида оддий ва одатдаги ҳол эди. Бироқ аллома фақат анъанага бўйсуниб учунгина бу ишни қилган эмас. Унинг қалбида, юрагининг тўрида жуда юксак мақсадлар, олийжаноб ниятлар бўлганига шубҳа йўқ.

Назаримизда, шундай ниятлар замиридаги олтин халқалардан бири она тилини бошқаларга, бошқа тил эгаларига, хориждаги мамлакатларга, ўша элларнинг фуқароларига тарғиб ва ташвиқ қилиш ҳам бўлган.

Бугун баъзи бир ёшларимизнинг тилга, ўз нутқларига бепарвороқ муносабатини кўриб ҳар икки ҳодисани беитхтиёр чоғиштирасан киши. Уларнинг ўз ўртоқларига нисбатан нолойиқ сўзларни қўлаб мурожаат қилишлари, ҳазиллашиб бўлса-да, ёмон тилакларни билдиришлари кўнгилларни бир озгина хира торттиради. Шу уринда файласуф шоиримиз Гафур Гуломни нг 30-йилларда ёзган бир ҳиткояси ёдга келади. У «Гувоҳликка ўтган ҳужиз» деб номланган эди.

Ҳикояда мураббия образи бор. Унинг нутқида, жумладан, қуйидаги гаплар ҳам учрайди:

- Укаларим, - деди мураббия, - ҳикоянинг давомида бир талай сизга ёт бўлган сўзлар эшитилди, масалан: «Терингга сомон тикаман», «Ҳаром улгур» га ўхшаш, бу сўзлар замонасининг сўзлари бўлганидан мени кечирасизлар

Қаҳрамонимиз кўрсатилган сўзларинг нутқида қўлланиб кетганидан хижолатлигини билдирмоқда, адабимиз айти шу ҳолатта бежиз урғу бермаганга ўхшайди. Ҳар ҳолда бундай улкан сабоқлар, бундай намуна мактаблари ҳар доим ёдимизда бўлгани маъқул кўринади.

Проф. Бекмурод Йўлдошев, СамДУ

Урта аср тилшунослик фани тарихини урганишнинг долзарб масалаларига доир

Фанлар тарихини урганиш давримизнинг жуда долзарб муаммоларидан бирига айланган. Умуман олганда, фанлар тарихини урганиш маънавият урганиш маънавият ва маданиятнинг узвий таркибий қисмини ташкил этади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов ҳаққоний таъкидлаганидек, «ўтмиш аждодларимизнинг маданий ва маънавий бойлигини чуқур ва ҳар томонлама урганишимиз даркор. Бу қадимий халқимизнинг маданиятини, турмуш тарзини, урф-одатлари ҳамда анъаналарини яхшироқ билиб олишимизга имкоқ яратади. Буюк аждодларимиз бўлмиш мутафаккирлар, олимлар, гўзаллик ижодкорларининг биз учун янги бўлган номлари ва асарларини миллий маънавиятимиз хазинасига қайтариш муқаддас вазифамиздир» (1).

Маълумки, ҳар қандай тилнинг, жумладан миллий адабий тилнинг ривожланишида шу тил хусусиятларини тадқиқ этувчи тилшунослик фанининг ҳам алоҳида ўрни бор. Зотан ҳар бир тил равнақини умуман тил ҳақидаги назарий тушунчаларсиз тўла тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам тил тарихи қадим замонларга бориб тақалганидек, тилшунослик ва тил ҳақидаги қарашлар ҳам қадимий ва узоқ тарихга эга. Бундай қарашлар ҳар бир халқ тарихида турли-туман тарзда намоён бўлади.

Энг аввало шуни айтиш лозимки, ўзбек тилшунослиги тарихини ўзбек тилининг туркий тиллар

қаторида тутган ўрнини, бу фаннинг бошқа ижтимоий-тарихий фанлар билан алоқасини аниқлашдан бошлаш лозим. Шундан кейин ўзбек тилшунослиги тарихини даврлаштириш масаласига эътибор бериш керак бўлади. Айрим олимлар ўзбек тилшунослиги тарихи умумтуркий тилшунослик тарихи билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлаб, уни қуйидагича уч даврга ажратиб ўрганишни таклиф қилмоқдалар: а) исломдан аввалги давр тилшунослиги; б) исломдан кейинги давр (ўрта асрлар) тилшунослиги; в) ҳозирги замон ўзбек тилшунослиги тарихи (2). Бизнингча, ўзбек тилшунослиги тарихини қуйидаги етти даврга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: а) халифалик даврида тилшунослик; б) қорахонийлар даврида тилшунослик; в) мўғуллар даврида ўзбек тили ва тилшунослиги; г) темурийлар даврида ўзбек тилшунослиги; д) хонликлар даври ўзбек тилшунослиги; е) чоризм ва шўролар даврида ўзбек тилшунослиги; ё) мустақиллик даври ўзбек тилшунослиги тарихи.

Ўрта аср ўзбек тилшунослиги тарихи масалалари тадқиқ этилар экан, унинг энг қадимги Шарқ тилшунослиги ва умумтуркий тилшуносликнинг ворисларидан бири эканлигини, Ўрта Осиё олимларининг араб фани, жумладан араб тилшунослигини ривожлантиришга қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш лозим бўлади. Жумладан, Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида инсон фозилигининг муҳим белгиларидан бири сифатида қувваи нотиқани ажратган эди. Шунга биноан Абу Наср Форобий тилшунослик, шеърият, нотиқлик санъати, ҳаттотликка оид «Шеър ва қофиялар ҳақида сўз», «Риторика ҳақида китоб», «Лугатлар ҳақида китоб» «Ҳаттотлик ҳақида китоб» каби асарлари таҳлил қилиниши, олимнинг фанлар таснифи, тил ҳақидаги илм, бу илмнинг етти бўлими, бунда грамматика, имло ва шеъриятнинг тутган ўрни ҳақидаги қарашлари ҳозирги авлодга етказилиши зарур.

Абу Али Ибн Синонинг нутқ товушлари, уларнинг таснифи, нутқ яратган «Асбоби худут ал-хуруф» («Фонетика ҳақида рисола») асари ҳозирги давр нуқтаи назаридан махсус ўрганишни талаб қилади. Зеро, Ибн Син дунё тилшунослигида фонетика ва фонологиянинг ривожини учун улкан ҳисса қўшган тенги йўқ олим саналади.

Маълумки, Абу Райҳон Беруний кўп тилни билувчи, қомусий олимлардан бирidir. Унинг «Сайдана»,

«Ҳиндистон» ва бошқа асарларида тилшуносликка доир муҳим илмий-назарий қарашлар баён этилган. Олимнинг биргина «Сайдана» (1048) асаридаги 29 боб 1116 мақолада доривор моддаларнинг номлари изоҳланади. Беруний ўзининг бу асарида 4500дан ортиқ арабча, юнонча, сурияча, форсча, хоразмийча, сугдча, туркча ва бошқа тиллардаги ўсимлик, ҳайвон, минераллар ва улардан тайёрланадиган дориворлар номларини тўплайди ва изоҳлайди. Натижада «Сайдана» асари ўзига хос доривор моддалар лугатига айланади. Бу лугат бир вақтнинг ўзида ҳам изоҳли, ҳам таржима, ҳам этимологик, ҳам диалектологик лугатнинг илк намуналаридан бири саналади.

Берунийнинг тилнинг ижтимоий моҳияти, араб ёзуви, яхши нутқ тузиш, бадий таржимага доир қарашлари махсус ўрганишни талаб қилувчи масалалар қаторига киради.

Маҳмуд Қошғарий ва унинг «Девону луготит турк» асари ҳақида, бу олимнинг туркий тилларни араб тили билан қиёсловчи назарий қарашлари тўғрисида олимлар кўп ёзишган. Келгусида Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луготит турк» асарини яратишда ўзига хос йўл тутганлиги, бу асарда туркий тилларнинг амалга оширилган ўзига хос таснифи, қиёсий-тарихий методга асос солганлиги, «Девон»да туркийча, ўғизча, қипчоқча хусусиятларнинг берилиши сингари қатор муаммолар янада чуқурроқ ўрганилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун эса энг аввало «Девон»нинг 1960-1963 йилларда амалга оширилган ўзбекча таржимаси қайта нашр этилиши, унинг русча таржимаси ҳам китобхонларга, тилшунослик тарихи билан қизиқувчиларга етказилиши мақсадга мувофиқдир.

Маҳмуд аз-Замахшарийнинг жаҳон фани ва маданияти ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси илм аҳлига яхши маълум. Эндиликда бу олимнинг тилшуносликка оид «Муқаддимат ул-адаб», «Асос ул-балогат», «Ал-Муфассаля», «Навобиг ул-калим», «Ал-Кашшоф» каби асарлари ўз гадқиқотчиларини кутмоқда.

Шунингдек, Аҳмад Югнакий ва Юсуф Хос Ҳожиб лингвистик қарашлари, «Китоб ал-идрок» асарининг илмий қиммати, «Ат-туҳфатул закияту фил-лугатит туркия» асарининг ўзбек адабий тили ва унинг лаҳжаларига муносабати, Жамолиддин Туркийнинг тилшуносликка доир фаолияти кабилар ҳам ўзбек

тилшунослиги тарихининг махсус тадқиқ этилиши лозим бўлган долзарб муаммолари қаторига киради.

Шундай қилиб, ўрта аср ўзбек тилшунослиги тарихи бўйича амалга оширилган ишлардан амалга оширилиши лозим бўлган тадқиқотлар жуда кўплиги аён бўлади. Бу эса ўз вақтида, қизил империя даврида айтилган «инқилобгача ва ундан кейинги даврнинг дастлабки этапларида ўзбек тилшунослик фани йўқ эди. Ана шу фактнинг ўзиёқ ўзбек миллий адабий тилининг совет даврида шаклланиши ва шу даврда юзага келиши қонуний эканини кўрсатади... Ўзбек тилшунослиги-Октябрь маҳсули» (3), -деган фикрларнинг тамомила асоссиз эканлигини кўрсатади.

Умуман олганда, Юртбошимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзлари биз тарихчи ва тилшунос олимларни, зиёлиларни ўз фанимиз тарихини, унинг ривожига катта ҳисса қўшган алломалар фаолиятини янада чуқурроқ ўрганишга даъват этади: «тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англашни, таъбир жойиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида гоят муҳим ўрин тутаети...»

Ўзбек олимларининг куч-гайратлари билан тарихимизнинг кўпдан-кўп гоят муҳим саҳифалари, энг аввало темурийлар даври, XIX аср охири ва XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди. Шунинг эса тутиш муҳимки, ўтмишни «оқлаш» вазифалари умуман олганда бажариб бўлинди; ҳозир эса асосий вазифа тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан холисона ва ҳалол амалга оширишдан иборатдир»(4).

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида, Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 249-бет
2. Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи, Тошкент, 1997, 4-7-бетлар.
3. Ҳожиёв А. Ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиши ва эски ўзбек адабий тилига муносабати// Ўзбек тили ва адабиёти, 1987, 2-сон, 4-5-бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Тошкент, Ўзбекистон, 1997, 140-141-бетлар.

Ёзув тизимининг графемик таркиби

Ёзув тизими маълумки, графика, орфография ва пунктуация каби компонентлардан таркиб топади. Ҳар бир компонентнинг ўз структураси ва вазифа доираси бор: графика ҳарфий ва ноҳарфий белгилар воситасида ёзув билан тил ўртасидаги алоқаларни таъминлайди, орфография имло қоидаларини, пунктуация эса тиниш белгиларининг қўлланишини белгилайди.

Графика ана шу уч компонент орасида етакчи мавқега эга, чунки тилнинг ёзув билан алоқаси биринчи гада графика воситасида реаллашади, бироқ бундай алоқа тўппа-тўғри (табиий ҳолда) бўлмайди, бунга тилнинг физик-акустик субстантга, ёзувнинг эса оптик-график субстантга асосланганлиги йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир графика белгининг қандай фонологик ёки лексик-семантик бирликни ифодалаши олдиндан (график тизим шакллантирилган пайтда) кодлаштирилган бўлади, демак, график тизим бирликлари билан тил бирликлари ўртасидаги алоқа фақат кодлаштириш орқали амалга оширилади: а ҳарфи «а» фонемасини, б ҳарфи «б» фонемасини, 2 рақами «икки» сўзини, нуқта (.)тинч оҳангни, сўроқ (?) белгиси сўроқ оҳангини ифодалагани каби. Демак, ҳар қандай график белгининг тилда ўз муқобили (кодлаштирилган референти) бор, бундай референт график белгининг мазмун плани (ички томони), оптик-график тасвир эса шу белгининг ифода плани (ташқи томони) саналади. Ана шу икки томон (шакл ва мазмун) бирлигидан иборат график белги тилшуносликда, хусусан, график лингвистикада *графема* деб юритилади.¹ Графеманинг ташқи (ифодаловчи) томони уни ёзиш, ўқиш ва ёзиш имконини беради, ички томони (референти, ифодаланувчиси) эса шу графеманинг тил бирликлари билан алоқада бўлишини таъминлайди, шунга кўра графема билатераль бирлик саналади.

Графемалар сўзларнинг ташқи томонига (оптик- график тасвирига) кўра **монограф** (бир ҳарфга тенг графема) ва **полиграф** (ҳарфлар бирикмасидан иборат

1. Бу ҳақда қаранг: Зиндер Л.Р. Очерк общей теории письма. – Ленинград: Наука, 1987, с. 82-83.

графема) каби турларга булинади. Қиёс қилинг: к, л, м... (монографлар), нг, шч (полиграфлар) каби. Полиграфлар ўз навбатида диграф (икки ҳарфдан иборат графема) ва триграф (уч ҳарфдан иборат графема) каби ички турларга булинади. Ҳозирги (кириллча) ўзбек ёзувининг график тизимида уч ёки тўрт ҳарф бирикмасидан иборат полиграфлар йўқ. Бу типдаги графемалар ГАРБИЙ Европа тилларининг ёзув системаларида учрайди. Масалан, немис ёзувида «ш» товуши *sch* триграфи билан, қоришиқ «ч» ундоши эса *tsch* полиграфи билан ифодаланади. Латинча ўзбек ёзувининг график тизимида русча ш фонемасининг тўрт ҳарф билан ифодаланиш ҳоллари учрайди: meshchan (shch – «ш») каби¹.

Графемалар узларининг ички томонига (тилдаги муқобили, референтига) ва вазифаларига кўра фонографема, просодемографема, логографема, орфографик белги ва сигнализатор каби типларга булинади.

1. *Фонографемаларнинг мазмун* планида сегментал фонетик бирликлар (фонемалар, бутинлар) кодлаштирилган бўлади: «з» фонемаси З фонографемасининг, «н» фонемаси нг фонографемасининг «йа» товушлари бирикмаси эса я графемасининг тилдаги муқобили (референти) бўлгани каби.

Фонографемалар тилдаги муқобили (референти) миқдорига кўра моносемантик ва полисемантик графема типларига булинади: қ – моносемантик графема (мазмун планида битта «қ» фонемаси кодлаштирилган), о – полисемантик графема (мазмун планида иккита фонема – ўзбек тилининг қуйи кенг, кучсиз лабланган, «о» фонемаси ва рус тилининг урта кенг, лабланган «о» фонемаси кодлаштирилган.) Қиёс қилинг: том («уйнинг томи»: қуйи кенг «о» фонемаси ифодаланган) – том («энциклопедиянинг биринчи томи»: урта кенг «о» фонемаси ифодаланган) каби.

2. *Просодемографемаларнинг* мазмун планида суперсегментал фонетик бирликлар (тилнинг ритмик-интонацион воситалари – ургу, оҳанг, мелодика, пауза кабилар) кодлаштирилган бўлади: ёзув тизимидаги тиниш белгилари ва ургу белгиси просодемографемалар саналади.

1. Қараг: Ozbek tilining imlo lugati T Oqituvchi, 1995, 138-b.

3. *Логографемаларнинг* мазмун планида тушунчалар ёки тушунча номи бўлган сўзлар (лексемалар) кодлаштирилган бўлади. Бу тицдаги графемаларнинг асосий қисмини рақамлар ташкил қилади. Масалан, 5 рақамининг (логографеманинг) мазмун планида «тўрт» билан «олти» ўртасида миқдор тушунчаси» кодлаштирилган. Бу миқдор ўзбек тилидаги «беш», рус тилидаги «пять» сўзларининг лексик маъноларига ҳам тенг, шу сабабли логографемалар идеографик ва семасиографик ёзув типларига мансуб бирликлар саналади, аммо улардан фонографик ёзув таркибида ҳам фойдаланилади. Ёзув тизимининг мураккаб оптик-график системада бўлиши ҳам шундан. Ҳозирги ўзбек тилининг ёзув тизимида қўлланаётган Гарбий араб рақамлари (1, 2, 3, 4, 5... кабилар) ва Рим рақамлари (I II, III, IV, V кабилар) логографемалар ҳисобланади.

4. *Орфографик белгиларнинг* мазмун планида шу белгининг имлодаги вазифаси (функцияси) кодлаштирилгандир. Ҳозирги (кириллча ва лотинча) ўзбек ёзувларининг график тизимларида бундай белгининг бир тури (дефис) мавжуд: *дефис* жуфт ва такрорий сўзлар орасига қўйиладиган горизонтал (тиредан қисқароқ) чизиқчадир: *эрта-кеч, катта-кичик, қоп-қоп, кўп-кўп* каби.

Изоҳ: *5-синф, 9-модда, 24-мактаб* каби бирикмаларда дефис логографема (логограмма) вазифасида қўлланади, чунки у бундай ҳолатларда тартиб сон таркибидаги «-инчи» («-нчи») морфемасини (маъноли қисмини) ифодалайди.

5. *Сигнализаторлар* ўз референтига (товуш тизимидаги муқобилига) эга бўлмаган, аммо синтагматик планда узидан олдин келган ҳарф билан бирикиб, битта анатилик графема (диграф) ҳосил қиладиган белгилар. Ўзбек алифбосидаги айириш (ъ) ва юмшатиш (ь) белгилари ана шундай сигнализаторлар саналади. Чунончи, айириш белгиси *таъна, меъмор, муътабар* каби арабча лексик-ўзлашмаларда *аъ, еъ, қъ* каби диграфларнинг таркибига киради ва «а», «е» («э»), «қ» унлиларининг орқароқ артикуляция билан чўзиқроқ талаффуз этилишига ишора қилади; юмшатиш белгиси эса альбом, вольт, ультратовуш, октябрь, сентябрь каби сўзларда *лъ* ва *рь* диграфлари таркибида қўлланиб, «л» ва «р» ундошларининг (рус тили фонемаларининг) юмшоқлигига ишора қилади.

Баъзан ўз референтига эга бўлган монографлар ҳам диграф (аналитик графема) таркибига қўшимча вазифани – сигнализаторлик функциясини бажариши мумкин. Масалан, *и, е, ю*, монографлари *тиш, телеграф, сюрприз, сентябрь* каби русча лексик ўзлашмаларда *ти, те, сю, тя* диграфлари таркибига киради ва ўз референтлари («и», «э», «у», «а» фонемаларини) ифодалаш билан бирга, ўзидан олдин қўлланган *т* ва *с* ҳарфлари орқали ифодаланган товушларнинг юмшоқлигига ҳам ишора қилади (шунинг учун бу типдаги графемалар фақат структурасига кўра эмас, балки функциясига кўра ҳам мураккаб график белги саналади.

Ҳарфларнинг босма турларига хос шрифт ранглари (қора, ярим қора, оч ранг), шакллар масалан, ҳарфларнинг курсив шакллари) ва усуллар (ҳарфларнинг разрядка билан терилиши) ҳам графикада *сигнализаторлар* деб баҳоланиши мумкин, чунки улар босма матннинг айрим элементларини ёки қисмларини алоҳида таъкидлаш функциясини бажаради.

Ўз хусусиятига кўра апостроф (тутуқ белгиси) ҳам сигнализаторларга яқин туради, чунки унда «ишора қилиш» функцияси устундир.

Юқорида келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, фонографик ёзув типи амалда идеографик (семасиографик) ёзув элементлари билан қоришган ҳолда қўлланади. Бу табиий бир ҳолдир, чунки ёзувнинг функционал-услубий хусусиятлари, ёзма матннинг грамматик ва композицион қурилиши фонографик ва семасиографик ёзув бирликларидан комплекс ҳолда фойдаланишни тақозо қилади. Бу ҳол ёзувнинг график «тўқима»сида фонографема, просодемографема ва логографема каби графема типларининг ҳамда сигнализаторлик функциясида қўлланадиган махсус белгиларнинг шаклланишига сабаб бўлган.

Проф. Равшанхужа Расулов. ТДПУ

Ўқит. Музаффар Жўраев

Ўзбек тилини давлат тили сифатида ургатиш
усуллари.

Тил ургатишни самарали ташкил этиш учун, аввало, маълум бир методика яратилиши ва қўйилган мақсадга эришиш йўлларини ўзида мужассамлаштирган мутодлар

ишлаб чиқилиши зарур. Маълумки метод воқеликни назарий ёки амалий ўзлаштириш усуллари ўз ичига олади.

Ю.К.Бабанский таълим методларини учта катта гуруҳга бўлади:

1. Ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини ташкил этиш методлари.
2. Ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини рағбатлантириш методлари.
3. Ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини назорат қилиш методлари¹.

Биз тил ўргатиш методикасини мазкур учта катта гуруҳга бўлинган методлар асосида шакллантириш мумкинлигини инкор этмаган ҳолда, уни янада аниқлаштиришни қисмларга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Жумладан, рус тилини ўқитиш методикасини тадқиқ этган етакчи рус олимларидан бири П.О.Афанасьев таълим методларини: тил ҳодисаларини кузатиш, суҳбат, ўқитувчининг тушунтириши, дарслик устида ишлаш, грамматик таҳлил кабиларга бўлади. И.Р.Палей эса тил ўқитиш методалирини: янги билимларни баён қилиш, билимларни мустаҳкамлаш, кўчириб ёзиш, топириқли мустақил ишлар, билимларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш кабиларга бўлади². Бундай булишлар, бизнинг назаримизда, эътирозлардан ҳоли эмас. Қолаверса бу методлар фақатгина она тилини ўқитишга мўлжалланган, тилни иккинчи тил сифатида ўргатишга эмас. Шу сабабли биз ушбу методлардан таълим жараёнида танқидий фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб, ўзбек тилини давлат тили сифатида ўргатиш методикасига манба бўла оладиган методлар таснифини қидиришга давом этамиз.

Ҳ.Рустамов тил ўқитиш методларининг анча мукамал ва амалиётга яқин бўлган. қўйидаги таснифни келтиради: ўқитувчининг баёни, суҳбат, тил ҳодисаларини кузатиш ва таҳлил қилиш, грамматик таҳлил, машқ, дарслик устида ишлаш, кўргазмали қуроолардан фойдаланиш, экскурсия¹. Биз бу ўринда ушбу таснифга муносабат билдирган А.Ғуломовнинг фикрига қўшилмай

¹ Ю.К.Бабанский. Методы обучения в современной общеобразовательной школе. М., Просвещение, 1985.

² И.Р.Палей Очерки по методике русского языка. М., 1965, 65-бет.

³ Ё.Ғуломов ва бошқ. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. Тошкент, 1975, 62-88- бетлар.

иложимиз йўқ. Яъни айна тасниф асосан она тили қоидаларини пухта ўргатишга йўналтирилган. Унда нутқ ўстириш талаблари кўзда тутилмаган шунингдек дарслик устида ишлаш ҳам, машқ ҳам таълим методи сифатида қаралгани каби камчиликлар мавжуд². И.Р.Палей ҳам «Дарслик устида ишлашни таълим методи сифатида қараш қийин... Дарсликда қайси метод қўлланилганлигига қараб, ўқувчиларнинг дарслик устида ишлаш методлари ҳам ўзгаради. Машқ ҳам асосан дарсликка асосланиб бажарилади ва амалий тошириқ ҳисобланади. Қолаверса, машқ турли методларда бажарилиши мумкин», дейди³. Аммо А.Гуломов дарснинг иккиёқлама жараён эканлигидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг фаоллигига алоҳида ургу беради ва оқибатда деярли мукамал ўқитиш методидан воз кечиб, тил ўқитиш методини 2 та катта гуруҳга, яъни:

1. Ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ методлар.

2. Ўқувчи фаолияти билан боғлиқ методларга бўлинишини мақбул деб ҳисоблайди⁴.

Оқибатда таълимнинг, унда иштирок этувчиларнинг фаолияти таҳлилидан эмас, булки таълим қонуниятлари, тамойиллари ва усулларидан иборат бўлишлиги унутилади. Қолаверса таълим бу бир бутун, яхлит жараён бўлиб, уни йўналтирувчи, қайси методлар асосида иш олиб боришни белгиловчи, ўқувчининг лаёқати, билими, фаоллиги даражасидан келиб чиқиб, таълим усулларини танловчи ўқитувчи ҳисобланади⁵. Шу сабабли таълим методлари моҳияти ва мазмунига кўра ўқитувчи ва ўқувчининг фаолиятидан каттароқ мазмунга эга. Улар ўз фаолиятлари давомида қамраб ололмайдиган усуллар ва жараёнлар тизимидан иборат. Бундан ташқари А.Гуломов мақбул деб ҳисобланган ўқитувчи фаолиятига боғлиқ методлар⁶: билимларни тайёр ҳолда (1), суҳбат воситасида (2), муаммоли йўл билан баён қилиш (3) методлари ўқитувчи фаолиятини ўзида тўла қамраб олмайди, балки унинг янги мавзунини ўқувчиларга етказиш жараёнинигина акс эттиради, холос. Айна пайтда суҳбат воситасида ёки

² А.Гуломов. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари. «Ўқитувчи», 1992, 46-бет.

³ И.Р.Палей очерки по методике русского языка. М., 1965, 52-бет.

⁴ Т.В.Напольнова. Активизация мыслительной деятельности учащихся на уроках русского языка. М., 1983, 46-бет.

⁵ М.Жураев ва бошқ. Педагогик ва меҳнат тарбияси ҳамда машғулотларни турли ўйинлар билан боғлаб олиб бориш. Тошкент. 1996, 84-б.

⁶ А.Гуломов Уша асар. 48-бет.

муаммоли йўл билан баён қилиш методлари тайёр билим етказишга йўналтирилганлиги боис, билимларни тайёр ҳолда баён қилиш методини(1) йўққа чиқаради.

Биз она тилини ўргатиш методини таснифлаш хусусида баҳсга берилиб кетмасдан, ушбу таснифлашларда эришилган ютуқлардан фойдаланган ҳолда ўзбек тилини давлат тили сифатида ўргатиш методларининг қуйидаги таснифини тавсия қиламиз:

1. Ўзбек тили сўз бойлигини эгаллаш методи.

2. Товушлар ва сўзларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш методи.

3. Сухбат методи.

4. Ўзбек тилида сўз бирикмалари ва гапларни тузиш кўникмасини ҳосил қилиш методи.

5. Тил ўрганувчининг матни ўзбек тилидан она тилига ва аксинча ўз тилидан давлат тилига таржима қилиш малакасини ҳосил қилиш методи.

6. Тил ўргатишда кўргазмалilik методи.

7. Тил ўргатишда талабаларнинг фаоллигини ошириш (мустақил иш) ва назорат ишларини олиб бориш методи.

Сухбат методи тил ўргатишда кенг қўлланилади ватан ўрганувчиларнинг фаолиятини фаоллаштиришда катта роль уйнайди. Бу методдан янги сўзларни ўрганиш ва ёд олиш, ўзлаштирилган материални мустақкамлаш, олган билимини текшириш ва баҳолашда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, ўзбек тилини давлат тили сифатида ўргатиш методикасининг вазифаси тилдаги ранг-баранг нутқий ҳуридлишлар ва образли тил воситалари, жумла тузиш усулларини ўргатиш методларини тадқиқ этиш ва уларнинг мақбулларини таълим амалиётига татбиқ этишдан иборат.

Доц. Иброҳим Йўлдошев, ТДПУ

Китобатчилик терминларини тартибга солишга доир

Тилшунослиқда терминларни тартибга солиш масаласи ҳар доим ҳам долзарб бўлиб келган. Ўзбек тилшунослигида бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Лекин терминларни тартибга солиш

масаласи барча соҳа терминологияларида ҳам бир хилда олиб бориляпти деб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан бу йўналишда ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Хусусан, ўзбек китобатчилик терминологиясида ҳам айтилган соҳа терминларини тартибга солиш билан боғлиқ бир талай муаммоли масалалар мавжуд.

Ўзбек китобатчилик терминологиясида дублетлик, шунингдек, баъзи терминларни ёзишда ҳаддан ортиқ сўзларнинг қўлланиши, тушунчаларни ифодалашда қўлланилаётган баъзи терминларнинг моҳиятан уйғун эмаслиги каби терминологик принципларга мос келмайдиган ҳолатларни кўплаб учратамиз. Бундай салбий ҳолатларнинг мавжудлиги шу соҳа терминосистемасини ҳали тўлиқ ишланмаганлигидан далолат беради.

Саксонинчи йилларда ўзбек тили лексикасида фаол қўлланиб келинган «брошюра» термини бугун анча истеъмолдан чиқиб қолди. Унинг ўрнида асосан араб тилидан ўзлашган «рисола» термини қўлланмоқда. «Брошюра» сўзи асли французча бўлиб, ўзбек тилига рус тили орқали кириб келган. Унинг рус тилидаги маъносини қуйидагича: «5 саҳифадан кам бўлган ва 48 саҳифадан ошмаган ҳажмга эга бўлган матнли нодаврий нашр»¹. «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да унга «*кичик китоб, китобча; рисола*» (144-бет), «Маданий-оқартув ходимлари учун қисқача лугат»да (Тошкент, 1983) «*кичик ҳажмдаги (5 босма листгача) юмшоқ қоғоз муқовали (қаттиқ муқовали эмас) юпқа китобча*» (32-бет) тарзида изоҳ берилган. Энди «рисола» англатган маъноларга эътибор берсак: «1) бирор касбга, соҳага ва унинг тартиб қоидаларига оид китобча, устав; 2) умуман китоб, трактат; 3) брошюра, китобча»² ёки «1) кичик ҳажмли китоб, брошюра; 2) муайян илмий масаланинг тадқиқига бағишланган асар»³.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, бугун «брошюра» ўрнида фаол қўлланилаётган «рисола» терминининг маъно англатиш қамрови анча кенг ва аниқ бир объектга қаратилмаган. Қадимда ҳам «рисола» сўзи кўпроқ муайян бир муаллиф томонидан ёзилган илмий мушоҳадали асарга нисбатан қўллангани маълум. «Брошюра»нинг ифода шакли эса, аниқ ва лўнда. Шу

¹ Библиотечное дело: терминологический словарь.-М.: Книга, 1986.-С. 33.

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 625-бет

³ Абдураҳмонов Х. Ва бошқ. Маъданий-оқартув ходимлари учун қисқача изоҳли лугат.-Т.: Уқитувчи, 1983.-Б.107.

Нуқтаи назардан кичик ҳажмли ёки «5 саҳифадан кам бўлмаган ва 48 саҳифадан ошмаган ҳажмга эга бўлган матнли нодаврий нашр»ларга нисбатан «брошюра» терминининг қўлланиши маъқулдек кўринади.

Ҳар қандай соҳа терминологиясида дублетликнинг мавжудлиги жиддий бир шаклдаги сálбий ҳолатлардан ҳисобланади. Бунда бир тушунчани ифодалаш учун бир қанча сўз ёки сўз бирикмалари иштирок этади.

Ўзбек китобатчилик терминологиясида «маҳсулотларни нашр этиш билан шугулланувчи техника ёки саноат соҳаси» маъносида «типография//босмахона//матбаа» терминлари қўлланмоқда. «Типография» ҳамда «матбаа» сўзлари ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган. «Босмахона» эса ўзбек тилининг узида ясалган, яъни ўзбекча «босма» сўзига форсча-тожикча «хона» сўзининг қўшилиши натижасида вужудга келган. Бу терминларнинг ўзбек тилидаги маъно англатиш даражаси тенг ҳисобланади. Лекин «матбаа» сўзи кўпроқ тошбосма усулида китоб чоп этишга оид бўлиб, қадимда фаол қўлланган. «Типография» эса яқин вақтларгача анча пасайди. Ҳозирда «босмахона» термини ҳар икки терминга нисбатан ҳам тилимизда мустақкам ўрнини эгаллади. Шу нуқтаи назардан асосий термин сифатида «босмахона» терминини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

«Китобшунослик//библиология», «китобшунос//библиолог» дублетлигини йўқотишда ҳам юқоридаги сингари принципга амал қилиш мумкин. «Библиология» ҳам юнонча (biblion-китоб, logos-сўз, урганиш) бўлиб, рус тили орқали ўзбек тилига ўзлашган ва «китоб ҳақидаги фан» маъносини ифодалайди. Рус тилида ҳам айни шу маъно учун «библиология» ва «книговедение» терминлари параллел тарзда қўллангани маълум. Рус олими А.Г.Фомин ўз вақтида «книговедение» ўрнида «библиология» терминини қўллашни тавсия этган эди. Аммо «библиология» термини кутилганидек оммалаша олмади ва кейинчалик истеъмождан деярли чиқиб кетди. Унинг ўрнини эса «книговедение» термини эгаллади¹. Ўзбек тилида ҳам айни шунга ўхшаш ҳолатни кузатишимиз мумкин ва асосий терминлар сифатида «китобшунослик»

¹ Қаранг: Фомин А.Г.Книговедение как наука. Ленинград, 1931.

ҳамда «китобшунос» терминларини тавсия этишимиз мумкин.

Ф.ф.н. Маъруфжон Йулдошев, ТДПУ

Лингвопоэтик таҳлилниң назарий муаммолари

Бадий асар тилини текширишниң кенг тарқалган икки асосий йўналиши мавжуд. Бу икки йўналишни Х.Дониёров ва С.Мирзаевлар қуйидагича таърифлаганлар: «Тилдаги ўсиш-ўзгаришларни ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўядиган аспект – лингвистик аспект, ёзувчининг умумхалқ тилига бўлган муносабати, тил бойликларидан фойдаланиш, ёзувчи маҳорати, стили ҳақида хулоса чиқарувчи аспект – стилистик аспект»¹.

Тилнинг муайян тарихий даврдаги ҳолати, айти ҳолатга хос бўлган хусусиятлар, лексик, фонетик ва грамматик ўзгачаликлар, тилнинг ҳозирги ҳолати билан умумий ва фарқли жиҳатларни илмий тадқиқ этиш мақсадида уша даврга оид адабий – бадий асарларнинг тили ўрганилиши мумкин. Бунда бадий асарлар тили айти мақсаддаги тадқиқот учун фақат материал бўлиб хизмат қилади.

Бадий асар тилини «стилистик аспект»да ўрганишниң асосий мақсади эса бундан фарқ қилади, албатта. Бу ўринда масала тилнинг турли вазифаларга эғалиги, асарда намоён бўлган у ёки бу стилга, хусусиятларга бориб тақалади.

Лингвопоэтик таҳлил эса тилга хос эстетик имкониятларнинг бадий асардаги инъикосини текширади. Айтиш лозимки, тил эстетикаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини фақат тилшунослик ёки фақат адабиётшунослик доирасида ўрганиш қийин. Бунинг учун адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, поэтика каби адабиётшунослик йўналишлари; тил тарихи, стилистика, фонетика, лексикология, семасиология, этимология, грамматика каби тилшунослик йўналишлари бир-бири билан ҳамкорликда иш кўриши лозим. Тил эстетикаси масаласи бу икки йирик фан оралигидаги мураккаб муаммодир. Бадий асар тилини лингвопоэтик мақсадларда ёритиш ўзбек тилшунослигида анча илгари бошланган йўналиш эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Фақат «лингвопоэтик таҳлил» атамаси филологик адабиётларда

нисбатан кейинги даврларда урф була бошлади. Мазкур атаманинг қамрови, кўлами анчайин кенг. Ҳали унинг илмий-назарий тамойиллари, тадқиқ усуллари, терминлар тизими тўла шаклланган эмас. Шу боис «лингвопоэтик таҳлил» атамаси англаниши мушкул бўлган мавҳум, мураккаб ҳодисадек туюлади. Бу муаммо ўзбек тилшунослигидагина эмас, балки жаҳон тилшунослигида ҳам етарли даражада ўрганилган дейиш қийин.

Тилшунос Г.Рихсиева лингвопоэтик таҳлил масаласига шундай муносабат билдиради: «Лингвопоэтик таҳлил жараёни фақат ёзувчининг тили ва услуби ҳақида маълумот бериш билан чегараланмайди, балки асар яратилган давр тилининг ўзига хослиги, ёзувчининг сўз бойлиги, тил воситаларининг ифодаланиш усуллари, бадиий тасвир воситаларининг тил фактлари воситасида акс эттирилиши, умуман тилни унинг барча сатҳлари юзасидан таҳлил қилишдан иборат бўлади».² Ёзувчи тили ва услубини ўрганишга қаратилган филологик тадқиқотлар санаб ўтилган барча хусусларни ўз ичига олиш мумкин. Лингвопоэтик таҳлилда бадиий асар ва бадиий тил яхлит эстетик ҳодиса сифатида, бир-бирини тақазо этадиган бутунлик тарзида талқин қилинади. Немис олими Зиверс бадиий асар тилини тадқиқ этиш жараёнида тил бирикларининг вазифавий қонуниятига асосланган «акустик филология» (акустик филология) ҳамда «акустик филология» (оптикфилология) йўналишларини фарқлаш лозимлигини таъкидлайди.³ Буни «эшитиш орқали идрок этиладиган тил», «кўриш орқали идрок этиладиган тил» тарзида тушуниш мумкин. Ҳақиқатан ҳам бадиий асарни тинглашдан туйган ҳисларингиз билан ўқиб ҳис қилган туйгуларингиз ўртасида анчайин фарқ бор. Япон тилшуноси профессор Масао Ониси ҳам бадиий асар тилига «нео-макро-фонетика» нуқтаи назаридан ёндашиш орқали асар бадииятига кириб бориш мумкинлигини уқтиради.⁴ Товушлардаги эстетик қонуниятларни ўрганишга қаратилган филологик фаразларни илгари суради. Бу йўналишдаги тадқиқотларда «лексик фонетика», «морфологик фонетика», «риторик фонетика», «синтактик фонетика» каби атамалар тилга олинади. Рус тилшуноси М.Конурбаев Библия тилининг лингвопоэтикасига бағишланган тадқиқотида⁵ бадиий асарни семантик, метасемиотик, метаметасемиотик деб аталувчи уч поғонали таҳлилга тортиш зарур деб ҳисоблайди.

Умуман, лингвопоэтик таҳлилдан ягона мақсад; бадий матннинг мукамал идроки масаласидир. Бундай таҳлилда тил бирликлари ёзувчининг бадий ниятига қай даражада хизмат қилиши урганилади. Уларнинг қачон ва нима мақсадда, шунингдек қай тарзда ишлатилиши, ўқувчига қандай таъсир этиши каби омиллар асосий эътиборда бўлади.

¹ Дониёров Х., Мирзаев С. Суз санъати.-Тошкент, 1962, 173-174-бетлар

² Рихсиева Г.Лингвопоэтик таҳлил асослари ҳақида мулоҳазалар.-//Ўзбек тили ва адабиёти . - 2003, №4, - бет.

³ Бу ҳақда қаранг: Конурбаев М.Э. Библия короля Иакова в лингвопоэтическом освещении.-Москва , 1998, 6 - бет

⁴ Яна уша асар, 23 - бет.

⁵ Яна уша асар, 12 - бет.

Доц.Абдусалом Ҳусанов.ТДПУ

Лугатлар нутқ маданиятининг қудратли қуроли

Тилимизда сўз бойлигининг ортиб боришини сув ҳавзасига, тинимсиз оқаётган дарёга қиёслаймиз. Тил доимо ўзгариб, ривожланиб туради. Унда ҳар бир тарихий давр, ҳар бир ижтимоий тараққиёт босқичи ўз аксини топади, маълум из қолдиради. Буларнинг ҳаммаси хилма-хил лугатларда намоён бўлади.

500 йил илгари адабий тил даражасига кўтарилган ўзбек тили айниқас кейинги йилларда янада камол топди. Унинг лугат таркиби, сўз хазинаси жуда бойиди. Турмуш маданиятимиз, саноат ва бошқа соҳаларнинг мислсиз даражада ўсиши туфайли лугат бойлигимизга янги-янги сўз ва иборалар кириб келмоқда.

Тилнинг битмас-туганмас сўз бойлиги жамланган лугатлар барчага-ўқувчи ва талабаларга ҳам, ўқитувчи ва турли соҳа мутахассисларига ҳам баб-баравар зарур.

Нутққа кўрк берувчи омиллардан бири сўз бойлигидир. Тил соҳасидаги ҳар бир асар биринчи навбатда лугатлар, охир оқибатда нутқ маданиятига ҳам хизмат қилади. Нутқнинг бойлигини лугат бойлиги таъминлайди. Шунинг учун ҳам тилда лугатларнинг ўрни каттадир. Тилнинг лугат таркибини яхши билмасдан туриб, бой нутққа эришиб бўлмайди. Демак, нутқ маданияти илмий тармоқ сифатида лугатшунослик билан ўзвий алоқадордир.

Лугатлар хилма-хил бўлади ва ҳар бири муайян мақсадни кўзлайди. У сўзловчи учун катта бир хазина бўлиб, ҳар бир ўқитувчи ана шу хазинадан баҳраманд бўлсагина ўз нутқини бой қила олади. Ўқувчилар саводхонлигини оширишда ўқитувчи асосий роль уйнайди. Оғзаки нутқнинг кўрки нутқ товушларининг аниқ ва тўғри талаффузда, оҳангнинг меъёрида, овознинг баланд-пастлигида, тўхтамнинг ўринлигида ўз аксини топади.

Лугат – тилнинг қурилиш манбаларидир. Оқар дарё суви денгизларга қуйилиб йигилганидек, сўз дарёси дурдоналари ўзбек тилининг лугатларига йигилиб тўпланади ва шу халқнинг миллий бойлиги сифатида асралади, эъзозланади. Кенг халқ оммаси ҳар куни севиб варақлайдиган ва ишлатиш кўлами кенг лугатлар тилимизнинггина эмас, билимимизнинг ҳам асосидир. Ҳар қандай лугат ҳам тилнинг маълум даврдаги лексик бойлигини тўлиқ ҳамда мукаммал қамраб ололмайди. Гап маълум лугатдаги сўзларда эмас, балки лугатнинг вазифаси, илмий савияси, олдига қўйган мақсадида ҳам. Лугатларда сўзлар одатда алифбо тартибда жойлашади. Лугат бир тилдаги сўзларни маълум тартибда ёки бошқа бирор йўналиш бўйича жамлаб, изоҳлаб ёки бошқа тилга таржима қилиб берилган сўзлар тўплами. Лугатлар турлитуман бўлгани каби, улар билан ишлаш усуллари ҳам рангбарангдир. Лугатлардан тез ва тўғри фойдаланиш учун ўқувчи зарур малакага эга бўлиши лозим. Бу малакалардан энг муҳими алифбо тартибини яхши билишдир. Алифбони ёд билмаган ўқувчи лугатдан зарур сўзларни тез топа олмайди. Ўзбек тилининг изоҳли лугатининг асосий вазифаси ўзбек адабий тилининг сўз бойлигини тўplash ва тавсифлаш билан бирга, унинг қонун-қоидаларини белгилаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир. Айни замонда у нутқ маданиятининг юксалишига ҳам катта хизмат қилади.

Миллий тилнинг қай даражада тараққий этганлигини унинг алоқа воситаси сифатида жаҳон тиллари орасида тутган ўрнини белгиловчи асосий мезони, ўлчови шу тилнинг лугат таркибидаги сўзлар ва уларнинг вазифавий – услубий имкониятларига қараб белгиланади. Жигалардан дарё ҳосил бўлганидек, халқимиз қайси халқлар билан яқин алоқада бўлса шу халқнинг тилидан сўз олади ва ўз сўзларидан беради. Биржа, дилер, брокер, коммерсант, компьютер ва ҳ.к. Лугатлар тилимизнинг сўзлар хазинаси, билим чашмаси ҳамдир. Ўқувчилар

саводхонлигини яхшилашда, уларнинг грамматик қоидаларни пухта билиб олишларида ва ўз лугат бойликларини кенгайтиришларида лугат устида ишлашнинг аҳамияти катта. Лугатларнинг вазифаси сўз ҳақида маълумот бериш ёки унинг маъноларини тушунтиришдир. Ўқувчилар тушуниши қийин бўлган сўзларнинг маъносини тушунтириш устида ишлаш уларнинг лугат бойлигини кенгайтиради, нутқнинг раво бўлишига ёрдам беради ва нутқ малакаларини оширишда жуда катта аҳамиятга эга.

Рус педагоги К.Ушинский ўқувчи тушунмаган ҳар бир сўзни унга албатта тушунтириб бериш зарурлигини уқтиради. «Сўзнинг мазмунига тушунмаган ўқувчи – деб таъкидлайди К.Ушинский, – бир сўзни иккинчи сўз билан алмаштира ва икки сўзни бир-бирига қўша олмайди. Демак, ўқувчи сўзнинг мазмунига тушунсагина, у сўздан нутқларида амалий фойдалана олади. Уни ўз ўрнида қўллаш малакасига эга бўлади. Бу ўрнида таниқли француз олими Р.Декартнинг фикрини ёдга олайлик «Сўзларнинг маъносини изоҳланг. Бу билан сиз кишиларни ярим қоронгулик дунёсидан холос қиласиз», – деб хитоб қилган. Ўзга тилни, ҳатто она тилини яхши тушуниш учун сўзларнинг маъносини билиш керак. Ҳар бир сўз заминиде маълум фикр ётади, сўзлар одатда ҳамма тилларда ҳам кўп маъноли бўлади. Акс ҳолда мақсадга эришиш мушкул.

Лугатларнинг хазина эканлигини, кўпгина буюк олимлар, ҳар хил соҳанинг малакали мутахассислари, забардаст шоирлар, ёзувчилар доимо таъкидлаб келишган.

Рус академиги В.В.Виноградов: «Миллий тилларнинг изоҳли лугатлари нутқ маданиятининг қудратли қуролидир, шу билан бирга, унинг маҳсули ҳамдир», – дейди. «Ҳозирги вақтда лугатлар, айниқса изоҳли лугатлар, адабий тилни тарғиб қилиш ва мустаҳкамлашнинг нутқ маданиятини оширишнинг муҳим воситаларидан бирига айланиб қолди», – дейди С.И.Ожегов.

Изоҳли лугатлар маданий халқлар ҳаётида катта аҳамиятга эга. Нутқ маданияти тилимизнинг сўз бойлигидан ўз ўрнида фойдаланишни англатади. Сўзни ўз ўрнида ишлатиш тўғри талаффуз этиш эса мураккаб бир масала билан – лугат масаласи билан боғлиқ. Лугатсиз бегона тилнигина эмас, ҳатто ўз она тилини ҳам чуқур ва жиддий ўрганиш мумкин эмас. Жамият тараққиёти

равнақи билан ёнма-ён тугилаётган ҳар бир янгилик — янги нарса, белги, ҳаракат, расм-русум, янги одатлар — барча барчаси, узининг номланиши, сўз билан аталишини талаб этади. Бу жараёнда сўз бойлиги тўхтовсиз ошиб, кенгайиб, бойиб боради. Лугатлар билимимиз асоси-кишининг лугат бойлиги — жуда ноёб бойлик, уни ҳеч қанақа нарх билан ўлчаб бўлмайди. Уни кўпайтириш ҳақида қайгуриш керак. Бу нарса тилнинг қадрини оширади, тароватини кучайтиради. Лугатлар сўз бойлигини (айни пайтда, фикр бойлигини) оширишда муҳим аҳамият касб этади. Талабаларнинг сўз бойлигини ошириш кўп жиҳатдан уларнинг лугат билан ишлашига боғлиқ. Талабаларни турли лугатлар билан таништириш ва лугатлардан фойдаланиш малакаларини шакллантириш айниқса муҳим масала ҳисобланади. Лугат имло саводхонлигини ошириш, сўз бойлигини кенгайтириш ишининг муҳим манбаи, талабанинг асосий маслаҳатчисиدير. Эҳтиёж сезилмаса, талаба лугатга мурожаат қилмайди. Маълум бир сўзнинг имлоси, маъноси, уядош¹ини билиш зарурияти эҳтиёжни вужудга келтиради. Лугат билан мунтазам ишлашга одатланган ўқувчиларнинг тушунчаси чуқурлашади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг тушунмаган сўзларини аввал ўзларидан сўраб аниқлаши ва изоҳ талаб сўзларга матн ўқилмасидан олдин ёки кейин изоҳ бериши зарур. Лугат устида ишлаш талабаларнинг бойлигини ошириш, саводхонлигини яхшилаш демакдир. Ўқитувчи керакли ўринларда у ёки бу сўзнинг келиб чиқиши ва шаклланиши ҳақида тарихий — грамматик маълумот бериши лозим. Бу маълумот лингвистик² хусусиятда бўлмасдан, педагогик мақсад нуқтаи назаридан ҳам баён қилиниши даркор.

Лугат ёзма иш манбаи сифатида гоят муҳим ўрин тутади. Лугат устида ишлаш — ёзма нутқни ўстиришнинг бошланғич нуқтасидир. Тилнинг лугат таркиби ва грамматик³ қурилиши ҳақида етарли билимга эга бўлмай ёзма нутқни ўстириш мумкин эмас. Тилнинг грамматик қурилиши ва лугат таркибини ўзлаштириш узоқ жараёни талаб қилади. Шунинг учун ёзма нутқни ўстириш бевосита

¹ Уядош сўзлар: бир турга бир уяга, мансуб сўзлар уядошлардир. Гуллар: атиргул, чиннигул, гулбеор, гулхайри, досторгул в....

² Лингвистика — тилшунослик Ҷаъидидаги фан.

³ Грамматика — тилшуносликнинг сўз ва гап аърилишини ўрганувчи, шунга кўра икки ёнмадан морфология ва синтаксисдан иборат бўлими.

тилнинг грамматик қурилиши ва лугат таркибини мукамал ўзлаштириш билан боғлиқдир. Бунинг учун эса турли жанрдаги бадиий асарларни урганиш катта ёрдам беради. Талабаларнинг лугавий билими, қанчалик бой бўлса, унинг нутқи шунчалик мазмундор, равон бўлади. Имло лугати билан ишлаш ўқувчиларда кузатувчанликни тарбиялайди, уларнинг нутқ маданиятини, фикрлаш қобилиятини ўстиради, саводхонлигини оширади.

Дарсда лугат устида ишлаш жуда кам вақтни олиши, дарснинг асосий мавзусидан ўқувчилар диққатини чалгита олмаслиги керак. Бунинг учун ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўраётган вақтида, шу дарсда маъноси тушунтириладиган сўзларни белгилаб қўйиши ва тушунтиришнинг энг қулай усуллари танлаб олиши зарур. Ўқитувчи лугатлардан фойдаланишни ҳаётий зарурат, эҳтиёжга айлантириши, талабаларни улардан фойдаланиш малака ва кўникмалари билан қуроллантириш лозим.

Ўқитувчи нутқида атамалар ва мутахассисликка оид лексика¹ асосий ўринни эгаллайди. Улар ўқувчи билимининг, дунё қарашининг омили ҳисобланади. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир янги атамани тўғри ва ёрқин изоҳлаб, ўқувчи онгига синдириб бориши лозим. Атамаларга, янги сўзларга берилган изоҳлар содда ўқувчи ҳазм қиладиган синтактик² қурилмаларда берилиши лозим.

Ҳар бир одамнинг фаол ва сушт лугати бўлади. Фаол лугат сўзловчининг фақат тушунибгина қолмай, балки ўз нутқида кўпроқ ишлатиладиган сўзлардир. Фаол лугат одам нутқининг бойлиги ва маданиятини белгилаб беради. Сушт лугат сўзловчининг муайян тилда тушунадиган, лекин ўз нутқида қўлланмайдиган сўзлардир. Сушт лугат сўзлари фаол лугатникига қараганда анча кўпроқдир.

Лугат ўқувчининг она тилига бўлган меҳрини кучайтиради. Чунки талаба лугат туфайли фикран ва ҳиссан бойийди; сўз мазмунини теран идрок этиш бахтига муяссар бўлади. Маълумки, тил тараққиёт қонунларини ижтимоий ўзгаришлар белгилайди. Жамиятда ҳар қандай ўзгариш дастлаб тилнинг лугат таркибида, терминологик лексикасида ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам тилда лугатларнинг ўрни ҳар томонлама ибратлидир. У ўқитувчилар учун катта бир хазина бўлиб, ўқитувчи ана

¹ Лексика - бирор тил ёки шевадаги сўзлар мажмуи.

² Синтактик - синтаксисга оид.

шу хазинадан баҳраманд бўлсагина ўз нутқини бой қила олади. Нутқ маданиятининг сифатларидан бири нутқнинг бойлигидир. Нутқнинг бойлигини тилнинг лугат бойлиги таъминлайди. Лугатнинг асосий манбаи бадий ва илмий адабиётлардир. Шунинг учун ҳам тилда лугатларнинг ўрни каттадир. Нутқнинг бойлиги нутқ маданиятининг асосий мезонларидан биридир. Бу сўзловчидан муайян сўз бойлигига эга бўлишни талаб қилади. Сўзловчи эса ўз сўз бойлигини асосан лугатлар орқалигина бойитиши мумкин. Бадий асарларни кўп ўқиш ҳам кишининг сўз бойлиги ортишига ёрдам беради. Шундай қилиб, ўқув ўқитиш жараёнида ва ҳар бир сўзнинг маъносини, тўғри мукамал изоҳлаб бериш, ўз навбатида сўз қўллаш соҳасидаги юксак нутқ маданиятини таъминлайди. Лугатлар тилдан фойдаланиш йўлларини курсатувчи узига хос, узоққа мўлжалланган қонунлар мажмуасидир. У халқ учун, унинг бугуни ва келажаги учун яратилади. Нутқ ва тилнинг нутқ бойлигини таъминлайди. Тилнинг лугат таркибини яхши билмасдан туриб бой нутққа эришиб бўлмайди. Демак, нутқ маданияти илмий тармоқ сифатида лугатшунослик билан узвий алоқадордир. С.Акобировнинг қуйидаги фикрлари ҳам юқорида айтилган фикрларга ҳамоҳангдир: «Фикрни қисқа, аниқ ва тўғри ифодалаш учун энг мувофиқ сўз топиш керак бўлган ҳолларда ҳам лугатлардан фойдаланилади»¹. Ўз даврида улкан сўз санъаткори А.С.Пушкин ҳам Россия Фанлар академияси томонидан чиқарилган академик лугатга вақти-вақти билан мурожаат қилиб турган. У баъзи сўзларнинг маъноларини лугатдан қараб олишга тортинмаган. Кўриниб турибдики, адабий тил меъёрларига нутқ маданиятига А.С.Пушкин даврида ҳам эътибор берилган.

Киши қанчалик билимдон, маълумотли, сўзга бой бўлмасин, тилдаги турли давр ва замонларга оид барча сўзларни била олмайди. Зотан бунга зарурат ҳам йўқ. Чунки тил воситасида яратилган маънавий бойликлардан баҳраманд бўлишни истаган, ҳар томонлама баркамол киши бўлиб етишишига интилган одам билмаган сўзнинг маъносини турли-туман лугатлардан фойдаланиб билиб олади. Чунки ҳар қандай тўлақонли лугат ҳақиқий қомус ҳисобланади.

¹ Акобиров С. Лугат – сўз хазинаси. Т., Фан. 1973. 3-6.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилган ҳозирги даврда, бу тилни грамматик жиҳатдан ҳам, лугат жиҳатидан ҳам қайта қуриш уни ривожлантириш, бойитиш, ўзбек тили табиатига тўғри келмайдиган сўз ва атамаларга барҳам бериш уларни янгилари билан алмаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим масала бўлиши керак.

Файласуфларимиздан профессор Қ.Хонназаров ўзбек тили тараққиётидаги ана шу асосий гоғни жуда ҳаққоний ёқлаб, узининг «Миллий тиллар қушилиб кетадими?»² деган мақоласида шундай ёзади: «1959 йилда чиққан «Ўзбекча-русча лугат»да³ эса юзлаб эмас, минглаб сўзларга кўпинча етарли асос бўлмагани ҳолда «эскирган сўз», «китобий сўз», «кам қўлланувчи» шарҳлари берилган ва шу билан бу сўзларни умуммиллий ёзма ва оғзаки нутқда кенг қўлламасликка ишора қилинган. Бу ўзбек миллий тилининг тараққиёти учун ноқерак ноўрин «хизмат»дир.

Лугат ҳақида фикр юритар эканмиз бир муҳим масалага алоҳида тўхташ ўринлидир. Нутқ маданиятини ўстиришда рус тилшунослигидан ўрганадиган жиҳатларимиз кўп. Бу борада тургунликдан қутулишнинг бир йўли лугатчилик ишларимизни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборат. Ўзбек тили бошига тушган мушкул чигал масалалардан бири унинг лугат таркиби тўлақонли бўлмаганлигида. Мавжуд лугатларни кўздан кечириш шуни кўрсатадики, ўзбек тили лугатларини чет тиллар, хусусан Европа тилларидан олинган атамалар билан қўшиб юборилганлиги ҳам шуни исботлайди. 1976 йилда чоп этилган 65 мингдан ортиқ сўзни қамраб олган «семизгина» «ўзбек тилининг имло лугати» саҳифаларини варақлар эканмиз, эғнида беқасам тўну бошида шляпа кийган «дурагай»¹ ўзбек гавдаланади кўз унгимизда. Ҳа, ўзбек тилининг қиёфаси ана шундай туюлди бизга. Лугатнинг айрим саҳифалари бошидан охиригача байналминалчи керак ноқерак тиқиштирилган сўзлар билан тўлдирилган, баъзи ҳарфлар 30 фоизгача неасоссиз сўзлардан тузилган. «Ц» ҳарфи остидаги сўзлар ичидан битта ҳам ўзбекча сўз учратмайсиз. Афсусланарли ҳол. Айбдор ким? Кимни айблашимиз керак. Ҳозир айбдорларни излашнинг, бизнингча, ҳожати ҳам йўқ... . Бу

² Қ.Хонназаров. Миллий тиллар қушилиб кетадими? Гулистон журнали. 6-сон.

³ Ўзбекча-русча лугат. М., 1959. 19-665-б.

¹ Дурагай- дурагайлаш йўли билан вужудга келган, чатишган (ҳайвон ва усимликлар ҳақида).

«бойиш» фан ва маданиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларига тегишлидир. Бу эса миллатлар орасидаги дустликни мустаҳкамламайди, аксинча бу ришталарни² узиб юборади. Бизнингча, ўзбекча нутқ маданиятининг саёз, саводхонликнинг паст, сўз бойлигимиздан фойдаланишнинг қониқарсиз аҳволда эканлигининг асосий сабабларидан бири шунда бўлса ажабмас.

Европа тилларига оид сўзларни эса қанчалик ортириб борсак, ўзбек тили лексикаси шунчалик бойиб боради деб уйлаш тўғри эмас. Ҳар қандай сўзни ҳам тилда бор деб қўлмайвериш яхши эмас. Булар бўлмасга чет тиллардан тайёр Атамаларни кўчиравериш ҳеч бир тилга шараф келтирмайди. Қайси соҳага оид эканлигидан қатъий назар, миллионлаб лугатхонларнинг эътиборига ҳавола қилинаётган ҳар қандай лугат тўлақонли бўлиши, ҳеч қандай саволга ўрин қолдирмаслиги керак.

Умуман қайси тилдан сўз қабул қилинишидан қатъий назар, қабул қилувчи тил ҳар бир сўзни ўз «галвири»дан ўтказиб, қонун-қоидаларига бўйсундириб олиши керак. Нутқда бунга риоя қилмаслик орфоэпик³ хатоларга олиб келади. Хатоларнинг юз бермаслигида орфоэпик қонунларни тўғри очиш уни тарғиб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Тилни аҳволини билиш учун уни бошқа тиллар билан қиёслаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбек тилига шундай муносабат бўлган шароитда қандай қилиб бу тилни мукамал ўрганиш мумкин? Қум устига қурилган иморатнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Бу гапни тилимизнинг бойлигига даҳл қиладиган, ҳусн, латофатини бузадиган, тилимизни таҳқирлашга қаратилган ҳаракатларга барҳам бериш мақсадидагина айтганимиз йўқ. Бу гапнинг фақат тилимизгагина эмас, маънавиятимизга ҳам алоқаси бор. Масалан, абзац, ўрнига сатр (хат) боши, автор ўринга муаллиф, синтаксис ўрнига нутқ илми, текст ўрнига матн, «зачёт» (зачетно) ўрнига «синов» (синалди) ўтди, морфология¹ ўрнига услуб дейилса, ўзбек тили қашшоқлашиб қоладими?

² Ришта – икки нарса, кимса, ҳодиса ва ш.к.ни узаро узвий боғловчи восита; боғланиш. Дустлик риштаси.

³ Орфоэпик – Орфоэпияга, талаффузга доир, тўғри талаффуз қилиш билан боғлиқ бўлган, шунга хизмат қиладиган.

¹ Морфология – сўзларнинг таркиби ва ўзгариш шакллари таркиби, грамматиканинг сўз таркиби ва шакллари ўрганувчи бўлими.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан жуда кўп сўз ва атамалар тилимизнинг табиатини ҳисобга олиб янгиланмоқда ва эскилари қайтадан тикланиб кенг қўлланмоқда. Ҳар бир тилнинг ички имконияти асосида янги сўзларнинг ҳосил қилинишида шу тилда мавжуд бўлган сўзга сўз қўшиш усули катта аҳамиятга эга. Зарур бўлган ўринларда янги атамалар ясашга уринишни ўйлаб кўриш ҳам керак бўлади, яъни етти ўлаб бир кесган маъқул.

Ўзбек тилининг лугат қатлами ниҳоятда ранг-барангдир. Ўзбек тили биринчидан, кўп шевали тилдир, иккинчидан эса, унда турли тиллардан узлашган кўп сонли сўзлар мавжуд. Сўнги гуруҳ сўзларнинг маълум қисмини араб, форс-тожик тилларига мансуб сўзлар ташкил этган.

Ўзбек тили лугат таркибининг бойиши икки манба ҳисобига: биринчидан, асосий манба сифатида ўзбек тилининг ички имкониятлари ҳисобига бўлса иккинчидан эса, бошқа тиллар айниқса, рус тилидан қабул қилинган сўзлар ҳисобига бўлмоқда.

Рус тилидан ўзбек тилига сўз қабул қилиш тарихи ўзбек халқи билан рус халқи ўртасида бўлган сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлар тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Тилнинг лугат таркиби жуда тез ва тухтовсиз ўсиб боради. Республикамизда барча соҳаларда инқилобий жараён борар экан, биз лугатчиларимизнинг оғир, лекин шарафли меҳнатини қадрлаб, қанчалик қийин бўлмасин, барибир, бугунги талаб эҳтиёж асосида барча лугатчиларимизни миллий қомусимиздай қайта яратиш зарур деб ўйлаймиз. Бунингсиз маданий жабҳада чинакам ютуққа эришмоғимиз мушкул. Лугат халқ вакиллари учун тилдан фойдаланиш йўларини кўрсатувчи ўзига хос қонунлар мажмуасидир. Бу хайрли ишга тил илмини яхши биладиган ёзувчилар, тилшунос бўлмаган бошқа касб соҳасидаги зиёлилар ҳам жалб этилмоғи керак. Ўзбекистонда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаши билан боғлиқ ҳолда ўзбек тилида янги сўз ва атамалар пайдо бўлди, кўпгина сўзларнинг маънолари ўзгарди, айрим сўзлар истеъмолдан чиқиб кетди ёки бошқа сўзлар билан алмашинди. Бу борада қайта яратилаётган миллий қомусимизнинг роли ниҳоятда каттадир. Ушбу масалалар ҳозирда нутқ маданияти масалалари долзарб бўлиб турган ўзбек

тилшунослиги учун ҳам муҳим ҳамда амалий аҳамиятга эгадир.

Лугатнинг асосий вазифаси ўзбек адабий тилининг сўз бойлигини тушлаш ва тавсифлаш билан бирга, унинг меъёрларини белгилаш мустақкамлашдан иборатдир. Айни замонда у нутқ маданиятининг юксалишига хизмат қилади. Шу сабабли пишиқ қўлланма бўла оладиган ва китобхонларнинг ўсиб бораётган маданий талабларига жавоб бера оладиган турли соҳаларга оид кўплаб лугатлар тузиш зарурияти туғилмоқда.

Доц. Рисқивой Юнусов. ТДПУ

Ўрин семали лексемаларнинг лексик-грамматик хусусиятлари ҳақида

Ўрин семаси асосан, от туркумига оид лексемаларга тўғри келади. Тилимизда ўрин маъносида қўлланувчи кўплаб от лексемалар мавжуд. Улар қуйидагилар: *атроф, бағир, бел, бет, буйи, ер, ёқ, жой, ич, кет, нари, олд, орқа, ост, охир, рўпара, таг, ташқари, тепа, томон, уст, чет, юқори, яқин, ўрин, ўрта, қарши* кабилар. Ўрин семали от лексемаларни қуйидагича семантик гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Ўрин маъносини умуман англаувчи лексемалар: *ер, жой, ўрин,*
2. Ўрин маъносини бирор йўналишга нисбатан лексемалар : *ён, томон, атроф.*
3. Ўрин маъносини горизонтал пландаги бирор нуқтага кўра англаувчи лексемалар: *ён, кет, олд, орқа, рўпара, қарши, чет.*
4. Ўрин маъносини вертикал пландаги бирор нуқтага кўра англаувчи лексемалар: *уст, ост, таг, тепа, ич.*
5. Ўрин маъносини ҳам горизонтал ҳам вертикал пландаги бирор нуқтага кўра англаувчи лексемалар: *ора, ўрта.*

6. Ўрин маъносини бирор масофадаги нуқтага кура англатувчи лексемалар: *нари, бери, узоқ яқин, охир*.
7. Ўрин маъносини горизонтал сатҳга кура англатувчи лексемалар: *юза, бет, буй*.

От туркумига киритувчи барча лексемалар қандай семантик таркибга ажратилса, бу лексемалар ҳам шундай семантик таркибга эга. Бу лексемаларнинг ҳар бирининг асосида ҳам маълум бир тушунчалар ётади. Улар тилда бир маъноли ёки кўп маъноли бўлиши мумкин.

Ҳар бирининг лексеманинг ўзига хос лексик-грамматик хусусиятлари мавжуд. Буни ўрин лексемаси мисолида кўришимиз мумкин. Полисемиянинг лексема сифатида унинг қуйидаги лексик маънолари мавжуд. Биз қуйида ҳар бир семеманинг ўзига хос лексик-грамматик жиҳатлари ҳақидаги хулосаларимизни ҳам келтирдик.

Ўрин 1 «Шахс ёки нарсани ишғол қиладиган сатҳ, юза макон». Масалан: 1. Бу янги иморат... қазноқлар ўрнига тушуви керак (А.Қаҳҳор). 2. Асосий ишлар... Авлиёқудуқ тепалиги ўрнида борарди (Ж.Абдуллахонов). 3. Нури ўрнидан қўзғалмасдан, совуққина сўрашди (Ойбек).

Ўрин 1 семемасининг таҳлилидан қуйидагилар кузатилди:

1. Семеманинг шаклланишида ўрин лексемасининг бошқа лексемалар билан семантик боғланиши: 1) «Ишғол қиладиган», «сатҳ» семалари асосида бўлади. Бундай семантик боғланиш семемани шакллантирувчи қуйидаги лексик контекстларда рўй беради: **ўтирмақ, турмоқ, тўхтамоқ, тушмоқ, қўпормоқ** кабилар; 2) «нарсани» семаси асосида бўлади. Бундай семантик боғланиш семеманинг шакллантирувчи қуйидаги лексик контекстларда рўй беради: **ойна, дарча, уй, кулба, бино, тепалик, туқай, бог, шаҳар, қазноқ, тушроқ** кабилардир.

2. Семема асосан яқин контекстда, яъни бевосита синтактик боғланиб турган контекстда шаклланади.

3. Нисбатловчи семемани шакллантирувчи асосий морфологик контекст бўлади.

4. Ҳол семемани шаклантирувчи асосий синтактик вазифа бўлади.

5. Синтактик вазифаларига кўра семемани

белгиловчи лексик контекстлар фарқланади.

6. Аниқ контекстли семема ҳисобланади.

Ўрин 2 «ётиш учун мўлжалаб кўрпа, ёстиқ ва шу кабилар тўшалган сатҳ». Масалан: 1. Ўктамжон, энанг қоқиндиқ, тинчгина ухла! Ҳаким, сен ўрнинга ўт (Ойбек). 2. у уйгонганда Икромжон ўрнида йўқ эди (С.Аҳмад). 3. Гулнор ўрнига кирди... (Ойбек).

Ўрин 2 семемасининг таҳлилидан қуйидагилар кузатилади:

1. **Ўрин 2** семемасининг шаклланишида ўрин лексемаси бошқа лексемалар билан семантик жиҳатдан : «ётиш учун мўлжалаб тўшалган кўрпа, ёстиқ» семаси билан боғланади.
2. Кўплик формаси семемани шаклантиришда қатнашади.
3. Нисбатловчи семемани шаклантирувчи асосий морфологик контекст бўлади.
4. Ҳол семемани шаклантирувчи асосий синтактик вазифа бўлади.
5. Аниқ лексик контекстли семема ҳисобланади.

Ўрин 3 «Бирор киши эгалаши мумкин бўлган лавозим, вазифа». Масалан: 1.Агар ўрним керак экан, илгарироқ бушатиб берардим-ку (Ж.Абдуллахонов). 2. Қайси ўринда яхшироқ наф келтира олсам, ўша менга бас (Ж.Абдуллахонов). 3. Бу икки ўриннинг бири идора, иккинчиси эса ҳар куни кечқурун икки соат вақтни оладиган бир курс эди (А.Қаҳҳор).

Ўрин 3 семемасининг таҳлилидан қуйидагилар келиб чиқади:

1. **Ўрин 3** абстракт семема ҳисобланади.
2. Семеманинг шаклланишида ўрин лексемаси бошқа лексемалар билан семантик жиҳатдан «лавозим», «вазифа» семалари асосида бирикади.
3. Кўплик формаси семемани шаклантиришда қатнашади.
4. Нисбатловчи семемани шаклантирувчи асосий морфологик контекст бўлади.

5. Тушум келишиги семемани шаклантирувчи асосий морфологик контекст бўлади.
6. Тўлдирувчи семемани шаклантиришда асосий синтактик вазифа бўлади.
7. Ноаниқ контекстли семема ҳисобланади.

Ўрин 4 «Кимнингдир, ниманингдир ҳолати, вазияти, мавқеи сифатида тасаввур қилинувчи абстракт макон, сатҳ». Масалан: Ҳозир Мунисхон итдан қанча қўрқса ҳам Саидийнинг ўрнида булак киши бўлганда ўнинг билагидан бундай ушлаши гумон эди (А.Қаҳҳор). 2. Тирик бўлганда унта угилнинг ўрини босадиган қизи борлигини кўрарди (С.Аҳмад). 3.Менинг ўрнимда бошқа одам бўлса, албатта, кулиб қўя қолмас эди (А.Қаҳҳор).

Ўрин 4 семемасининг таҳлилидан қуйидагилар кузатилади:

1. Нисбатловчи маънони шаклантирувчи доимий морфологик контекст бўлади.
2. Маънонинг морфологик контексти бош, тушум, жўналиш, ўрин келишикларида келишлари билан белгиланади. Бу семемасида ўрин лексемаси қолган келишик формаларини олмайди.
3. Кўмакчи ўрин лексемаси асосида ясалган ўрнига лексемасигагина тўғри келади. Қолган ҳолатларда ўрин лексемаси от туркумига мансуб бўлиб, мустақил маънони билдиради. Бош, тушум, жўналиш, ўрин келишикларида турланади.
4. Ноаниқ контекстли семема ҳисобланади.

Бундан таҳлил асосида ўрин семали лексемаларга муносабат янада ойдинлашади деган умиддамиз.

Доц.Мадраҳим Ҳамроев. ТДПУ

Содда ва қўшма гаплар соҳасидаги айрим муаммолар ҳақида

Тилимизда шундай қурилмалар борки, уларнинг содда ёки қўшма гап эканлигини аниқлаш анча мушкул. Бундай қурилмалар гуруҳига, бизнинг фикримизча, қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Равишдош оборотли қурилмалар.
2. Сифатдош оборотли қурилмалар.

3. Шарт феълли қурилмалар.

4. Якка субъектли полипредикатив гаплар. Буларни ҳам уч гуруҳга ажратса бўлади:

а) бир субъектли полипредикатив гаплар.

б) бир хил субъектли полипредикатив гаплар.

в) иккинчи субъект олмош билан ифодаланган полипредикатив гаплар.

Санаб кўрсатилган қурилмаларнинг дастлабки учтаси содда гапларга хос хусусиятларга эга бўлса-да, уларга анъанавий содда гаплар каби муносабатда бўлиш қийин. Шунинг учун бўлса керак, академик Г. Абдурахмонов бундай қурилмалар (шунингдек, ундалма, кириш сўз, кириш бирикма) қатнашган гапларни мураккаб гаплар деб атайди.¹

Мураккаб гаплар ўзбек тилшунослигида ҳам, бошқа туркий тиллар бўйича ҳам анча ўрганилган.² С.Аширбоев шу гуруҳга (мураккабланиш содда гаплар гуруҳига) бир субъектли полипредикатив гапларни ҳам (у бундай гапларни «қўшма гап

кўчимдаги содда гаплар» деб атайди) киритади.³

Якка субъектли полипредикатив гапларнинг кейинги икки тури (б, в)

1. Ўзбек тили грамматикаси. 2-Қисм. Т., 1976. 202-206 б.

2. Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари. ДДА, Т., 1990. Есенов Х. Синтаксис осложненного предложения в казахском языке. Алмаата, 1992.

3. Юқоридаги асар, 37-бет.

Ўзбек тилшунослигида махсус ўрганилгани йўқ. Рус тилшунослигида бундай гаплар қисман бўлса ҳам тадқиқ қилинган.¹

Якка субъектли полипредикатив гаплар мазмунан қўшма гапларга ўхшайди, лекин уларни ҳам анъанавий тарзда шаклланган қўшма гаплар қаторига киритиш қийин. Буларнинг ҳар учала турини алоҳида-алоҳида текшириб кўрамиз.

1. Бир субъектли полипредикатив гаплар, бошқача айтганда, бир эга ва бир неча кесим қатнашган гаплар структураси, шаклланиши жиҳатидан уюшиқ кесимли содда гапларга ўхшайди.

Тилшунослигимизда кейинги пайтларда шакланаётган қарашларга таянадиган бўлсак, уюшиқ кесимлар

масаласини қайта кўриб чиқишга тўғри келади. Х. Неъматов бошчилигидаги муаллифлар жамоаси томонидан эълон қилинган тезисларда кўрсатилишича, $(W+W)$ Рm тоифасидаги моделларда кесимларнинг уюшиши сезилади, ammo ҳар бир кесим кесимлик кўрсаткичларини қабул қилган бўлса, унда "уюшиқлик ҳақида эмас, балки ундан каттароқ нарса ҳақида гапиришга тўғри келади".¹ Мазкур тезисларда $WPm + WPm$ кўринишидаги қурилмалар умумлашган ном билан, яъни "мураккаб ясалмалар" (сложные образования) деб аталган. Тезис муаллифларининг фикрича, бу уринда бир-бири билан боғланган иккита гап модели мавжуддир.

Шу уринда "уюшиқ бўлақлар" атамаси ҳақида икки огиз сўз. Фикримизча, мазкур атама бир гап таркибиди бир хил гап бўлақларига боғланиб келадиган бўлақларнинг туб моҳиятини тула қамраб олмаган, чунки бу атама "биргалик", "бирга келиш", "жипслик" каби маъно оттенкалари сезилади. Ваҳоланки, гап ичидаги бирга жипслашиб келган ҳар қандай бўлақ уюшиқ бўлақ ҳисобланавермаслиги керак (қавс ичида айтиш мумкинки, тилда уюшган ва уюшмаган аниқловчиларнинг

1. Х.Нигматов, К.М.Абдуллаев, В.И.Банару, Н.М.Махмудов, Д.А.Мухамедова, А.Нурманов. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков (тезиси формально-функционального исследования) "Советская тюркология" 1984, № 5 с.7.

мавжудлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди). Биз бундай бўлақлар учун "турдош бўлақлар" деган ўзбекча атамани таклиф қиламиз, чунки бунда "бир турдаги", "бир хилдаги" деган маъно оттенкалари борки, айнан ана шу хусусият биз "уюшиқ бўлақлар" деб атаб келаётган бўлақларнинг асл моҳиятини акс эттиради. Шу нуқтаи назардан ёндашсак, уюшиқ бўлақлар доирасидаги бир қолипга тушмаётган кўпгина ҳолатларга барҳам берилиши мумкин, яъни "уюшиқ" кесимлар, "уюшиқ" аниқловчилар, "уюшиқ" ҳоллар ичида "силлиққина кетаётган" қаторни бузиб турган уринлар йўқолади. Масалан, "уюшмаган" аниқловчилар нега уюшмаган? Улар ҳам «уюшиқ» аниқловчиларга қўйилган барча талабларга жавоб беради, яъни бир бўлақка боғланади, бир хил суроққа жавоб бўлади: *Машина кенг текис йўлдан кетиб борарди.* Айнан

шу каби аниқловчилар “уюшган” аниқловчилардир. Қизил, оқ гуллар кўзни яшнатарди гапидаги аниқловчиларни эса “турдош” аниқловчилар деб атасак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Бир хил эгали гаплар таркибидаги иккита бир хил эга иккита алоҳида кесимга боғланади: *Йуқ, улиги ҳам чиқолмайди, каламушларга ем бўлади улиги, ем!.. (О.Ё.)* Мазкур гапда бир хилдаги иккита эга (*улиги*) иккита кесимга (*чиқолмайди, ем бўлади*) боғланган. Бунда ҳам мантиқан субъект биттадир. Бизнингча, бир эганинг икки марта такрорланиши услубий талаб натижасидир. Гап охирида *ем* сўзининг яна бир марта такрорланиши (яъни кесимнинг қисман такрорланиши) ҳам шундан далолат берапти.

3. Иккинчи эга олмош билан (кўпинча ўзлик ва кишилик олмоши у билан) билан ифодаланган гаплар структур жиҳатдан қўшма гапларга жуда яқин туради, шунинг учун бундай гапларни академик Г.Абдурахмонов қўшма гаплар жумласига киритади.

Ҳақиқатан ҳам, формал жиҳатдан бундай гапларда иккита эга, иккита кесим муносабати мавжуддир: *Бутабой бермади, туртинмасликка тиришиб ўзи ўқиди(А.Қ.)* Бу гапга мантиқий нуқтаи назардан ёндашсак, субъект битта – Бутабой. Газетани бермаган ҳам, ўқиган ҳам – Бутабой. Демак, бу ерда шакл ва мазмун бирлиги бузилган.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Анъанавий тарзда гапларнинг содда ва қўшма гапларга бўлинишида четда қолиб келаётган қурилмалар мавжуд.

2. Бундай қурилмаларнинг бир қисмида содда гаплик (ёки “соддалик”) хусусиятлари етакчи бўлса, иккинчи гуруҳида қўшма гаплик (ёки “қўшмалик”) хусусиятлари кучлироқдир.

3. Тилшунослигимизда қўлланиб келаётган “уюшиқ бўлақлар” атамасининг ўринли-ўринсизлиги ҳақида ўйлаб кўриш керак.

4. Тилшунослар томонидан кўп марта қайд қилиб ўтилган тилдаги асимметрия ҳодисаси мазкур қурилмаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Доц. Саида Алиева. ТДПУ
Русийзабон талабаларнинг ўзбек тилидан илмий
тадқиқот ишларини ташкил қилиш.

Ҳозирги вақтда олий мактаблар иши қайта қурилаётган бир шароитда, ёшларга пухта билим ва тарбия бериш, уларнинг мустақиллиги, активлиги, ташаббускорлиги ва ташкилотчилигини ошириш, талабалар ўртасида илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Олий ўқув юр்தларининг кўп йиллик тажрибаси талабаларнинг илмий изланишларини мақсадга мувофиқ, тўғри ташкил этиш ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришнинг энг самарали омилларидан эканлигини кўрсатади.

Олий маълумотли педагоглар тайёрлашнинг умумий комплексида талабаларнинг илмий тадқиқот ишлари фақат таълим савиясини оширишдагина эмас, балки талабалар ўртасида тарбиявий ишларни яхшилашда ҳам муҳим востига ҳисобланади.

Педагогик кадрлар тайёрлаш ишининг сифати кўп жиҳатдан ёшлар ўртасида олиб бориладиган илмий ишларнинг самарадорлигига ҳам боғлиқдир.

Республикамизда иқтисодий ва маданий ривожланиш тез суръатлар билан олиб бораётган бир шароитда олий ўқув юр்தларини тамомлаб чиқувчи йигит ва қизларнинг пухта ва ҳар тарафлама чуқур билим ва малакаларга эга бўлишлари, мустақил фикрлаш, ишлаш қобиятларининг ривожланганлиги, шубҳасиз, аҳамиятга эгадир.

Университет талабалари ўртасида илмий тадқиқот ишларига қизиқиш йил сайин ортиб бормоқда. Талабалар билан ўқитувчилар ўртасида алоқа, ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Бу эса ёшларнинг мустақил равишда ижодий изланишларининг ривожланишига ёрдам бермоқда.

Биз бу ишда ўзбек тилини ўрганиш соҳасида талабаларнинг илмий тадқиқот ишлари қандай ташкил этилиши ҳақида гап юритмоқчимиз. Талабаларнинг илмий тадқиқот ишларининг асосий шаклларида бири ижтимоий – сиёсий характерда, шунингдек эгаллаётган мутахассислигига оид маърузалар ёзишга тайёрлашдир.

Бундай маърузалар устида ишлаш жараёни уч босқичда олиб борилади: тайёргарлик, асосий ва якунловчи. Тайёргарлик босқичида олий мактабдаги

таълим ва тарбия мақсадларидан келиб чиқиб, талабалар олдида турган вазифалар ҳамда кўзланган мақсад тушунтирилади. Тайёргарлик босқичида ўқитувчи ва талабалар маърузалар ёзишга кўрадилар. Бу даврда талабалар томонидан ёзилган маърузалар бўйича тажрибалар тахлил этилади. Материаллар танланади, маъруза мавзуси бўйича адабиётлар рўйхати тузилади. Тайёргарлик босқичида талабаларни республикамиз эришган муваффақиятлар билан таништириб борилади; маъруза мавзуси бўйича материаллар умумлаштирилади; илгариги йилларда ўқилган энг яхши маърузалар билан таништирилади; мавзу бўйича кўрсатмали қуроолар тайёрланади. Маърузаларнинг мазмуни ва талабаларнинг мутахассисликларига қараб, ёш тадқиқотчилар билан яккама-якка ишлар олиб борилади. Маърузаларнинг тематикаси кафедра томонидан тасдиқланади. Асосий босқичда эса, маърузалар ёзишга киришилади, ўзбек тили, ижтимоий ва махсус фанлар ўқитувчиларнинг консултациялари ўтказилади. Талабалар уз материаллари билан ўқитувчиларни таништирадилар, улардан маслаҳат кўрсатмалар оладилар, ўз ўртоқлари билан фикр алмашадилар. Бу ерда шуни алоҳида қайд қилиш керакки, ўқитувчилар ҳар бир талаба билан маърузалар ёзиш бўйича консултация ўтказар экан, маърузаларни ёзишга юзаки равишда қараш ҳолларига йўл қўймаслиги лозим. Фақат юксак талабчанлик бўлган тақдиргагина талабалар маъруза ёзишга катта эътибор билан, масъулиятни сезиб иш кўрадилар. Бу эса маърузаларнинг савияли бўлишини тامينлайди.

Талабаларнинг маърузалар тайёрлашда фаоллик кўрсатишларининг энг самарали усуллари билан бири улар ёзган маърузаларни тақриздан ўтказишдир. Маърузаларнинг тақриз қилиниши катта тарбиявий тасирга эга. Ўзаро тақриз жараёнида талабалар ўртоқларининг ишларини ўқиб чиқадиладар, бир – бирлари билан фикр алмашадиладар.

Талабалар маърузалар тайёрлаш жараёнида олиб борилаётган тадқиқот муаммолари бўйича янги – янги фактларга дуч келадиладар. Бу эса уларда илмий ишларга бўлган ҳавас ва қизиқишни оширади маърузаларнинг сифатини яхшилади.

Ўқитувчиларнинг консултатцияларидан кейин маърузалар қайта ишлаб чиқилади, айрим қўшимчалар киритилади, мазмуни бойитилади.

Яқунловчи учинчи босқичда маърузалар конкурси ўтказилади. Конкурстан аввал тегишли тушунтириш ишлари олиб борилади, топшириқларни бажариш муддати талабаларнинг имкониятларига қараб белгиланади. Конкурс икки турда ўтади. Бу иш аввал гуруҳларда, кейин факультетда ўтказилади. Маърузаларни баҳолаш пайтида талабаларнинг мавзу бўйича материалларни қай даражада билишларини, назарий материални факт ва ҳодисалар билан боғлай олишлари; маърузаларнинг ижодий фикр ва мулоҳазалари; тил қоидаларига риоя қилишлари, материални изчиллик билан баён қила олишлари ва бошқалар ҳисобга олинади.

Аммо маъруза ёзиш учун талабалар фақат зарур ахборотлар олиш билан kifояланиб қолмай, биринчи навбатда, шу материалдан ижодий фойдаланишлари, ўзларининг мустақил фикр ва мулоҳазаларини баён қилишлари жуда муҳимдир. Талабаларнинг энг яхши маърузалари ҳар йили ўтказиладиган конференцияларда ўқиб эшиттирилади. Бу эса ўзбек тилини ўрганишдаги айрим ижодий натижаларнинг самараси булиб хизмат қилади.

Талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятларини ташкил этиш бўйича олиб борилган ишларнинг якуни сифатида конкурс ва кўргазмалар уюштирилиши лозим.

Бундай тадбирларнинг ҳаммаси талабаларнинг ўзбек тилини чуқур эгаллашларига, илмий изланишларнинг ривожланишига, ёшларнинг ижтимоий – сиёсий фаоллигини ошишига, олий ўқув юртида ўқув – тарбиявий ишларнинг анча яхшиланишига ёрдам беради. Қисқа қилиб айтганда, талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига жалб этилиши уларнинг билимларини бойитади, ижодий ташаббускорликларини ривожлантиради, шакллантиради.

Доц. Роза Ниёзметова ТДПУ Ўзбек тили дарсларида мусобақа ўйинларидан фойдаланиш

Ўқиш ва ўқитишнинг энг илгор шакллари ва мазмуни, бизнингча, энг аввало ўзбек тили дарсларида

амалга ошмоғи лозим. Бизнинг учун эса, биринчи навбатда, ўқитувчининг ўзи дарсда ҳар бир мавзуни

янгича ҳис этиш қувватига эга бўлмоғи, ўқувчига замонавий талаблар даражасида билим бермоғи лозим.

Ижодкор ўқитувчи – бу фидойи ўқитувчи, у эртанги кун учун ишлайди. Фидойи ўқитувчигина жамият учун келгусида фидойи инсонларни тарбиялаб етиштиради.

Ўқитувчининг фидойи устоз эканлигини кўрсатадиган омил, бу унинг машаққатли меҳнати, изланувчанлиги эвазига эришган ҳурмати, бор билимини ўзига сингдира олган шогирдлари, юксак даражада ташкил этган намунали дарсларидир. Ҳақиқатан ҳам орадан қанча йиллар ўтиб кетса ҳам энг яхши дарс берган ўқитувчи, унинг дарс жараёнидаги билим бериш тажрибаси ўқувчининг кўз олдига туради.

Кейинги йилларда барча фанлардан ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланиб дарслар ташкил қилиш жуда ривож олди. Конференция, семинар, баҳс-мунозара, саёҳат, назм, сценарий, уйин сингари дарслар ўқувчиларнинг кенг ҳажмда билим олишига, мавзуни чуқур ўзлаштиришига, фаоллигини оширишга, мустақил фикрлашга ўргатади.

Ўқитувчи қайси мавзуни ўтаётганда қандай усуллардан фойдаланса маъқул бўлишини ўқувчилар қобилиятига қараб тўғри танлаб билиши, уларни ўз ўрнида қўллай олиши зарур.

Болаларда ёшлигидан бошлаб ўйинга ҳавас кучли бўлади.

«Ўйин жараёнида қўлланадиган ўйинлар икки турда бўлиши мумкин: ролли ўйинлар ва мусобақа тарзидаги ўйинлар¹».

Юқори синфларда кўпроқ мусобақа ўйинларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, «Феъл нисбатлари» мавзусини ўрганишда синфдаги ўқувчилар 3 гуруҳга бўлинади. Мавзу бўйича озгаки гап тузиш топширилади. Ҳар қатордан навбат билан сўралади, баҳолашда тузилган гапнинг маъносига, қурилишига қараб баҳоланади, энг яхши, кўп ўқувчи қатнашган қатор «5»га, ўртача қатнашган қатор «4»га ва кейинги қатор «3»га баҳоланади.

¹ Р.Толипова. Ўзбек тилини ўргатишда ўйин усули. Тил ва адабиёт таълими. 1993 йил, 1-сон, 34-36-бетлар.

Кейинги босқич шарты доскада бажарилади. Уч қанотли доска бунга жуда қулай. Феъл нисбатларининг турлари буйича ҳар бирига тез ва чиройли ёзувда гап тузилади. Ҳар гуруҳдан битта ўқувчи чиқиб доскада ёзади. Уларнинг ёзув ҳуснихатига, тез ёзганига, тузган гапнинг мазмунига қараб баҳоланади.

Мусобақада таржима қилиш шартидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу босқичда ҳамма ўқувчи иштирок этади. Таржима учун берилган сўзларни ким тез таржима қилиб, чиройли ёзади. Охирида қайси гуруҳдан нечта ўқувчи вазифани қандай баҳога бажарганига қараб умумий баҳо гуруҳ учун қўйилади. Топпириқни бир гуруҳда бир ўқувчи бажармаса бу гуруҳ голиб саналмайди.

Оғзаки савол жавобни ҳам мусобақа тарзида ташкил этиш мумкин. Бунда саволлар ёзилган карточкалар ўқувчиларга тарқатилади. Ҳар гуруҳга иккитадан карточка берилади. Саволга олдин тайёр булган гуруҳга қараб ва жавобнинг қанчалик лунда асосли эканига қараб баҳо қўйилади.

Намуна:

1. Феълнинг мажҳуллик нисбати қандай ясалади?
2. Феълнинг мажҳуллик ва ўзлик нисбати қандай фарқланади?
3. Феълнинг мажҳуллик нисбати қандай тусланади?
4. Гапни ўзбек тилига таржима қилинг ва қайси нисбатда қўлланганини айтинг.

Девочки и мальчики 9 класса завтра после уроков уберут свой класс.

«Феъл нисбатлари» мавзусини мустақамлашда бирор бир мавзу доирасида гап тузиш топширилади. Масалан, ўзбек миллий чолгу асбоблари номлари билан боғлаб феъл нисбатларини қатнаштириб боғланишли матн тузиш мумкин. Бу тошириқ барчага ёзма машқ қилиб берилади. Голиб бўлиш учун топшириқни барча бажариши шарт. Бу босқичга киришишдан олдин миллий чолгу асбоблари ҳақида маълумот берилади.

Танбур – трех или четырехструнный шипковый народный музыкальный инструмент.

Дутор – двухструнный шипковый народный музыкальный инструмент.

Гижжак – гиджак, узбекский народный музыкальный инструмент, похожий на скрипку¹.

Мен мусиқа тугарагига қатнашаман. Тугарақда мусиқа асбобларидан уринли фойдаланилади. Танбурни кўпчиликни урганиши қийин. Дуторни эса ҳамма ёқтиришади. Назиранинг танбурни чалиши барчанинг хавасини келтирди. Дутордан таралган куйга берилиб кетдик. Гижжак чалишни эса Собир яхши урганди. Унинг тутилган кунига синфимиз номидан гижжак совга қилинди.

Бундай мусобақа тарзидаги топшириқлар ўқувчилар фаоллигини оширади. Ўқувчилар ҳам миллий асбоблар билан таништирилади, боғланишли матн тузиш орқали ўзга тил ўқувчиларини ўзбек тилидаги оғзаки нутқи, ёзма саводхонлигини ошириш билан сўзларни тўғри қўлай олиш, сўз тартибига риоя қилиш каби малакалари мустаҳкамланади.

Магнит лентасидан «Феъл нисбатлари» ҳақидаги шеър эшиттирилади.

Аниқ нисбат

Аниқ нисбат мен ўзим.

Иш ҳаракатим аниқ,

Ҳеч қандай қўшимчасиз
Келсамда мен кўп таниқ.

Ўзлик нисбат

Иш ҳаракат ва ҳолат
Ўзимда қолур мудом
Ювинди ва таранди
Ясанди мулла Баҳром.

Мажҳул нисбат

Иш ҳаракат ва ҳолат
Менда мужмал ва мавҳум
Қунгироқ чалинди-ю,
Эшик очилди бир зум.

Биргалик нисбат

Бўлинди иноқ ва дўст
-ш, -иш қўшимчалари
Биргалиқда ҳаракат
Қилмоқ бўлинди бари.

Ортгирма нисбат

¹ Н.Махмудов, Б.Тухдиев. Ўзбек тилини урганамиз. Тошкент, 1991.

Гердаиб туриб Наби
Талай ишни қилдирди
Барча юкни бечора
Эшагига орттирди.

Ҳар бир шеър ўқилгандан кейин ўқувчилардан феълларни топиб, нисбат қўшимчаларини аниқлаш талаб қилинади.

3 та гуруҳнинг ҳар биридан энг чаққон ўқувчи чиқиб 3 қанотли доскада 3 таси туради. Ҳар бир шеър ўқилганда нисбат қўшимчаларининг ҳаммасини ёзиб чиқиш керак. Ўқитувчи қайси нисбат бўйича таъриф берилишини айтса жавоб бериши керак. Тугри ёзган ва жавоб берган ўқувчи ва шу қатор голиби саналади.

Ўзга миллат фанзандларини ўзбек тилига ўргатишда таълим-тарбиянинг турли қирраларидан унумли фойдаланишга алоҳида аҳамият бериш керак. Мусобақа дарсларини қандай уюштириш ўқитувчига боғлиқ. Бундай дарсларни мавзуга боғлаб, баъзан бўш вақт қолганда баъзи ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, ким кўп сўз билади, битта сўздан бир қанча сўз тузиш, давом эттириш каби. Лекин мусобақа дарслари ўқувчилар ёзувига зарар бермаслиги керак. Шунинг учун ҳам тез ёзишига ва чиройли ёзишига қараб баҳоланиши назарда тутилади.

Бундай дарсларни компьютердан фойдаланиш орқали ҳам ташкил этиш мумкин. «Ким кўп гап туза олади?», «Боғланишли матн тузинг», «Нуқталар ўрнига нисбат қўшимчаларидан мосини қўйинг», «Берилган гапни ўзбек тилига таржима қилинг», «Тестларни ечинг» каби топшириқлар асосида мусобақа тарзида амалга ошириш мумкин.

Мусобақа шаклидаги ўйин дарслар ўқувчилар фаоллигини оширишда энг зарур омиллардан биридир. Бундай ўйинлар ўқувчилар қизиқишини сусайтирмаслиги, бездирмаслиги, аксинча яна шундай дарс бўлишини интиқлик билан кутиб туриши керак. Бу дарслар орқали ўқитувчи кўзлаган мақсадига ета олсагина дарс ўз самарадорлигига эга дея оламир.

Доц. Уроқ Лафасов Тош ДШИ Русийзабон гуруҳларда баъзи ундошлар талаффузини тўғри ўзлаштириш хусусида

Ҳар бир миллий тилдаги товушлар мазкур тилнинг нозик талаффузини, муסיқийлигини ўзида акс эттиради. Шу билан бирга товуш тизимидаги уйғунликка мос келади.

Туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили товушлар сонининг кўплиги ва ўзининг мураккаб талаффузи билан дунё тиллари орасида ажралиб туради. Айниқса тилдаги товуш мослашувини аниқ ҳис қилмаган талаба тилимиздаги аниқ, раво, ўзбекча талаффузни чиқариб бера олмайди.

Тилдаги товушлар талаффузи тўғрисида гапирар эканмиз, шуни таъкидлаш жоизки, Тошкент давлат шарқшунослик институтида дунёнинг жуда кўп тиллари ўрганилади. Шу боис уларнинг товуш тизимидаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларини таққослаш имконияти мавжуд. Ҳукмингизга ҳавола қилинаётган мулоҳазаларимиз сизни бефарқ қолдирмайди деган умиддаман.

Ўзбекча в (w) товуши лаб-лаб ундош, русча в (v) товуш эса лаб-тиш ундош, сирғалувчи товушлиги ҳақидаги илмий мулоҳаза «Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси»да баён қилинган ва талаффузни таққослаш учун иккала тилга хос ҳар хил сўзлар берилган. Рус тилида в ундошининг баъзан ф товуши сифатида талаффуз қилиниши айтиб утилган. Яна бошқа бир ўқув қўлланмасида ўзбекча в (w) товушига изоҳ берилар экан, ўзбек тилидаги жарангсиз в бўғин охирида унлидан сўнг у га мойил эшитилади деб новда (ноуда), палов (палоу), навбат (ноубат) сўзлари келтирилган. Ўзбек сўзларини рус тилига мослаштириш қондасидан келиб чиқиб изоҳлаш ўзбекча в товушини тўғри талаффуз қилишга ёрдам бермайди.

Кейинроқ чиққан ўқув қўлланмасида «рус тилида лаб-лаб в товуши йўқ, шу сабабли овул сўзини аул, саксаул сўзини саксаул тарзида талаффуз қилинади» деган фикр билдирилган. Бу мулоҳаза тўғри, аммо ўзбекча в товушини русчага мослаштиришдан бошқа нарса эмас. Ушбу ўқув қўлланмасида ҳам ўзбекча в ва русча в товушларининг талаффузи қиёслаб ҳар хил сўзлар илова қилинган. Бизнинг фикримизча, ўзбекча ва русча тсвушларининг талаффузини қиёслаб бериладиган сўзлар

таржима шаклида бўлса мақсадга мавофиқ бўлади.

Таққосланг:

<u>Ўзбекча</u>	<u>русча</u>
вазн	вес
вафо	верность
вақт	время

Ўзбекча в (w) ундошига ўхшаш товуш инглиз, хитой, япон, араб тилларида ҳам бор, мисоллар қиёсида гуруҳларга қараб буни акс эттириш мумкин. Ўзбекча в (w) ундошнинг аниқ талаффузини ўзлаштириш учун қуйидаги ёрдамчи воситалардан фойдаланса бўлади.

1. Тез айтиш: Вали визвизакни визиллатди.

2. Тўртлик: Сенга ким қиларкан одамгарчилик,

Жавоб бер унга сен қилиб яхшилик.

Вафога вафодир кишилиқ қани,

Вафо қил, одил бўл, ном ол мангулик.

(Ю.Х.Ҳожиб)

Ўзбекча ж (дж) товуши портловчи ундош, форсча ва русча ж товушлари сирғалувчи ундошдир. Бу ҳақдаги илмий мулоҳаза олдин ҳам айтилган. 1986 йилда нашр этилган ўқув қўлланмасида учала товуш талаффузи қиёсланиб турли сўзлар келтирилган. Ўзбекча ж товуши оғзаки нутқда сўз охирида ч тарзида талаффуз қилиниши ҳақида фикр билдирилиб, дилхироч (ч) ланч (ж) сўзлари келтирилган. Бошқа ўқув қўлланмаларининг кўпчилигида бу товушлар аниқ таққосланган ҳолда мисоллар билан изоҳланмаган. Ўзбекча (дж)товушининг талаффузини тўғри ўзлаштириш учун сўзларни қуйидагича бериш мумкин:

Таққосланг!

<u>Ўзбекча</u>	<u>русча</u>	<u>форс-тожикча</u>
жонли	живой	„иждувон(шаҳар)
жир	жир	мужгон(киприк)
жар (овраг)	жар (иссиқлик)	сажда

Ўзбекча ж(дж) ундошига ўхшаш товуш араб, япон, хитой тилларида ҳам бор. Қуйидаги воситалар ушбу товуш талаффузини янада яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

1 Тез айтиш: Жалил жажжи жийронни жиловлади.

2 Тўртлик: Тили ёлгон эрнинг жафо хулқидир,

Жафо кимда эрса ўша йилқидир.

Киши ёлгонидин вафо кутмагин,

Бу сўз кўп синалган талай йилгидир

(Ю.Х.Ҳожиб)

Ўзбекча нг ҳарфий бирикмаси бурун товушини ифодалаш учун ёзилади. Баъзи уқув қўлланмаларида ўзбек тилидаги мазкур бурун товушига изоҳ берилган ва ёзувда баъзан н ва г товушлар бир жойда учраши айтилиб, уларни нг дан фарқлаш учун сен+га, бугун+ги сўзлари келтирилган. Айрим қўлланмаларда нг товушига изоҳ тўғри берилган. Аммо Тошкент шеvasига таянган ҳолда икки товуш сифатида талаффуз қилинади деб хатоликка йўл қўйилган ҳамда қуйидаги мисоллар илова қилинган: унинг онги, темир занги, суҳбатдошлар гурунги. Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида бу товуш сонор, ассий оҳанг берувчи бўлиб ҳеч қачон икки товуш сифатида ажратиб талаффуз қилинмайди. Тошкент шеvasига рус ва форс тилларнинг таъсири кучли булганлиги боис мазкур товуш талаффузида бузилиш бор. Ҳатто форсийзабонлар билан аралаш яшайдиган Бухоро, Самарқанд ўзбеклари ҳам мазкур товушни соф туркий оҳангда талаффуз қилишади.

Ўзбекча нг товушга ухшаш товуш хитой, корейс тилларида ҳам бор. Мазкур товушнинг аниқ талаффузини тугри ўзлаштириш лозим.

Тугри талаффуз қилинг!

1. Ўнги - передняя нижняя часть чапана.

Ўнги - углубление. 2. Энг - самый, эн - ширина

3. Ўнга - направо, ўнга - к десяти

нг ундошининг талаффузини аниқ ўзлаштириш учун қуйидаги воситалардан фойдаланиш мумкин.

1. Тез айтиш: Кенгбойнинг кўнгли кенгми?

2. Омонимларни фарқланг:

1) занг - ржавчина 2) энг -рукав

занги - звон энг - кушайте

3) ланг - настезь 4) заранг - клён

ланг -хромой заранг - твёрдый

3. Турглик

Балодур менга ҳажринг, даводур менга висолинг,

Итобинг, манга офат, ҳадисинг манга дармон.

Дармон манга ҳадисинг, офат манга итобинг,

Васлинг манга даводур, ҳажринг манга балодур.

(Бобур)

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, товушларнинг тугри, аниқ талаффузини ўзлаштирамасдан туриб бирор бошқа тилни ўрганиб бўлмайди. Ҳар бир тилнинг узига хос хусусиятлари товуш тизимида ўз аксини топганлиги

боис, ўқитишда тўғри талаффуз масаласи биринчи ўринга чиқади, бу эса талабага муҳим ва зарур мажбуриятни юклайди.

Доц. Нигора МУРОДОВА

ШЕВАЛАРНИНГ СЎЗ БОЙЛИГИ

Ўзбек шеваларининг тараққиёт тарихига назар ташласак, у ўзбек тилининг тарихига нисбатан ҳам жуда қадимий бўлиб, уни ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки шеваларни ўрганиш орқали адабий тилда ишлатилмай қолган лексик бирликлар ва айрим грамматик шакллар ҳақида кенг маълумотларга эга бўламиз. Шунингдек, ўзбек шеваларини ўрганиш ўзбек адабий тилининг ривожланиш тарихини, унга таянч бўлган диалект ва шеваларнинг тарихий илдизлари, уларнинг тараққиёт йўлларини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Айниқса шевалар лексикасини мукамал ўрганиш, ўзбек адабий тилини бойиши учун бой материал бериши, шубҳасиз. Чунки ҳар бир халқ лексикасида шундай сўзлар ҳам борки, улар бевосита шу халқнинг тарихи, турмуш тарзи, урф-одати ва маросимлари, кийиниши, ҳўжалик юритишга оид тушунчаларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқнинг маънавий бойлиги бўлган сўзларни ёзиб олиш жуда муҳим бўлган вазифалардан биттасидир. Шунини алоҳида айтиш мумкинки, бундай маънавий бойликларни ёзиб олмаслик энг қимматли моддий ва маданий ёдгорликни йўқотиш билан баробар. Биз ўзбек тилининг ўтмиш тарихини ўрганишда, албатта, аждодларимиз қолдирган бой маданий меросларга мурожаат этамиз, қадимги ёзма ёдгорликларни ўрганамиз.

Биз текшириш объекти қилиб олган Навоий вилоят шевалари лексикаси ўрганилганда, ниҳоятда шеваларнинг сўзга бой эканлигини гувоҳи бўлдик. Навоий вилоят шевалар лексикасининг лугат таркибини ўзбек тили ва халқ шеваларидагидек, ўзлашган сўзларга қараганда, умумтуркий сўзлар асосий қисмини ташкил қилади. Мазкур шеваларда қадимги туркий ёзма ёдгорликларда учрайдиган эски ўзбек тилига хос бўлган сўзлар кўпчиликти ташкил этади. Улар М. Кошгарийнинг «Девону луготит турк» асари ҳамда «Ёрта Осие тафсири» билан қиёсий ўрганилди. Шунингдек, Навоий вилоят шеваларини

ўрганиш натижасида шу шева вакиллари нутқида ишлатиладиган сўзлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Бундай сўзлар Алишер Навоий асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Шу боис мазкур шевалар Алишер Навоийнинг «Хамса» асари билан ҳам қиёсий ўрганилди. Маълумки, Алишер Навоий кўпгина тиллардан, асосан, ўз туркий (ўзбек) тили ҳамда унинг лаҳжа ва шеваларидан хабардор бўлган. Шунинг учун ҳам шоир: «ҳар бир жамоанинг тиллари ўзгаларидан, ҳар бир гуруҳнинг сўзлашувлари яна бирларидан ўзгача ва бир неча хусусиятлар билан фарқлидирки, бу айирма ўзгаларда йўқдир» деб ёзган эди⁷. Алишер Навоий ўзбек халқ тилини ривожлантириш ва уни адабий тил даражасига кўтариш учун кураш олиб борганда, жонли халқ тилига асосланади. Шу сабабли ҳам А.К.Боровковнинг «Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси сифатида» номли мақоласидаги, «Жонли ўзбек шевалари билан муфассал танишгандан кейингина Навоий асарларининг тил хусусиятларини тўла равишда, узил-кесил ёритиш мумкин»⁸, деган фикрлари асослидир. Шунингдек, Б.Бафоевнинг «Навоий асарлари лексикаси» (1983) китоби ҳамда А.Ишаевнинг «Навоий асарлари тилидаги лексик диалектизмлар» (1991) номли мақоласида ҳам Алишер Навоий асарлари тилининг лексик хусусиятлари кенг ёритиб берилган.

Буюк сўз санъаткори Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг юксаклигига, келажаги порлоқ эканлигига ишонч кўзи билан қарагани учун ҳам у ўзбек тилининг бой, нафис ва гўзаллигини «Хамса» каби шоҳ асари, «Ҳазойин ул-маоний» каби улкан шеърӣ мажмуаси, «Муҳокамат ул-лугатайн» каби илмӣ тадқиқоти билан исботлаб берди. Шоир ўзининг бу асарларида ўша пайтда бениҳоя ранг-баранг бўлган шевалар хусусиятини бирлаштирди, ўзлаштирма сўзлардан ҳам унумли фойдаланди.

Текширилётган шевалар лексикаси Алишер Навоийнинг «Хамса» асари тилидаги лексик диалектизмлар билан қиёсланганда, ўзбек шеваларига оид

⁷ Алишер Навоий. «Муҳокамат ул-лугатайн» (Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев) // Алишер Навоий, III том. Тошкент, 198. 174-бет.

⁸ Боровков А.К. Алишер Наваи как основоположник узбекского литературного языка // Алишер Наваи (Сборник статей). М.-Л., 1946. С. 116-117.

кўплаб лисоний бирликларни ўзида мужассамлаштирган бу асарда мазкур шеваларда қўлланаётган сўзлар ҳам учрайди. Буни «Хамса»⁹дан келтирилган ушбу мисраларда кўришимиз мумкин. Унда адабий тилда қўлланмай фақат шеваларда ишлатиладиган сўзлар ҳам мавжуд. Масалан:

Фарши саропардаси ёзи ё б о н

ўш паридин боши ўза соябон. (Навоий)

й⊃б⊃н (Нав.в.ш.) ~ ёбон («Хамса», Ҳ.А. 90) ~ ад.орф. дала (чўл, дашт. Н.А.Л. 119)¹⁰.

Килк учин и т т и к л и к ила неш этиб,

Сидқу диёнат юзини реш этиб. (Навоий)

ътгъклък (Нав.в.ш.) ~ иттиклик («Хамса», Ҳ.А. 99) ~ ад. орф. ўткирлик (НАЛ., 115).

Берса чу шоҳид қошига в у с м а

В у с м а н и ул қош – ўқ этар дилфреб.

(Навоий)

вусмъ (Нав.в.ш.) ~ вусма («Хамса», Ҳ.А. 102) ~ ад. орф. ўсма (НАЛ, 59).

Кўз кириб эв к у н ж и г а ранжур учун

Қошлар анга ҳожиб ўлуб нур учун. (Навоий)

кунждк (Нав.в.ш.) ~ кунж («Хамса», Ҳ.А., 122) – ад. орф. бурчак (НАЛ, 137).

Пуя қ о б о р ч уқ била айлаб нисор,

Маҳдамима юз гуҳари обдор. (Навоий)

қ⊃вдрчүқ (Нав.в.ш.) ~ қоборчуқ («Хамса», Ҳ.А., 143) – ад. орф. шиш, қадоқ, пуфак ~ кофе пойида – товондаги қадоқлар (НАЛ., 340).

Яна бир равза т о б и с т о н и услуб,

Ки келди қасри минорангу маргуб. (Навоий)

т⊃бъст⊃н (Нав.в.ш.) ~ тобистон («Хамса», ФШ, 183) ~ ад. орф. ёз (НАЛ, 280).

Бухоролик мецмон = айдлариўлуб ҳар панжанинг тирноги беш д о с,

Ки шиддат ичра ҳар д о с ўлгай олмос. (Навоий)

д⊃с (Нав.в.ш.) ~ дос («Хамса», Ф.Ш., 205) ~ ад.орф. ўроқ, чолғу (НАЛ, 81).

Саҳоваш донасин д а с т о с гардун,

Минг ил давр этса бўлмай тортмоқ ун. (Навоий)

⁹ Алишер Навоий. Хамса. Тошкент, 1958.

¹⁰ Навоий вилоят шеваларида.

¹⁰ Навоий асарлари учун луат. Тошкент, 1993.

ддстс (Нав.в.ш.) ~ дастос («Хамса», Ф.Ш., 266) ~ ад. орф.
қул тегирмон (НАЛ, 75).

Дилбар сочидек қ а р о с и жонда,

Мен мунда, нечукки кўнглум онда. (Навоий)

чдрс (Нав.в.ш.) ~ чарос («Хамса», Л.М., 345) ~ ад. орф.
қўрқиш, даҳшат, ваҳима (НАЛ., 367).

Жавридин хотирини айлаб соф,

Унутуб ҳар неким деб эрди г а з о ф.

гдзф (Нав.в.ш.) ~ газоф («Хамса», С.С., 576) ~ ад. орф.
уйдирма, сохта (НАЛ., 64).

Демак, Навоий асарлари тилида қўлланган сўзларнинг аксарияти ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳамда хилма-хил ўзбек шеваларида, адабий тилда учрамайдиган бир қанча сўзлар эса ўзбек тилининг қарлуқ, қипчоқ, уғуз лаҳжаларида мавжуд.

Навоий вилоят шевалари лексик таркибини ташкил этган сўзларнинг кўпчилиги қадимий бўлиб, умумтуркий лексик қатламни ташкил этади. Шунинг учун ҳам мазкур шевалар лугат таркибини ташкил этган сўзлар қадимги ёзма ёдгорликлар тили билан қиёсланганда ўхшаш томонлари кўпроқ учрайди. Тўғри, ўзбек адабий тили шевалардаги барча сўзларни лексик меъёр сифатида қабул қилавермайди, адабий тил учун кераклисини қабул қилиши мумкин. Ўзбек тили ва шеваларда юқорида келтирилган мисоллардаги ёбон – дала сўзи билан иттиклик – ўткирлик сўзи билан, кунжак – бурчак сўзи билан, гарос – қўрқиш, даҳшат, ваҳима сўзи билан, газоф – уйдирма, сохта сўзлари билан параллел қўлланиб келинади. Агар ўзбек адабий тили мана шундай барча учун тушунарли бўлган сўзларни ўз лугат таркибига лексик меъёр сифатида қабул қилса ҳамда уларни ўзбек адабий тилидаги варианты билан синоним сифатида ишлатса ҳам тилимизнинг сўз бойлиги ошиб боради.

Доц. Ҳамдам ИСМОИЛОВ Беҳзод номидаги МРДИ

«Расм» ва «сурат» атамалари ҳақида

Рассомлик санъатида атроф – муҳит, нарсалар, рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар ўзигагина хос бўлган хусусияти, кўриниши, қиёфаси, ҳатти- ҳаракатлари билан

аниқ тасвирий кўринишда ифодаланади ва уни томошабин кўриш аъзолари орқали идрок этади. Тасвирда акс эттирилган шакллар орқали томошабин тасавури фаоллаштирилади, маълум бир вазият, маълум бир ҳолат ҳақида тушунчалар вужудга келтирилади. Рассомлик асарлари ёрдамида кишилар онгида маълум фикрлар уйғотилади, улар бундай асарлардан эстетик завқ олади, ҳайратланади. Буларнинг барчаси рассомлик санъати олдида турган муҳим вазифалардир ва унинг ўзигагина хос бўлган, бошқа санъат турларидан фарқлаб турувчи хусусиятлардир.

Ўзбек рассомлик санъатини пайдо бўлиши бевосита юртимизга рус рассомларини кириб келиши билан боғланади. Лекин ўзбек элида тасвирий ва амалий санъат билан боғлиқ анъаналар қадимдан мавжуд бўлганлиги сабаби Европадан кириб келган уч ўлчамли рассомлик санъатини ижодкорларимиз тез ўзлаштирди ва тараққий эттирди. XX аср бошларида рассомлик санъати билан бирга «картина» атамаси ҳам кириб келди ва бу сўз ҳозиргача истеъмолдан тушиб қолган эмас. Аммо бу атама-сўз билан бир қаторда «расм» ва «сурат» атамалари ҳам қўлланилиб келмоқда.

Шу уринда маъно жиҳатдан узаро яқин бўлган «картина», «расм», «сурат» атамаларининг семантик кўлами ва қўлланилиш даражаси эътиборни тортади. Хусусан «картина» атамасини С.И.Ожегов лугатида олтига маъноси очиб берилади (С.И.Ожегов. Словарь русского языка. М., «Русский язык», 1978, 247-б). Шулардан биринчиси расм ва сурат сўзлари билан маънодош бўла олади. «Картина атамасининг юқоридаги лугатда акс этган маънолари «Русча-ўзбекча лугат»да ҳам акс этган (Русча-ўзбекча лугат. Т., Ўзбек энциклопедияси Бош редакцияси. 1983, 425-бет). Айнан биринчи маъносининг таржимаси «расм», «сурат» сўзлари билан берилган».

«Картина» сўзи мутахассислар тилида ҳозиргача фаол қўлланилаётганлиги сир эмас. Шунинг учун «Русча-ўзбекча лугат» гарчи таржима лугати бўлсада «расм», «сурат» сўзлари билан бир қаторда синоним сўз сифатида «картина» атамасини ҳам бериб кетилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

«Картина» сўзини ҳозирги пайтда ҳам кенг истеъмолда эканлигини рассомлик санъатига оид бўлган илмий, илмий-оммабоп адабиётларда кузатиш мумкин. Хусусан

ёзувчи-ношир Н.Норматовнинг таниқли рассом Рузи Чориевнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган «Камалак яшайдиган уй» номли рисоласида (Нигматов Н. Камалак яшайдиган уй. Ҳужжатли қисса. Т., «Юлдузча», 1990, 46-50-бетлар) «Картина» номли фасл мавжуд. Беш бетдан иборат шу фаслнинг узида «картина» сўзи 25 мартадан ортиқ истеъмолда бўлади. «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да «картина» сўзининг кино билан боғлиқ биргина маъноси берилади (Ўзбек тилининг изоҳли лугати. М., «Рус тили» н., 1981, 370-бет). «Картина» атамасини ўзлашган сўз сифатида кенг қўлланилаётганлигини ва маъно атамасини ўзлашган сўз сифатида кенг қўлланилаётганлигини ва маъно нозикликларини ҳисобга олиб бўлажак «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» да кенгроқ изоҳласа мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Рус тилидан кириб келган «картина» атамаси ўзбек тилида ҳам гарчи кенг қўлланилаётган бўлса-да, уни бемалол маъно жиҳатдан алмаштира оладиган «расм» ва «сурат» атамалари мавжуд. Улар «картина» сўзи англаштиши мумкин бўлган барча маъноларни бера олади.

«Ўзбек тилининг изоҳли лугат»да «расм ва «сурат» сўзларининг маъноси очиб берилади. «Сурат» сўзининг маънолари тўла очиб берилган ҳолда (УТИЛ, 2-том, 85-86-бетлар), «расм» сўзига биттагина маъно таърифи берилади (УТИЛ, 1-том, 615-бет). «Расм» сўзининг урф-одат, маросим, ҳаёт тарзини англаувчи маъноларига ҳам эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

«Ўзбек тилининг изоҳли лугати»даги белгилардан кўринадики, «расм» ва «сурат» сўзлари асосий маъноси бирон-бир текис юзага қандайдир ашё воситасида туширилган тасвирни англатади. Ҳар иккала сўзнинг маъноси бир-бирига монанддек туюлса ҳам, айрим фарқлар йўқ эмас.

«Расм чизмоқ»-«сурат солмоқ» бирикмалари қалам ёки бўёқ билан юзага чизиш билан боғлиқ бир хилдаги вазиятни англатади. Бу жараёнда «расм» сўзининг маъноси янада кенгроқ эканлиги эътиборни тортади. Негаки расмни ёш бола ҳам, бошловчи ва етук рассом ҳам чизади. «Сурат солмоқ» бирикмасида эса маълум даражада мутахассис билан боғлиқ вазият назарда тутилади. Шунингдек расм қалам, бўёқлар ёрдамида ишланади.

XX аср бошларида техник воситалар орқали тасвирга олиш одат тусига киргач, «сурат» сўзининг маъноси

қўшимча жиҳтлар касб этди. Шунинг учун «сурат» атамаси иштирокида сурат олдирмоқ, суратта олмақ, суратта тушмоқ, фотосурат, суратхона каби бирикмалар ҳамда қўшма сўзлар вужудга келди. «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» яратилаётган экан, «расм» ва «сурат» лугат мақолалари тузилганда юқорида кўрсатилган маъно нозикликларига эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

П.ф.н.Ергаш Абдувалитов ТДПУ

Қозоқ тилидаги мактабларда А.Қодирийнинг ижодини ўрганиш

Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда ёзувчи ижодини ўрганиш таълимий- тарбия мақсадида кўра мураккаб ва маъсулиятли жараён бўлиб ҳисобланади. Аслида, шу қутлуг заминда тугилиб усган қозоқ фарзанди учун ўзбек адабиёти мутлақо бегона эмас. Лекин, ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий- руҳий хусусиятлари, турмуш тарзи, урф-одатлари бўлгани каби адабиётни ҳам ўзига хослиги бўлиши табиий. Мана шу ўзига хосликни ўқувчиларга ўзбек ёзувчиларининг ҳаёти ва ижоди мисолида етказиш ўқитувчига бой материал беради.

Қуйида 9-синфда А.Қодирий ҳаёти ва ижодини ўрганишга оид бир соатлик дарснинг намунавий ишланмасини келтирамиз:

- I. Дарснинг мақсади: ўқувчиларни А.Қодирий ҳаёти ва ижоди билан таништириш. Ёзувчи яшаган давр ҳақида маълумот бериш ва ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилитини шакллантиришга эришиш.
- II. Дарснинг методи: суҳбат, маъруза.
- III. Дарснинг бориши:
 1. А.Қодирий ҳақида адабларнинг фикрлари.
 2. А.Қодирий ҳаёти ҳақида қисқача маълумот.
 3. Ёзувчи ижодининг бошланиши.
 4. «Ўткан кунлар» - биринчи ўзбек романи.
 5. «Меҳробдан чаён» романида Қўқон хонлиги даврида тарихий муҳит тасвири.
- IV. Дарснинг жиҳози:
 1. А.Қодирийнинг портрети.

2. Адибнинг ҳаёти ва ижодига доир хронологик жадал.

3. Ёзувчининг оила даврасидаги сурати.

4. Гўн кунлар» ва «Меҳробдан чаён» китоблари.

Ўқитувчи дарс бошлашдан аввал А.Қодирий яшаган даврда ҳаётига оид саволлар билан мурожаат қилади:

1. Адиб яшаган давр тўғрисида нималарни биласиз?
2. Адабиётшунослар А.Қодирий ижодига қандай баҳо берган?

Бундай саволлар орқали ўқувчиларнинг янги ўтиладиган дарсда нималарга эътибор беришига ишора қилинади. Шунингдек, ўқувчилар адиб яшаган даврдаги ижтимоий ҳаёт тўғрисида мустақил фикр юрита олишига имконият яратилади.

Ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги суҳбатдан олдин Е.Э.Бертельс, Ойбек ва М.Авезовларнинг А.Қодирий ижодига берган баҳолари ўқитувчи томонидан ўқиб берилади:

«Дунёда бешта, яъни француз, рус, инглиз, олмон (немис) ва ҳинд романчилик мактаблари бор эди. А.Қодирий олтинчи мактаб - ўзбек романчилиги мактабини яратди».

Е.Э.Бертельс.

«А.Қодирийнинг прозаси, биринчи навбатда, гоятда ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Қодирийнинг тилидан у халқнинг бой ва ажойиб тилини гоятда яхши билганлиги яққол сезилади. Унинг романлари ана шундай гўзал тил билан ёзилган. У тўғма эпик ёзувчи, кенг кўламдаги мастер, юксак маънодаги реалист санъаткор эди».

Ойбек.

«Абдулла Қодирий (Жулқунбой) романлари пайдо бўлиши билан гоҳ текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай бўлди. Унинг асарларини Қурмонғози ёки Чайковский кўйларини тинглагандай, дам олиб мириқиб, гашт қилиб ўқийди киши».

М.Авезов.

Ўқитувчи адибларнинг сузларидан кейин А.Қодирийнинг ҳаёти ва ижодига доир хронологик жадвални ўқувчиларга намойиш этади.

Асосий саналар	Адибнинг ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар
1894.10 апрел 1913-1914 йиллар	Тошкент шаҳрида туғилди. «Туркистон» газетасида илк маълумот мақолаларини эълон қилди.
1914 йил	«Бахтсиз кувёв», «Жувонбоз» каби асарлари яратилди.
1918 йил	Тошкентдаги эски шаҳар озуқа комбинатининг котиби вазифасида ишлади.
1922 йил 1920-1923 йиллар	«Ўткан кунлар» романи ёзилди. «Муштум» журналининг ташкилотчиларидан
1925 йил	ва таҳрир ҳайъати аъзоларидан бири бўлди.
1928 йил	Москвада В.Брюсов номидаги Адабиёт институтида ўқийди.
1934 йил	«Меҳробдан чаён» романи ёзилди.
1937 йил	«Обид кетмон» қиссаси ёзилди.
1938 4 октябр	Ҳибсга олинди.
	Отиб ўлдирилди.

Шундан сўнг А.Қодирийнинг илк ҳажви нашр қилинади. Бадий суз устаси йирик санъаткор АҚодирийнинг ҳажв ва ижодий йўли машаққатли бўлди. Ёзувчи ижодининг бошланиши утган асрнинг бошларида, яъни жадидчилик ҳаракати даври билан боғлиқ. Адиб уша даврда илм-фан ва маърифат тарғиботчисига айланди. Элниг мустақиллигини орзу қилди ва шу йўлда озодлик учун курашди.

А.Қодирий 1894 йил 10 апрелда Тошкент шаҳрида богбон оиласида дунёга келди. Бўлажак адиб 9-10 ёшларида Зангиота маҳалласида Мулла Олим домладан сабоқ олади. Абдулланинг зеҳни ўткир булганлиги учун бир неча йилга мўлжалланган дарсни бир йилда ўрганиб олади. Сўнг Мирлар маҳалласидаги Юсуфхон домладан таълим олади. Унинг охириги таҳсил олган жойи 7-сон рус-тузем мактаби ҳисобланади. Уни 1912 йилнинг баҳориде битиради.

Абдулла Қодирийнинг илк ижодий фаолияти 1913-14 йиллардан бошланган. 1914 йил 1 апрелда унинг илк мақоласи «Садой Туркистон» газетасида «Янги масжид ва мактаб» сарлавҳаси билан босилиб чиқади.

А.Қодирий биринчи жаҳон уруши даврида (1914-1915) Тошентлик бир савдогар қўлида приказчик бўлиб ишлади. Хужайинининг иши тўхтаб қолгач, у ҳам ишдан кетди. Мана шу йилларда у ўзбек адабиётининг тараққиёти учун астойдил курашди ва жади́дчилик ҳаракатига қўшилди. У Тошкентдаги Эски шаҳар озуқа комитетининг котиби, «Озиқ-овқат ишлари» рўзномасининг муҳаррири (1919), «Муштум» журналининг ташкилотчиларидан ва аъзоларидан бири бўлди. Москвада В. Брюсов номли адабиётшунослик институтида ўқиди.

Дарс давомида ўқувчининг узлаштириш даражасини аниқлаш учун қуйидаги тарзда савол-жавоб утказилса мақсадга мувофиқдир.

Савол: А.Қодирий қайси асарлари билан ўзбек адабиётида тарихий романчилик жанрига асос солди?

Жавоб: А.Қодирий ўзининг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» асарлари билан ўзбек адабиётида тарихий романчилик жанрига асос солди.

Савол: А.Қодирий асарларини ҳар хил тахаллуслар билан яратган. Сизлар адибнинг тахаллусларидан қайсиларини биласиз?

Жавоб: А.Қодирий жуда кўп асарларини тахаллус билан эълон қилган. Жумладан, Жулқунбой, Думбилнисо, Думбул, Мирзо Соврин, Шилгай, Бойқут ва ҳоказо.

Дарс охирида утилган мавзу қисқача хулосаланади ҳамда уйга вазифа берилади.

Доц. Абдуросиқ Рафиев, ЎЗМУ

20-йиллар ўзбек тили луғат таркибидаги ўзгаришлар

Тил нормаси катта ижтимоий аҳамиятга эгаллиги туфайли тилнинг кейинги тараққиётида юз берадиган ўзгаришлардан, бузилишлардан сақлайди, авлодлар ўртасидаги алоқани, миллий-маданий анъаналарнинг изчиллигини таъминлайди. Шунинг учун тил нормасининг

тўғри шакланганлиги, барқарорлиги тилнинг тўғрилиги ва софлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Адабий норма тил тараққиётининг қонунчилигига мувофиқ тарзда такомиллашиб боради. Тил нормасини белгилаш тилнинг мавжуд қонун-қоидаларига, ундаги фаол лексик, грамматик ҳолатларга таянади. Бунда шубҳасиз, миллий тилнинг таянч устунлари-шеваларнинг реал имконияти, бойлиги ҳисобга олинади. Тил сиёсатида кескин кураш авж олган 20-йилларда адабий тил ва шеваларнинг ўзаро муносабати айна фаоллашган давр бўлганлигидан адабий норма масаласини ва уни белгилаш мезонларини ўрганиш тил ва шева муносабатидаги оппозиция (зидлама)ни аниқ тавсифлаш жиҳатидан ҳам гоят муҳимдир. Тилнинг тарихий тараққиёти жараёнини ҳаққоний ёритиш, ҳозирги ўзбек тили номасининг асосий мезонларининг асосий мезонларини аниқлаш бу муаммоларни миллий тилшуносликнинг долзарб мавзусига айлантирди.

Йигирманчи йилларда ўзбек тилининг барча соҳалари, айниқса, лексик таркиби сезиларли ўзгаришларга учрайди. Бу ўзгаришлар ва лексикадаги барқарор ҳолатлар бирданига амалга ошмади. Эски ўзбек тилидаги мавжуд сўзлар қаторига шева сўзлари, янги ижтимоий тузумга хос янгиликларни ифодаловчи сўзлар кириб кела бошлади. Натижада лугат таркибида бой лексик вариантлик юзага келди. Бу вариантларнинг қайси бири адабий тил учун зарур, нормал ҳолга айланганлигини ўша даврда адабий норма учун қандай мезон амал қилганлигини аниқлаш орқали изоҳлаш мумкин.

Ўзбек тили лугат таркибининг қатъийлашувига хизмат қилган омиллар тўғрисида гапирилар экан, айрим олимларимизнинг сиёсий мафкура таъсирида рус тилининг ролига ортиқча баҳо берганликларини, миллий тилнинг софлигини сақлашга ҳаракат қилган жадидларни ёқлашдан ҳайиққанликларини таъкидлаш лозим бўлади. 1929 йилдаги тил-имло қурултойи қарорларида бу ҳақда шундай дейилади:

«...ўзбек тилининг чет сўзларидан (шу жумладан, байналминал алоқаларининг ўсиши жараёнида қабул қилинган ва ўзлаштирилган сўзлардан) тозалаш ҳамда ўлик сўзлар ва шакллари қабул қилиш йўли билан соф чигатой тили тузиш гоёсини илгари сурган оқимлар ҳам

бўлди. («Чигатой гурунги») Бу гоё адабий тилнинг оммадан узоқлашишига олиб борар эди.¹¹ Хуш, уша даврда махсус қарорлар билан тилимизнинг лугавий қатламига киритилган русча-байналминал сўзлар оммага яқин эдимиз?-деган ҳақли савол тугилади. Халқнинг миллий меънавиятига турмуш тарзи, диний эътиқоди, расм-русумлар орқали чуқур сингиб кетган форсча-арабча ва соф туркий сўзлар оммага русча сўزلардан кўра тушунарлироқ бўлганлигини инкор этиб бўлмайди. Зеро, ҳар бир тилнинг лугат таркибига мураккаб тарихий – маданий жараённинг маҳсули деб қаралар экан, миллий тил лексикасининг тараққиётида, шунингдек, меъёрлашувида ижтимоий омил асосий эканлигини тан олишга тўғри келади.¹²

Таъкидлаш лозимки, 20-йилларнинг бошларида ўзбек матбуоти тилида, бадиий адабиёт асарларида соф туркий сўзлар салмоғи ортиб бориши шўро сиёсатчиларига маъқул эмас эди. Тилдаги ва адабиётдаги бундай миллий ҳатти-ҳаракатлари пантуркизм, миллатчилик ҳаракатлари сифатида қораланган, туркий тил ва бу тиллардаги адабиётларнинг бир-биридан табиий равишда озиқланишига сиёсий тўсиқлар қўйилган эди.

Пантуркизмнинг ашаддий қораловчиларидан бири Бузрукхужа Солиҳов буни «ўзбек тилини усмонли тилга тўғри олиб бориш методи» деб таърифлаб шундай ёзади: «...тилда усмонлашиш, ўзбек тилининг камбағаллиги натижасида фанни бойитмоқ мақсадидан илгари келмайдилар, балки тил раҳбарлари буни миллатчилик учун энг амалий бир йўл ва амалий чора қилиб илгари сурдилар: бу йўл билан ўқтябрдан сўнгра суръат билан ўсиб турган ўзбек тилига байналминалйўвропача сўзлар киришининг олдини ҳам олмақчи бўлдилар. 2-қисмда кўриб ўтганимиз-«Туркистон муаллимларига» номли мақоланинг эгаси бу тўғрида очиқ факт қолдирганки, уни кўриб ўтдик: у, «туркча ерига ажнабий тилини сўзлаганча шаҳид булганимиз яхши»мазмунда очиқ ва энг қора миллатчилик руҳини кўрсатган эди».¹³

20-йиллардаги ўзбек адабий тили вақтли матбуот тилида ўз ифодасини топгани учун адабий тилнинг ёзма

¹¹ «Янги Фарғона» газетаси. 1929 йил 27 июнь

¹² Будагов Р.А. Что такое развитие и совершенствование языка?. «Наука»М., 1977.

¹³ Бузрук Солиҳов «Ўзбек адабиётида миллатчилик куринишлари». 1932 йил, октябрь, 47-48-бетлар

шаклидаги барча чалкашликлар, турли лексик вариантларнинг пайдо бўлиши назаримизда қўйидаги омиллар туфайли юзага чиққан эди:

Биринчидан, матбуотда ўзбекча ёзадиган малакали мутахассислар, журналистлар жуда саноқли бўлиб, уларнинг лисоний салоҳияти ҳар хил бўлганлиги оқибатида бузилган ҳолатларнинг учраши табиий эди. Масалан: мажлис-майлис, томон-ёғи, жкин билгич, йулчи машина каби.

Иккинчидан, газета муҳаррирлари, ҳодимларнинг аксарияти рус бўлганлигидан сўзлар куп ҳолатларда тўғридан-тўғри таржима қилиб берилган ва бу сўзларда шубҳасиз таржимоннинг нуқтаи назари, дунёқараши акс этиши табиий эди. Бу жараён ҳам адабий тилнинг меъёрлашувининг бузилишига сабаб бўлди, натижада гайритабиий сўзлар купайиб адабий қатламдаги сўзлар билан оппозиция ҳосил қилди. Масалан: кислород-аччил, элекр-симчироқ, хотин-урғочи, компания-маърака, скорая помошь-тўхтовсиз ёрдам.

Учинчидан, газеталарнинг сиёсий мақсадлардан келиб чиқиб нашр этилиши ўзбек тилининг лугат таркибидан русча-байналминал лексиканинг салмоғи ошишига замин яратдики, бу ҳолат ҳам таянч шева сўзларини, тилимизнинг ички имкониятларга кўра сўз ясалишини чеклашга олиб келди. Давр бадиий адабиётнинг тили эса матбуот тили хусусиятлардан миллийлиги билан сезиларли даражада фарқланиб қолди. Бадиий жанрлар ҳамда нутқ услублари ўртасида бундай лексик номувофиқлик ўз навбатида ўзбек тилининг ёзма шаклида меъёрланиш жараёнига таъсир этади.

Доц. Толиб Эрназаров ЎЗМУ

Илмий ишларда терминларни қўллаш муоммоси (Топонимик т адқиқотлар мисолида)

Тилшунослик, геология, тарих, этнография, археология каби фанларнинг туташган ерида шакланган топонимика фанининг узига хос ва мос илмий мазмунга эга бўлган бир қанча терминлари мавжуд. Бироқ уларнинг топонимлар тадқиқидаги услубий хусусиятлари тўғрисида ҳалигача

бирон бир иш қи-линмаган. Ушбу терминларни илмий тадқиқотларда қўллашнинг икки жиҳати бор:

1. Соф илмий услубда топонимикага оид терминларни қўллаш муаммоси. Бунда илмий ахборотнинг холислиги ва умумлашганлиги, қатъий мантиқийлик ва изчиллик, аниқлик ва батафсиллик. Баённинг объективлиги, ғазминлиги ва шахссизлиги, муаллиф шахсининг ифодаланмаслиги, бир хил оҳангдаги нутқ ва экспрессивликнинг хос эмаслиги жиддий эътиборда бўлиши лозим. Бунда илмий тадқиқот ва илмий мақолалар ёзилади.

2. Илмий услубнинг бир кўриниши бўлган илмий-оммабоп услубда топонимикага оид терминларнинг қўлланиши муаммоси. Бунда эса халққа тушу-нарли бўладиган топонимикага оид оммабоп мақолалар ёзиш мумкин бўлади. Бироқ бу дегани далилсиз бирон бир топонимни изоҳлаш ёки этимологик таҳлил қилинг дегани эмас.

Бугунги кунда топонимикага оид илмий ишларнинг, шунингдек, ундаги терминларнинг услубий хусусиятларини ўрганиш ҳам лозим бўлиб қолди. Сабаби, услубий жиҳатдан тайёрланган ҳар бир тадқиқот кейинги илмий ишларнинг юзага келишида асос бўлиб хизмат қилади. Илмий услуб бир матнни ҳеч бир ортиқча сўзларсиз, ортиқча маъноларсиз тўғри ва аниқ ифодалаш демақдир. Бу фанга оид терминларни бошқа услубларда ифодалаш, қўллаш гайритабиий қўллашдир. Тўғри, бир терминнинг бошқа услубларда қўлланаётганини учратиш мумкин. Бундай ҳоллар онда-сонда учрайдиган илмий услубга таъсирнинг бир шаклидир. Қуйида топонимикага оид терминларнинг илмий матнда ишлатилиши ҳақида тўхталамиз:

1. Термин ва атама сўзларининг қўллаш масаласи. Ушбу икки терминни ҳам топонимлар тадқиқига оид илмий услубдаги матнларда фарқлаб қўллаш заририяти сезилмоқда. Термин сўзини жой номларига оид тадқиқотларда бир маъноли сўз – терминларга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир. Уларга *топоним, топоасос, топоформант, топонимик аниқлагичлар, топонимик қонуниятлар, топонимларнинг изоҳли тадқиқи ва тавсифи, топонимларнинг этимологик тадқиқи ва тавсифи, топошароит, топонимларни этимологик тадқиқ қилишнинг тамойиллари, омиллари, усуллари, топонимларнинг мотивлашуви, топонимларнинг кўчиш қонунлари,*

топонимлардаги қатор қонуни, этимон, топонимларнинг этимони, топонимик ясаиш, лингвистик омиллар, экстралингвистик омиллар кабиларни кўрсатишимиз мумкин. Ушбу терминларни илмий ишларда доим бир сўз билан бериш ҳам устулни бузади. Шунинг учун бир уринда бир терминни қўллаш мумкин бўлган ҳолда, бошқа бир уринда *бу, шу, ушбу, мазкур* каби олмошларнинг ҳам қўлланишини тақозо этади. Сабаби, такрорийликнинг олдини олиш тайёрланган ишнинг яна ҳам уқимишли бўлишини кўрсатади. Аммо бир терминга мос келадиган синоним ҳолдаги бошқа терминларни икки хил фикр юритишга асос бўлиб, мақола(тадқиқот)нинг асосий мақсадини очишга хизмат қилмайди. Аксинча, талабаларнинг бу соҳага қизиқишларини сундиради. Шунинг учун соф илмий услубда терминлар билан иш олиб бориш зарурдир. Бунга яна бир сабаб шуки, кейинги йилларда тайёрланаётган тадқиқотларда терминларни қўллаш жараёнида такрорийлик, ортиқчалик ҳолатлари кўзга тушган гард каби илмий ишнинг мазмунига соя солиб туради. Шунингдек, ҳамма биладиган ёки кам тушунадиган атамаларни илмий ишларда такрор қўлаб, терминвозлик қилиш ҳам ноўриндир. Яхши ва уринли қўлланган терминларнинг тадқиқотларда ишлатилиши тайёрланаётган янги терминларнинг ва илмий ишнинг савиясини кўтаради. Бу эса топонимлар тадқиқига оид илмий ишларнинг ортиқча термин қўллашдан ҳоли қилади.

Шунингдек, баъзи бир олимлар ўзлари XX асрнинг 70-йилларидан то 1998 йилгача илмий ишларида ва китобларида «*топонимларнинг этимологияси баён қилинмоқда*» деб ёзишгани ҳолда бугунги кунда топонимларнинг этимологик таҳлили ва тадқиқи терминларининг қўлланишига қаршилиқ қилишмоқда. Бунинг ўрнига «*топонимларнинг семантикаси*» деган терминни ишлатинг дейишмоқда. Бизнингча, бундай қўллаш нотўғри, бугунги куннинг талабларидан келиб чиққан ҳолда топонимларнинг этимологик таҳлил ҳамда тадқиқи атамаларини қўллаш ўринли.

Топонимлар тадқиқига оид илмий ишларда терминларнинг услубий хусусиятларини ёритишда қуйидаги масалаларни ҳам ҳал этишга эътибор бериш ўринлидир:

1. Тадқиқотларда топонимикадаги терминларнинг русчасини қўллаш керакми, ёки ўзбекчасини?

2.Топонимикадаги терминларнинг мавзуга мувофиқлиги ва номувофиқлигини кузатиш.

3.Топонимикадаги терминларни бир-биридан фарқлаб ишлатиш.

4.Термин ва атама сўзларини ҳам фарқлаб ишлатиш.

5.Амалга оширилган топонимик тадқиқотлар(диссертациялар, монографиялар, мақолалар)нинг услубий жиҳатларини тадқиқ этиш.

6.Топонимикага оид бажарилган илмий ишларнинг хусусиятларини ўрганиш асосида махсус курс учун илмий ҳақида илмий-оммабоп мазмундаги ўқув қўлланмаларининг мукамал вариантини тайёрлаш.

7 Тадқиқотларда, жумладан, топонимикага оид тадқиқотларда ҳам қўлланилган терминларнинг рўйхатини илмий ишларнинг охирида қайд этиш тартибини жорий этиш керак.

Шу ўринда атама сўзига муносабат билдириш вақти келди. Атама атаб қўйилган деган маънони билдиради. Шу сабабли уни номга нисбатан, аниқроғи, атоқли отларнинг бир тури булган топонимларга нисбатан қўлланиши ўринлидир. Чунки топонимлар топообъектларнинг атаб қўйилган атамаларидир. Шу ўринда Атамашунослик қўмитасининг номини ўйлаб кўриш керак. Сабаби, бу қўмитанинг вазифаси атаб қўйилган топообъектларнинг атамаларини – номларини ўрганиш эмас, балки илмий терминологияда яратилган ва яратилаётган терминларни ўрганиш, уларни илмий асосларда тадбиқ қилиш. Хулоса қиладиган бўлсак, термин атамаси фан учун зарур бўлиб, фанда илмий термин сифатида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Атама сўзини эса топообъектнинг номи бўлган топонимларга нисбатан умумий атама сифатида қўллаш жоиздир.

2. *Топоним, жой номи, ном, микротопоним, макротопоним* каби терминларнинг қўллаш масаласи. Бу терминлар соф илмий услубда қўлланилган терминлардан бири саналади. Бироқ уларнинг қўллаш тартиби энди шаклланимоқда:

а) топоним ва жой номи терминлари ишлатилганда бошқа терминларнинг қўлланиши матнда ортиқча бўлиб қолади;

б) ном термини ишлатилганда, ундан сўнг жой номи , топоним терминларини қўллаш жоиздир. Сабаби ном

умумий маънони ифодалайди, топоним дейилганда эса хусусий маъно ифодаланеди;

в) микротопоним термини қўлланганда унга нисбатан такрорийликдан қочган ҳолда уни қисқача изоҳлаб, топоним, жой номи каби терминларни қўллаш ўринли бўлади. Аммо микротопоним терминини қўллаш мумкин эмас;

г) макротопоним терминини ишлатганда уни қисқа изоҳлаб, топоним ва жой номлари терминларидан бирини ишлатиш зарур;

д) топонимларнинг этимологик тадқиқи терминини тадқиқ термини маъносида қўлланмаганлигини ишда таъкидлаш шарт;

е) топохусусият, топовазият, топошароит ва топоасос атамалари бошқа-бошқа маъноли атамалар ҳисобланади, шунинг учун уларни бир-бирига аралаштириб бўлмайди;

ё) индикатор терминининг ўрнига топонимик аниқлагич атамасини қўллаш мақсадга мувофиқдир, чунки топонимик терминларни ўзбекчалаштириб бориш фойдадан ҳоли иш эмас; топонимларнинг тарихий-қиёсий тадқиқи термини топонимларнинг этимологияси терминига тенг келмайдиган бошқа терминлар сирасига киради;

ж) топонимларнинг этимологик таҳлил термини билан топонимларнинг этимологик тадқиқ термини бир-бирининг ўрнига қўллана оладиган терминлар эмас;

з) апеллятив лексика билан ономастик лексика терминларини фарқлаш керак; и) гидроним билан гидронимия, ойконим билан ойконимия, этноним билан этнонимия, топоним билан топонимия, фитоним билан фитотопонимия каби терминларни матнда фарқлаб ишлатиш мақсадга мувофиқдир;

й) формант билан топоформант, этноформант билан топоформантни, топонимик харита билан географик харита терминларини фарқлаб қўллаш лозим;

к) топонимиядаги кўчиш қонунлари билан кўчишни фарқлай олиш лозим; топонимларни этимологик таҳлил қилишнинг асосларига оид усуллар, тамойиллар, омиллар ва топонимларнинг мотивланиши кириши билан тилшунослик, география каби фанлардаги усуллар, тамойиллар, омиллар ва мотивланиш жараёнларини фарқлаб ишлатиш шарт;

л) географик объект ва топонимик объект терминларини фарқлаш керак.

Бугунги кунда яратилаётган топонимларнинг тавсифий, таснифий, изоҳли ҳамда этимологик таҳлилига оид тадқиқотларда терминлар қўлланишининг услубий жиҳатлари, илмий мазмундаги маълумотларнинг баён этилишининг услубий хусусиятлари билан одинги тадқиқот ишларидан фарқланиб туриши ҳам бугунги фан олдига ҳал қилиниши лозим деб қўйиладиган ҳам услубий, ҳам назарий муаммолар жумласига киради.

Доц. Зилола Худойберганова, ТошДШИ Ўзбек ва турк тилларида кесим талқини

Ўзбек тилининг анъанавий тилшунослигига кўра, гапнинг иккинчи бош бўлаги кесим бўлиб, у эга билан ифодаланган шахс, предмет, ҳодиса ва ҳаракатнинг – нутқ предметининг белгисини, одатда, тасдиқ ёки инкор йули билан англатадиган булақдир. Кесим гапнинг уюштирувчи марказларидан бири бўлиб, унда гапнинг асосий белгилари – модаллик, замон ва шахсни кўрсатувчи энг муҳим булақдир. Ўзбек системавий тилшунослигига кўра, кесим гапнинг бевосита ташкил этувчиси, уюштирувчиси, ҳисобланади¹⁴. Ўзбек тилшунослигида кесимнинг табиатини тадқиқ этишга бағишланган қатор тадқиқотлар мавжуд. Масалан, Ж.Игамбердиев ва Ж.Омонтурдиевнинг тадқиқотида кесимнинг ифодаланиш усуллари, кенг маънодаги от ва феъл билан ифодаланган кесимнинг специфик хусусиятлари тадқиқ этилган бўлса¹⁵, Т.Акрамовнинг илмий иши от-кесимнинг семантик функциялари таҳлилига бағишланган¹⁶.

Турк тилида кесим гапнинг энг асосий бўлаги ҳисобланади¹⁷. Турк тилшунослигида кесимни фақат ифода

¹⁴ Қурбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили(сода гап синтаксиси учун материаллар). - Т.: ЎЗМУ нашриёти, 2002. -Б.82.

¹⁵ Амантурдиев Дж. Структурные типы сказуемого простого предложения в современном узбекском языке: Автореф.дис....канд.филол.наук. -Т. 1965; Игамбердиев Б. Выражение сказуемого в простых предложениях в современном узбекском литературном языке: Автореф.дис....канд.филол.наук. -Сам. 1965.

¹⁶ Акрамов Т. Именное сказуемое в современном узбекском литературном языке: Автореф.дис....канд.филол.наук. -Т. 1967. -28 б.

¹⁷ Ergin M. Türk Dili Bilgisi. -İstanbul: Bayrak, 1993. -S. 376; Banguoğlu T. Türkçenin grameri. Ankara: TDK, 1990. -S. 520; Karahan L. Türkçede Söz Dizimi.

материалига кўра таснифлаш масаласига бирмунча эътибор қилинганини кўриш мумкин. Масалан, М.Эргин, Л.Карахан каби тилшуносларда кесим тузилишига кўра қам, ифода материалига биноан қам таснифланмаганлигини кўришимиз мумкин. Фақат Т.Бангуўғлу ва Э.Йаманнинг тадқиқотларидагина от кесим билан феъл кесим фарқланади¹⁸. Аммо бу вазиятда фақат атама номи қайд этилади ва умумий хусусиятлари қайд этилади, холос. Ғ.Диздарўғлу кесимнинг тузилишига кўра қуйидаги турларини ажратади: икки сўзли кесим (iki sızsьkь uьkleм), такрорий кесим (uinenlenmi uьkleм). Икки сўзли кесим жуфт ёки такрорий феъл ёхуд var/ бор, уок/ йўқ сўзларининг жуфтлашишидан юзага келадиган сўз шакли билан ифодаланади. Такрорий кесим англашилган маъносини таъкидлаб, ажратиб кўрсатиш учун ишлатилади. Бунда уюшиқ бўлакли гаплардаги умумий кесимни такроран ишлатилишидан қосил бўладиган кесим назарда тутилади. Ғ.Диздарўғлу кесимнинг ифода материалларини мукамал тадқиқ этади. У қарфлар, бўгин, кўмакчи, қўшимча, сўз туркумларидан – от, сифат, олмош, равиш, ундов, тақлид сўзлар, феъл, феълнинг вазифадош шакллари, сўз гуруҳлари, ибораларни кўрсатади¹⁹. Бошқа турк тилшуносларида кузатиладиган тенденция Ғ.Диздарўғлунинг ишида қам яққол кўзга ташладанди. Тилшунос баён қилинган фикрларни қайд қилиш билан чегараланади, илгари сурилган мулоқазаларни далиллаш учун мисоллар келтиради, аммо уларни тақлил қилмайди, специфик хусусиятларини белгиламайди. Натижада айрим етарлича асосланмаган фикрларни келтиради. От бирикма, сифат бирикма, мақоллар, қаттоқи гаплар кесим вазифасида келишини эътироф этади. голбуки, кесим вазифасини бажарганликда даъво қилинган мақоллар, гаплар аслида ажралмас синтактик бутунлик ёхуд полупредикатив қўшилмадир ёки умуман бошқа синтактик қодисадир. Масалан: *1. Sızlerin aзыhrken kalbim ay ziyasyle dolan gцl gibidir. Кўзинг очилаётганида қалбим ой нари билан тўлган ойдек чарогон. 2. Ededbiyatimiz şian: «Зок laf, az eser»dir. Адабиётимизнинг шиори: «Кўп гап, оз*

Ankara: Akcağ, 1991. -S.42; Yaman E. Türkiye Türkçesi ve Özbek Türkçesinin Söz dizimi bakımından karşılaştırılması. Ankara: TDK, 2001. -S.214.

¹⁸ Yaman E. Türkiye Türkçesi ve Özbek Türkçesinin Söz dizimi bakımından karşılaştırılması. -S.214-217, 525.

¹⁹ Dizdaroglu H. Tümcebilgisi. Ankara: TDK, 1976. -S.23-36.

асар» дир. 3. Her zaman sıylendiği gibi, acele işe şeytan kaşır, гар доим таъкидланганидек, тез ишга шайтон аралашади. 4. Bunun başlıca estpisi de «Hadi canım sen de» idi. Унинг асосий қазили «қани, жоним, сен қам» эди. Бу мисолларнинг иккинчиси ва тўртинчиси кесими полупредикатив бирлик билан ифодаланган. Биринчи мисол пайт эргаш гапли қўшма гап, учинчиси киритмали содда гап.

В.Хатибуглу кесимнинг қайси сўз туркумлари билан ифодаланишига алоқида эътибор қаратади, аммо уни ҳеч бир жиқатдан таснифламайди. Шу билан бирга, тишунос кесимнинг иккиланиши, кесимнинг кучайтирилиши, умумий кесим каби ҳодисаларга тўхталиб, уларни синтактик ҳодиса сифатида урганади²⁰. Бироқ такроран қўлланган кесим, таркибида юкламаси иштирок этган кесим кесимнинг алоқида турлари эмас, стилистик ҳодисалар ҳисобланиши лозим. Демак, турк тилидаги кесим ва унинг специфик хусусиятларига оид фикр-мулоҳазаларни жамлаш ҳамда таҳлил этиш асносида маълум бўладикки, бу гап бўлагининг изчил тадқиқи амалга оширилмаган.

Ўзбек ва турк тиллари синтаксисини қиёсий аспектда тадқиқ этишга бағишланган айрим ишларнинг мавжудлигига қарамай, ушбу тиллардаги кесимнинг тақдили, талқини даражаси таққослаб ўрганилмаган, қарашлар ўртасидаги муштараклик ва тафовутнинг келиб чиқиш сабаблари ёритилмаган. Солиштирилаётган тиллардаги гапнинг бош бўлакларидан бири - кесимга тааллуқли маълумотларнинг таҳлили қуйидаги ҳолатни намоён қилади: ўзбек тилининг анъанавий тишунослигига кўра, гапнинг иккинчи бош бўлаги кесим бўлиб, у эга билан ифодаланган шахс, предмет, ҳодиса ва ҳаракатнинг - нутқ предметининг белгисини, одатда, тасдиқ ёки инкор йўли билан аңлатадиган булақдир. Кейинги пайтларда ўзбек системавий тишунослиги буйича амалга оширилаётган тадқиқотлар натижасига кўра эса кесим гапнинг бирламчи булагидир. Турк тилида кесим гапнинг энг асосий бўлаги ҳисобланади.

Турк тилида айрим морфологик ҳамда синтактик, стилистик категорияларни қориштириб юбориш

²⁰ Hatiboglu V. Türkçenin Söz Dizimi. - Ankara: Ankara Üniversitesi basımevi, 1982. -S.101-110.

натижасида айрим синтактик ҳодисалар табиати нотўғри талқин қилинади. Масалан, турк тилшунослигида кесимни фақат ифода материалига кўра таснифлаш масаласига бирмунча эътибор қилинганини кўриш мумкин. Кесимни тузилишига кўра икки сўзли кесим, такрорий кесим каби турлари ажратилган бўлса-да, бу таснифлар талабга тўла жавоб бермайди. Демак, турк тилидаги кесим ва унинг специфик хусусиятларига оид фикр-мулоқазаларни жамлаш қамда тақдир этиш асносида маълум бўладики, бу гап бўлагининг изчил тадқиқи амалга оширилмаган.

Ўзбек тилшунослиги рус тилшунослиги таъсирида шаклланган, турк тилшунослиги эса француз тилшунослиги қонун-қоидалари асосида ривожланган. Натижада турк тилшунослигида морфологик категориялар, синтактик бирликларни таърифлаш, таснифлаш, жумладан, кесимнинг хоссаларини ўрганишда ўзбек тилшунослигидан анчагина фарқланувчи ёндашувлар юзага келган.

Ўзбек анъанавий тилшунослиги масалаларига оид мукамал тадқиқотлар яратилган бўлиб, унинг асосида ХХ асрнинг 60-йилларидан бошлаб, ўзбек тилининг қурилишини формал-функционал йўналишда тадқиқ этиш усули татбиқ этилган. Турк тилида эса анъанавий тилшунослик масалаларининг ҳам атрофлича, тўла, асосли тадқиқ этилмаганлиги кўринади.

Ўзбек ва турк тилларида кесимлар тузилишига кўра уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: содда кесим, таркибли кесим, мураккаб кесим. Содда кесимни ифода материалига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин: содда от кесим, содда феъл кесим.

Солиштирилаётган тиллардаги содда от кесим уртасидаги асосий фарқ морфологик планда намоён бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги мақсад майлининг -моқчи кўрсаткичини олган феъллар содда феъл-кесим бўлиб келади. Турк тилида иш-ҳаракатнинг бажариш мақсадини ифодалаш учун келаси замон феълнинг кўрсаткичи (-(y)есек²)га ёки «-тек аффиксли қаракат номи + ызеге /устида (учун) кўмақчиси» шакли феълга мурожаат қилинади. Аммо бунда иккинчи қайд этилган кўринишдаги кесим составли кесим ҳисобланади. Ўзбек ва турк тилларидаги от кесимлар бош келишиқдан ташқари урин-пайт ҳамда чиқиш келишиги шаклида бўлиши мумкин. Шунингдек, ўзбек тилида кесим вазифасида келган сўзлар

-ники аффиксини олиши мумкин. Турк тилида бу аффикснинг фонетик муқобили бўлса-да, бу формадаги сўзнинг кесим вазифасида қўлланган ҳоллари кузатилмади. Айни вазиятда эгалик категорияси курсаткичларига мурожаат қилинади.

Ўзбек ва турк тилларида етакчи феъл ҳамда кўмакчи феълдан ташкил топган феълнинг аналитик шакли гапда таркибли кесим вазифасини бажаради. Составли феъл кесимлар аналитик усул билан ясалган қўшма феъллар билан ифодаланади. Ўзбек тилида қўшма феъллар таркибига кўра икки хил бўлади: кенг маънодаги «от+феъл» ва «феъл+феъл» типидagi қўшма феъллар. Бу қўшма феълларнинг биринчи типи қилмоқ, айламоқ, этмоқ, бўлмоқ ёрдамчи феъллари воситасида ҳосил қилинади.

Ўзбек ва турк тилларидаги икки компонентли таркибли кесимларнинг асосий кўриниши «от, от характеридаги сўз + ёрдамчи феъл», «от, от характеридаги сўз + тўлиқсиз феъл» ва «етакчи феъл+тўлиқсиз феъл», «етакчи феъл+кўмакчи феъл» қолипига эгадир. Турк тилида бу қолипларнинг асосан биринчи уч кўриниши кенг тарқалганлигини, «етакчи феъл+кўмакчи феъл» кўриниши нисбатан айрим ҳолларни ҳисобга олмаганда, нофаолдир. Бу ўзбек тилидаги кўмакчи феълларнинг миқдори турк тилидаги кўмакчи феълларга нисбатан кўплиги, ҳамда фаол қўлланилиши билан белгиланади.

Солиштирилаётган тилларда мураккаб кесим фразеологик бирикмалар, қўшилмалар, ажралмас синтактик бирликка айланган изофали бирикмалар билан ифодаланиши мумкин.

Доқ.Насрулла Шукруллаев, БухДУ

Русча-байналмилал сўзлар имлосидаги баъзи
ҳолатлар.

Ўзбекистон Республикаси Қонунида таъкидланганидек, «Республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади»ган алифбога-лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш интиҳо босқичига тобора жадал бормоқда. 1996-1997 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг

биринчи синфларида ўқиш янги алифбода олиб борилган бўлса, эндиликда ўқувчилар IX синфни шу алифбо ва имлода яқунладилар.

Янги алифбода ўқитиш жараёнида саводхонлик ҳам муҳим жиҳат эканлигини назарда тутиб, русча-байналмилал сўзлар имлосидаги баъзи қийин ҳолатларга тўхталамиз.

1. Рус тилидаги «йолашган» унлилар деб аталадиган ҳарфлар иштирок этадиган сўзлар имлосида қатъий бир тамойил ё шаклий ёзувга, ё фонетик ёзувга амал қилинган деб бўлмайди. Шу сабабли валюта сўзи valuta шаклида (O'zbek tilining imlo lug'ati. T., "O'qituvchi", 1995, 238-bet; O'zbek tilining imlo lug'ati, T., "Iqtisodiyot va huquq dunyosi", 1998, 154-bet) берилишига қарамай, Й.Абдуллаевнинг «Sovg'a» (T., "O'qituvchi", 1996) китобида у valuta (49-bet) деб ёзилади; бюджет (budjet), бюст (byust) сўзлари ҳам бир манба (француз тили)дан ўзлашган бўлишига қарамай икки хил ёзиб келинмоқда.

2. ц ҳарfli сўзларнинг ёзилиши ҳам "O'zbek tilining imlo lug'ati" (1995)да ҳар хил: adabiy-publisistik (29-bet), publisistik (172-bet). Шу лугатда сўз охиридаги товуши билан берилган (29-bet), бошқа лугатда эса ц ts билан ёзилган (ozbek tilining imlo lug'ati, 1998, 103-bet). Имлодаги бундай ҳар хиллик кишини анча уйлантириб қўяди. ц ҳарfli сўзларни кўчириш қоидалари ҳам қатъий эмас: Й.Абдуллаев "O'zbekiston ovozi"да (30.01.1997) milit-siya, lit-sey каби кўчиришни тавсия этсалар, Ш.Йулдошева билан ҳамкорликда ёзган "Yangi alifbo va imlo" (Toshkent-2000) китобида li-tsey, mili-tsiya, asso-tsiya-tsiya (42-bet) шаклида кўчиришни маъқул кўрадилар.

3.дж ҳарfli сўзлар имлосида ҳам бир хиллик йўқ: келиб чиқиши бир манба (инглиз тили) бўлишига қарамай, "O'zbek tilining imlo lug'ati" (1995)да kollej (118-bet), kottedj (120-bet) тарзида ёзилганлигини тушуниш қийин.

4. щ билан ёзиладиган сўзларда шу ҳолат учрайди: romeshik ("O'zbek tilining imlo lug'ati", 1995, 170-bet), romeshchik ("O'zbek tilining imlo lug'ati", 1998, 104-bet).

Булардан ташқари, зикр этилган лугатларда koeffitisiient (I лугат, 118-bet)- koeffitisiient (II-лугат, 68-bet), kastum (I лугат, 113-bet), - kostum (II лугат, 70-bet) сингариларга ҳам дуч келинади. Тўғри, имло масаласининг ўзига хос мураккаб жиҳатлари мавжуд. Шунга қарамай, баъзи қоидалар моҳияти атрофлича ўйлаб кўрилса ва

ишончли асосга эга бўлмаган ҳар хилликлар бартараф этилса айти мударо буларди. Масалан, юқорида келтирилган коэффитисент сўзи имлоси Ғ.Абдурахмонов, Ҳ. Рустамовнинг 10-11-синфлар учун "Она тили" дарслигида (Т., "Ўқитувчи", 1995) "рус ва бошқа тиллардан кирган сўзларни ўша тилларда қандай ёзилса, шундай ёзамиз" (16-бет) деб изоҳланган. Изоҳга амал қилинадиган бўлсак (бу ҳарфлар деганда е, ё, ю, я кўзда тутилмоқда-Ш.Н.) сўзнинг бошида ёки уни товушдан кейин келганида икки товушни ифодалайди. Бундай сўзлардан ўзбек тилида ҳам қўлланадиганлари янги алифбода икки ҳарф билан берилади" ("Sovg'a", 49-бет) даги фикрга қўшиладиган бўлсак, коэффитисент тарзида ёзишга тўғри келади. Олимлар таъкидлаганларидек, тилдаги барча нутқ товушларини алифбода тўлиқ акс эттириш, шунингдек, имлонинг мукамал қоидаларини яратиш осон иш эмас. Буни эътироф этган ҳолда, русча-байналмилал сўзлар имлосининг баъзи қийин ҳолатларидан қутулиш йўлларини излаш саводхонлик йўлидаги хайрли ишлардандир, деб ўйлаймиз.

Доц. С.А. Хидирназаров
Самарқанд Давлат тиббиёт институти

Ўқиш рус тилида олиб бориладиган гуруҳ талабаларининг оғзаки нутқини ўстиришда янги педагогик технологиядан фойдаланиш.

Ўзбек тилига Давлат тили макоми берилгандан кейин ўзбек тилининг салоҳияти янада ошди. Айтиқса ўқиш ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бериладиган гуруҳлар талабалари учун ўзбек тилидан давлат аттестацияси ўтказилиши ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 12 февралдаги 46-буйруғидан сўнг талабаларнинг бу тилга нисбатан эътибори янада кучайди.

Ўқиш рус тилида олиб бориладиган гуруҳлар талабаларини ўзбек тилида ўқитишда бундан олдинги йилларда ҳам турли иш шаклларида фойдаланиб келинган эди.

Маълумки, тилга ихтисослашмаган олий ўқув юртрларида тил ўргатишда асосий эътибор оғзаки нуқт малакасини шакллантиришга қаратилади.

Бунда турли мавзуларда суҳбатлар утказиш, икки тили сузлашгичлардан фойдаланиш, талабаларнинг лугат бойлигини ошириш, аудиториядан ташқари уқиш, расмлар буйича ҳикоя матнини тузиш, матнларни таржима қилиш ёки мазмунини ўзбек тилида сўзлаб бериш, турли карточкалардан фойдаланиб талабаларнинг фаоллигини ошириш ўз вақтида узининг самарасини берган эди.

Компьютерлаштириш асрига қадам қўйилган ҳозирги даврда юқорида санаб утилган иш шаклларида ташқари янги педагогик воситалардан, масофали ўқитиш шаклларида фойдаланиш эҳтиёжи тугилди.

Компьютерлаштирилган махсус синфларда машгулот ўтказиш шу жиҳатдан энг самарали восита ҳисобланади.

Республикадаги тиббиёт институтлари янги ўқув режаси асосида фан буйича қабул қилинган ягона дастур асосида ишлайди.

Дастурда белгиланган мавзулар буйича ишлаб чиқилган услубий ишланмаларни компьютерга киритиб, уни фақат услубий ишланма ёзилган институт доирасида фойдаланиб қолмасдан, балки унга турдош булган институтлар талабалари ва ўқитувчилари ҳукмига ҳавола қилинса, ҳам талабалар ва ўқитувчилар шу соҳа буйича бир-бирларини бойитадилар, ҳам тажриба алмашинади.

Маълумки, республикадаги тарихий ёдгорликларнинг анчагина қисми Самарқанд ва Бухорода жойлашган. Самарқанд ва Бухорода тиббиёт институтлари ҳам мавжуд.

«Жонажон ўлкам» туркумида урганиладиган суҳбат мавзуларидан бирини Самарқанд ва Бухорода жойлашган тарихий обидалар суратини компьютер тасвирига кўчириб, шу буйича тест саволлари тузилса ва талабалар ҳукмига ҳавола қилинса, айна муддао буларди.

Самарқандаги Регистон мажмуаси турли йилларда қурилган. Шундан Улугбек мадрасаси 1417-1420 йилларда, Тиллакори мадрасаси 1637 йилда, Шердор мадрасаси 1616 йилда қурилган.

Шу маълумотлар буйича қуйидаги саволларни тузиш мумкин:

1. Улугбек мадрасаси нечанчи йилларда ва ким томонидан қурилган.?

Жавоблар:

А) 1405-1409 йилларда Шохрух томонидан.

Б) 1399-1403 йилларда Амир-Темур томонидан.

С) 1457-1469 йилларда Абу-Саид Мирзо томонидан

Д) 1417-1420 йилларда Улугбек томонидан

Е) 1465-йилда Аҳмад Ҳожибек томонидан

Тўғри жавоб: д) 1417-1420 йилларда Улугбек томонидан қурилган.

Асосий хронологик материаллар берилгандан сўнг шу мавзу бўйича матн тузиш вазифа қилиб қўйилади.

Машгулотнинг «Грамматик юкланма» қисмида эса тузилган матндан от сўз туркумига оид сўзларни топиш ва уларнинг гапдаги синтактик вазифасини аниқлаш навбатдаги вазифа қилиб топширилади. Дарс охирида талаба тўплаган бал фақат шу аудиторияда ўтирган талабаларгагина эълон қилиниб қолмасдан, балки турдош институтларда ўқийдиган талабалар ҳам ундан хабардор қилинади.

**Доц. Ўринбой Нуртаев,
Доц. Шерзод Абдурахмонов**

Нақш тилининг фалсафий асослари

Қадимда одамлар яшаётган масканларига, девору тошларга ов жараёнлари, жангу жадаллар, базмлар, тантанали маросимларни акс эттирганлар. Афросиёб, Варахша, Болаликтепа ва бошқа обидалар қолдиқлари шундан далолат беради. Кейинчалик айрим сабаблар билан тирик мавжудотни акс эттириш тақиқланган. Шунинг учун тасвирий санъатда ўсимликсимон, геометрик нақшли безаклар кенг ўрин эгаллаган.

Ранг-баранг ўсимликсимон, геометрик нақшлар, уларнинг ўзаро жойлашишида чуқур мазмун яширинган. Тасвирланган нақшларда рамзийлик устивордир. Ота-боболаримиз қадимий обидаларни нафис нақшлар билан безар эканлар, улар орқали эстетик завқ бахш этиш билан бир қаторда ўз орзу - умидлари, муҳаббатлари, тилаklarини куйлаганлар. Наққош ота-боболаримиз инсон

руҳиятини жуда чуқур ва ҳар тарафлама урганиб, уйлари ажойиб нақши нигорлар билан бойитганлар. Нақшланган уйда кишилар хотиржам, руҳий осойишталик оғушида бўлиши, узоқ умр кўришини донишманд боболаримиз асрлар давомида ҳаётий тажрибадан ўтказганлар.

Кекса усталаримиз айтишича, қадимда наққошлик санъати шунчалик ривожланган эканки, усталар чизган ёки бўяган нақшлари орқали бир-бирлари билан унсиз овозда гаплаша олар эканлар. Наққошлик санъати тилини билиш учун нақшнинг ҳар бир унсури ва рангининг рамзий алифбосини билмоқ керак бўлган.

Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Низомий Ганжавий, Носир Хусрав, Камолиддин Беҳзод, Маоний, Фирдавсий, Умар Ҳайём, Бобур каби жаҳонга машҳур олиму фузалоларимиз, наққошларимиз биноларни кишилар ҳаёлини ўзига тортувчи, табиатнинг гўзал манзараларига монанд нақшлар билан безашга чақирганлар. Кишиларни гўзаллик билан яқин дўст, биродар бўлишга ундаганлар.

Айниқса, жаҳонгир фатҳ этган ўлкалардан жалб этилган кўшлаб меъмор - муҳандислар, гишт терувчилар, уймакорлик, наққошлик, ганчкорлик санъати усталарининг ижодий меҳнати, тажрибаси Темур пойтахтини жуда мухташам, гўзал, савлатли бинолар билан безаган.

Самарқанд - тўлин ой,

Дарёси - само қасрларининг наҳри,

Далалари - юлдузли осмон, - деб таърифлаган эди жаҳонгир пойтахтини Маҳмуд ибн Вали.

Мадраса пештоқи мутаносиб (симметрик) қилиб рамзий нақшлар билан безатилган, қизғиш - зарҳал шер нозик оқ охуни қувиб кетаётгани тасвирланган. Одам қиёфаси, Қуёш эса зарҳал ёғду билан ҳошияланган. Улар атрофига ислимий нақшу нигорлар чизилган. Тасвирда эпчил, кучли, енгилмас шер орқали рамзий маънода Ялангтуш Баҳодирга ишора қилинган, унга муқояса қилиб кучсизлик, нимжонлик рамзи тариқасида оху тасвирланган. Қуёш эса ўша давр ва ҳаёт рамзи тариқасида олинган. Зангори рангли кошинлар коинот ва тинчликни, нозик ўсимликсимон гул - нақшлар боғу бўстон, табиатни акс эттирган.

Биноларни ва буюмларни безашда қадимда нақшларнинг таъсирчанлигини кучайтириш учун халқ ҳикматлари, улуг алломалар панд - насиҳатларини,

фалсафий фикрлар араб ёзувида шундай тасвирланганки, унинг ҳам нақш, яъни безак ролини, ҳам шиор ролини утаганига қойил қолади киши.

Араб хатида ёзилган чиройли безакли ёзув Муҳаммад пайгамбарнинг дуоларидан бири бўлиб, у қуйидаги мазмунга эгадир: "Э, очувчи зот, оч бизларга эшиклардан энг яхши эшикни". Бу ёзувнинг чап ва унғ пастки қисмида ҳаттотнинг шахсий муҳри ҳамда ким томонидан битилганлиги қайд этилган. (Ушбу ёзув афғонистонлик ҳаттот Азизиддин Вакилий Фуфалзойи Дуроний томонидан ёзилган "Араб хати" китобидан олинган).

Ўзбек халқ наққошлик санъати тилининг уз рамзий алифбоси бўлган. Буларнинг айримлари қуйидагилардир:

геометрик нақш элементларининг рамзий маънолари:

Тенг томонли учбурчак - тик турган ҳолати ҳаётнинг бошланишини, тескари турган ҳолати эса ҳаётнинг охирини билдиради.

Тенг ёнли учбурчак - яхлит бўлинган булак, айрилиқ.

Квадрат - дунёнинг тўрт томони осмон саройи, Қуёш фарзанди, абадийлик, ёруғлик, мустаҳкамлик.

Тугри тўртбурчак - ишонч.

Ромб - аёл, яъни она ер рамзи, серфарзандлик.

Айлана - олам, бахт, Қуёш, одамларни ёвуз ниятидан қайтариш рамзи.

Беш қиррали юлдуз - ҳаётнинг қисқалиги, беш кунлик дунё.

Ярим айлана - бахт.

Ярим ой - ислом динининг ифодаси. Мусулмонлик рамзи.

Қуёш - ҳаёт рамзи.

Булуғ, олов - голиблик рамзи.

Ислимий нақш элементларининг рамзий маънолари:

Бодом - бахт - иқбол.

Барг - баҳорги уйғониш.

Қалампир - ҳар хил ёмонликлардан ва ёмон кўздан асраш рамзи.

Зирк гули (гулсафсар) - осойишталик ва умр узоқлиги.

Анор - эзгулик, тўқчилик.

Ойгул - бахт - иқбол рамзи.

Жингала - тўкин - сочинлик, бойлик рамзи.

Олма - муҳаббат рамзи.

Новда - бойлик ва фаровонлик.

Япроқ - баҳорги уйғониш, наврўз.

Исириқ - ёмон кўздан асраш рамзи.

Атиргул - гўзаллик рамзи.

Қуш ва ҳайвонларнинг рамзий маънолари:

Шер - мардлик, жасорат ва кучлилик рамзи.

Тулки - маккорлик.

Чумоли - донолик, хокисорлик рамзи.

Булбул - садоқат.

Хумо - бахт қуши.

Бойқуш - бахтсизлик, вайроналик.

Балиқ - ҳушёрлик рамзи.

Сичқон - уй ҳайвонларининг кўпайиши рамзи.

Эчки ёки қўчқор - жасурлик, мардлик, показалик рамзи.

Оқ қабутар - тинчлик.

Оху - гўзаллик, ҳимоясизлик, нозиклик.

Буюмларнинг рамзий маънолари:

Тақа - ёмон кўздан асраш.

Шиша, ойна - кўнғил, софлик, нозиклик рамзи.

Оқ ранг - тозаллик, ёруғлик, бахт, омад рамзи ва ҳ.к.

Ҳар бир рангнинг ўз мазмуни ва асосланган манбаи бўлади. Кум-кўк, яъни ҳаво ранг - ота бўёқ коинотни эслатади. Яшил ранг - она бўёқ ер юзидаги ям - яшил табиат рамзидир. Улар аралашмасидан ҳосил булган ранглардан худди оналик ва оталик меҳри келиб тургандек туюлади.

Ибн Сино рангларнинг руҳиятга таъсири ҳақида қуйидагича фикр билдиради: "Қора, яшил рангдан кўзга бор манфаат. Шу ранглардан топгай қувват. Оқу сариқ ранглар ҳаддан ошса агар, бундан сенинг кўзларинга етгай зарар".

Сариқ ранг кўз нури ҳамда нерв системаларини кучайтиришини таъкидлайдилар. Бу бошқа ранглар ичида энг қувноғи саналади. Қадимдан ота - боболаримиз сариқ рангни сариқ касалга даво деб ҳисоблаб келишган. Шунинг учун беморга сариқ либос кийдиришган ва уйни сариқ рангли буюмлар билан жиҳозлашган. Алишер Навоий сариқ ранг тўғрисида шундай деган:

Яра қон даъфи сариқ жинс қилур,

Турфа кўрунғ,

Ким билур тегса юзинг тўнига

Бисёр сориқ.

Мутахассислар жумладан: тўқ сариқ ранг - кайфиятни яхшилаши ва иштаҳани очишини; яшил ранг - кишилар

руҳиятини дам олдириши, қон босимини пасайтиришини; кул ранг - совуқни ҳис қилишга чорлаши, асабни даволаши ҳамда қон босимини туширишини таъкидлайдилар. Бинафша ранг киши асабини бўшаштиради. Қизил ранг - илиқликни ҳис қилишга чорлайди, кайфиятни кўтаради.

Халқ усталари рангларнинг рамзий маъносидан ҳам фойдаланишган. Чунончи улар қуйидагиларни билиб, унга амал қилишган.

Азалдан кишилар янги ўйга кўчиб ўтишдан олдин уйнинг устунлари ва шифтига ун сепишган. Айрим жойларда ҳануз келинникига куёв томонидан келган қуда - аңдалар ун сепишади. Халқимиз одатда келин - куёв йулига оқ матодан поёндоз тушайди.

Наққошлик санъати тили ҳамда нақшларнинг рамзий алифбоси, афсуски, мутлақо унутилиш арафасида.

Асрлар давомида яратилган улкан маданий бойлигимиз, хусусан ўзбек миллий халқ амалий безак санъати кенг тарқалган турларининг узига хос томонлари, мактаблари, бажариш технологияси, услублари, уларни яратган усталарнинг муборак номларини йўқотишга ҳаққимиз йўқ. Ана шу сабабли бу ноёб санъат дурдоналарини сақлаш, уларни ёшларга ургатиш муҳим вазифамиздир.

Меҳринисо Абузалова, БухДУ

Пайт маъноли туркумлар орасидаги морфологик фарқ

Купчиликка маълумки, истиқлол шарофати билан грамматик талқинларни турконалаштиришга имконият яратилди. Жамиятда тараққиёт суръатини дарсликларнинг, хусусан, мактаб дарсликларининг мақсад, мазмун ва усул жиҳатдан янгиланиш даври билан баҳолаш мумкин. Дарҳақиқат, ўзбек тили тизимининг зотий (формал-функционал) талқини умумтаълим мактабларининг дарсликларигача ўз ифодасини топди. Натижада бу олдинги ва бугунги дастур, дарсликлар орасида илмий талқинларда жиддий фарқларни юзага келтирди. Биз қуйида шундай бир фарқ устида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Пайт (замон) маъносини ифодалаш жуда кўп туркумлар (от, сифат, равиш, кумакчи) ва равишдош

шакллари учун хос хусусиятдир. Шу туфайли бўлса керак *кеча, кундуз, тонг, оқшом* каби пайт отлари, *барвақт, кеч* каби пайт сифатлари ҳозирга қадар қатор дарсликларда равишлар таркибида ўрганилиб келинган. Лекин пайт маъноли от, пайт маъноли сифат, пайт маъноли равиш туркумлари морфологик белгиларига кўра жиддий фарқ қилади. *Кеча, кундуз, тонг, оқшом* каби сўзларнинг от сўз туркуми доирасида ўрганилишининг сабаби уларнинг морфологик жиҳатдан сонланиши (бирлик ва кўпликда қўлланила олиши) ва турланишидир. *Кеч, барвақт, эрта* каби пайт сифатлари эса *-роқ* даража қўшимчаси билан эркин бирика оладик, бундай морфологик имкониятни пайт маъносини англатувчи от ва равишларда кузатиш қийин. Ўз навбатида пайт маъноли равишлардаги морфологик хусусият уларнинг ўзгармаслигидадир, яъни лугавий шакл ҳосил қилувчи ва алоқа-муносабат (сўз ўзгартирувчи) қўшимчалари билан бирика олмайди. Буни қуйидаги чизмада умумлаштиришга ҳаракат қиламиз:

Пайт отлари	Пайт сифатлари	Пайт равишлари
1.Кеча (кечаси, кечалари, кечада...) 2.Кундуз (кундузи, кундузлари, кундузда...) 3.Тонг (тонгим, тонглари, тонгда...) Оқшом (оқшоми, оқшомлари, оқшомда...)	1.Кеч (кечмоқ) 2.Вақтли (вақтлироқ) 3.Барвақт (барвақтроқ)	1.Энди-Ø 2.Ҳали-Ø 3.Ҳануз-Ø 4.Боя-Ø 5.Ҳамиша-Ø 6.Сўнгра-Ø 7.Азонлаб-Ø
Сонланади ва турланади	Даражаланади	Морфологик ўзгармас

маъноли сўзларни от, сифат ёки равишга нисбат беришда матннинг аҳамияти ҳам катта. Чунки ўзбекча сўзлар ўзининг кўпмаънолилиги, омонимик хусусиятга бойлиги билан лексик жиҳатдан ажралиб туради. Жумладан, *кеча, эрта* сўзларини алоҳида олганда уларнинг маъноси мавҳум бўлади, матнда эса сўзлар қуршовида маъноси реаллашади. Чунончи:

1. Кечалари мизгимас меъмор,
Мухандисга ором бермас уй... (М.Али).
2. Кеча йиглаб сизга талпинган жонлар
бутун танимасдан утарлар ёху! (О.Матжон).
3. Сенинг мангулигинг беради таскин
Эрта узилгувчи менинг умримга. (Р.Парфи).
4. -Бутунги хаёлга
Истасанг қайтарсан
Эртами, индин (М.Али).
5. Биз эрталаб тоққа чиқамиз.
6. Биз эртага саёҳатга борамиз.

Демак, 1-гапда пайт оти (сонланган), 3-гапда пайт сифати (даражаланади), 2, -4, -5, -6-гапларда пайт равиши (морфологик ўзгармас) қўлланилган. Худди шундай асосда атроф, ичкари, унг, чап, орқа каби урин отларини, паст, баланд, юқори каби урин сифатларини, олга каби урин маъноли равишларни изоҳлаш мумкин. Худди шундай фарқловчи белгиларни яна миқдор маъносини англагувчи отлар (ботмон, мисқол, сиқим, чимдим), сифатлар (куп, мул, оз,), равишлар (анча, сал, пича)га ҳам тадбиқ қилиб, улар орасидаги ўхшашлик ва зиддиятли томонларни очиш мумкин. Бутунги кунда таълим тизимида лексемаларнинг лугавий маъно гуруҳ (ЛМГ)лари урганилаётган экан, сўз туркумлари орасидаги ўхшаш ва фарқий томонлар лисоний жиҳатдан изоҳлаши лозим. Шундагина бир хил маънони англагувчи бир неча туркумларга оид сўзлар грамматикада қатъий ўз ўрнини топган бўлади.

Адабиётлар:

1. Мадраҳимов И. Ўзбек тилида сўзнинг серқирралиги ва уни таснифлаш асослари. НД. Тошкент, 1994 й.
2. Неъматов Ҳ. Гуломов А., М.Қодиров., М. Абдураимова. Она тили.6-синф учун дарслик. Тошкент, 2001 й.
3. Умумий ўрта таълимнинг Давлат Таълим Стандарти ва ўқув дастури. Тошкент, 1999й, 1-махсус сон.

Сабаб маъносини билдирувчи кўмакчилар

Маълумки, туркийшуносликда, хусусан, ўзбек тилшунослигида сабаб маъносини билдирувчи кўмакчилар анчагина. Сабаб маъносини ифодалашда асосан учун, билан, боис, туфайли, хусусида, кўра кўмакчилари қўлланади. Учун кўмакчиси асосан -ган, -ганлик сифатдоши билан сабаб муносабатини ифодалайди. Учун кўмакчиси -ган сифатдоши билан қўлланганда турли хил семантик хусусиятларга эга бўлади. Масалан: Хадича шум хабар етказгани учун Муродиллани ёмон кўриб қолган эди (Т.Малик). Деразалар кунботарга қарагани учун офтоб ҳам тушаётгани йўқ хонага (Х.Маллаев). Бу иккала гап семантик жиҳатдан фарқланади. Биринчи гапда агенс ҳаракати туфайли паценс ҳолатда ўзгаради. Иккинчи гапда эса объект предмети (деразалар кунботарда эканлиги) назарда тутилиб, хонага офтобнинг тушмаслиги кўрсатилади. Шу билан бундай гапларда сабаб маъноси ифодаланса, бошқасида натижа маъноси ифодаланади. Бундай ҳолатларда албатта, тобе компонент отнинг ва ҳоким компонент вазифасида қўлланувчи феълнинг қайси семантик қаторга мансублиги ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шу хусусиятларни ҳисобга олиб, қуйидаги гуруҳларга ажратдик:

а) соф сабаб маъноси ифодаланади. Бунда тобе компонент вазифасида абстракт маъноли отлар қўлланади: Қаёққа, қандай одамлар ҳузурига бораётганини, қайси гуноҳлари учун қувгин бўлганлари, энди бошларига не кунлар тушишини билмаган бечоралар (Т.Малик).

б) сабаб объект маъноси ифодаланади. Бундай ҳолда узвнинг тобе қисми (компоненти) вазифасида конкрет маъноли отлар: шахс отлари, атоқли отлар қўлланади: Унинг ҳар бир комедияси режиссёр учун драма, томошабинлар учун трагедия эди. Мевали дарахт одамлар учун экилади-да (Н.Боқий). Ёзувчи учун ҳар қандай нарсаяям бир қараш - кифоя (Ш.Холмирзаев).

в) сабаб-эваз маъносини билдиради. Бунда икки ҳолат кузатилади: 1) бирор фикр, фаолият учун таъқиб қилиш: жазолашни англатувчи узвлар. Бунда тобе қисм вазифасида фикр, зулм, жиноят, ташвиқот каби абстракт отлар қўлланилади. Масалан: Онасига кўп озор бергани

учунми, у отасига меҳрсизроқ эди, ҳам ундан қўрқарди (М.Маҳмудов). Нурбек уни баттар эзиш учун унга осмондан келиб қарашда давом этди (М.Маҳмудов). 2) бирор фаолият, яъни хусусияти учун рағбатлантириш, мукофотлаш каби маъноларни англатувчи узвларда сабаб-эвас маъноси ифодаланади. Булар ҳоким компонент вазифасида қўлланган сўзларнинг хусусияти, маъноларига юклатилган бўлади. Ҳоким компонент вазифасида мукофотламоқ, севмоқ каби феъллар ёки лауреат сузи феъл билан боғланиб келади. Масалан: Ўша йили директор шу терилар учун лауреат булди (С.Аҳмад). Ватанини беҳад суйгани учун бу тупроқдан хорлаб қувилган одамда шундай алам бўлади (Т.Малик). Биринчи гапда «берилганлиги» сўзи эллипсга учраган. Бунини нима учун лауреат булди? саволи берилганда «териларни берганлиги учун» жавобини олиш мумкин. Демак, кўмакчилар ўз зиммасига айрим мустақил сўзларнинг маъноларини олиши ҳам мумкин экан.

Учун кўмакчиси феълнинг қайси хослашган шакли билан қўлланишига кўра сабаб маъносини ифодалайди. Бундай чоғда учун кўмакчиси –гани, –ганлиги, –лиги қўшимчалари билан тугаган сўзлардан сўнг келади.

Сабаб муносабати пайт нуқтаи назаридан натижа муносабати билан кетма-кетликка асосланади. Олдин бирор воқеа, ҳодиса, ҳаракат-ҳолат содир бўлади, кейин шулар туфайли бошқа бирор ҳаракат-ҳолат амалга ошади. Масалан: Муаззам опа қизининг одатини билгани учун хаёли минг томонга кетди (М.Ҳазратқулов). Узундан – узоқ баҳслашувлари чоғида фикрлари, қарашлари бир жойдан чиққанлиги учун юлдузлари юлдузларига тўғри келиб қолган бўлса ажаб эмас (Т.Малик).

Айрим ҳолларда учун кўмакчиси –ми сўроқ юктамаси қўшилади. Бундай ҳолда гапдаги воқеа-ҳодиса аниқ содир бўлмайди. Масалан: Одам ўтирмагани учунми уй бирмунча совуқ экан (М.Ҳазратқулов).

Учун кўмакчиси –гина қўшимчаси қўшилганда сабаб маъноси таъкидланади. Масалан: Қиз у билан беш-олти марта учрашгани ва хат ёзишиб тургани учунгина эмас, йигитни қисман ёқтиргани учун ҳам унга қаршилиқ қилмади (М.Маҳмудов).

Сабаб маъносини билдирувчи кўмакчилардан яна бири билан кўмакчиси ҳисобланади. Бу кўмакчи кўп функционал характерга эга бўлиб, жуда хилма-хил

муносабатларни ифодалашга хизмат қилади. Бироқ қанчалик турли синтактик муносабат ифодалашига қарамай, унинг маълум бир турдаги синтактик муносабатни ифодалашга кўпроқ хосланиши ҳозирда ҳам, аввалги тарихий даврларда ҳам сезиларли бўлган. Масалан, ҳозирги адабий тилимизда бу кўмакчи асосан биргалик, восита, пайт, тарз, сабаб каби қатор маъноларни ифодалайди.

Фактик материализмиз кўрсатишича, билан кўмакчиси сабаб маъносини ифодалашда ўзидан олдин феълнинг –иш ҳаракат номи шакли билан боғланиб келиш ҳоллари учрайди. Масалан: Саъдулла билан Феруза чиқиб кетиши билан у ҳам дарвозани қулфлаб қизиникига жўнайди. (М.Ҳазратқулов). Бу гапда билан кўмакчиси ўзидан олдинги сўз билан бирга ҳаракат маъносидан ташқари сабаб маъносини ҳам ифодаламоқда. Чунки бу гапда иккита пропозиция мавжуд. Биринчи пропозиция: Саъдулла билан Феруза чиқиб кетди. Иккинчи пропозиция: У ҳам дарвозани қулфлаб қизиникига жўнади. Бу пропозицияларнинг биринчиси сабаб бўлса, иккинчиси натижадир. Мантиқан олиб қарайдиган бўлсак, Саъдулла билан Ферузанинг чиқиб кетиши, унинг яъни III шахс ҳам қизиникига кетишига сабаб бўлади. Яъни бу ерда ҳаракат кетма-кет содир бўлган. –иш ҳаракат номи шакли воқеанинг қисқа вақт ичида бўлганини кўрсатувчи грамматик восита сифатида қўлланилган. Шундай қилиб, бу гапда сабаб-натижа муносабати ифодаланган.

Юқоридаги тип гапларда билан кўмакчиси ўрнида сабабли кўмакчисини ҳам қўллаш мумкин. У ҳолда –иш ҳаракат номи ўрнида, –ганлиги сифатдоши қўлланилади. Фақат бундай алмашишда сабаб маъноси аниқ сезилиб туради-да, ҳаракат яъни воқеа қай тарзда содир бўлиши мавҳумлашади.

Сабаб маъносини англаувчи сабабли кўмакчиси –лиги, –ганлиги каби қўшимчали сўзлар билан бирга келади. Масалан: Деразалари ер сатҳидан пастда эканлиги сабабли ташқаридаги одам яқин келиб букилганда ҳам устахонанинг чорагини кўради, холос (З.Аълам). Чунки обуна бўлсам, кўп қаватли уйда турганим сабабли пастдан барибир менгача кимдир олиб қўйган буларди («Туркистон» газет.).

Кузатишимизча, *сабабли* кўмакчиси *боис*, *туфайли* сўзи билан синоним бўла олади. Масалан:

Хотинининг шу тобдаги савоб талаблиги боиси Давлатга аён эди, шартга машинани тўхтатиб, шитоб орқага юргизди (Н.Қиличев). Сафарқул бу хонадонга кулфат туфайли яқинлашган эди, кулфат туфайли бутунлай узилди (Т.Малик).

Сабаб маъносида қўлланувчи кўмакчилардан яна бири *хусусида* кўмакчисидир. Бу кўмакчи -гани қўшимчаси билан бирга қўланади. Масалан: Олим Акбарович Чорини нега суриштираётгани хусусида ҳозир Саъдулла ўйлаб ҳам кўрмади (М.Ҳазратқулов).

Шундай қилиб, сабаб маъносини ифодалашда кўмакчилар узининг семантик моҳияти билан бошқа синтактик алоқалардан ажралиб туриши билан характерланади:

1. Сабаб маъносини ифодалашда асосан, учун кўмакчиси феълнинг -гани (-кани, -қани) сифатдош шаклида бўлади.
2. Кўмакчилар сабаб - натижа муносабатини ифодалашда пайт жиҳатдан кетма-кетликка хосланади.
3. Билан кўмакчиси сабабли кўмакчиси билан ўзаро синоним бўла олади.
4. Бу, шу оломошларини бошқарган сабабли кўмакчили гаплар ўзидан олдинги гапнинг мазмунини талаб қилади.
5. Сабаб маъносини ифодалашда хусусида, ҳақда, тўғрисида кўмакчилари ўзаро синоним бўла олади.
6. Сабаб маъносини ифодалашда сабаб сўзи кўра кўмакчиси билан қўланганда бу маъно янада реаллашади, маъно кучаяди.

Кат.ўқит. Давлатёр Жумашев, ТДПУ Мақсад маъносини билдирувчи кўмакчилар ва уларнинг семантик-функционал хусусиятлари

Мақсад маъносини билдирувчи кўмакчилар туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида ҳам аниқ бир илмий хулосага келинмаган. Ўрганилган материаллар тасдиғи шуни кўрсатадики, кўмакчиларнинг мақсад маъносини ифодалашини сабаб-мақсад маъносидаги уммакчилар деб юритилади. Бу ҳақда С.Ғойибов б и л а н кўмакчиси тўғрисида шундай ёзади: «Б и л а н кўмакчиси мақсад маъносини ифодаловчи конструкциялар ҳосил қилишга

хизмат қилади. Бироқ унинг хусусияти ўзбек тилини тадқиқ қилган олимларнинг эътиборидан кўп ҳолларда четда қолиб келди.»²¹

Кўмакчилар орқали юзага келадиган шакллар ҳали амалга оширилмаган, келажакда юзага чиқарилиши мақсад қилинган ҳаракатларни аниқлатади.

Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, ҳозирги ўзбек тилининг илмий адабиётларида кўмакчиларнинг мақсад маъносини ифодалаш асосан, м а қ с а д и д а, у ч у н, б и л а н кўмакчилари орқали ифодаланади. Бу кўмакчилар -иш (-ш), -моқ, ҳаракат номи шакллар орқали ясалди.

Ф.Кенжебоева ўзининг номзодлик диссертациясида қозоқ тилидаги мақсад билдирувчи кўмакчилар қаторига Туралы (туғрисида), жонинде, жайында кўмакчиларини келтиради.²²

Шундай қилиб, ўзбек тилидаги кўмакчилар мақсад маъносини ифодалашда у ч у н, б и л а н, м а қ с а д и д а кўмакчилардир.

Мақсад маъносини ифодалашда м а қ с а д и д а кўмакчисининг -иш (-ш) ҳаракат номи билан қўлланиши фаол ҳисобланади. Масалан: Майор Солиҳов Йулчивойнинг хонадонида ҳақиқатни ойдинлаштириш м а қ с а д и д а сўроқ сўраётганида Жаҳонгир ҳам ўзига керакли ҳақиқат юзини очиб учун ўзини ўзи сўроққа тугар эди (Т.Малик). Ўз истиқомат жойини яшишга киришган ва бу ноҳўя ҳатти-ҳаракатини оқлаш м а қ с а д и д а турли уйдирмалар тўқиб чиқарган (Ҳ.Шайхон). Уй эгаси ит боқиш мақсадида дарвозани кўчириб, ўрнига пахса урган, кейин пахсани ойболта билан уриб кесиб эшик дераза ўрнатган (Н.Боқий). Булардан ташқари мақсад маъносини ифодалашда м а қ с а д и д а кўмакчисининг «деган» сўзи билан бирга келгани аниқ ифодаланади. Бунда таъкид маъноси кучаяди. Мисол: Нурбек Назарович, узр келажакда сабоқ булар деган м а қ с а д д а бир гап айтишни бурчим деб билиб, сизни таклиф этувдим (М.Маҳмудов).

Айрим ҳолларда ҳаракат-ҳолат бажарилиши ҳам ифодаланиши мумкин: Ширин нима м а қ с а д д а

²¹ Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараллиети. II том. Синтаксис. Тошкент, «Фан», 1989. 60-бет.

²² Кенжебаева Ф. Послелогии и частицы в современном казахском языке. АКД. А-ата. 1964. Стр. 7.

китоб орасига солиб қўйилганини ўзича фаҳмлаб қизарди (М.Маҳмудов). М а қ с а д и д а кўмакчиси шу кўрсатиш олмоши билан қўлланганда ўзидан олдинги гап мазмуни билан боғлиқ бўлади: Шу м а қ с а д д а бош табиб хонасига қайтди (Т.Малик).

Мақсад маъноси у ч у н кўмакчиси билан ифодаланади:

а) –иш (ш) номили шакли ва у ч у н кўмакчиси билан қўлланилади: Улфат бояги кўнгил хираликни ювиш у ч у н Нурбекнинг фикрини қувватлади (М.Маҳмудов). Жаҳонгир Йўлчивойни яна кўриш у ч у н бир неча марта йўл пойлади (Т.Малик). Бола буни эшитиб, чўмични челака ташладию бу хушхабарни онасига етказиш у ч у н уйга югурди (Т.Малик).

б) –моқ ҳаракат номили шакlining у ч у н кўмакчиси билан бирикишидан ҳосил бўлади: Ферузанинг ота-онаси кўнглига қараб уч-тўрт кўнгина турмоқ, у ч у н боряпман (М.Ҳазратқулов). Жон талашиб ётган қайнонанг билан дийдорлашиб қолмоқ у ч у н дарҳол йўлга тушдинг (Н.Қиличев). Саъдулла хайрлашмоқ у ч у н қўлини узатди, Феруза ҳам (М.Ҳазратқулов).

Кейинги йилларда чиққан илмий адабиётларда ҳозирги ўзбек адабий тилида –моқ + учун шакlining тарихий давр колоритини бериш мақсадида камдан-кам таъкидланади.²³ Бизнинг кузатишимизча, –моқ ҳаракат номили шакллар ҳозирги адабий тилининг қонун қоидаларига мос равишда ишлатилмоқда.

Баъзи ҳолларда мақсад маъноли кўмакчилар отлар билан бирга ифодаланади:

Эрталаб машинада уни унча-мунча ҳаражат у ч у н бозорга обориб қўйган эдим (С.Аҳмад).

Кузатишимизча, –син аффиксли буйруқ-истак майли шакlining у ч у н кўмакчиси билан келиб мақсад маънони ифодалаш и ўзбек тилида учрамади. Аммо, академик А.Ҳожиев жуда ўринли таъкидлаганидек, бу шаклда –син аффиксли феъл шакли ўз маъно ва вазифасида бўлмайди., яъни у шу майлга хос маънога ҳам эга эмас. Бундай ҳолларда у ч у н кўмакчиси қўшилган компонент фақат феълнинг ўзи эмас, балки гапга тенг бутунлик бўлади. Шунинг учун улар нима? (нима учун?)

²³ Совет даврида ўзбек адабий тилининг таралъиети. Тошкент, «Фан». 1989. 68-бет.

суроғига жавоб бўлади: Буvasи эшитиш учун – нима учун?²⁴

Ҳақиқатдан ҳам –син аффиксли буйруқ-истак майли субстантивлашиб, у ч у н кўмакчиси билан қўлланганда мақсад маъноси англашилади: қовушмаётган утиришни баттар бузмаслик у ч у н ўн кеча- ўн кундуз уйдан чиқмади (М.Маҳмудов). Унинг кўзига қарамаслик у ч у н шаршара қуйилаётган тепага қарадим (С.Аҳмад).

в) б и л а н кўмакчисининг мақсад маъносида қўлланиши.

Ўзбек тилида б и л а н кўмакчисининг мақсад маъносини ифодалаш и кўпинча эътибордан четда қолиб келмоқда. Маълумки, б и л а н кўп I-функционал характерга эга, шу сабаб бўлса керакки, мақсад чуқур ва изчил тадқиқ қилинмаган. қорақалпоқ тилшуноси М.Давлетов мақсети менен (пенен), нийети менен (пенен), умит пенен каби бирикмаларнинг мақсад ҳоли вазифасида келишини айтади.²⁵

Бундай фикрни С.Ғойибов ҳам мисоллар билан тасдиқлайди.²⁶ Одатда ҳоким феъл англаган ҳаракат келажакда яна бирор ҳаракат келажакда яна бирор ҳаракат, ҳолат жараёнининг амалга ошишини назарда тутати: Ота-боланинг келишини хуш кайфият билан кута бошлади (Т.Малик). Эртага йўлга чиқишим керак, деган баҳона б и л а н барвақт ётди (М.Ҳазратқулов). Аммо дostonлар бор, вақти-вақти билан ўқиб турсак бўлади уларни (М.Маҳмудов).

Шундай қилиб, мақсад маъносида қўлланувчи кўмакчиларни тадқиқ қилиш махсус тадқиқотни олиб боришни талаб қилади

²⁴ Совет даврида ўзбек адабий тилининг таралъиёти. Тошкент, «Фан». 1988. 144-бет.

²⁵ Дзулетов М. Каракалпак тилинде пысыкляуыш категориясы. Нокиы. 1982. 89-бет.

²⁶ Совет даврида ўзбек адабий тилининг таралъиёти. Тошкент, «Фан». 1989. 61-бет.

Кат.ўқит.Мунира Сидиқова, ТДПУ
Русийзабон талабаларга ўзбек тилини ўргатишда
интерактив усуллардан фойдаланиш

1. Олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи русийзабон талабаларга ўзбек тилини ўқитиш маҳсус ёндошувни талаб этади.

2. Муаян мавзуни ўтиш, оғзаки нутқни ўстириш жараёнида русийзабон талабаларига мавзуни тушунтиришда, назарий маълумотлар беришда ва уларни аниқлашда ва мустаҳкамлашда савол-жавобларни ташкил қилиш , уюштириш , талабаларни ўзаро мулоҳазага даъват этиш . уларнинг лисоний ҳушёрлигини , сезгирлигини ошириш кабилар ижобий натижаларга олиб келиши мумкин.

3. Талабаларнинг мустақил ишларини амалга оширишда уй вазифаларини эркинлик билан бажаришда олдиндан белгиланган мавзулар асосида амалга оширилса-да , айти жараяннинг ижодий томони – талабаларнинг ижодийлиги ҳали етарлича талаб даражасида эмас.

4. Юқорида қайд этилганига кўра кейинги вақтларда қатор фанларда қўлланилаётган замонавий ҳисобланган тил ўргатишда шу куннинг талабига жавоб берадиган интерактив усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан-компьютер имкониятидан фойдаланиш тегишли ютуқларига олиб келади.

5. Компьютер системасидан фойдаланиш жараёнида мавзулар бўйича дарсларнинг электрон версияларини яратиш мақсадга тўла мувофиқ келади . Бу ҳолда компьютер билан диалогик мулоқат қилиш қўллаш ва бошқалар самарали натижаларга олиб келади.турли тест масалаларни ечиш анимацион технологияларни

6. Компьютер техникасидан унумли фойдаланган ҳолда қатор мавзулар бўйича электрон филмларни ҳам яратиш тил ўрганишда албатта кўнгилдагидек самара беради.

Интерактив усулларни тил ўргатиш жараёнида мукамал қўллаш оғзаки ва ёзма нутқни ўстириш учун тилнинг қонун ва қоидаларини пухта ўзлаштириш, адабиётлардан

мустақил фойдаланиш, лугат бойлигини ошириш,
таалабаларнинг урганилаётган

Кат. ўқит.Мавлуда Муталипова, ТДПУ

Ўзбек ва рус тиллари шеърлятида сўроқ гаплар

Ўзбек ва рус тилларининг лирик шеърлятда сўроқ маъноси бўлмаган сўроқ гаплар мавжуд.Масалан: ритарик саволлар таъкидлашнинггш экспрессив шакли сифатида қўланади:

Ты прав : что может быть важней
На свете женщины прекрасней?

(А.С. Пушкин)

Хайрихоҳ одамлар бетаъма, ҳамдам,
Олам бир бутундир шу иноқликдан.
Ахир маҳаббат ҳам, ахир дўстлик ҳам
Бошланган эмасми хайрихоҳликдан?

(А.Орипов «Хайрихоҳ»)

Лирик саволларнинг мазмунини (семантикасини) иккита асосий фактор: адресат ва контекст мазмуни белгилайди.Адресатлар эса учта турли белгилар билан ажралиб туради:

1. Савол берилган шахс (адресат)
2. Жавобни биладиган шахс (адресат)
3. Худди оғзаки суҳбатдагидай саволга тез жавоб бера оладиган шахс (адресат).

Лирик матинда саволлар хоҳлаган « ички» адресатга (гапирувчининг, бошқа шахс) ва хоҳлаган «ташқи) адресатларга

(ўқувчи, инсоният) қаратилган бўлиши мумкин.

Лекин лирикада сўроқ гапларнинг ўзига хос қирраларидан бири яатинда адресатнинг йўқлигидир.

Масалан: Дар напрасный, дар случайный,

Жизнь, зачем ты мне дана?

Иль зачем судьбою тайной

Ты на казнь осуждена?

(А.С.Пушкин «Дар напрасный»)

Богларингни кезаман улкам,

Кезмоқни ҳеч қўйиб бўларми?

Кезган билан, сайир этган билан,

Чиройинга тўйиб бўларми?

(Э.Вохидов «Ўлка»)

Лирик саволлар асосан жавоб кутмайди, улар узининг моҳиятига кўра жавобсиз қолади, чунки нутқ пайтида жавоб ноъмалум бўлади.

Савлга жавоб берувчи адреса жуда куп фикр юритиш мулоҳазалар натижасида гапирувчининг ўзи бўлиши мумкин. Шу сабабли гапирувчи саволга дарҳол жавоб беради ёки умуман савол жавобсиз қолади.

Лирик саволларни жавобсиз қолдириш-лирик шеърларнинг асосий мативларидан биридир.

Масалан: Ҳаёт аста сунар экан кўзингда,

Юрак сендан ҳисоб сурар ўша кун

Булганмиди ҳеч ихтиёринг ўзингда,

Бирор соат яшадингми бетугун?

(Э.Вохидов «Ўчи тугун дастрўмол»)

Небо называют -голубым,

Солнце называют -золотым,

Время называют -невозвратным.

Море называют -необъятным

Как же мне любовь мою назвать,

Чтобы ничего не повтोरять?

(Н.В.Крандиевская-Толстая.»Небо называют»).

Берилган саволга дарҳол жавоб бера олувчи адресат бу шоирнинг узидир. Огзаки суҳбатда суҳбатдошдан жавоб олиш учун савол берилади. Шеърят нутқида эса муаллифнинг ўзи ҳам савол беради, ҳам жавоб беради. Адресатлар матндаги савол-жавобнинг тизимига қараб икки хилга бўлинади.

Биринчи ҳолда, муалиф ўз саволларига жавобни олдиндан билади ва буни адресатдан яширмайди. Адресат эса жавобни билмайди, натижада савол-жавоб ўйини юзага келади. Савол адресатда матнда бўлаётган воқеалар сабабинибилиш истагини уйғотади:

Белит парус одинокий

В тумане море голубом.-

Что ищет он в стране далёкой?

Что кинул он в краю родном?

Играют волны, ветер свидет,

И луаята гнется и скрипит,

Увы. Он счастья не ищет,
И не от счастья бежит!

(М.Ю.Лермонтов «Парус»)

Сингди қонимизга шу оташ дунё,
Сингди қонимизга муҳаббат, газаб.
Йироқ авлодларга бизлардан аммо
Қай бир хислатимиз қоларким, ажаб?
Нима қолар экан? Қай эзгу тилак,
Қай ҳис-юракларда топталган камон?
Йироқ авлодларга бизлардан бешик
Қолар қурашларда тобланган хаёл.

(А.Орипов «Геника»)

Иккинчи холда эса муалиф савол беради ва гўё жавобини билмайдигандей туйилади. Саволга жавоб бериш жараёнида муалиф турли фикир ва мулоҳазалар билдириб, охирида жавоб беради:

Люди пишут, а время стирает,
Все стирает, что может стереть,
Но скажи-если слух умераеть,
Разве должен и звук умереть?
Он становится глуше и тише,
Он смешается готов с тищиной,
И не слухом, а сердцем я слышу
Этот смех, этот голос грудной.

(С.Я. Маршак «Люди пишут»)

Ўтган яхшиларнинг юракларидан
Яралган бу қадим дунё юраги.
Дунё ўзагида янграб турмаса,
Юрагим бўлгаими менинг ўз боги?

Қуёшга қўл чўзиб яшайди одам,
Хаёли ўзидан унган гул мушки.

Шамол этагида ортар дамо-дам,
Демак, яшаялман дейишим мумкин.

(М.Қучқор «Умидларим»)

Шунингдек, лирик саволлар мазмунини ҳаёт, дунё,
узоқ ва яқин утмишлар, тақдир сўқмоқлари инсоний
хислатлар ва хисоётлар ташкил этади:

Вот здесь у меня куст белых роз.

Вот здесь вчера повилика вилась.

Где был, пропадал? Что за весть принес?

Кто любит, не любит, кто гонит нас?

(А.Ахматова.)

Инсон! Сенинг учун ҳақиқат – қуёёш,

Ўзингни тириклик шоҳи санайсан.

Афсуски, бошинг хам, кўзларингда ёш.

Қачон қуёшингга сен тик қарайсан?

(А.Орипов «Арслон ва инсон»)

Мақоладан хулоса шуки, ҳар икки тил шеърятда
лирик саволлар жуда кўп урин олган, уларнинг қўлланиш
доирасида ҳам ухшашликлар кўп, келтирилган шеърый
мисраларда эса лирик саволларнинг серқирралигига амин
булдик.

Кат. ўқит.Муниса Бозорова.ТДПУ

Гапнинг кузатилаган мақсадга кўра турлари ҳақида
(Ижобий истак бирликлари мисолида)

Ўзбек тилшунослигида гап, унинг турлари, гапнинг
синтагма билан мунособати, гап ва сўз бирикмаси каби
масалалар бўйича қатор изланишлар олиб борилган.

Маълумки, бу манбаларда, гаплар тузилишига, ифода
мақсадига, ҳис-ҳаяжонни ифодалашига, модаликка,
таркибига кўра тасниф қилинган.

Кузатилаган мақсадга кўра гапларнинг уч тури (дарак
гап, буйруқ гап, сўроқ гап) дан ташқари 4-тур – шарт
гаплар ҳам мавжуд эканлиги кейинги адабиётларда қайд
этилган. (1)

Бу манбаларда кўрсатилишича, гапларнинг кузатилган мақсадга кўра ҳар бир тури шаклан маълум гуруҳга оид бўлса ҳам, мазмунан бошқа тур маъносини ифодалайди. Масалан: «Йул бўлсин» гапи буйруқ гап шаклида тузилган бўлса ҳам, сўрок мазмунини билдиради. (2)

Бу хилдаги ходисалар ижобий истак бирликлари (олқишлар) да хилма-хил кўринишида учрайдики, биз мазкур мақолада уларнинг айримлари ҳақида фикр юритамиз.

Ижобий истак (олқиш) иборалари ўзбек тилида (айниқса, сўзлашув нутқида) жуда кенг кўламда қўлланадики, ўзбек тили шу жиҳати билан бошқа тиллардан маълум даражада фарқланиб туради.

Бундай иборалар халқимиз ҳаётининг турли жабҳаларида узига ҳос лексик, грамматик хусусиятларга эга бўлган ҳолда қўлланади. Олқиш иборалари инсоннинг дунёга келишидан бошлаб то умрининг охиригача бўлган ҳаётининг турли босқичларига мос ҳолда ишлатилиб, ижобий (баъзан салбий) тилак мазмунига ҳам эга бўлади.

Маълумки, ўзбек тили синтаксисига доир манбаларда гапларнинг кузатилган мақсадга кўра турларидан бири - буйруқ гапнинг I-шахси шакли буйруқни эмас, истак мазмунини билдиради, дейилади. (3)

Олқиш ибораларининг мазмунига назар солсак, шуни таъкидлаш керак бўладики, деярли кўп ибораларнинг кесими III-шахс буйруқ шаклида келса ҳам, мазмунан фақат истак ва хоҳишини билдиради.

Мисол: - Тоғаннинг тўйи юришиб кетди? Насиб этса, байрам куни - никоҳ! Азза-базза хонтахта рупарасига ўтириб қўл очди. - Илоё қўшгани билан қўша қарисин, ўзидан кўпайсин. Сенларгаям яхши жойлардан ато қилсин! (Ўткир Ҳошимов «Икки эшик ораси» 81-бет)

Исми бору, жисми йўқдан асрасин,

Жисми бору, исми йўқдан асрасин.

Исми йўқми, жисми йўқми одаммас,

Бу дунёда насли йўқдан асрасин. (Н.Назруллаев)

Хасанали суюнчини топширгандан сўнг дуога қўл очди: «Оллоҳ таоло умри билан берган бўлсин!» Шундан сўнг ҳотиржам бўлган ҳолда хуфтонга кетдилар. (А.Қодирий «Ўтган кунлар» 295 - бет)

Бу хилдаги гапларда эга вазифасида кўпинча «Оллоҳ» сўзи тасаввур қилиниб, баъзан бу сўз қўлланиши, баъзан

қўлланмаслиги мумкин. қўлланмаган тақдирда ҳам шу сўз эга вазифасини бажаради.

Олқиш ибораларида кўпинча Оллоҳ Раббим, Қодир эмас, Худо сўзлари ундалма вазифасида қўлланади. Бундай гапларда истак илтижо мазмуни янада кучайтириб «баён» қилинган бўлади:

«Ё Раббим, уларга ўзинг тўзим бер. (Саид Аҳмад, Уфқ 10-бет)

Ўзинг ёлғиз қолу, эй қодир Худо, Аммо бизни асло этма ҳеч танҳо (Н.Назруллаев 77-бет)

Айрим ҳолатларда бошқа сўзлар ҳам эга вазифасида кела олади: Омин, ишларинг ўнгидан келсин, хонадонингдан хурсандчилик аримасин. Бу хилдаги гапларнинг бошида Илоё, Иловандо сўзлари ҳам қўшиб ишлатилади.

Истак мазмунини ифодаловчи олқиш ибораларининг феъл кесимлари баъзан I-II шахс формасида шаклланади, ҳатто уюшиб келиб, маъно кучайтирилади: Қани олайлик, олдирмайлик, йигит ўлмайлик, бало кўрмайлик, оллоҳ ўзи асрасин. (Т.Малик «Шайтанат» 2-китоб 15-бет)

Лазокаат хола оёқ-қўлларини патирлатиб йиглаётган ухамчи чаққонлик билан бешикка боғлади-да, дуо қилди:

-Илоё бахтли бўлсин! Инсофли тавфиқли бул, меҳнаткаш бул! (Уткир Ҳошимов «Икки эшик ораси»)

Э, худованди Карим, Сендан шу ёшга келиб ҳеч нарса илтижо қилган эмасман, шу ниятимга етказ. Эсон-омон чегарадан ўтиб олай, Она тунрогимга қайтай. (Т. Малик «Шайтанат» 181-бет)

Юқорилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ижобий истак (олқиш) бирликларда гапларнинг ифода мақсадига кўра, дарак, сўроқ ва буйруқ гап турлари билан бирга истак мазмунини ифодаловчи гаплар анча устунлик қилади, яъни ижобий истак ифодаловчи бирликларининг феъл-кесимлари кўпинча буйруқ майли шаклида келган бўлса ҳам, мазмунан бирор иш-ҳаракатининг бажаришига буюришни эмас, хоҳиш - истак, илтижо маъноларини билдиради. Бу хилдаги бирликлар ўзбек тилида жуда кенг қўламда ишлатилади.

Аффиксиал моремаларнинг функционал хусусиятларига доир баъзи мулоҳазалар

Она тилимизнинг нуфузини, оҳанграбо жарангини, маъно жилосини англашдек вазифа қўшимчалар маъносини чуқур ҳис этишга боғлиқдир. Ҳамд сўзига –хон, –ма, –му, –улло, –бегим (аффиксоид) қўшимчаларнинг қўшилиши билан исм яратилиб, дурвиқор маънолар касб этилган. Кишилар уртасидаги муносабатни сўзлардаги нозик маънони қўшимчаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Қўшимчалар тил фанининг «Сўз ясалиши ва имлоси» да берилади. Аслида сўз ясовчи қўшимчалар лексикалогияда, сўз ўзгартирувчилар синтаксисда, шакл ясовчилар марфологияда урганилади. Барибир, тил фанининг 11 бўлимнинг ҳар бирига қатъий чегара қўйиб бўлмайди, чунки ҳамма бўлимнинг объекти-ҳарф, сўз, сўз бирикмаси, гапдир.

Дарсликда қўшимчалар вазифасига ва маъносига кўра 3 турга бўлинади: 1. Сўз ясовчи қўшимчалар. 2. Сўз шакли ясовчи қўшимчалар. 3. Сўз узгартувчи қўшимчалар.

Бизнингча, қўшимчалар вазифасига кўра сўз узгартувчига, шакл ва маъносига кўра омоним, синоним, антоним, кўп маъноли қўшимчаларга бўлиниши маъқул. Ҳайлаб кўрилса, сўз ўзгартирувчи қўшимчалар сўзни сўзга боғлаш вазифасини бажаради, улар грамматик муносабат ифодалайди, мутлоқо лугавий маъно билдирмайди. Буни 3-9-синф «Она тили» дарслиги (1996 й) 10-бетда грамматик шакл + грамматик вазифа = грамматик маъно шакли қолипни беради, тасдиқлайди. Шакл ясовчи қўшимчалар сўзнинг лугавий маъноси устига «юпқа» – даражали лугавий маъно қўшади. Масалан, Каримжон, укангни сочини олдириб кел, дейилса, иш ҳаракатни сартарош бажаради. Каримжон, укангни сочини олиб кел, дейилса иш ҳаракатни энди сартарош эмас, Каримжон бажаради. Туширилган биргина – дир шакл ясовчи қўшимча гапнинг маъносини ўзгартириб юборади. Бу қўшимча «юпқа» лугавий маънодир.

«Қўшимчаларнинг кетма-кет ўринлашиши ҳам қатъийдир.» Нутқимиздаги сўзлар одатда, узак + сўз ясовчи қўшимчалар + шакл ясовчи қўшимчалар + сўз узгартувчи қўшимчалар тартиби (Ҳ. Неъматов, «Она тили», 6-синф,

2001 йил) берилади. Тартиб ҳам шуни кўрсатадики, сўз ясовчилардан сўнг лугавий маъно берувчи шакл ясовчи қўшимчалар келади, ундан сўнг муносабат билдирувчи сўз ўзгартирувчи қўшимча қўшила олади. Дарслик шакл ясовчи қўшимчаларни «лугавий шакл қўшимчалари» деб тўғри атама қўлланган.

Бироқ «ўзак ва қўшимчалар сўзнинг маъноли қисмларидир», (ўша дарслик, 15-бет) дейилади. Гапдаги икки мантиқий фикр – изоҳталабдир. Қўшимчалар маъноси мантиқида лугавий шакл қўшимчалари, алоқа муносабат қўшимчалари (лугавий ва грамматик маъно) тушунилади. Дарсликнинг 18-бетида сўз ўзгартирувчи қўшимчалар сўзнинг лугавий маъносига таъсир этмайди, деб берилади.

Келишиқ қўшимчалари сўзни сўзга боғлаб, грамматик маъно билдиришидан ташқари лугавий тушунча бутунни, бутундан қисмни англата олади: узумни олинг (бутун), узумдан олинг (қисман).

Қўшимчалар туридан қатъий назар ҳар бир қўшимча аниқ, пухта, илмий асосга кўра ўқитувчидан шархлашни кутади. Дарсда ҳар бир қўшимча ҳақида фикр юритилганда, унинг хусусий номи (Бравишдош), умумий номи (шакл ясовчи) доимо эслатилиши лозим.

«Ўзбек тили морфем лугати»да 400 дан ортиқ қўшимчалар берилган. Бундан келиб чиқадики, ўқувчидан шунча қўшимчани 3 гуруҳга ажрата олиши талаб қилинади.

Умуман, тавсия қилинган учула қоида учун ҳам ясалган сўзда ўзакнинг маъноси сақланиши шарт эканлиги ўқтирилади. Тароқ, ўроқ, темирчи, гулдон сўзларидаги маъно сақланиши таҳлил қилинади. Шолча сўзи шол (ногирон) маъноси йўқлиги учун – ча қўшимчасини сўз ясовчи эмаслиги, китоб сўзда кит-балиқ, об-сув маъноси йўқлиги учун уларни туб сўзга киритилиши мунозара орқали ҳал қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Кат.ўқит.НосиржонУлуқов, НамДУ

Наманган вилояти фитогидронимлари хусусида

Одатда сувлик (ариқ, қудуқ, булоқ, жилга, канал, сой, кўл ва дарё)ларни номлашда мазкур сув объектига хос бирор жиҳат, белги-хусусият асос қилиб олинади. Бу

жараёнда сувликларнинг жойлашиш ўрни, тузилиши, шакли уларни бунёд этган шахсларнинг номлари, мазкур сувликлар атрофида яшайдиган ҳайвон ва жонзотлар ҳамда сувнинг белги-хусусиятлари асос вазифасини бажаради.

Дарахт ва ўсимликлар дунёси сув билан боглиқ. Сув бор жойда гиёҳ, ўсимлик унади, дарахт кўкаради. Чунончи, Ўзбекистон флораси турли-туман ранго-ранг бўлиб, унинг таркибида 4000 турдан ортиқроқ ўсимликлар мавжуд. Уларнинг кўпчилигидан халқ хўжалигимизнинг ҳар хил тармоқларида юқори сифатли хом-ашё ўрнида, кийим-кечак, дори-дармон, озиқ-овқат, пардоз-андоз бўюмлари ишлаб чиқаришда кенг кўламда фойдаланилади.¹ Демак, ўсимликлар инсониятнинг моддий тарихи билан чамбарчас боглиқ бўлиб, кишиларнинг ҳаёти ва хўжалик фаолиятида муҳим роль ўйнаган.²

Улар инсон учун хом-ашё, чорва учун озуқа ҳисобланган. Шунингдек, инсонлар ободонлаштириш мақсадида ва табиий эҳтиёж натижасида сувликлар атрофига манзарали, мевали дарахтлар утқазганлар, парвариш қилганлар. Кейинчалик, сувликларни бири-биридан ажратиш, фарқлаш учун уларни атрофида ўсаётган ўсимлик ва дарахтлар номи билан атай бошлаганлар. Бунинг натижасида ўзбек гидронимлари тизимида фитогидронимлар туркуми шакланган. Ўсимлик ва дарахт номлари асосида яратилган сувликлар номи фитогидроним (фито<рус.<Юнон. Phytон-ўсимлик + гидро рус.<Юнон. Сув Опота-исм, ном)³ лар дейилади. Фитогидронимларнинг лисоний хусусиятлари Н.Охунов томонидан тадқиқ этилган.⁴ Наманган вилояти гидронимлари тизимида 30 га яқин фитогидронимлар мавжуд: **Жийдалисой, Калта чинор булоғи, Ҳулвазорсой, Ҳуриқлисой жигаси, Қамиш булоғи, Олчасой, Бугдойпоясой, Анорзорсой, Бештол булоғи, Қайроғоч, Дулана, Шолғомариқ каби.** Мазкур фитогидронимларнинг ҳар бири ўзига хос лисоний белги хусусиятларга ва номланиш

¹ Ҳожиматов Қ. Ўзбекистоннинг хушбуй ва хуштаъм ўсимликлари.-Тошкент: «Фан», 1992, 6-бет.

² Юргин К.И. Отражение фито и зоогеографии в эвенкийских географических названиях. В сб.: Язук и топонимия Сибири. Вунс П. Томск, 1970 стр. 50

³ Қаранг Усмонов О., Дониёров Р. Русча - интернационал сузлар изоҳди лугати.- Тошкент «Фан», 1965, 122-483-, 457-бетлар

⁴ Қаранг. Охунов Н. Фарғона области фитонимларини урганишга доир// Ўзбек тили ва адабиёти, 1992, 4-сон, 32-35-бетлар.

тарихига эга. Чунончи, Чақатикан-Поп туманининг Гулистон қишлоғидаги булоқ номи. Ҳозирги ўзбек адабий тилида «чақа» сўзи омоним сўз бўлиб, қуйидаги маъноларни англатади:

А) мисдан тайёрланган майда пул;

Б) гўдак, жуда ёш бола;

В) ишқаланиш, урилиш натижасида ҳосил бўладиган кичик яра.¹ Шунингдек, «нарсаларнинг бетида ҳосил бўлган майда материк ўйиқ» ҳам чақа деб аталади.² Тикан эса ўсимликларнинг ингичка учли, нинасимон органи. Демак, чақатикан-чақасимон тиканли ўсимлик. Бизнигча, мазкур сўз «чақир тиканак» сўзининг Наманган шеваларига хос варианты. Чақир тиканакпояси ётиб ўсадиган ёввойи ўт ва унинг юлдузча шакли тикани.³ Булоқ атрофида худди шундай ўсимлик ўсади, шунга кўра булоқ Чақатикан (Чақир тикан) деб аталган.

Наманган вилояти фитогидронимларини қандай дарахт ёки ўсимлик номи билан аталишига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Манзарали дарахт номлари асосида яратилган гидронимлар: Қайрағоч ариқ (Учқўрғон тумани Қайқи қишлоғи), Калта чинор булоғи (Чуст тумани Варзик қишлоғи), Теракли булоқ (Поп тумани Гулистон қишлоғи), Теракли ариқ (Учқуршиқ қишлоғи), Якка тол бува булоғи (Чуст тумани Олмос қишлоғи), Бештол булоғи (Чортоқ тумани), Қушгол ариқ (Ахча қишлоғи).
2. Мевали дарахт номлари билан аталган гидронимлар: Олчасой (Чуст тумани гова қишлоғи), Анорзорсой (Ҳйчи тумани Гулистон қишлоғи), Дулана ариқ (Чуст тумани Варзик қишлоғи), Қуюқтут (Ҳйчи тумани гайрат қишлоғи), Олматикан ариғи (Чортоқ тумани Сарой қишлоғи), Яккатут жилғаси (Чуст тумани Машҳад қишлоғи). Чунончи, жийда-барғи узун, гули хушбўй мевали дарахт. Вилоятнинг барча туманларида жийда дарахти куп ўсади. Шу боис Наманган вилояти фитогидронимлари доирасида жийда дарахти номи билан аталган гидронимлар куп: Жийдалисой сув омбори (Поп, Ҳйчи туманлари), Жийдали булоқ

¹ Қаранг Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли лугати.-Тошкент: «Ўқитувчи». 1984, 152-бет.

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2-том.-Москва: «рус тили», 1981, 359-бет.

³ Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 2-том, 172-бет.

//Жийдалибува булоги (Чуст тумани Балиқчи қишлоғи) каби.

3. Донли ўсимликлар, полиз экинлари ва сабзавот номлари билан аталувчи гидронимлар: **Бугдойпоясой** (Уйчи тумани Қизилровот қишлоғи), **Шоғом ариқ** (Янгиқўрган тумани Навкент қишоғи) каби.
4. Чунончи, Шолғом ариқ Янгиқўрган туманининг Навкент қишлоқ кенгашига қарашли собиқ Тельман маҳалласидан оқиб ўтувчи ариқ. Маҳаллий аҳоли вакиллари айтишларича, бу ариқ ковланиб, биринчи марта сув оқизилганганда ариқ ёқаларига шолғом уруғи сепилган, ундан яхши ҳосил олинган. Шунга нсибат бериб, қадимдан бери уни «Шолғомариқ» деб аталади.
5. Ўт номлари билан аталувчи гидронимлар:

Қўғаликўл (Мингбулоқ тумани Қўғаликўл қишлоғи), **Хулвазорсой** (Чуст тумани Гулистон қишлоғи), **Қизилқийёқ жилғаси** (Чуст тумани Шоён қишлоғи) каби. Чунончи, **қўға-ичи** говак ва юмшоқ, баргига ўхшаш узун бўлиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик. Қўға одатда бўйинча яшаш, қовун осиб сақлаш учун ишлатилади. **Қўға қоага**, **қўғай** деб ҳам аталади.¹ Мазкур ўсимлик кўпроқ сувликлар бўйида ўсади. Вилоятнинг Мингбулоқ, (собиқ Задарё) тумани ҳудудида оқава сувлар ҳосил қилади, унинг атрофида анна шундай қўға ўсимлиги кўп ўсанлигига кўра бу кўл **Қўғайликўл** деб аталган. Вақтлар ўтиш билан ономастик конверсия усули асосида кўл номи қишлоқ, маҳалла номига, яъни фитогидроним фитотопонимга айланган.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан кўриниб турганидек, ўсимлик ва дарахт номлари асосида яратилган гидронимлар-фитогидронимлар ўз мазмун моҳияти, этимологияси, шаклланиш тарихи билан ўзи мансуб ҳудуднинг табиатини, ўсимликлар дунёсини ўзида акс эттиради. Шу боис Ўзбекистон, жумладан, вилоят фитогидронимларини лисоний жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 2-том, 592-бет

Тил, миллат ва миллий маданият

Тил физиологик ходиса сифатида ҳар бир жонзотда бор нарсадир. Унинг киши танаси аъзоси сифатида бир қатор вазифалари бор. Айниқса одам аъзосида тил бошқа жонзодларнинг тилидан фарқли сўзлашдек буюк неъматта эга. Айнан шу улуг неъмат одамларни бошқа жонзодлардан ажратиб туради.

Тил ижтимоий ҳиҷатдан кишилар ўртасидаги алоқа воситаси ҳисобланади. Ҳар бир халқнинг, у оз ёки куплигидан қатъи назар ўз тили бўлади. Халқ бор жойда тил бор, халқсиз тил бўлмайди. Тилсиз халқ ҳам бўлмайди. Тилини йўқотган халқ ўзини ҳам йўқотади, бутунлай бошқа халққа айланиб қолади. Демак халқ бор жойда тил бор, тил бор жойда халқ бор. Уларни бир – биридан ажратиб бўлмайди. Улар бир-бирини тақозо этади.

Халқ учун тилнинг мўътабарлиги шу тилда сўзловчи кишиларнинг миқдорига боғлиқ эмас. Ўзлигини англаган ҳар бир халқ ўз тилини азиз билади, уни асраб-авайлайди, келажак авлодга қолдиради. Нисбатан кам сонли овар халқнинг оташин фарзанди Расул Ҳамзатовнинг ўз она тилини эъзозлаш ҳақидаги шеъри ҳар қандай чақириқдан афзал, ҳар бир кишининг юрак-юрагига етиб боради. Ҳеч бир тилни кам сонли халқ тили экан деб камситиб бўлмайди. Дунёдаги ҳар бир тил ўзича гўзал, ўзича бой, ўзича мафтункор фақатгина тараққиёт даражаси турлича бўлган тиллар бор. Маълум бир тилда ер юзи аҳолисининг кўпчилиги ўзаро мулоқот қилса, бошқасида камроқ кишилар гапиради. Бу мана шу тилда гаплашадиган миллатнинг тарихий босиб ўтган йўли, ижтимоий иқтисодий аҳволи, маданияти, фани ва маънавиятининг қанчалик ўстанлигига боғлиқ.

Тил ва халқ боғлиқлиги ҳақида гапирилди. Тил ҳақида сўз юрита туриб, «миллат» деган тушунчага ҳам бақамти келдик. Демакки тил миллат тушунчаси билан ҳам боғлиқ экан.

Миллат нима ўзи? Унга қандай таъриф бериш мумкин? Миллат сўзига ҳар қадамда дуч келамиз, уни тез-тез қўллаймиз, радио, телевидениеда кўп эшитамиз.

Авалло миллат сўзига эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур. Уни уринли-уринсиз тарзда ишлатиб, кишиларни чалғитиб қўйиш ҳеч гап эмас. Маълум бир эътиқоди, маълум бир хислатига кўра кишиларни бир миллатга мансуб деб бўлмайди. Уларнинг қайсидир «ўқ томири» қачонлардир бир бўлганлиги табиий, лекин вақтлар ўтиши билан улар алоҳида миллат тарзида шакланган ва тараққий этмоқда. Миллатни маълум бир чегарадаги халқ сифатида ҳам тушуниш мумкин эмас. Негаки, маълум бир миллат бошқа давлатлар ҳудудида ҳам яшаши мумкин.

Шунингдек, миллатни бирорта синфга мансуб кишилар сифатида талқин этиш ҳам нотўғри бўлар эди. (Яқин ўтмишда шундай қараш ўзини оқламаганлиги ҳамон эсимизда). Негаки, жамиятнинг ҳар қандай табақа вакили бир миллатга мансуб бўлиши мумкин. Миллат тушунчаси ҳар қандай синфийликдан юқори туради. «Миллат кишиларнинг тарихий бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демақдир». (Ибрҳимов А. ва бошқа Ватан туйғуси. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й, 78-бет).

Маълумки, қадимдан аجدодларимиз турли номлар (Сўғд, массагет ва бошқалар) билан аталиб келинган. Ҳозирги ўзбек миллати ана шу элатларнинг авлодларидир. Лекин миллатнинг шаклланишида маълум бир доирадаги чекланган элатларнинг иштирокигина етарли эмас. Бутунги кунимизда сақланиб қолган урф - одатлар, турмуш тарзи, маданият, санъат, меъморчилик, меҳнат қуроқларига эътибор берадиган бўлсак, улардан миллатимизнинг ягона миллат бўлиб шаклланишига маълум даражада сабаб бўлган элар, элатларнинг таъсири яққол кўриниб туради.

Бир пайтлар, гарчи ўзагимиз бир бўлса-да, унда дунёдаги барча миллатларни тараққий эттириш, яъни интеграциялаш орқали (туғрироғи, зўравонлик билан) бир миллат қилиб қўшиб бориш пуч ҳаёл эканлиги яқин ўтмишда ўз исботини топди. Хуллас, алоҳида миллат сифатида таркиб топган миллат энди, фақат алоҳида миллат сифатида тараққий этиши мумкин - бу исбот талаб қилмайдиган ҳолдир.

Юқорида халқ билан тилнинг узвий боғлиқ эканлиги ҳақида гапирилган эди. Энди миллат ҳақида гапирилганда унинг ҳам тил билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлаш уринли бўлади. Шунга кўра «Миллий тил» деган истелоҳ ҳам вужудга келган. Миллий тил миллатнинг миллат эканлигини кўрсатувчи энг муҳим омилардане биридир.

Тил, миллат ва миллий маданият

Тил физиологик ходиса сифатида ҳар бир жонзотда бор нарсадир. Унинг киши танаси аъзоси сифатида бир қатор вазифалари бор. Айниқса одам аъзосида тил бошқа жонзодларнинг тилидан фарқли сўзлашдек буюк неъматга эга. Айнан шу улуг неъмат одамларни бошқа жонзодлардан ажратиб туради.

Тил ижтимоий жиҳатдан кишилар уртасидаги алоқа воситаси ҳисобланади. Ҳар бир халқнинг, у оз ёки кўплигидан қатъи назар ўз тили бўлади. Халқ бор жойда тил бор, халқсиз тил бўлмайди. Тилсиз халқ ҳам бўлмайди. Тилини йўқотган халқ ўзини ҳам йўқотади, бутунлай бошқа халққа айланиб қолади. Демак халқ бор жойда тил бор, тил бор жойда халқ бор. Уларни бир –биридан ажратиб бўлмайди. Улар бир-бирини тақозо этади.

Халқ учун тилнинг мўътабарлиги шу тилда сўзловчи кишиларнинг миқдорига боғлиқ эмас. Ўзлигини англаган ҳар бир халқ ўз тилини азиз билади, уни асраб-авайлайди, келажак авлодга қолдиради. Нисбатан кам сонли овар халқнинг оташин фарзанди Расул Ҳамзатовнинг ўз она тилини эъзозлаш ҳақидаги шеъри ҳар қандай қақирқдан афзал, ҳар бир кишининг юрак-юрагига етиб боради. Ҳеч бир тилни кам сонли халқ тили экан деб камситиб бўлмайди. Дунёдаги ҳар бир тил ўзича гўзал, ўзича бой, ўзича мафтункор фақатгина тараққиёт даражаси турлича бўлган тиллар бор. Маълум бир тилда ер юзи аҳолисининг кўпчилиги ўзаро мулоқот қилса, бошқасида камроқ кишилар гапиради. Бу мана шу тилда гаплашадиган миллатнинг тарихий босиб ўтган йўли, ижтимоий иқтисодий аҳволи, маданияти, фани ва маънавиятининг қанчалик ўсганлигига боғлиқ.

Тил ва халқ боғлиқлиги ҳақида гапирилди. Тил ҳақида сўз юрита туриб, «миллат» деган тушунчага ҳам бақамти келдик. Демакки тил миллат тушунчаси билан ҳам боғлиқ экан.

Миллат нима ўзи? Унга қандай таъриф бериш мумкин? Миллат сўзига ҳар қадамда дуч келамиз, уни тез-тез қўллаймиз, радио, телевидениеда кўп эшитамиз.

Аввало миллат сўзига эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур. Уни уринли-ўринсиз тарзда ишлатиб, кишиларни чалгитиб қўйиш ҳеч гап эмас. Маълум бир эътиқоди, маълум бир хислатига кўра кишиларни бир миллатга мансуб деб бўлмайди. Уларнинг қайсидир «уқ томири» қачонлардир бир бўлганлиги табиий, лекин вақтлар ўтиши билан улар алоҳида миллат тарзида шаклланган ва тараққий этмоқда. Миллатни маълум бир чегарадаги халқ сифатида ҳам тушуниш мумкин эмас. Негаки, маълум бир миллат бошқа давлатлар ҳудудида ҳам яшаши мумкин.

Шунингдек, миллатни бирорта синфга мансуб кишилар сифатида талқин этиш ҳам нотўғри бўлар эди. (яқин ўтмишда шундай қараш ўзини оқламаганлиги ҳамон эсимизда). Негаки, жамиятнинг ҳар қандай табақа вакили бир миллатга мансуб бўлиши мумкин. Миллат тушунчаси ҳар қандай синфийликдан юқори туради. «Миллат кишиларнинг тарихий бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демакдир». (Ибрҳимов А. ва бошқа Ватан туйғуси. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й, 78-бет).

Маълумки, қадимдан аждодларимиз турли номлар (Сўғд, массагет ва бошқалар) билан аталиб келинган. Ҳозирги ўзбек миллати ана шу элатларнинг авлодларидир. Лекин миллатнинг шаклланишида маълум бир доирадаги чекланган элатларнинг иштирокигина етарли эмас. Бугунги кунимизда сақланиб қолган урф – одатлар, турмуш тарзи, маданият, санъат, меъморчилик, меҳнат қуролиригача эътибор берадиган бўлсак, улардан миллатимизнинг ягона миллат бўлиб шаклланишига маълум даражада сабаб бўлган эллар, элатларнинг таъсири яққол кўриниб туради.

Бир пайтлар, гарчи узагимиз бир бўлса-да, унда дунёдаги барча миллатларни тараққий эттириш, яъни интеграциялаш орқали (тўғрироғи, зўравонлик билан) бир миллат қилиб қўшиб бориш пуч хаёл эканлиги яқин ўтмишда ўз исботини топди. Хуллас, алоҳида миллат сифатида таркиб топган миллат энди, фақат алоҳида миллат сифатида тараққий этиши мумкин – бу исбот талаб қилмайдиган ҳоддир.

Юқорида халқ билан тилнинг узвий боғлиқ эканлиги ҳақида гапирилган эди. Энди миллат ҳақида гапирилганда унинг ҳам тил билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлаш уринли бўлади. Шунга кўра «Миллий тил» деган истелоҳ ҳам вужудга келган. Миллий тил миллатнинг миллат эканлигини кўрсатувчи энг муҳим омилардане биридир.

Миллат бор экан, миллий тил бор, миллий тил мавжуд бўлса, миллат ҳам мавжуддир. Дунёдаги ҳар бир тил маълум бир миллий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Демак, тил, миллат тушунчалари баробарида миллий маданият тушунчаси ҳақида ҳам фикр юритиш зарур бўлади.

Миллий маданият тушунчаси кенг тушунча ҳисобланиб унга маълум бир халққа тегишли илм, санъат, фан, адабиёт, тил, урф-одатлар ва бошқалар мансубдир.

Яқин ўтмишда миллат сўзини айтиш анчайин қалтис бўлганидек, миллий маданият ҳақида гапириш ҳам анчайин хавфли эди. Ҳозирги пайтда эса миллий маданият тушунчасини фақат таъкидлабгина қолмасдан, уни тобора равнақ топтириш учун курашиш зарурлиги аён бўлиб қолди.

Ҳар бир жамият ва давр ўз маданиятига эга. Жамият маълум бир ўзгаришга учраган пайтда маданият ҳам ўзгаради. Лекин маданиятнинг ривожи давом этади, аввалги маданият йўқ бўлиб кетмайди. Янги миллий маданиятни тараққий эттириш учун албатта аждодларимиз даврларида мавжуд бўлган маданият равнақи тажрибаларига таянилади. Шу билан бирга ўтмиш маданияти қандай ҳолатда бўлса ушандай тарзда қабул қилиб олинмайди. Унга танқидий ёндошиб, энг яхши жиҳатларигина олинади. Янги замонга мос келмайдиган жиҳатларидан воз кечилади. Ана шундай танлаш асосида ҳақиқий миллий маданият вужудга келади ва у жамиятнинг кўзгуси бўлиб қолади. Миллий қадриятларимиз мустақиллик маданиятини яратишда асос бўлиб бўлиб хизмат қилмоқда.

Хуллас, миллий тил, миллат ва миллий маданият кабиларнинг барчаси бир-бирини тақозо этувчи тушунчалардир. Улар ўзаро мувофиқликда шаклланади ва тараққий этади. Миллат миллий маданиятнинг яратувчиси, унинг эгаси ҳисобланади, миллий тил эса маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Кат.уқит. М.Сапарниёзова, ТДПУ

Ўзбек халқ топишмоқларида содда гап қолиплари.

Гап мураккаб структурадир. Содда гап мавзуси ўзбек тилшунослигида А.Нурмонов, И.Расулов, Р.Сайфуллаева,

Р.Бобокалонов, М.Абузалова, М.Қурбонова ишларида махсус боблар сифатида тадқиқ этилган. Юқоридаги авторлар хулосасига кўра, бу содда гап қолиплари лисоний сатҳда қанчалик содда, ихчам кўринишда бўлишлариغا қарамай, нутқий сатҳда ҳар бир сўзнинг семантик валентлиги, кесимлик категориясининг грамматик валентликлари замида чексиз ва ранг-баранг воқеланиш имкониятига эга. Демак, гап термини умумлашган бирлик сифатида моҳиятан тил бирлигини, реаллашган ҳодиса сифатида эса нутқ бирлигини ифода этади. А.Нурмонов синтактик бирликларнинг уч томони мавжудлигини таъкидлайди:

Синтактика Семантика Прагматика¹

Бу талқинга кўра синтактика лисоний бирликларнинг шаклий муносабатларини, семантика белгининг борлиқ объекти билан муносабатини, прагматика- белгининг сўзловчи билан муносабати ҳақидаги таълимотни билдиради. Лисоний борлиқларнинг бу тарздаги талқини халқ топишмоқлари гап моделлари учун айнан мос келади.

Халқ топишмоқларида содда гап қурилишининг йиғиқ ҳолати предикатив характерда бўлади. Жумбоқланаётган предмет – гап субъекти мақомида бўлиб, унинг бир неча белгилари келтирилади. Бу предикатлар тасдиқ-инкор шаклида бўлади:

Эшитади, курмайди. (Қулоқ)

Халқ топишмоқларидаги содда гапларнинг синтактик қурилиши тадқиқ қилинганда ёйиқ ҳолат кўп кузатилади. Бунинг сабабини жумбоқланаётган предмет ҳақидаги ахборотнинг тўғри тушунлиши учун бир неча хил белгининг берилишидадир, деб изоҳлаш мумкин.

Ўзбек тилида гап булаklarининг жойлашиш тартиби эркин. Гапдаги булаklarнинг ўрнини алмаштириш уларнинг грамматик ҳолатига асосан таъсир қилмайди:

Кеча музейга бордик – Музейга кеча бордик, каби.

Бироқ халқ топишмоқлари тилида гап булаklarининг тартиби деярли тургун ҳолатда бўлади. Гапнинг актуал

¹ Н.Мацмудов, А.Нурмонов. «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси», 9-бет.

булинишига кура коммуникатив жиҳатдан энг аҳамиятли булак, аҳамияти жиҳатидан биринчи уринга қуйилган булак олдин келади. Масалан:

Олис ердан чанг чиқар. (Купкари)

Кук куйлакка гўза ёйдим. (Осмон, юлдузлар)

Бу топишмоқларни

Чанг олис ердан чиқар.

Гўзани кук куйлакка ёйдим.

типида ўзгартириш жумбоқланаётган предмет ҳақидаги сўхборотни тушунишда қийинчилик туғдиради. Халқ топишмоқларида гап булакларининг тартиби гапнинг актуал булаклари билан белгиланади.

Содда ёйиқ гап типдаги топишмоқларда урин ҳоли + эга + кесим тартибидаги модел кенг тарқалган.

Тоғ устида ўрмон бор. (Соч)

Жарда жантоқ осувли. (Зирак, сирға)

-дескриптив (бирикмали) ҳол + эга + кесим:

Юмалоқ тепада қилич уйнар. (Устара)

-дескриптив ҳол + дескриптив эга + кесим:

Темир қургон ичида

Қизил тойчоқ уйнайди. (Тил)

Эшик орқасида бели боғлиқ қул ётар. (Супурги)

Бундай топишмоқларда урин ҳоли деб ажратилаётган ҳоким компонент – кесим билан дистант ҳолатда булади. Ҳоким компонент билан синтактик алоқаси нисбатан кучсизланади.

М.Бошмонов узбек тилидаги бундай кесим билан зич бирикмайдиган булакларни «детерминант булаклар» деб

атайди.¹ «Ҳол ёки тўлдирувчилар формасида шакланган детерминантлар қўлланган гапларда буларга нисбатланган ҳолда сўз бирикмасини, қолаверса, сўз бирикмаларга хос, бирор ҳоқим компонентни аниқлаб бўлмайди.» (уша жойда)

детерминант ҳолатдаги тўлдирувчи дескриптив (бирикмали) ҳолатда + эга + кесим тартибида бўлади:

Кўк кўйлакка қўл етмас. (Осмон)

Ўз гўрини ўзи ковлар. (Томчи)

Олтмиш икки айбни оқ ёпар. (Қатиқ)

дескриптив (бирикмали) эга + равиш ҳоли + кесим тартибида муҳим бўлак сифатида эга белгиланади (тургун ҳолат).

Куккина қўзим қуванда туриб семирар. (Тарвуз)

Кўк отим кўкка қараб йўргалайди. (Тутун)

Бойнинг ўгли кўкка қараб йиглайди. (Бойўгли)

дескриптив эга + тўлдирувчи + кесим:

Бир кўзли кампир кўйлакка гул тикар. (Игна)

Икки ога-ини бир-бирига кўрнмайди. (Кўз)

Бир бош бугдой тўлдирав. (Чироқ)

-дескриптив эга = кесим:

Икки ботир қиличлашар. (Қайчи).

Ўқит. Илмира Қувандиқова, ТДПУ

От туркумини қиёсий ўрганиш

От ўз сўз туркумига оид сўзлар барча тиллар грамматикасининг асосини ташкил этади. Негаки, борлиқ табиатда мавжут ҳодиса ва нарсаларнинг узига хос номи

¹ М. Бошмонов. «Ўзбек тилида детерминант бўлаклари». Ўзбек тили ва адабиёти, 1982. №2, 41-43-бет.

бир маълум бир ном билан аталади. Ном бўлгандан кейин албатта грамматикада от сўз туркумига мансуб бўлади ва асосий граматик гуруҳни ташкил этади. Шунинг учун ҳам барча тилларда от сўз туркуми бош туркум ҳисобланади, бошқа сўз туркумлари эса у билан грамматик жиҳатдан боғланиб, унинг маъносини янада кенгроқ очиб беришга хизмат қилади. Бу ҳодиса узоқ ва яқин тиллар ўртасида яқинлик, муштаракликни англатса, бошқа жиҳатлари билан улар бир-биридан жиддий фарқланади. Ушбу муъжазгина мақолада тиллараро фарқлар (бу ерда ўзбек ва рус тиллари назарда тутилган) от сўз туркумини қиёсий ўрганиш асосида маълум даражада ёритиб беришга ҳаракат қилинди.

От сўз туркумини категориялар асосида ўрганиш қиёслашнинг самарали бўлишига олиб келади.

Ўзбек ва рус тилларида отлар ким? ва нима? сўроқларига жавоб бўлади. Бу демак ҳар иккала тилда ном ва предметлик категорияси мавжуд эканлигини кўрсатади. Ўзбек тилда ким? сўроғига кишилар номлари ва шахсни англатувчи сўзлар (ака, ука, тоға, хола ва бошқалар) жавоб бўлса, рус тилида барча жонли нарсалар кто? сўроғига жавоб бўлади. Рус тилида хаттоки уйин картаси ва шахмат сийдоҳиларидаги номлар ҳам кто? сўроғига жавоб бўлаверади. Қизиғи шундаки, ўзбек тилида янги тутилган чақалоқ нима? сўроғига жавоб бўлади. Яъни бола тутилганда, нима тутилди? (ким тутилди эмас) деб савол берилади. Рус тилида эса одам вафот этганидан сўнг майитга нима сўроғи берилади. Демак рус тилидаги жонли ва жонсиз предметларни ифодаловчи категория ўзбек ва рус тиллари орасидаги отларга сўроқ қўйиш муаммосини келтириб чиқаради. Негаки, юқорида айтиб утилганидек, рус тилида барча жонзотлар кто? жонсиз предметлар эса что? сўроғига жавоб бўлади ва бу албатта куплаб грамматик ўзига хос жиҳатларга сабаб бўлади.

Ўзбек тилидаги от сўз туркумига хос бўлган яна бир категория келишик категориясидир. Келишик категорияси рус тилида ҳам мавжуд. Хар иккала тилда олтиадан келишик борлиги уларни ташқаридан бир-бирига ухланишини таъминлагандек туюлади. Лекин бу тиллар турли лисоний оилаларга мансублиги келишикларни бир-биридан жиддий фарқланишига олиб келади. Ўзбек тилида келишик қўшимчалари барча сўзлар учун баробар. Номни ёки нарсани англатувчи барча отлар келишиклар

қўшимчаларни бирдек қабул қилаверади. Рус тилида эса келишиқ қўшимчалар отларнинг қайси родга мансублиги, узагининг юмшоқ ёки қаттиқ талаффуздаги ундош билан туташа каби вазиятларга боғлиқ равишда ўзгариб туради.

Ўзбек ва рус тилларидаги бош келишиқлар бир-бирига мос келади, яъни от сўз туркумидаги сўзларнинг дастлабки шаклини ифодалайди. Рус тилидаги сўзларнинг грамматик кўрсаткичлари мавжудлиги туфайли Именительный падежда сўзларнинг қайси родга оид эканлиги яққол кўриниб туради. (Масалан: стол-муж род, улица-женский род, море-средний род). Ўзбек тилида эса род категорияси мавжуд эмаслиги туфайли бош келишиқдаги сўзлар грамматик кўрсаткичга эга эмас. (Масалан: дарахт, сўз, баҳор ва бошқалар).

Ўзбек ва рус тилларида кўплик категорияси мавжуд. Рус тилида кўплик категорияси бир неча қўшимчаларни (-и, -ў, -а каби) қўшиш йўли билан ҳосил қилинади. Ўзбек тилида асосан битта қўшимча (-лар) кўплик маъносини билдиради. Лекин -лар қўшимчаси ўзбек тилида кўплик маъносидан ташқари ҳурмат, кучайтириш, кесатик маъноларини англатади. Рус тилидаги кўплик қўшимчасига бундай хусусият хос эмас. Рус тилида фақат кўпликда қўлланиладиган отлар (судки, ножницы, щипцы ва бошқалар) мавжуд. Ўзбек тилида эса бундай отлар йўқ. Ўзбек ва рус тилларида фақат бирликда қўлланиладиган (тўкилувчан, сочилувчан) отлар мавжуд. Уларга хар иккала тилда ҳам кўплик қўшимчаси қўшилмайди, шунингдек мавҳум отларнинг кўпчилиги ҳам кўпликда қўлланилмайди.

Ўзбек тилида бирор нарсанинг кимгадир тегишли эканлигини билдириш учун эгалик қўшимчалари (-и, -си, -ники) мавжуд. Улар рус тилида эгалик олмошларига мос келади. Шуларга кўра ўзбек ва рус тиллари ҳамда бошқа тилларни қиёслаш асосида ўрганишда уларда мавжуд категорияларига таяниш яхши самара беради. Тилларни қиёсий ўрганиш маълум бир тил соҳибларига иккинчи тилни мохиятига тушуниб эгаллашларига ёрдам беради. Ўзбек ва рус тилларидаги от сўз туркумини қиёслаш асосида бу сўз туркумига оид сўзларни қўллашда ниҳоятда эҳтиёткорлик зарурлигини кўрсатади.

Мунира Алимова, НамДУ
Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар»
романининг тил хусусиятлари

... Эҳтирос билан ёзилган ҳақиқий асарда лоқайд саҳифалар эмас, ҳатто сатрлар, сўзларга ҳам ўрин бўлмайди

Абдулла Қаҳҳор.

Тоғай Муроднинг насрий олами ўзига хос услубда яратилганлиги билан кўзга ярқ этиб ташланади. Чунончи, адибнинг «Отамдан қолган далалар» романи ўзбек деҳқони ҳақида насрда битилган қўшиқ. Роман замирида ўзбекона бағри кенглик, тантлиқ, олижаноблик ва меҳнатсеварлик билан бани инсониятнинг бахт-саодатига, меҳр-муруватига бўлган куюнчаклик ҳиссининг уйғунлиги ётади. «Отамдан қолган далалар» романи учун яқин ўтмишнинг аччиқ сабоқлари мавзу қилиб олинган. Мазкур романнинг катта олқишлар билан кутиб олинишининг сабаби асарнинг тилидир.

Одатда, бадий адабиётнинг қиммати унинг тили билан, бадийлиги даражаси билан ўлчанади. Оҳангсиз мусиқа бўлмаганидек, адабиётни ҳам бадий тилсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Асарнинг тили қанча равон, жозибали, халқчил бўлса, асарда жозибали ва бадийлик ҳам юксак даражада бўлади. Тоғай Мурод ана шундай юксакликка эриша олган. «Отамдан қолган далалар» романининг ҳар сатридан халқона руҳ, халқона соддалик, халқона услуб уфуриб туради. Масалан,

-Сув эгилмиш толлар мажнун-мажнун солланади (5-бет).

Гапдаги мажнун сўзи, жонли сўзлашув нутқида «телба, ақд-хуши жойида бўлмаган, жинни» маъноларида қўлланса, Тоғай Мурод фикрни таъсирчан бўлишини услубий бўёқни ошириш мақсадида мазкур сўзни ўзгачароқ маънода, яъни «гузал, мафтункор» маъноларида қўллаган.

Тоғай Мурод сўзлашув нутқининг бой имкониятларини ва Сурхон диалектининг гузал қирраларини, жилосини мазкур бадий асарга олиб кирди. Чунончи,

-Кургилгинг кўп бўлсин, сендайчикин эркакни! -деди (127-бет).

Гапдаги сендайчикин адабий тилдаги сен олмошининг Сурхон жонли сўзлашув нутқидаги вариантдир. «Кургилгинг кўп бўлсин» ибораси салбий маънода бошга тушган қийинчиликлар, савдолар маъносида қўлланиб, асардаги бетакрор жозибаларни ифода этишга хизмат қилган.

Тоғай Мурод ушбу асарда ўзбек тилининг ички имкониятларини тўла буй-басти билан кўрсата олди:

1. Асарда умумхалқ мақоллари ва иборалари фикрни бадиий, образли тарзда ифодалашга хизмат қилган. Чунончи:

- Бу дунё тескари дунё, демишлари чин булди (149-бет).

(Деҳқонқул нутқидан.)

Демишлари сўзи адабий тилда деганлари шаклида бўлиб, Тоғай Мурод кишининг аҳволи, руҳий ҳолатини беришда ушбу мақолни келтириб ўтган. Тоғай Мурод асарнинг халқчиллигини таъминлаш, жозибасини ошириш ҳамда воқеликни ёрқин тасвирлашда «Бу дунё тескари дунё, деганлари рост экан» мақолининг сўзлашув нутқида хос муқобилини қўллаганки, мақол кишининг руҳий ҳолатини очиб беришда катта моҳият касб этган.

Иборалар асарнинг содда ва ҳақчиллигини, образлилигини оширган. Чунончи, романда қўлланган тулки қизига тўй берди («очиқ ҳаво» маъносида), ер хансиради («чанқоқ ер» маъносида), далаларим болалади («ғуза чиқди» маъносида) каби халқона иборалар фикримиз далилидир.

2. Адабий тил ва шевада кенг истеъмолда бўлган жуфт, такрорий сўзларни кўп ишлатиш, фикрни қайта-қайта тарду акс билан қўллаш орқали ўзбек насрида янги алоҳида услуб яратди. Тоғай Мурод ўз фикрини таъсирчан, юксак бадиий тарзда ифода этишга эришди. Шу боис асардаги бадиий тасвирлар ўқувчининг юрагида, шуурида муҳрланиб қолди. Чунончи,

Шу боис... бир, икки сўм йўлқира қарз бериб турсангиз, деб эдим. Бола-бақрам олдиға эсон-омон етиб борсам армоним йўқ... (258-бет)

Бола-бақра жуфт сўзини адиб фикрни ихчам, лўнда ва сигимдор тарзда ифодалаш учун қўллаганки, ҳозиргача бўлган адабий оралиқда ҳали ҳеч ким Тоғай Муродчалик

тил воситаларидан моҳирлик билан фойдаланмаган. Мазкур ўринда оила, жуфт-ҳалоли ҳамда фарзандлар маъноларини жамлаб бола-бақра жуфт сўзини қўллаган.

Далаларимни энлатиб-энлатиб сихмола солдим (99-бет).

Гапдаги энлатиб сўзи энламоқ феълдан, яъни энла феъл узагига -т орттирма нисбат ҳамда -иб - қўшимчаларини қўшиш орқали феълнинг диалектта хос равишдош шакли ҳосил қилинган.

Энламоқ-эн томонга чўзилмоқ, энини қопламоқ, босмоқ, олмоқ деган маъноларни англатади.¹ Шу ўринда агар ёзувчи «кенг» маъносини қўлаганда, фикр бунчалик жозибали, ифодали ёритилмаган бўларди.

3. Жонли сўзлашув нутқида хос диалоглар асарнинг содда ва халқчил бўлишини таъминлаган:

- у-уй, жуҳуди

- Жуҳуди атлас отлиққа йўг-у.

- Бир жўраси қанчадан экан?

- Бир жўра атлас икки юз сўм экан.

- уҳ-ў-ў, (95-бет).

Гапдаги жуҳуд атамаси сўзлашув тилида қўлланиладиган атлас терминининг аниқловчиси бўлиб келган, яъни жуҳуд ва атлас сўзлари бир бутун бирикма ҳосил қилган. Отлиқ - от минган жангчи, суворий¹. Отлиқ ушбу гапда кўчма маънода, яъни ўзига тўқ, бой, бадавлат кишига нисбатан қўлланилган.

Жўра эса форс-тожикча сўз бўлиб, бир кийимли икки бўлақдан иборат мол (беқасам, атлас, шойи ва ш.к.)

Жўра - ҳозирги ўзбек адабий тили жонли сўзлашув нутқида улфат, ўртоқ каби бир қанча маъноларга эга. Асарда жўра сўзи асл маъносидан метафора усули билан маъно кўчиши орқали ифода кучини беқиёс эканлигини яна бир бор гувоҳи бўламиз.

ўҳ-ў-ў ундов сўз бўлиб, ҳайратланиш, ажабланиш маъносига қўлланган.

4. Тоғай Мурод асарда шахснинг хусусиятларини, яъни қахрамоннинг соддалиги, тантлиги, қатъиятлилигини ўз тили билан, ўз нутқи билан жуда кўп сўзларни келтиради. Чунончи, асарни ўқиган ўқувчи Дехқонқул деганда уйнаб қўяй бирикмасини эсга олмай иложи йўқ. Чунончи,

- уйнаб қўяй, нотанти - нотанти қилиқларингдан уйнаб қўяй дейман (94-бет).

уйнаб қўяй бирикмасида сўз ва ҳаракат, тил ва фикр уйғунлиги кузатилади.

уйнаб қўяй грамматик жиҳатдан кўмакчи феъли сўз қушилмаси ҳисобланиб, қўй кўмакчи феъли билан феълининг равишдош шаклини ҳосил қилувчи -иб қўшимчасини уйна феълига қушиш орқали ясалган. Асарда уйнаб қўяй бирикмаси кўплаб уринларда кўчма маъноларда қўлланган. Масалан:

- уйнаб қўяй, гапларингиздан, уйнаб қўяй. Бидонга олтин соладиларми? Бидонга сув соладилар! (ажабланиш маъносида)
- уйнаб қўяй, олтин зотидан, уйнаб қўяй. Олтин тилла дуконида бўлади-да (киноя маъносида).
- уйнаб қўяй, раисдан-да! - дея-дея дарвоза зулфини оддим (хурсандчилик маъносида) каби.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романининг жозибали чиқишининг сабаби, у халқ тилини, чунончи, Сурхон шеvasини яхши билганлигида ҳамда асарни миллий, ўзбекона руҳ билан суғорилганлигидадир. Ҳақиқий истеъдод эгаси ҳар вақт, ҳар қандай даврда ўз йўлини тошиб кета олади. Тоғай Мурод асарлари, алалхусус, унинг «Отамдан қолган далалар» романи бу ҳақиқатни яна бир бор исботлади!

Ўқит. Қодир Мўйдинов, ТДПУ Айрим вертикаль ҳаракат феъллари ҳақида

Феълларнинг семантик жиҳатдан гуруҳлаш ва бу муаммо устида илмий иш олиб бориш нафақат ўзбек тилшунослигида балки дунё тилшунослигида муҳим аҳамият касб этиб, тилшунос олимлар диққатини ўзига жалб қилиб келган.

Ҳаракат феъллари ҳақидаги илк фикрни Н. К Дмитриев илгари сурган бўлса, ҳар қандай гап асосида феъл ётади деган фикрни илгари сурган ва шу фикрга суянган ҳолатда француз тилшуноси Л. Теньер валентлик назариясига асос солган. У ўзининг бу фикрларини ривожлантириб, «Структурал синтаксис очерки» («Очерк структурального синтаксиса» 1953 йил) асарини яратди. Бу асрда валентлик тушунчаси ҳар томонлама асослаб берилди. Бу масалалар юзасидан ўзбек тилшунослигида ҳам сал моқли ишлар қилинган. Бу уринда

профессорлар
Неъматов,
Шарипова,

И. Қучқортоев, Р. Расулов, Ҳ.
М. Миртожиев ва доцентлар У.
С. Муҳамедоваларнинг илмий

тадқиқотларини айтиб ўтиш мумкин. Профессор М.
Миртожиев ҳаракат феълларини уч гуруҳга ажратади.

1. Йўналма ҳаракат феъллари.

2. Кечим феъллари.

3. Юмуш феъллари.

Юмуш феъллари юзасидан У. Шарипова, йўналма
ҳаракат феъллари бўйича С.
Муҳамедовалар номзодлик диссертациясини ҳимоя
қилишган. Профессор Р. Расулов ўзининг «Ўзбек тили
феълларининг маъно тузилиши» номли монографиясида
ҳолат феъллари семантикасига мукаммал тўхталди. Бу
тадқиқотлар билан танишиш жараёнида ҳаракатнинг
вертикаль (юқоридан пастга ва пастдан юқорига)
қўринишлари мавжудлиги ҳам аниқланди.

Вҳф семантик гуруҳларни белгилаб чиқиш ва ҳар бир
гуруҳни чуқур ўрганиш алоҳида илмий ишларни объекти
булиб, махсус тадқиқот талаб этади. Шундай экан,
уларнинг лексик-семантик гуруҳларини аниқлаш, турларга,
хилларга ажратиш ҳам катта қийинчиликларга олиб
келиши ва баҳс, мунозара, тортишувларга сабаб бўлиши
мумкин. Олиб борилаётган текширишни қулайлаштириш
мақсадида гуруҳлар сонини купайтирмай дастлаб икки
гуруҳга ажратиб олинди.

Булар : 1. Пастдан юқорига бўлган в.ҳ.ф.

2. Юқоридан пастга бўлган в.ҳ.ф.

1. Пастдан юқорига бўлган ҳаракатни ифодаловчи
феъллар қўйидагилар : баландламоқ, бугланмоқ, интилмоқ,
кутармоқ, минмоқ, осмоқ, отмоқ, саваламоқ, сакрамоқ,
сугурмоқ, тирмашмоқ, учмоқ, тортмоқ, турмоқ, чиқмоқ,
чўзмоқ, ўрмаламоқ, қурмоқ, гозланмоқ, гўдаймоқ ва
ҳоказо.

2. Юқоридан пастга бўлган ҳаракатни ифодаловчи
феъллар : босмоқ, ботмоқ, думаламоқ, ёғмоқ, жилдирамоқ,
илмоқ, инмоқ, йиртмоқ, йиқилмоқ, калтакламоқ, ковламоқ,
мункимоқ, оқмоқ, пасаймоқ, сирпанмоқ, сирганмоқ,
солмоқ, сочмоқ, соғмоқ, суқмоқ, ташламоқ, томмоқ,
тупурмоқ, туширмоқ, чўккаламоқ, эгилмоқ, юмаламоқ,
уймоқ, утирмоқ, қоқмоқ, қуймоқ, қуламоқ ва ҳоказолар .

Булардан ташқари, йўналма ҳаракат феъллари саналган
баъзи й. ҳ. ф. Ларнинг вертикаль, тик ҳаракатни ифодалаб

келиши ва бошқа семонтик гуруҳга оид феълларнинг нутқда (нутқ жараёнида яъни контекста) вертикаль ҳаракатни ифодалаб келиши аниқланди. Масалан : интилмоқ-« олдинга интилмоқ» , юқорига интилмоқ; сакрамоқ-узунликка сакрамоқ, баландликка сакрамоқ, тортмоқ-олдинга ёки орқага тортмоқ, юқорига ёки пастга тортмоқ, чиқмоқ-ташқарига чиқмоқ, томга чиқмоқ, қудуқдан чиқмоқ сингари отмоқ, тирмашмоқ, чопмоқ, чўзмоқ, юрмоқ, ўрмаламоқ каби феъллар ҳам йўналма ҳаракатни, ҳам вертикаль ҳаракатни ифодалаб келади. Улар тилда жуда кўп бўлмаса ҳам нутқ жараёнида тез-тез учраб туради. Ғафатга сазовор нуқтаси шуки Саодат Муҳамедова ўзининг « йўналма ҳаракат феълларнинг ўзига хос валентлиги » мақоласида («Ўзбек тили ва адабиёти» журнал 1999 й 4-сон 65 бет). Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларида бошқа феълларда мавжуд бўлмаган ўзига хос валентлик бор. Бу Ab ва Ad нуқта яъни ҳаракатнинг бошланиш ва томон бўлиш нуқтаси валентлигидир : Бу хусусият бевосита вертикаль ҳаракат ифодаловчи феълларда ҳам кузатилади. Масалан : томга чиқмоқ ҳаракатнинг Ad томон бўлиш нуқтаси аниқ, ёки қудуқдан чиқмоқ ҳаракатнинг Ab бошланиш нуқтаси аниқ.

Ҳар қандай сўзнинг маъноси муайян контекста аниқ бўлади. Уни ҳисобга олган ҳолда ҳам вертикаль ҳаракатни ҳам йўналма ҳаракатни ифодаловчи феъллардан бўлган «чиқмоқ» феъли тўғрисида унинг маъно қирралари ҳақида фикр билдирсак, чиқмоқ феъли жўналиш (-га) ва чиқиш (-дан) келишикларни бошқариш билан характерланади.

1. -га+чиқ формаси маъносидан 1) вертикаль йўналишга хос юриш, кўтарилиш, ўрмалаш каби ҳаракат тушунчалари ётади: томга чиқди, дарахтга чиқди, деразага чиқди, нарвонга чиқди, зинага чиқди, столбага чиқди, столга чиқди, деворга чиқди, тоққа чиқди, ойга чиқди ва шу каби. Масалан: Давжон паст-баланд қирлар ошиб тоққа чиқди.(ўзбек тилининг амалий грамматикаси). Даргазаб она томга чиқиб, Муродни савалай кетди. («Даракчи» газетаси).

Поездга чиқди, трамвайга чиқди, самалётга чиқди, минбарга чиқди каби мисолларда юриш ҳаракатини ифодалаш билан бирга маълум жойга, хонага «кириш» - «эришиш» маънолари ҳам англашилади. Шу билан бирга (-га+чиқ формаси) қўлланган контекста «ўринди», «номоён бўлди», «пайдо бўлди», каби маъноларини

ифодалаши мумкин : Икромжон олд қаторни айланиб саҳнага чиқди. (Саид Ахмад). Бу мисолда «кўриниш», «чомоён бўлиш», «ҳозир бўлиш» маънолари билан бирга бир жойдан иккинчи жойга ўтиш пастдан юқорига маъноси ҳам бор бўлса, ҳовлига чиқди, ташқарига чиқди, олдинга чиқди. У секингина ҳовлига чиқди (Ойбек) бу мисолида эса бир жойдан иккинчи жойга қўзғалиш горизонтал яъни йўналма ҳаракат мазмуни бор.

2-дан + чиқ формаси турли маъно ва маъно қирраларини ифодалаб келади. 1) йўналма ҳаракатни ифодаловчи, маълум ўриндан бошқа уринга ўтиш (хона, уй, бино ва шу каби жойлардан) ташқарига чиқиш, уйдан чиқиш, бинодан чиқмоқ, хонадан чиқмоқ.

Вертикаль ҳаракатни ифодалаб келади яъни пастдан юқорига, қараб қилинган вертикаль йўналишдаги ҳаракат маъносини ифодалайди: қудуқдан чиқмоқ, пастдан чиқмоқ, жардан чиқмоқ ва бошқалар.

Тўп сувга шўнғиб кетди, ҳовузнинг ўртасидан чиқди, (Чулпон) Шоша-пиша чўнтагидан рўмолча чиқариб, курсини артди-да, меҳмонни авайлаб утказди. (У.Ҳошимов) Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Й.Ҳ.Ф нисбатан қўлланган Ab ва Ad ҳаракатнинг бошланиш ва тамом бўлиш нуқтаси вертикаль ҳаракат феълларига тўғри келади.

1. -га + чиқ. . . . формаси мантиқан «. . . . — га» схемаси билан ҳаракатнинг тамом бўлиш нуқтаси Ad аниқ ифодаланади.

2. -дан + чиқ формаси эса мантиқан «. . . дан ___ га чиқ. . . . » схемаси билан ҳаракатнинг бошланғич Ab нуқтасини аниқ белгилаб беради.

Аспирант Шухрат Абдуллаев Ўз ФА ТИ

Фразеологизмларни тушунтириш йўли билан таржима қилиш (Қорақалпоқ ва ўзбек тиллари мисолида)

Маълумки, фразеологик бирликлар бадий асар қимматини ошириш, ўқувчи диққатини жалб қилишда муҳим урин тутади. Агар маълум тилда яратилган асарни иккинчи тилга ўтириш лозим булса, албатта ибораларни таржима қилиш иккала тил воситалари, лексик-семантик

хусусиятлари, эквивалент ва муқобил вариантлари, синонимларидан бевосита фойдаланилади. Бу эса ўз навбатида мутаржимдан иккала тил, яъни асар ёзилган тил ва ўз тили қонун-қоидалари ва бошқа хусусиятларини тўла ўзлаштирган булиши керак. Қолаверса, маълум даражада асар ёзилган тил халқлари маданияти, урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзи билан ҳам таниш бўлмоғи даркор. Чунки, ҳар қандай фразеологик бирлик (кенг маънода) ўша халқнинг яшаш шарт-шароитлари, удум ва одатлари, маданияти билан бевосита боғлиқ бўлади. Шу боис уларнинг келиб чиқиш омиллари ҳар бир халқнинг ўзига хосдир.

Масалан, русларда ўз халқча *кийналмок, эзилмок* маъносини англатувчи «*вариться в собственном соку*» ибораси ишлатилади (1). Ўзбекларда бу иборанинг «*ўз ёғ(и)га уз(и) қовурилмок*» варианты(2), қорақалпоқларда эса «*озинин жаккан отына ози жылыныу*» варианты ишлатилади (3). Қорақалпоқ тилида бу иборанинг «*обал сауабы озине*», «*оз жутин ози котериу*» вариантлари ҳам бор. кўриниб турибдики, учала тилда қўлланиладиган иборалар шаклан бир-биридан фарқ қилса ҳам мазмунан бир-бирига жуда яқиндир. Ўзбекча *ўз ёғига ўзи қовурилмок* ибораси руҳан азобланмок, эзилмок (фикр-уйини бошқаларга айтмай) мазмунини, қорақалпоқча ибора ҳам худди шу маъно хусусиятига эга. Демак, ушбу тиллардан ўзаро таржима қилиш жараёнида бу фразеологик бирликларни тўғридан-тўғри қўллаш мумкин. Бу эса ўз навбатида асл матн мазмунини тўлалигича бошқа тил эгаларига етказиш учун жуда қулайдир.

Лекин таржима жараёнида шундай ҳолатлар ҳам бўладик, бу мутаржимнинг маълумотхўраг ва билимдонлик даражасига боғлиқ бўлади. Фразеологик бирликларни унинг бошқа тилдаги вариант ёки эквиваленти билан эмас, балки тушунтириш, изоҳ билан бериш ҳоллари ҳам мавжуд. Шу нуқтаи назардан қорақалпоқ ёзувчиси Т.Қайипбергенов асарларини ўзбекча таржимасида иборалар тушунтириш ёки изоҳлаш орқали берилганлигини кўрамыз.

Масалан, «Қарақалпақнама»да шундай ибора қўлланилган: «Бердак шайырдын косыкларынан наразы хан бир куни оны алдына шақырып: «Сени КОЗИ АШЫК

деседи, олай болса айт, дуньяда канша адам жасайды?»- депти,»(6-бет).

Қорақалпоқ тилида қози ашық ибораси ақлли, ҳар қандай нарсани кўрмасдан биладиган кишиларга нисбатан ишлатилади. Ёзувчи матнда бу иборани Бердақ шоирнинг донолиги, ақллигини ифодалаш мақсадида ишлатган. Ушбу ибора узбек тилига қуйидагича ўтирилган: «Бердақ шоирнинг шеърларидан норози булиб юрган хон бир куни уни хузурига чақиртириб: «Сени доно дейишади, шу гап рост булса, айт-чи, дунёда қанча одам яшайди?» деб сурабди,» (Қорақалпоқнома, 6-бет).

Ўзбекчада қози ашық ибораси изоҳ билан, яъни уни англатадиган маъноси доно сўзи билан берилган. Ибора тушунтириш йули билан ўтирилган бўлса ҳам асл нусхада тасвирланган мазмунни ифодалаб келган. Лекин таржимада эмоционал-экспрессивлик ҳисси қорақалпоқчадагига нисбатан сусайиш ҳолати юз берган. Холбуки, бу ибора узбек тилида ҳам қузи очик деб ишлатилади (4). У икки хил семантик мазмунга эга: 1) барҳаёт; 2) яхшини ёмондан, фойдани зарардан фарқлашга қобилиятли. Булардан иккинчиси қорақалпоқча қози ашық ибораси англатадиган маънога анча яқин. Ундан ҳам ақллилик, зийраклик маъноларини тушуниш қийин эмас. Бу эса контекстдан маълум бўлади. Лекин таржимон иборани таржима қилишда бу вариантдан воз кечган ва тушунтириш билан чекланган.

Қорақалпоқ тилида «ишеклери ортениу» фразеологик бирикмаси қаттиқ қийналмоқ, куюнмоқ, газабланмоқ маъносида қўлланилади. Масалан: «Себеби, улкенлерден коп нарселерди уйрениуге канша тырыссамда, хеш келистире алмай ишеклерим ортенетугын еди» (Қарақалпақнома, 14-бет).

Матнда бу ибора адибнинг бирон нарсани қилолмаётганлиги, бажаролмаётганлигига ўзи газабланиб, куюниб қийналаётганлигини тасвирлаш учун қўлланилган. Буни контекстдан ҳам сезиш мумкин. Таржимода ушбу ибора тушунтириш, изоҳлаш билан берилган. Масалан: «Сабаби – катталардан кўпроқ нарсани урганишга қанча уринмай, буни удалай олмай қийналиб юрган кезларим эди» (Қорақалпоқнома, 15-бет).

Таржимада ибора тушунтириш билан берилган бўлсада, матн мазмунини тўла ифодалаб келган. Қорақалпоқча матнда ибора орқали берилаётган мазмун ўзбекча матнда ҳам сезилади, лекин эмоционал бўёқдорлик даражаси сустлашиб қолган. Бу ўринда ўзбек тилида кўнгл(и)га келмоқ иборасининг иккинчи маъноси: бирор муносабат билан айтилган гапни ёки қилинган ҳаракатни огриниб қабул қилмоқ (5); ич(и) ачиди иборасининг иккинчи маъноси, яъни ачиниб куйинмоқ (6) вариантларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Қуринадики, бу ҳолатлар таржимон тилининг ўзига хослиги ва серқирралигидадир.

Ҳар қандай маълумотқол, матал ва ибораларни таржима қилишда уни миллийлиги, бўёқдорлиги ва ўзига хослигини сақлаб қолиш жуда аҳамиятлидир. Уларни иложи борича ҳар қандай тилдаги вариантдошларини топиб қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Қорақалпоқ тилида яна қозин алып ибораси ишлатилади. Бу ибора қорақалпоқ тилида иккита мазмунни англатади. 1.Коп уақыт карап отырган нарседен қозин баска жакка бурью, баска жакка карау; 2.Итибарсыз ямаса оған карамай отырганда, сездирмей бир ис етиу (7). Масалан: «Анам қонақлардын қозин алып аяғымнан аккан қаннын устине бир шымшым сууық кул таслады»(Қарақалпақнама, 88-бет).

Контекстдан маълумки, бу ибора иккинчи маъносида, яъни кўчма маънода қўлланилган. Матнда меҳмонларга сездирмасдан онаси ўглининг оёғига кул сепиш ҳодисаси ибора орқали тасвирланган.

Ўзбекча таржимада: «Онам меҳмонларга сездирмайгина оёғимдан оққан қон устига бир чимдим совуқ кул селди» (Қорақалпоқнома, 101-бет).

Лекин таржимада қозин алып ибораси тушунтириш орқали берилган бўлиб, ибора мазмунидаги бўёқдорлик даражаси анча сезилмай қолган. Қозин алып иборасининг ўзбек тилида қуз(и)ни шамғалат қилиб варианты мавжуд. Бу ибора қузатиб турганига қарамай сездирмаган ҳолда каби маъноларни англатади (8). Масалан: Дамингни чикарма, бойнинг қузини шамғалат қилиб қочамиз.(Ғ.Ғулом. Шум бола). Бу мисолда ҳам ибора сездирмаган ҳолда қочиш маъносида қўлланилган. Демак, шуларни эътиборга олиб қузини шамғалат қилиб

ибораси қорақалпоқча *козин алып* иборасининг варианты сифатида таржима қилиниши мумкин.

Шунингдек, иккала тилдаги иборалар объекти бир хил «куз» сўзидан ташкил топган.

Яна қорақалпоқ тилида *ийни тусиу* ибораси ишлатилади. Масалан: «Бир куни есиктин алдында турсам, консымыз кутэ капа пишинде *ийни тусиш* киятыр» (Қаракалпакнама, 96-бет). *Ийни тусиу* фразеологик бирикмаси жуда хафа ҳолатда булмок, *кайфияти булмаслик* каби маъноларни англатади. Бу ибора матнда киши рухияти билан боғлиқ ҳолатда ишлатилган бўлиб, унинг жуда хафа, кайфияти йуқ эканлигини ифодалаб келган. Ушбу ибора ўзбек тилига қуйидагича таржима қилинган: «Бир куни эшик олдида турсам, қушним нимадандир хафа бўлиб, *бушашгунча* келаётган экан» (Қорақалпоқнома, 108-бет). Куринадики, *ийни тусиу* ибораси ўзбекчада тушунтириш билан берилган. Лекин асл матнда тасвирланаётган ҳолат таржима матнда ҳам ўз аксини топган. Фақат ўзбекчада эмоционал-экспрессивликнинг сусайишига олиб келган. Бу иборанинг ўзбек тилида *қовоқ тумшугини осилтирмок; ковогидан қор ёгмок; қовоғини солмоқ; қовоғ(и)ни уйиб(уйилди); қовоғи солиқ* каби вариантлари мавжуд (9). Бу иборалар ҳам ўта даражада хафалик, ранжиган каби маъно отенкаларини билдиради. Бу ўринда ушбу ибора вариантларини қўллаш кутилган натижани бериши аниқ.

Яна бир мисол келтирайлик: *аузы ашық* ибораси қорақалпоқларда *анкау, годек, акылсызлык, ладанлык* каби маъноларда қулланилади. Адиб ушбу иборадан худди шу мақсадда фойдаланган. Масалан: «Қыялымда: гаррылар пэтиясы менен маган шайырлык берген, ал мен *аузы ашыклык* етип оны жоғалтканман» (Қаракалпакнама, 137-бет). Куриниб турибдики, матнда ҳам ибора худди шу маънода ишлатилган. Ўзбек тилига бу матн қуйидагича ўтирилган: «Назаримда, қариялар ўз фотиҳалари билан менга шоирликни қушқўлаб тутқазишган, мен эсам, *ландовурлик қилиб*, қўлимда турган нарсани йуқотиб қуйгандек эдим» (Қорақалпоқнома, 154-бет). Таржимада ибора изоҳлаш, тушунтириш усулида берилган. Изоҳлаш билан ҳам асл нусхада қўлланилган ибора мазмуни таржимада тўғри талқин қилиб берилган. Лекин матнда тасвирланаётган

қолат, воқеада эмоционаллик, буёқдорлик йўқолиб, сезилмай қолган. Ўзбек тилида *огз(и) очилди* ибораси *анграймак* маъносига қўлланилади (10). Бу иборани қорақалпоқча *аузы ашык* иборасининг варианты сифатида қўллаш мумкин.

Тушунтириш йўли билан ибораларни таржима қилишда улар маъноларини аниқ, раво, тўлалигича етказиб бериш мутаржимдан юксак маҳорат ва билим талаб қилади. Шундай экан, таржимон ибора англаётган маънони тўлиқ англаб етгач, уни вариантлар ёки тушунтириш йўли билан угиришга, асар қимматини, миллийлигини сақлаб қолишга интилади. Тушунтириш орқали ҳам ибора маъносига путур етказмасдан тўлалигича изоҳлашга ҳаракат қилиш талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Т.Джумамуратов Русско-каракалпакский фразеологический словарь для школьников. Нукус, 1985. стр.30.
2. Ш.Раҳматуллаев Ўзбек тилининг фразеологик лугати. Тошкент 1992.324-бет.
3. Т.Джумамуратов Русско-каракалпакский фразеологический словарь для школьников. Нукус, 1985. стр.30.
4. Ш.Раҳматуллаев Ўзбек тилининг фразеологик лугати. Тошкент. 1992.141-бет.
5. Ш.Раҳматуллаев Ўзбек тилининг фразеологик лугати. Тошкент 1992.152-бет.
6. Ш.Раҳматуллаев Ўзбек тилининг фразеологик лугати. Тошкент 1992.115-бет.
7. Ж.Ешбаев Каракалпак тилинин қыскаша фразеологиялык созлиги. Нокис 1985. 100-бет.
8. Ш.Раҳматуллаев Узбек тилининг фразеологик лугати. Тошкент 1992.140-бет.
9. Ш.Раҳматуллаев Ўзбек тилининг фразеологик лугати. Тошкент 1992.348-349-бетлар.
10. Ш.Раҳматуллаев Ўзбек тилининг фразеологик лугати. Тошкент 1992.214-бет.
11. Т.Қайыпбергенов Қорақалпақнама (роман-эссе) Нокис 1998.
12. Т.Қайыпбергенов Қорақалпоқнома (роман-эссе) Қорақалпоқчадан Р.Отаев таржимаси. Тошкент 1997.

Ўзбек бадий нутқида хос окказионализмлар хусусида

Бадий тил - адабий асарлар ёзиладиган тил. Ёзувчи хаётни характерлар ва манзаралар воситасида акс эттирар экан, жонли халк тили бойликларидан ҳам, адабий тил меъёрларидан ҳам кенг фойдаланади; ўз навбатида ҳам жонли тилнинг, ҳам адабий тилнинг усишига ҳисса қўшади...

...бадий адабиёт тили, биринчидан, умумхалқ тили ва адабий тил хазиначидан танлаб-саралаб олинган сўзлар бўлса, иккинчидан, сўз усталари томонидан пардозланган, сайқал берилган поэтик тилдир¹.

Бадий асарлар адабий тилнинг бадий услубида яратилади. Бадий услубда сўз қўллаш, сўз танлаш ўзига хос хусусиятга эга. Ҳар бир муаллиф шахсий образли сўз ишлатиш усулларида фойдаланади. Бу Билан ўзига хосликка, асарнинг ўқимишли бўлишини таъминлашга эришади. Бадий нутқда ёзувчи Янги, оҳори тўкилмаган, бошқалар ишлатмаган воситаларни, бирликларни ишлатишга интилади. Шу туфайли шоир ва адиблар ҳаммага маълум тил воситаларидан ўзигагина хос усулда фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бадий услуб кўп мартаб ишлатилган, «қотиб қолган», «қолиплаган» усулга амал қилмайди².

Адабий асар тилидаги ҳар бир сўз ўз «юки»га эга бўлади. В.Г.Короленко ўқтирганидек, «Сўз шамол учуриб кетадиган уйинчоқ шар эмас. У иш қуроли, у маълум миқдордаги юкни кўтариши керак. Биз бошқаларнинг руҳини қамраб олишига, кўтаришига қараб туриб, сўзнинг аҳамияти ва кучига баҳо берамиз»³.

Умуман, бадий нутқда қўлланган ҳар бир сўз зиммасига аташ вазифасидан ташқари эмоционал-экапрессив вазифа ҳам «юкланади». Бу вазифани, кўпинча, ёзувчи, ождорлар томонидан яратилган маромсиз ясалма (Окказионализм)лар бажаради.

¹ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2002, 158-бет.

² Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. - Тошкент: «Ўқитувчи», 1993, 32-бет

³ Бадий ижод ҳақида. - Тошкент: г.гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1916, 63-бет.

Маълум бир нутқ доирасида яратилиб, Ушбу матнда яшаб, бошқа матнга ўтмайдиган, тилга қабул қилинмайдиган лисоний бирликка нисбатан окказионал сўз ёки окказионализм (лотинча *occasional*—«тасодифий» сўздан олинган) термини қўланади. Тилшуносликка оид адабиётларда бундай сўзларнинг турли томонларини ёритиб берувчи индивидуал сўзлар, муаллиф неологизмлари, индивидуал-муаллиф неологизмлари, услубий неологизмлар, матний (контекс) неологизмлар, бир марталик неологизмлар, муваққат сўзлар, поэтик неологизмлар, ясама сўзлар ёки маросимсиз ясамалар, экспромт сўзлар, метеор сўзлар, эгологизмлар каби атамалар қўланади⁴.

Улар турли муаллифлар томонидан таклиф қилинган бўлиб, «окказионализм» терминичалик кенг қўлланилмаган. Ўзбек тилшунослигида бундай сўзларни тадқиқ этиш борасида С.Тошалиева, О.Тухтасиновалар илмий изланишлар олиб бориб, эътиборни, асосан, публицистик услубда қўлланган окказионализмларга қаратганлар¹.

Биз сўз юритмоқчи бўлган ўзбек бадий нутқи окказионализмлари ўз тадқиқотини кутаётган масалалардан биридир.

Оқорида таъкидлаб ўтганимиздек, окказионализмлар таъсирчанликни ошириш мақсадида ёзувчилар томонидан ижод қилинган ясама сўзлар бўлиб, нутқ «хатоси» ҳисобланади. Чунончи бунда тил меъёрлари бузилади. Лекин бу мезонсизлик ёзувчининг муайян мақсадига кўра, «атайлаб» амалга оширилади. Меъёрий бузилишларнинг турлари жуда кўп бўлиб, аксарият окказионализмлар ўзак ва қўшимча уртасидаги семантик меъёрнинг бузилиши оқибатида юзага келади. Бунда ясовчи асос (ўзак)ни синонимик ёки антонимик муносабатдаги сўз билан алмаштирилади: ростгўй- тўригўй-ёлгонгўй, қочқоқ-қувлоқ, чапақай-ўнақай, қучоқламоқ-огушламоқ каби.

⁴ Тухтасинова О. Янги ва муваққат сўзлар// Ўзбек тили ва адабиёти, 1995, 5-6-сон, 46-49-бет

¹ Тошалиева С.Маросимсиз ясамалар ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти, 1993, 3-сон; Тошалиева С. Матбуот тилини урганишнинг тамойиллари ҳақида// Тил ва адабиёт таълими, 2000, 4-сон;

Тухтасинова О. Муваққат сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари// Ўзбек тили ва адабиёти, 1994, 1-2-сон;

Тухтасинова О. Янги ва муваққат сўзлар// Ўзбек тили ва адабиёти, 1995, 5-6-сон

1. Бегоналар олдидаки шунча бурчдор бўлсанг, узингникиларга, демак, оғзингдагини узиб беришга буюрилгансан, углоним! (Т. Содиқова «Ўғлим, сенга айтаман», 39-б).

Бурчдор окказионализмининг ўзаги қарздор сўзи ўзаги билан ўзаро синоним бўлиб, ўзакни алмаштириш орқали ясалган. Бироқ бурчдор сўзида «қарздор» га нисбатан маъно кучлироқ ифодаланган.

2. Келинимизнинг ота-онасини шу қадар қадрлаб, кўнглини шундай топайликки, токи қизини куюмли ва вафодор қилиб эгиб берсин. (Т. Содиқова «Меҳригиё», 11-б).

Куюмли маромсиз ясалмасининг ўзаги (куймоқ, куйинмоқ) одатий ясалма куйинчак сўзининг ўзаги (куймоқ) билан бир хил бўлиб, янги ясалма унга ухшаш тарзда ясалган бўлса-да, уларнинг маъноси ўзаро фарқланади. Куюмли сўзи ўзбек тилида қўлланмаслиги, изоҳли лугатларда ҳали учрамаслиги, тил эгаларига нотанишлиги билан ғайриоддийлик касб этади.

3. Дафтаримни «тундалик» деб атадим. Бу жанрнинг «кундалик»дан фарқи шуки, унда хронологик тартибдаги воқеалар булмайди. (А. Мухтор «Уйку қочганда», 19-бет). Тундаликлар-муаллифнинг тунги кечинмалари, фикр-мулоҳазалари. Шунинг учун одатда ишлатиладиган кундалик сўзининг асоси-кун ўзаро антоним бўлган тун сўзи билан алмаштирилиб, жуда оз сўз ясайдиган камунум аффикс-далик (эсдалик, кундалик) воситасида «тундалик» окказионализи ҳосил қилинган. Бу муаллиф нутқида янги қўлланган сўз бўлиб, асарга ўзига хос жозиба бахш этган.

Бадий асарларда таъсирчанликни ошириш мақсадида қўлланган окказионализмлар маҳсулдор сўз ясалиши андозасига мувофиқ, яъни барқарор (узвал) андозаларга ухшатиб олиш йўли билан яратилса ҳам, унга хос ясалишнинг грамматик ёки семантик шарт-шароити бузилади: шеър**истон**, қоронгу**зор**, яшил**зор**, мол**кор**, (чўпон), чашма**кор** (сут оғар) каби.

4. «Оила» деб аталган паноҳистонда яхши иқлим яратиш учун эса аёлга аёллик, эркакка эркаклик илми сув, ҳаво қадар зарур! (Т. Содиқова «Ўғлим сенга айтаман», 16-б). Паноҳистон маромсиз ясалмасини шакллантирган урин-жой оти ясовчи-истон аффикси аслида халқ (миллат) номини билдирувчи ёки бошқа бирор сўзга қўшилиб, шу

халқ (миллат) яшайдиган мамлакат ёки ясовчи асос англатган нарса кўп бўладиган жой маъносида от ясади¹: Ўзбек-истон, Тожик-истон, Гул-истон каби. Паноҳистон окказионализмнинг ясалишида ушбу семантик меъёр бузилган. Бу ерда «паноҳистон» оила сўзининг тасвирий ифодаси (перифраза)ни юзага келтирган.

5.Маҳмуд Саъдий деган ходимимиз бозорда китоб айрибошлаётган экан, милиция ушлаб олиб кетибди. У жуда билимдон, китобхўр; биз уни Шайх деб атар эдик...(А.Мухтор «Уйқу қочганда», 19-6).

6.Бу хонадонда нонхўрлик эмас, кулгихўрлик бўлади. Аҳмаджон Мелибоев ва гулом гофуровлар кулавериб, туйганларини билмай қолишди. (С.Аҳмад «Хандон писта», 34-бет).

Келтирилган жумладаги китобхўр, кулгихўрлик окказионализмлари ифодаланаётган маъноларга мос келувчи китобсевар, китобхон, оғзаки нутқда ишлатувчи «китоб жинниси» ёки кулгу кечаси, кулгу базми каби одатий қўлланишлар тда мавжуд бўлгани ҳолд муаллифлар ўз нуқталарида ўзига хос сўзлар ижод қилишган. Чунки бизга таниш қўлланишлардан кўра ўқувчини окказионализмларнинг ўзига хослиги, ёзувчи услубининг оригиналиги қизиқтиради, ўзига жалб қилади. Окказионализмлар кўпроқ ҳажвий асарларда кулги кўзгатиш мақсадида қўлланилади.

1.Бошлигимиз ветдўхтир итиатир Соломон гопштейнни чақиртириб келди. гопштейн у ёғимни кўрди, елка қисди, бу ёғимни кўрди, елка қисди (Изқувар итнинг кундалик дафтардан. Итчадан М.Икром таржимаси). (Саид Аҳмад «Хандон писта», 52-6).

Ушбу матнда қўлланган итиатир окказионал ясалмаси педиатр, психиатр каби тиббиёт терминлари андозасида ҳосил қилинган ва нутққа юмористик руҳ бағишланган. Итчадан ясалмаси эса узбек адабий тили сўз ясалишини меъёрларига мос келмайди.

2.Ягона бошқа таклифлар борми? Хўш, бўлмаса, район давлат сугурта идорасининг янги бошлигини тайинлаш масаласи кўрилсин, деган уртоқлар қўл кўтариб, тасдиқлаб беришларини сўраймиз. Бир овоздан. Демак, қўшимча ва олимчалар йўқ (Н.Аминов «Ёлгончи фаришталар», 156-бет).

¹ Қўранг: Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: «Ўзбекистон», 1992, 210-бет

Олимчалар маромсиз ясалмаси қўшимча сўзига узшаш тарзда, яъни ўзаро антонимик муносабатдаги ўзақларни (қўшмоқ-олмоқ-айирмоқ) алмаштириш туфайли юзага келган. Бу ясалма қаҳрамонининг характери, савиясини ўзига хос нутқи орқали очиш учун хизмат қилган.

Биз ўзбек бадий нутқи окказионализмларини урганиш жараёнида куйидаги хулосаларга келдик:

1. Бошқа тил бирликларидан фарқли ўлароқ, бадий нутқ окказионализмлари нутқ ҳодисаси бўлиб, индивидуал характерга, яъни ўз муаллифи, ижодкорига эга. Шунинг учун ҳам тил лугат таркибиг утишни даъво қилмайди. Мсаалан, ғ.гулом асарларида қўлланилган курашдош, нурсирамоқ, шараофобод, долларзор каби, М.Шайхзода асарларида қўлланилган ипаклашсин, суворланган, инқилобдош, ойдошлар, нуристон, фазошумул, беморхона сингари окказионализмлар ўзи яратилган нутқ доирасидагина яшаб қолди. Йиллар ўтса-да, тил лугат таркибига ўтмади ва оммалашмади.

2. Окказионализмлар ўзи яратилган матнга, нутққа ўта боғлиқ бўлиб, алоҳида олинганда (сезим, кузаймоқ, увадабанд, дамкаш, ҳамранг каби) мутлақо тушунарсиздир. Уларнинг маъноси ўзи боғланган сўзларнинг кенгроқ матнига таянмай туриб аниқлашмайди.

3. Окказионализмлар кўпроқ ҳажвий асарлар тили учун характерли бўлиб, кулги қўзғатиш мақсадида қўлланади. Шунингдек, айрим асарларда эмоционал-экспрессивликни таъминлашга хизмат қилади. Чунончи, Т.Содиқованинг «Ўғлим, сенга айтаман» номли асарида зарракаш, қовушимсиз, асрорхона, осмонзода, суяқдош, жониқиб, атиристон каби 20 га яқин маромсиз ясалмалар шоиранинг бадий ниятига кўра, таъсирчанликни ошириш мақсадида қўлланган.

Кулги қўзғатиш мақсадида қўлланган окказионализмларни кўпроқ С.Аҳмад, Н.Аминов сингари ҳажвий ёзувчилар ижодида кузатиш мумкин. Жумладан Н.Аминов биргина «Ёлгончи фаришталар» ҳажвий романида тахтиёти, олимчалар, кўнгилбардорлик, мўмайнисо, янгамулло, отарнисо, антитепакалин каби 15 дан ортиқ окказионализм қўлланган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бир ижодкорнинг асарида қўлланган окказионализм бошқа ёзувчининг ижодида учрамайди.

4. Окказионализмлар учун аташ вазифаси мажбурий эмас. Уларнинг асосий вазифаси таъсирчанликни таъминлашдан иборат.

5. Окказионализмларнинг энг муҳим белгиси уларнинг ясама сўз бўлишидир. Уларнинг ясалиши мезонсизликка, тил маромларининг бузилишига асосланади. Шундай экан, окказионализмларга нисбатан маромсиз ясалма атамасини қўллаш ҳодиса моҳиятига мос келади.

6. Окказионализмлар ўзи яратилган, боғлиқ бўлган матн учун гайриодатий бирлик сифатида оддий тил бирликларидан зарурроқдир. Акс ҳолда тилда улар англатадиган маънони ифодаловчи сўзлар бўла туриб, Яна бошқа сўзларнинг (окказионализмларнинг) қўлланишига эҳтиёж бўлмас эди.

Хуллас, окказионал ясалмалар маромсизлиги, гайриодатийлиги, бир марталиги, ижодийлиги, индивидуаллиги билан ўқувчи эътиборини тортади ва тасвирий-таъсирчан восита вазифасини ўтайди. Бундай «қўлбола» сўзларнинг маромсизлигиматнда асосланганлиги, мақсадга мувофиқлиги билан муҳим услубий мақом касб этади. Бироқ окказионализмлардан фойдаланишнинг қуйидаги салбий томонлари ҳам мавжуд.

а) тил қонуниятларини билмаслик (имловий, орфоэпик, грамматик ва услубий хатолар), саводсизлик оқибатида юзага келган шахсий-ижодий ясалмалар туфайли нутқда ҳеч бир тил бирликларига ўхшамаган гализ сўзлар кўпайиб кетади;

б) нутқда маромсиз ясалмаларни кўп қўллаш, тил меъёрларининг бузилиши натижасида фикр ўқувчига тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин.

Аспирант. Шарофат Хидирова

Просодик элементларнинг шеърятдаги роли

Тилшуносликда дастлабки даврларда фонетиканинг фақат асосий бирликларигина текширилган бўлса, ҳозирги фонетикада товуш нозикликларини ўрганиш зарур бўлиб қолди. Жумладан, просодия шундай ҳодисалардан биридир. Хўш, просодия нима? Просодия-фонетиканинг бугин, ургу ва интонацияни илмий тадқиқ этувчи

бўлими. Просодик элементлар эса, бугин, ургу ва интонацияни ташкил этувчи элементлардир: оҳанг(мелодика), иборавий ургу, пауза, ритм, нутқнинг суръати ва сифати, овознинг кўтарилиши, куч ва ҳўзиқликка тегишли фонетик воситалар шулар жумласига киради.

Тилнинг тараққийетида, одатда, нутқдаги ўзгаришлар аста-секин фонологик, яъни тилдаги ўзгаришларга сабаб бўлади. Шунга кўра фонетика ва фонологиянинг бир-бири билан боғлиқлиги ҳам намоён бўлади. Н.С. Трубецкой:»Фонетика нутқ товушларини, фонология эса, тил товушларини урганади: сиёсий иқтисод фани маҳсулотшуносликка қандай муносабатда бўлса, фонология ҳам фонетикага ҳам шундай муносабатда бўлади,»- деган эди.

Одатда, нутқнинг фонетик жиҳатдан майда булақларга бўлиниши сегментация дейилади. Ҳар бир бўлинган бўлак эса сегмент деб номланади. Нутқнинг фонетик бўлинишида йирик сегмент ибора(фраза) ҳисобланади. Фраза, ўз навбатида, майда сегментларга, яъни такт, бугин, товуш кабиларга бўлиниши мумкин. Шу туфайли энг кичик сегмент товушга тўғри келганидек, товуш ўз навбатида тилдаги сўзларни фарқловчи фонема(сегментал фонема)га қиёс қилинади. Бошқа фонетик бирликлар суперсегмент воситалар(бўгин, ургу, интонация) дейилиб, улар маънони ажратиш хизматини бажарса, фонологияда силлабема, акцентема, интонема деб аталади.

СИЛЛАБЕМА тушунчаси, одатда, мусиқий оҳангга эга бўлган хитой, япон, тай, корейс, вьетнам тилларида қўлланилади. Уларда силлабема турли оҳангга талаффуз қилиниб, турли маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан: корейс тилида текис оҳангга «нун»-«куз» маъносини, тушиб-кўтарилувчи оҳангга – «қор» маъноларини билдиради.(«бам»-«кечқурун», «бам»-ейдиган нарса(қуруқ мева)).

АКЦЕНТЕМА тушунчаси сўзнинг бугинларидаги ургунинг кучли ва кучсизлигига қараб динамик уруга эга бўлган тилларда (ўзбек, рус, инглиз, форс тиллари шундай уруга эга) сўзлар ва ибораларни фарқлай олади. Шунга кўра, акцентема иккига бўлинади:

1.Сўз акцентемаси: олма(мева) – олма(ол феълининг инкор шакли).

2. Фраза акцентемаси: бу шифокор- Дилбарнинг онаси. Бу - шифокор Дилбарнинг онаси.

Жумлаларда ургунинг урни билан фарқланиши махсус оҳанг ва тўхташ билан ажратилади. Бу ёзувда тиниш белгилари билан ифода қилинади.

ИНТОНЕМА гапнинг ифода мақсадига кўра турларини (дарак, сўроқ, буйруқ гапларни), шунингдек, гапнинг эмоционал типларини (эмоционал ва эмоционал бўлмаган гапларни) шакллантиришда фонетик-фонологик восита сифатида қатнашади. Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи тилшунослар интонация ва ургу фонологик хизмат бажарса, «суперсегмент фонема», «просодема» атамаларини қўллайдилар.

Уқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фонетик бирликлар (товуш, бўгин, ургу, интонация) билан фонологик бирликлар (фонема, силлабема, акцентема, интонема) ўртасида маълум муносабат мавжудлигининг гувоҳи бўламиз.

Маълумки, тилнинг просодик элементлари бадиий матнда фақат тил бирликлари сифатидагина эмас, балки бадиий асарнинг гоаявий-эстетик жиҳатларини борлиқ тусига киритувчи услубий воситалар сифатида ҳам қатнашади. Ритмик-интонацион воситаларнинг бадиий асар матнидаги бундай роли, айниқса, шеър тузилишида кўпроқ намоён бўлади. Ўзбек шеъриятидаги мусиқийликни, оҳангдошликни ана шу воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳар қандай санъат асарида гоая бўлганидек, шеърятда ҳам гоая мавжуд. Фарқи шуки, шеърятда гоая мусиқий йўсинда ўзига хос бир оҳангга акс эттирилади. Ана шу мусиқийликни ритмик-интонацион воситалар: ритм, вазн, туроқ, банд, бўгин, интонация, пауза, ургу кабилар юзага келтиради. Бу воситалар бадиий асар матнида қанчалик муҳим аҳамият касб этса, шеърятда ҳам ўзига хос муҳим вазифани ўтайди.

Ритмнинг шеърятдаги урни масаласида тўхталишдан олдин, ритми бўгин, ургу ва интонацияни ташкил этувчи элемент сифатида олиб қараш керак. Ритм- нутқда ургули ва ургусиз ҳамда чўзиқ ва қисқа бўгинларнинг муносабати. Нутқ ритми интонациянинг просодик элементларидан биридир. Шеърни бадиий ёки ифодали ўқишда, шунингдек, шеърини мисраларда қофияни, оҳангдошликни юзага келтиришда нутқ ритмининг

аҳамияти катта. Чунончи, банд ритми, аллитерация ритми, анафора кабилар шундай воситалар саналади.

Масалан: Абдулла Ориповнинг «Минг йилларки...» шеърдан олинган парчада сезиларли оҳанг, яъни ритм бор.

1. Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти булиб қоламан.
2. Розимасман бир ёш томса кузимдан,
Розимасман сал ранг кетса юзимдан.
Йўл юрсам-у, сал яшашдан адашсам,
Розимасман унда тамом ўзимдан.

(Ҳ. Олимжон).

Ҳар икки парчанинг ритми бошқача булиб, уларни бир-биридан фарқ эттирадиган бош аломати шуки, аввалги парчада шеърнинг ҳар бир мисраси 9, иккинчи парчада ҳар бир мисра

II бўғиндан иборат. Шу сабабли бу икки шеърий асар икки хил вазнда ёзилган ҳисобланади ва бу вазнларнинг ҳар бири уз номига эга. («тўққизлик вазн», «ун бирлик вазн»)

Ҳар бир мисрада бир хил миқдордаги бўғинлар сонининг такрорланиши натижасида ритм ва оҳангдорлик пайдо бўлади.

Ана энди ритми юзага келтирувчи асосий унсурлардан бири, бугин ҳақида тўхталиб ўтсак.

БҮҒИН – бир нафас зарби билан айтиладиган товуш ёки товушлар бирикмаси. Масалан: она (о-на), лола (ло-ла), бобо (бо-бо) каби. Бугин нутқ оқимининг товушдан катта, сўздан кичик (баъзан бир сўзга тенг) сегмент бирлигидир.

Демак, ритм ва бугин ўзаро алоқадор.

Жумладан, куйидаги мисраларда сўзлар ва бўғинларнинг тузилиши ҳамда улар ўтаган вазифа ҳақида тўхталиб ўтсак:

Сиздай содиқ дўстни / алдамайман, йўқ, /
Ишонинг, бу йўллар/ тушмас бир изга./
Кўксимга қачондир/ текканди бир ўқ, /
Ярадор қалб билан/ бормайман сизга./

(Ҳ. Худойбердиева «Мен сизни алдашни...»).

Ҳар бир мисрада II бугин бўлиб, улар 2 тадан гуруҳ (гуроқ)га ажратилади. (Схемаси:6 + 5қ11)

Бугин мумтоз шеърятимизда ҳижо деб юритилган.

Бугинсиз шеър мисраларини тасаввур қилиб бўлмайди. Шеърятда бугин кичик ритмик бўлак ҳисобланади. Масалан:

Завол кўрма, ҳеч қачон ўлкам,
Завол билмас шу ёшинг билан.
Музаффар бул, голиб бул, уқтам,
Дўст- ёринг, қардошинг билан.
(А.Орипов).

Ушбу парчадаги ҳар бир мисрада 9 тадан бугин бўлиб, улар 2 тадан гуруҳга ажратилган.(Схемаси:4 + 5қ9).

Бугиннинг аҳамияти шундаки, шеърятда вазн ўлчови сифатида иштирок этади.

Ҳар қандай матн, маълумки, икки томоннинг- шакл ва мазмуннинг бирлигидан таркиб топади: матндаги гаплар, синтактик конструкциялар ва шу конструкция таркибида иштирок этувчи лексик- семантик, морфологик ва фонетик-фонологик birlikлар шакл тушунчаси доирасида кўрилади. Улар матн мазмунини ифодаловчи асосий воситалар саналади. Тилнинг просодик элементларини (бугин, ургу, оҳанг, мелодика ва бошқалар) ҳам ана шундай восита сифатида бадиий асар матнида, айниқса, шеърятда муҳим аҳамият касб этади.

Тилда фонема, бугин, лексик ургулар сўзни, интонация(оҳанг) эса гапни шакллантирувчи фонетик-фонологик birlikлар вазифасида қатнашса, шеърый асарлар матнида улар шу асарнинг бадиий-эстетик жиҳатларини шакллантирувчи ва ифодаловчи муҳим услубий восита ролида ҳам иштирок этади. Уларнинг ана шу хусусиятлари шеърятда туроқ, пауза, вазн, ритм, турқум, банд каби ўзига хос «қолиплар» ва «ўлчовлар»нинг бўлишини тақоз қилади. Шеърнинг уқилишида ана шу «қолип» ва «ўлчовлар»ни сезиш, уларга амал қила билиш шоирнинг ички кечинмаларига, руҳий ҳолатига ҳамдард, ҳамфикр бўлиш имконини беради.

Кўп сўзи маъносининг функционал-семантик синонимларда конкретлашуви

Кўп сўзи узоқ йиллардан буён даража-миқдор равиши таркибида ўрганиб келинар эди. Ўтган асрнинг 80-йилларидан бу сўзнинг равиш туркумига кирмаслиги унинг оз, мўл, кам сўзлари қаторида мавхум миқдор билдирувчи сўз эканлиги ҳақида қарашлар пайдо бўлди.¹ Лекин бу сўзларнинг ҳаракатнинг белгисини ифодалаш ўринлари ҳам бор. Шунинг учун ушбу қарашни мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилиб ҳам бўлмайди.

Кўп сўзи истисносиз тарзда шахс нарса-ходиса ва ҳаракатнинг ҳам мавхум миқдорини билдиради, ундаши мавхумлик шу даражадаки, унинг функционал-семантик синонимлар ёрдамида конкретлашуви ҳам нисбийдир. Изоҳли лугатда унга шундай изоҳ бурилган: «1. Сон ёки миқдор жихатдан катта бир қанча... 2. Равиш узоқ вақт давомида, узоқ ...

3. Равиш орадан узоқ вақт ўтмасдан дам-бадам... 4. Ортиқ даражада, ортиқ; жуда, ғоятда ...»²

Янги тузилаётган изоҳли лугат муаллифлари *кўп* сўзига берилган изоҳни муайян таҳрирлар билан ўзгартиришлари ва аниқлик киритишлари аниқ. Бизнингча *кўп* сўзимиз кўлланишларидаги алоҳида кузатув айрим хулоса ва изоҳларни қайта кўриб чиқишга имкон беради.

Кўп сўзи мавхум миқдор ифодалар экан, илмий адабиётларда миқдорнинг қандай изоҳланишига ҳам мувожаз қилишга тўғри келади.

Изоҳли лугатларда ушбу сўзга икки изоҳ берилга; «1. Ўлчаш, санаш мумкин бўлган нарсаларнинг оз-кўплиги, сони, чамаси.... Филос. Воқелиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг хажм, сон, тараққиёт даражаси жиҳатидан характерловчи категория ...»¹ Энциклопедияда эса «Миқдор, катталиқ (математикада) – асосий математик тушунча. Миқдор (философияда) – нарсалар ёки уларнинг қисмлари шунингдек хоссалари, алоқаларининг ўзаро, ташқи, формал муносабатларини (катталиги, сони, бирон

¹ Ҳаранг. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм, Т., «Ўқитувчи», 1980, 409-бетлар.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати М., «Русский язк» 1981, 417-418-бетлар.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати

хусусиятини ошкор қилиш даражасини) ифодаловчи категория...»² сифатида изоҳланган.

Нарса –ҳодиса ва ҳаракатнинг миқдорини ҳар қандай ҳолатларда ҳам инсоннинг кузатув доирасида санаш мумкин бўлавермайди. Натижада мавҳум миқдорни билдирувчи кўп ва оз сўзи юзага келган. Нарса–ҳодиса ва ҳаракатта бўлган эҳтиёжга етарлиси муътадилликни ташкил этади, эҳтиёждан ортиги кўп, ками эса оз. Бу ҳақда Фаробий шундай дейди; «Уртача булиш» икки хил бўлади; биринчиси ўзига нисбатан, иккинчиси бошқаларга нисбатан ўзгарувчан ўртача- муътадил бўлади. Масалан, 6 сони 10 ва икки сонларига нисбатан ўртачадир. Чунки 10 сонининг 6 сонидан кўплиги 6 сонининг икки сонидан кўплигига баробардир... Бошқаларга нисбатан ўзгарувчан ўрта – муътадиллик турли вақт давомида озайиб, кўпайиб туради. Бу ўзгаришлар ўзига қўшилган ёки олинган нарсалар ҳисобига бўлади. Масалан, бир коса овқат бола учун тўйимди, катта киши учун унчалик етарли эмас, чунки бола кичик, киши каттадир... Ҳар бир ишда ўрталик бу атрофдаги барча қиёсий боғлиқ бўлган нарсалар билан қиёсий ўлчовидир».³ Демак, инсон кўпликни ифодалаб гапирганда одатда мавҳум умумийликни назарда тутаяди. Ҳатто инсон юз, минг каби аниқ сонларни нутқида ишлатганда ҳам, улар мавҳум умумийлик-кўп сўзи маъносини ифодалайди.

Ҳ.Шамсиддинов ўз ишида кўп сўзининг функционал-семантик синонимлари ҳақида тўхталиб ўтади. Муаллиф абстракт миқдор ифодаловчи бу сўзнинг функционал-семантик синонимларига конкрет мисоллар беради ва улар миқдорининг кўпчилигини маънодаги абстракт умумийлик билан изоҳлайди, лекин уларнинг конкрет умумийликлар билан мотивлашувини таҳлил этган эмас.⁴

Қуйида абстракт умумийлик билдирувчи кўп сўзи маъносининг конкрет умумийликлар-функционал-семантик синонимлар орқали ифодаланишини изоҳлаймиз в имкон борича ушбу маънонинг мотивлашувини ҳам ёритишга ҳаракат қиламиз.

Функционал-семантик синонимларда абстракт умумийликнинг конкретлашуви ҳам нисбийдир.

² ʻʻСЭ.7-том,

³ Фаробий. Рисолалар... 101-102-бетлар

⁴ Шамсиддинов Ҳ. ʻʻЎзбек тилида сўзнинг функционал-семантик синонимлари. Докторлик диссертацияси. Т., 1999. 218-2212-бетлар.

Умумийлик бор жойда конкретлик ҳам нисбийдир. Демак, нисбий конкретлашув қуйидаги бирликлар орқали юз беради:

1. Аниқ сонлар юз, минг бир орқали амалга ошади *Босиб ўтган йўлини, қилаётган ишини юз бор, минг бор чамалаб, ўлчаб фаолият кўрсатди* (Меҳнат, 96, 9 январь.) *Қотиб қолдим. Айтганларимга минг пушаймон едим* (Р.Файзий. Ҳазрати инсон, 221-бет) *Фазлиддин ака Неъматов... Бу номни гиждувонлар минг бир самимият билан тилга олишади* (Меҳнат, 93, 5 февраль). Бу мисолларда келтирилган юз, минг, минг бир миқдор сонлари ўзининг конкретлик хусусиятини йўқотиб, мавҳумлик касб этган. Чунки иш билан машғул бўлган киши ўлчаш, чамалаш ҳаракатини санаб ўтирмайди, пушаймонлик ва самимият сўзлари ҳам абстракт от ҳисобланиб, уларнинг миқдорини ифодалаш, санаш инсон фаолияти доирасидан ташқарида. Шунинг учун ҳам нутқда ишлатилган юз, минг, минг бир сўзлари кўп сўзининг функционал-семантик синонимлари бўлиб қолган. Бу ҳолни классик шоирларимиз ижодида ҳам кузатиш мумкин; *Юз нозу ишва бирлан ошиқларига қилгн ўшал ширин мақоминг бир йўл куриб қулингман* (Мискин газали билан айтилган қушиқдан) Бу қулланишларда узига хос муболага бор.

2. Аниқ соннинг такрори ҳам муболагали ифода бўлиб, унинг маъноси ҳам мавҳум миқдор ифодаловчи кўп сўзи маъносига тенг келиб қолади; *Ароқ лаъати, ичганингда кўзингга офтоб қилиб юборади-ю, эртаси... одам бўлганингга минг-минг пушаймонлар едиради* (Ў.Усмонов. Гирдоб 102-бет). Ушбу матнларда минг сўзининг такрори конкрет умумийликни мавҳум умумийликка даҳддор қилиб кўяди.

3. Кўп сўзининг такрори ҳам, ундан юзага келган биркма ҳам нарса-ҳодисанинг абстракт миқдорини даражалашага хизмат қилади; *Акбарали афанди мингбоши додхо ҳазратларига кўп-кўп саломдан сўнгра андог маълум ва равшан булгайким...* (Чўлпон. Кеча ва кундуз). *Ҳой, менга қара, -деди икки қадам ташлаган қизни тухтатиб ота, -хатингда меңдан кўцдан кўп салои айттин, маъкулми?* (Р.Файзий. Ҳазрати инсон, 39-бет). *гофир, мажлисга кирасан-а, бир кўп масалалар бор* (Муштум, 95, 5-сон).

4. Олмошлар, улар иштирокида тузилган жуфт сўзлар, қўшма сўзлар ва бирикмалар ҳам кўп сўзининг

функционал-семантик синонимлари сифатида қўлланади. Улар бу маънони сўроқ олмошларидаги миқдорга қилинган ишорадан олади; *Мана шу уч йиллик бирга кечган ҳаётда Озода унинг кузларига неча бор термулган* (С.Аҳмад, Алла). *Арзимас ишни кукка кутариб мақтаб, ...бирор илмий даража олиш илинжида илмий кенгашларни қайта ва қайта безовта қилаётганларнинг қанчасини кўрдик* (Ўзбекистон овози, 93). *Рухиятнинг моддият устидан ҳукмронлиги масаласида ҳам қарашларимиз анча-мунча чалкаш* (Қалб сўзи, 95, 1-сон). *Бу фикр мияси, қалби, вужудига худди сирачдек ёпишиб, фиғонини фалакка чиқаргундек уни не-не азобларга солмайди* (Ҳ.Усмонов; Гирдоб, 128-бет). *У кўзгудан қўлимиз-ла ёзилган неча-неча отлар ўтди, тутишганлар, ётлар ўтди* (Шарқ юлдузи. 2001, 1-сон). *Шу билан бирга бу кулгу тагида олам-олам маъно ётарди, қанчадан-қанча иш битиб кетарди* (Р.Файзий. Ҳазрати инсон). *Баракалла, неча хирмон эси бор бу боланинг, фақат йигиб аталурган деҳқон керак, деҳқон!...* (Чўлпон. Ёрқиной). *Бунга бир неча йилларни қурбон қилишимиз лозим* (Маърифат, 91, 19 сентябрь).

5. Такрорий сўзлар орқали ифодаланган функционал-семантик синонимларнинг алоҳида гуруҳлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг кўплик белгисини ифодалашини шу сўзларнинг семантикасида мавжудбир қанча семаларга асосланади;

а) идиш семасига; *Қизи Зарофат 7 фарзанд кўрди. Ҳаммаси ҳам уйли-жойли. Этак-этак фарзанд кўришган* (Туркистон, 93, 25 ноябрь)

б) сигимнинг катталиги ва узунлиги семасига; *Дарё-дарё қон оқизиб, ярим дунёни забт этган Чингизхон ула пайтлари шу ҳақда уйлаганмикан?* (Ч.Айтматов, М.Шохонов. Чўққида қолган овчининг оху зори).

в) кўламдорлик семасига; *Биз эркаклар баъзан хотинларимиз учун тоғ-тоғ олтинлардан кўра, уларнинг қалбини титратадиган кичкинагина юрак ҳадаysi афзал эканини сезмайсиз* (С.Аҳмад. Кўклам чечаклари). *Куча-кўйдан бирорта отлиқ ё арава ўтгундай бўлса, дунё-дуй чанг кўтарилади* (Чўлпон. Кеча ва кундуз). *Унинг кўзи бу кенгликларга ҳасрат билан боқар, кўнгли эса олам-олам ҳасрат ва аламда ўртанарди* (С.Аҳмад. Ҳукм).

г) сўз такроридан юзага келган зичлик семасига; *Филм кўрсатилаётган эди, одам демаганингиз мияде-минди* (Ш.Тошматов. Тонгдаги қўланка).

6. Феълнинг аналитик шакллари билан тузилган функционал-семантик синонимларда кўплик маъноси етакчи феъл орқали таъминланади; *Қаерданам унга; "Э, кўйинг, бошимни оғритманг, сизсиз ҳам дардим ошиб-тошиб ётибди", дедим-а?! (Ў.Усмонов. Гирдоб). ...Аксарият фильмларда ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган манзаралар, лавҳалар, воеалар ачиб ётибди* (Туркистон, 93, 24 август). Кейинги гапдаги ачиб ётибди бирлигида кўплик маъноси истеъмодан ортиқ даражаси натижасида маъсулотнинг ачиб қолиши орқали изоҳланади.

7. Зиддиятга асосланган қёс орқали юзага келган функционал-семантик синонимларда кўплик маъноси зиддиятланган нарсалар орасидаги масофанинг катталигига асосланади; *Жасорат билан таваккалнинг, ваҳолангки, осмон билан ерча фарқи бор, уртоқ Қўшмоқов!- тўнгилади Муҳиддин Жабборович.* (Ў.Усмонов. Гирдоб).

8. Гап моделидаги функционал-семантик синонимларда кўплик маъноси эга компонентдан англашилган миқдор маъносидан а кесим компонентидаги инкор орқали юзага келтирилади; *Темир-бетондан ишлаган ойнаванд, тўрт қаватли бино эшигидан кираётган адамларнинг сон-саногии йўқ эди* (Ў.Усмонов. Гирдоб).

9. Бир сўзининг синтактик алоқаси орқали ифодаланган функционал-семантик синоним-узундан узунда ҳаракатнинг давомийлиги сарфланган вақт нисбати билан белгиланади; *Ойимлар дастурхон устида нуқул сизни гапириб ўтирадилар. Узундан узун дуо қиладилар* (Р.Файзий. Ҳазрати инсон).

10. Олам, дунё, жаҳон сўзларининг ҳисоби сўзи нумератив сифатида олиниши ушбу сўзларнинг катта кўламлик семаси асосида кўп сўзи билан синонимик муносабатини юзага чиқаради Бир пасда бир жаҳон гапни гапириб ташлади. (Ойдин. Уялди шекилли, ерга қаради).

Кўриб ўтилганлар қўйидагича хулоса қилиш имконини беради. Кўп сўзи асосан шахс, нарса-ҳодисаларнинг миқдорий ортиқлигини мавҳум ҳолда ифодалайди. Айрим ҳолларда бу сўз ҳаракатнинг такрорланишидаги миқдорни ифодалашга ҳам жалб қилинади. Унинг функционал-семантик синонимлари эса мавҳум умийлик тушунчасини нутқ momentiда шахс, нарса-ҳодисага хослаб, муайян даражада аниқлаштириб беради. Аммо бу конкретлик ҳам нисбий тарзда, чунки

функционал-семантик синонимлар сифатида қўлланган бирикмаларда ҳам кўплик тушунчаси тўла даражада аниқлик касб этмайди. Бундай қўлланишда аниқ миқдор ифодаловчи сонлар ҳам айни мавҳумликни ифодалашга йўналтирилган бўлади. Бу жараёнга сўроқ, кўрсатиш ва гумон оломшларининг жалб қилиниши мавҳум миқдор маъносини улардаги миқдорга қилинган ишорадан олади. Бундан ташқари, турли кўринишдаги лексик воситалар орқали ифодаланган маънолар таркибидаги айрим семалар миқдорнинг даражаланишини таъминлайди, шу баробарида нутқнинг кўп сўзи ўрнида қўлланувчи ифодавий бирикмаларнинг миқдоран ортишига имкон беради.

Аспирант – Гулбаҳор Сулаймонова. ЎЗМУ

Ўзбек тилидаги олтин сўзининг полифункционаллиги.

Ўзбек тилидаги кўпгина сўзлар полифункционаллик хусусиятига эгадир. Бунда сўзлар нутқ эҳтиёжи туфайли маълум шароитларда бир туркум доирасидан бошқа туркумга ўта олади. Масалан, *қора, қизил, катта* сўзлари лугавий хусусиятларига, семантик-грамматик белгиларига кўра аслида сифат туркумига мансубдир, ammo *кўзнинг қораси, юзнинг қизили, уйнинг каттаси* каби аниқ бирикмалар таркибида келганда. *қораси, қизили, каттаси* сўзлари от туркумига ўтиб, муваққат отлашган сўзлардан ҳисобланади. Энди бу сўзлар отларга бериладиган сўроқларга жавоб бўлиб келади, отлар сингари эгалик, келишик ва кўплик аффиксларини қабул қилиб, турланиш учун асос вазифасини бажаради.

От туркумига мансуб бўлган *олтин, пўлат, темир, анор* сўзлари *олтин соат, пўлат ирода, темир қошиқ, анор юз* бирикмаларида шаклан ўзгармасдан сифатга хос грамматик вазифаларни бажариб, аниқловчи вазифасида келган ва белги маъносини англатиб, сифат туркумига ўтиб қолган сифатларга бериладиган сўроқларга жавоб бўлиб келиб, предмет тушунчасини ифодалаш хусусиятини йўқотади. Бундай сўзларнинг шаклан ўзгаришсиз бир сўз туркумдан бошқа сўз туркумига ўтиши табиий ҳодиса

Аммо бундай утиш позицион характерда бўлиб, аниқ бирикма таркибида вақтинча тусда булади, барқарор тус олмайди, яъни отларнинг сифат туркумига, сифатнинг от туркумига шаклан узгаришсиз утиши фақат маълум шарт-шароит асосида муайян бирикма таркибидагина содир бўлади. Масалан, олтин сузи ўзбек тилида от туркумига мансуб : *Бунчалик дабдаба, албатта хазинадаги олтинлар хучи билан бўлгандир. деб баъзиларнинг кунглига келар. (А.Кодирий).*

Ярим корон\и хона ҳам ёришиб кетди : тошларнинг тагида қуйма олтинлар ятиллади (О. Ёкубов).

Олтин сўзи тўғридан-тўғри сифат вазифасида ҳам келаверади: *Олтин пиёлада боллар ичилар, Суз сузласа дурри гавҳар сочилар ("Ёдгор" дostonидан).* Ушбу гапда олтин сузи аввалги гаплардаги ўхшаш нарсани эмас, нарса – буюмнинг материални англатган. Бунда *олтин* сўзи айнан маъноси билан сифатга кўчган . Отнинг сифат вазифасини бажаришга ўтиши худди шу ҳолда юзага чиқади.

Демак, "*Олтин*" сўзини морфологик жиҳатдан узгармас сўз, деб баҳолаб бўлмас экан. Масалан, қуйидаги гапларда "олтин" сўзининг қўлланишига эътибор берайлик

1. Олтин – нодир металл.
2. Олтин узук стол устида турибди.
3. Биз олтинни қадрлаймиз.
4. Бу металл – олтин.

Юқоридаги 4 гапда "*олтин*" тўрт синтактик вазифада (эга, аниқловчи, тўлдирувчи, кесим), ҳар бир нутқий ҳолатда бир вазифани бажарган. Олтин сўзининг синтактик вазифалари маълум бир гап бўлаклари билан чегараланмайди, балки унинг синтактик қобилияти маълум бир гап бўлаги бўлиш билан ҳам чекланмайди, гапда ҳолдан бошқасидан бўлак сифатида кела олиш орқали белгиланади.

Ўзбек тилида шундай ҳол ҳам борки, отнинг маъносида узгариш содир бўлгани ҳолда, сифат вазифасини бажаради. Бу тилшунослиқда *эпитет* деб аталади. Эпитет грекча сўз бўлиб, нарса, воқеа –ҳодиса ва шу кабиларнинг сифат – фазилатларини яққол . жонли тасвирлаш ёки таъсирли қилиб кўрсатиш учун уларнинг номига қўшиб ишлатиладиган сифатловчи сўздир.

қулланилади. А.И. Молотков ва А.И. Федоровларнинг «Рус тилининг фразеологик лугати» ни кузатганда бундай аралашма фразеологик бирликларда юзлаб топилиши мумкин. Масалан: Алмазная свадьба (келин-куёв никоҳ тўйининг 75 йиллик байрамини нишонлаш). Ушбу АФБнинг асосий компонентидан бири туркий тиллар орқали рус тилига утган олмос сўздан русча аффикслар ясалган ва айрим фонетик ўзгаришлар туфайли Алмазная свадьба шакли билан рус тилининг бошқа лугатларига ҳам кирган. Ўзбек тилида Олтин тўй деган ибора ҳам ишлатилади.

Русча – ўзбекча АФБлар таркибида туркий (ўзбекча) сўزلардан қўшимча олтин (алтун), Оллоҳ (Аллах), Муҳаммад (Мухаммад), бош (голова) ва бошқа лексик бирликларнинг турли вазиятларида ишлатилаётганлиги, лугат ва китобларда ўз ифодасини топаётганлиги бундай тузилмаларнинг нақадар ҳаётий эканлигидан дарак беради. Агар уларнинг дериватлари, яъни сўз ясовчи компонентлар ёрдамида тузилган янги лексик бирликлар ва тузилмаларини назарда тутсак, бу рақамлар бир неча бор кўпайиши турган гап.

Юқорида мисол тариқасида келтирилган сўзлар ёрдамида тузилган АФБ-лардан Аллах (его) знает, муқобиллари – Аллах ведает, Одному Аллаху известно иборалари ўзбек тилида Оллоҳ (уни) билади, Оллоҳ огоҳ, Бир Оллоҳга аён шаклларида учраб, инсонга маълум бўлмаган, инсон тафаккури етмайдиган ҳолатни билдиради. Бу ибораларнинг синонимлари сифатида «ҳеч ким билмайди», «Фақат ҳудо билади ибораларини курсатиш мумкин.

Камбагал кишининг ночорлиги одатда рус тилида «Ни гроша за душой» (Молотков – 191) фразеологик бирлиги билан ифодаланади. Лекин ўша лугатнинг ўзида ушбу ибора АФБ шаклида Ни алтуна за душой ибораси билан ишлатилган. Олтин сўзи туркий тилларда қимматбаҳо металл ёки нарҳи баланд бўлган пул ва бошқа предметларни билдирса-да, рус тилида эса олтин сўзи уч мис чақасига (тангасига) тенг бўлган пул бирлигини билдиради. Бу ерда олтин сўзи билан ишлатилган ибора узининг асл маъносини ўзгартириб, камбагал, қашшоқ кимсани курсатишда қулланиляпти. Ёки бу сўз ёрдамида бошқа АФБни «Не было ни гроша, а вдруг алтун» иборасини таҳлил қилганимизда, ушбу ҳолатда олтин сўзи

бутунлай бошқача маъно, яъни бойлик маъносини англатяпти. ўзбек тилида «ҳеч бошқаси (ҳеч нимаси) йўқ эди-ю, бирдан олтин (яъни хазина, бойлик) насиб этди» деган тушунча бериляпти.

Рус тилида бoш (голова) сўзи ёрдамида ҳам қатор АФБлар яратилганки, уларнинг ҳаммасини мақоламизда акс эттиришнинг имкони йўқ. Лекин шундай иборалардан айримларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Баш на баш (Молотков – 33) аслида голова на голову бўлар эди. Бироқ бу ерда ушбу ибора миқдори, қиймати тенг бўлган нарсаларнинг (устига ҳеч нима тўланмайдиган) алмаштирув кўзда тутилган. Худди шу сўз билан ясалган «Дубовая башка» ибораси эса гирт саводсиз, аҳмоқ кишини англатади. Рус ва туркий тилларда, жумладан рус ва ўзбек тилларида учрайдиган аралашма фразеологик бирликларини миллий аудиторияларда ўқитишда, уларнинг маъносини англатишда бир қанча муаммолар мавжудки, уларни ечишда фақат ўқитувчининг маҳорати қўл келади. Шулардан энг асосийси, назаримизда, сузларнинг этимологиясини ва асл маъносини талабаларга етказиш керак. Иккинчидан, АФБлар яратилиш жараёнида юз берилаётган турли фонетик, морфологик ва семантик ўзгаришларни ҳам ўқувчи онгига сингдириш лозим. Ва ниҳоят, аралашма фразеологик бирликларни ўқитишда, уларни чуқурроқ ҳис этишда ҳар бир тилнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдураҳимов ўзбекча – русча афоризмлар луғати. Тошкент – 1976.
2. Виноградов В.В. Русский язык. М. – 1972
3. Наумов А. Узбекские народные пословицы и поговорки. Ташкент – 1985
4. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Тошкент – 1978
5. Райзенгон Л.И., Малиновский Е.А., Хаютин А.Д. Очерки становления фразеологии как лингвистической дисциплины. Самарканд – 1975
6. Молотков А.И. Фёдоров А.И. Фразеологический словарь русского языка М. – 1965

Халқ топишмоқларида эганинг қўлланишига доир

Ҳар бир халқнинг уз қарашларини, орзу-армонларини, донишмандлигини кўрсатувчи маданий мероси мавжуд. Ўзбек халқи ҳам ўзининг неча йиллик тарихига эга. Маънавий-маданий меросимизнинг асосий қисмини халқ оғзаки ижоди асарлари ташкил этади. Ўзбек халқининг неча йиллик турмуш тарзини ўзида акс эттирган, тилдан тилга, авлоддан авлодга ўтиб келаётган халқ оғзаки ижоди турли жанрларга бой бўлиб, унда яратилган асарлар ранг-барангдир.

Куп асрлик халқ донишмандлигининг дурдоналари— топишмоқлар инсон идроки, кузатувчанлиги, поэтик тасаввур қобилиятини ўстирувчи ақлнинг қувноқ ўйини, маънавий дам олиш воситасигина бўлиб қолмай, ажодларимизнинг руҳий олами, тарихий ўтмишини билишда қалит вазифасини утайди. Улар тарихий маданиятнинг бебаҳо ҳужжатларидир.

Халқ оғзаки ижоди асарлари қадимги тил ҳодисалари, лексик-грамматик воситаларни сақлаб келаётган нодир манбадир. Топишмоқлар эса тилимизнинг ҳақиқий кўзгуси бўлиб, унда ўзбек тилининг лексик, грамматик, семантик жиҳатлари ўз ифодасини топган. Халқ оғзаки ижоди асарларининг, жумладан, топишмоқларнинг тил хусусиятлари бошқа тилларда етарлича ўрганилган бўлса-да, лекин ўзбек тилшунослигида етарли даражада ўрганилмаган. Айрим ўзбек тилшунослари бу ҳақда қисман ўз фикрларини баён этишган.

Халқ топишмоқларининг тил хусусиятларини дастлаб тилшунос олим Ҳ.Абдураҳмонов мақоллар билан ўрганади.²⁷ Тадқиқотчи Т.Ақромов топишмоқларнинг айрим синтактик хусусиятлари ҳақида фикр юритиб, топишмоқнинг савол қисми билан жавоб қисми бир-бири билан семантик ва синтактик жиҳатдан алоқадор эканлигини ёритади.²⁸ Лексик-семантик хусусиятлари

²⁷ Ҳ.Абдураҳмонов. «Содда гап синтаксиси хусусиятларини ўрганишга доир». —Т.: «Ўқитувчи», 1976.

²⁸ Т.Ақромов. «Топишмоқларнинг баъзи синтактик хусусиятлари». Ўзбек тилининг лексик-грамматик хусусиятлари. Илмий мақолалар тўплами. —Т.: 1981.

борасида Ж.Абдуллаев ҳам қарашларини баён этган.²⁹ Топишмоқлардаги номинативлик ҳолатини ёш филолог С.Муминов ўз тадқиқотларида очиб беради.³⁰

Лекин биз кузатишлар олиб бориб, топишмоқларда бош бўлақларнинг қўлланиши, айниқса, эганинг қўлланишига доир баъзи ҳолатларни аниқладик: эга топишмоқнинг ичида иштирок этиши, топиладиган предмет эга вазифасини бажариши, топиладиган предмет топишмоқ учун қаратқич аниқловчи бўлиши, кўмакчиларнинг кўпинча эга вазифасида келиш ҳолатлари кабилар.

Халқ топишмоқларида эгаси мавжуд гаплар асосий ўринни эгаллайди. Бунда эга вазифасидаги сўз от сўз туркумидан, шунингдек, бошқа сўз туркумларидан, кўмакчилардан, тақлид сўзлардан бўлиши мумкин.

Олис ердан чанг чиқар. (Кўпқари)

Тоғда таёқ серкиллар. (Соч ўрими)

Қозиқ устида қор турмас. (Тухум)

Эга ўзига тобе сўз билан бирга бирикмали ҳолатда ҳам қўлланиши мумкин. Бундай ҳолатларни халқ топишмоқларида кўплаб учратиш мумкин. Эга вазифасида келаётган от ўзидан олдинги сифат, равиш, сон-миқдор билдирувчи сўз билан бирга бирикмани юзага келтириб, биргаликда эга вазифасини бажаради.

Сифат + от шакли:

Саман отим сой ёқалаб келади. (Сел)

Қора қумғон кўзини юмғон. (Мушук)

Равиш + от шакли:

Қоронғу уйда кўп полвон олишади. (Чўп савағич)

Сон + от шакли:

Икки оғайни бир-бирини кўрмайди. (Кўз)

Бир қозондан қирқ туя сув ичар. (Чучвара)

Булардан ташқари, кўмакчи ўзидан олдинги от билан биргаликда бирикмани ҳосил қилиб, эга бўлиб келади:

²⁹ Ж.Абдуллаев. «Топишмоқларнинг лексик-семантик хусусиятлари». -Т.: 1994.

³⁰ С.Муминов. «Ўзбек топишмоқларининг номинатив аспекти». -Т., «Фан», 1990.

Игна учи ялтироқ. (Шудринг)

Қамиш таги қалтирар. (Балиқ)

Халқ топишмоқларининг баъзи турларида эга қўлланмайди. Бу ҳақда тишунос олим А.Гуломов шундай дейди: «... Баъзи топишмоқларда эга қўлланмайди. Эга билан ифодаланиши керак бўлган предметнинг белгиларини билдирадиган сўзлар гапни ҳосил қилади, эганинг ўрни эса очиқ қолади, тингловчи ўшани топади».³¹

Яширин эга- топиладиган предметни кесим орқали билиш мумкин. Бу жиҳатдан бундай топишмоқларни шахси аниқ гапларнинг эгаси умуман қўлланмайдиган кўринишига киритиш мумкин. Уларда грамматик шахс аниқ бўлса ҳам, маълум сабабларга кура эга қўлланмайди. Улар ҳамма вақт бир составли бўлиб, эгасиз қўлланади. Бу ҳолат топишмоқларнинг баъзи турларида учрайди. Бундай бўлишига сабаб, топишмоқдаги шахс мазмун жиҳатдан умумлашган бўлади. Шунга кура, бундай гаплар эгасиз қўлланади:

Белин боглаб уй уртасида ўйнар. (Супурги)

Кундузи иззатда,

Кечаси хизматда. (Кўрпа-ёстиқ)

Агар топишмоқларда эга қўлланмаса, у топишмоқнинг жавобида мавжуд бўлади, яъни топиладиган предмет эга вазифасини бажаради:

Бир нафасда оламни кезар. (Фикр)

Урмасдан йиглатар. (Пиёз)

Қўлсиз, оёқсиз эшик очар. (Шамол)

Бу соҳадаги изланишлар жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, топишмоқда эга қатнашадими, йўқми, бундан қатъи назар, топиладиган предмет, асосан, от сўз туркумига мансуб бўлади.

Юқоридагилардан ташқари, шуни таъкидлаш лозимки, топишмоқларда топиладиган предмет мавжуд эганинг қаратқичи бўлиб келади. Бу ҳолат сода гапларга нисбатан қўшма гапларда кўпроқ учрайди:

Ўзи катта

1. А. Гуломов, М. Асқарова. «Ҳозирги узбек адабий тили». Синтаксис. -Т.: «Уқитувчи», 1987, 82-83-бетлар.

Думи калта. (Туя)

Боши тароқ

Думи уроқ. (Хўроз)

Мисоллардан кўриниб турибдики, топиладиган предмет, яъни «туя» ва «хўроз» сўзлари ҳар икки топишмоқдаги мавжуд эганинг қаратқичи бўлиб келяпти. Яъни:

Туянинг ўзи катта

Туянинг думи калта.

Ёки:

Хўрознинг боши тароқ,

Хўрознинг думи уроқ.

Мавжуд эга III шахс эгалик аффиксини қабул қилиб, топиладиган предмет билан қаратқич-қаралмиш муносабатини ҳосил қилмоқда.

Кўмакчи от билан биргаликда қўлланганда, улар орасида қаратқич-қаралмиш муносабати мавжуд бўлади. Бунда қаратқич келишиги белгисиз ҳолда қўлланади:

Тушак ости тўрт бугирсоқ. (Сигир елини)

Лекин бу типдаги топишмоқлар жуда кам учрайди.

Топишмоқлардаги, айниқса, қўшма гап шаклида тузилган топишмоқлардаги яна бир хусусият - от-кўмакчиларнинг эга вазифасида кўпроқ қўлланишидир:

Ости сариқ, усти сариқ,

Ширин, тотли, ичи тариқ. (Анжир)

У ёғи арра,

Бу ёғи арра,

Ўртасида гушти барра. (Тиш, тил)

Бу ҳолат содда гапларда ҳам учраб туради:

Тоғу тошларда тоштовоқ

Ичи тўла гушти ёғ. (Тошбақа)

Кичкина декча,

Ичи тўла михча. (Анор)

Ушбу топишмоқларда кумакчи от эга вазифасида келиб, топиладиган предмет шу эганинг қаратқичи булиб келмоқда. Яъни:

Тоғу тошларда тоштовоқ

Тошбақанинг ичи тўла гўшти ёғ.

Ёки:

Кичкина декча,

Анорнинг ичи тўла михча.

Уқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, халқ оғзаки ижоди асарларини, жумладан, топишмоқларни турли соҳалар буйича ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек халқ топишмоқларининг синтактик хусусиятлари жуда ўзига хосдир. Яъни, адабий тилда қўлланмайдиган бирликлар, бирикмалар ва гап шакллари халқ топишмоқларида кўпроқ учрайди. Айниқса, бош булакларнинг қўлланишига хос хусусиятлар топишмоқ жанрига мансуб эканлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Топишмоқларнинг синтактик хусусиятларини ўрганишга доир изланишлар олиб бориш тилшунос олимлар олдидаги долзарб муаммолардан бири деб ҳисоблаймиз.

МУНДАРИЖА:

Проф. Ҳамид Неъматов. Гулноз БухДУ. Она тилининг онгли вербал, когнитив-прагматик таълимида масъулияти	Неъматова индуктив- ўқитувчи	
Проф. Равшанхўжа Расулов, ТДПУ тараққиёт мезони.	Тил -	3
Проф. Равшанхўжа Расулов ТДПУ. Ижро ҳолати феълларининг маъно тузилиши.		8
Проф. Миразиз Миртожиев. ЎЗМУ семантикаси валентлиги	уз шакли	13
Проф. Ҳамидулла Дадабоев. ЎЗМУ манбалар тилидаги жуфт сўзларнинг семантик хусусияти	Кўхна структур-	15
Проф. Муҳаббат Қурбонова, ЎЗМУ лисоний қурилиши	Гап ва унинг	21
Проф. Абдумажид Пулатов, Саодат ЎЗМУ Компьютер тилшунослигида матнни таҳрир қилиш учун яратиладиган дастурнинг лисоний асослари	Мухамедова автомтик баъзи	27
Проф. Саидаҳбор Булатов ТДПУ терминлари ҳақида	Рангшунослик	32
Проф. Ёрмат Тожиев, ЎЗМУ ясалиши доир кузатишлар	Ўзбек тилида феъл	36
Проф. Абдулҳамид Нурмонов. Андижон сатҳлари ва тилшунослик	ДУ. Тил мундарижасида	41
Проф. Шохида Шаҳобиддинова. Андижон «Бобурнома» нутқида нисбат категорияси	ДТПИ	44
Проф. Боқижон Тухлиев ТДПУ нави я т.	Тил ва маъ	50
Проф. Бекмурод Йўлдошев, СамДУ тилшунослик фани тарихини ўрганишнинг масалаларига доир	Ўрта аср долзарб	51
Проф. Ҳасанбой Жамолхонов, ТДПУ тизимининг графемик таркиби	Ўзув	55
Проф. Равшанхўжа Расулов. ТДПУ Музаффар Жўраев Ўзбек тилини сифатида ургатиш усуллари.	Ўқит. Давлат тили	59
Доц. Иброҳим Йўлдошев, ТДПУ терминларини тартибга солишга доир	Китобатчилик	62
Ф.ф.н. Маъруфжон Йўлдошев, ТДПУ		65
		68

12/10

0111157
H

A

